

# ЎШМЖ



Адабий-бадий,  
ижтимоий-сиёсий  
ойбитик

115  
Июл

1982 йилдан чиқа бошлаган

**Муассислар:**

**Ўзбекистон ЛКЕИ  
Марказий  
Қўмитаси ва  
Ўзбекистон  
Ёзувчилар  
уюшмаси**

**Бош муҳаррир:**

**Тоҳир МАЛИК**

**Таҳрир ҳайъати:**

**Эркин АЪЗАМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Хуршид ДАВРОН  
Владимир ЖОНИБЕКОВ  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ  
Ҳамид ИСМОИЛОВ  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —  
масъул котиб  
Олим ОТАХОНОВ  
Азим СУЮН  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ  
Нурали ҚОБУЛ  
Абдурашид ҚОДИРОВ  
Усмон ҚУЧҚОР  
Ғаффор ҲОТАМОВ —  
бош муҳаррир ўринбосари**

Тошкент  
«Камалак» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси

Профессор  
Низомиддин Маҳмудов:

## ОНА ТИЛИМ — ДИЛДАГИ ДАРДИМ МАНИМ

Она тили тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир фуқаро уни амалда қўллаш, бу йўлдаги айрим тўсиқлар, мураккаблик ва чигалликлар ҳақида билишни истайди. Шу маънода бу соҳанинг ички сиру синоатини яхши билган мутаассадди сўзи эътиборга молик. Низомиддин Маҳмудов ана шундай жонкуяр тилшунослардан. Қуйида мунаққид Аҳмад Отабоевнинг у билан қилган суҳбатини ўқийсиз.

**Аҳмад Отабоев:** — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам мана, бир йилдан ошди. Шу муддат ичида амалга оширилган ишлардан қониқиш мумкинми?

**Низомиддин Маҳмудов:** — Бир ёшни тўлдириб, иккинчи ёшга қадам қўйган Давлат тили ҳақидаги қонунимиз, шубҳасиз, тарихий, муқаддас ҳужжат. Бу Қонун ҳам жумҳуриятимизда гоҳ кийинчилик, гоҳ шундад билан кечаётган маънавий-миллий тикланишнинг устивор ютуқларидан биридир. Асл мақсадига кўра бу ҳужжат она тилимиз узвий тарзда раванк топшини таъминлаши жонз. Ва ўтган давр ичида шу эзгу тилак билан анча ишлар қилинди. Хусусан, кўча, майдон ва бошқа жой номларини миллийлаштириш ва Давлат тилида ёзиш барча ҳудудларда бир маромда бўлмасда, ҳарқалай, йўлга қўйилди, соҳа атамаларини давлат тилида тартиблантиришга жиддий ҳаракат қилинаётир, шунингдек, муҳр, тамға ва кўргазмалар ахборот воситалари ўзбекчалаштирилмоқда. Мажлисларни ўзбек тилида олиб бориш ҳам секин-аста йўлга қўйилмоқда. Эски ўзбек ёзувини ўрганиш борасида ҳам муайян силжиш йўқ эмас. Шу билан бирга илмий ишлар (диссертациялар)ни она тилида ёзиш имкони яратилди. Қисқаси, давлат тилининг нуфузи бир қадар тикланаётир. Гарчи шундай бўлса-да, қилинган ишлардан қониқиш ҳосил қилишга ҳали эрта. Қонунни амалга оширишга дастлаб жадал суръат билан киришилган бўлса-да, сўнгги пайтларда сусткашликка йўл қўйилаётир. Бу ҳол тилимизнинг барча жонкуярларини ташвишга солиши табиий.

**А. О.:** — Жумҳуриятимизнинг Давлат тили ҳақидаги қонунини ҳаётга тадбиқ этиш жуда кийинчилик билан кечаётгани ҳақиқатан ҳам ҳеч кимга сир бўлмади қолди. Қонунга мувофиқ иш тутмоқчи бўлган кишилар ҳар қадамда совуқ муомалага дуч келишмоқда. Матбуот, радио, телевидение кўлидан келганича — ўзлари бил-



ганларича бу соҳада жон куйдиришмоқда. Бирок, барибир, Давлат тили ҳақидаги қонуннинг одатдаги давлат қонунларидай салобати йўқлиги кишини ажаблантиради.

**Н. М.:** — Бугун тил ҳақида, унинг таракқиёти ҳақида гап кетаркан, ҳар ким хоҳиши-иродасидан келиб чиқиб, баъзан мавжуд имкониятни ҳисобга олмаган ҳолда фикр билдиради, қарашлар турлича. Ҳар қадамда тил, у ёки бу сўзнинг ўринли-ўринсиз ишлатилаётгани ҳақидаги кизгин мунозаранинг устидан чиқиш мумкин. Вакт-ли матбуот саҳифаларидаги тинимсиз баҳсларнинг асосий мавзуси ҳам кўпроқ ўз ва ўзлашган сўз муаммолари атрофида, буида гоҳ у, гоҳ бу томонга оғишлар, таъбир жонз бўлса, бир қадар «сўллик» аломатлари сезилмоқда.

Шу ўринда америкалик тилшунос Э. Жорден хошимнинг бир гапи эсга тушади: «Америкаликлар бир-бирлари билан учрашганларида кўпроқ об-ҳаво ва сиёсат ҳақида, японлар эса об-ҳаво ва тил ҳақида гаплашадилар». Бу билан Э. Жорден Японияда тил муаммоларига бўлган эътиборнинг нечоғлик оммавий ва жиддийлигини таъкидламоқчи. Аслида ҳам японлар бу борада жуда кўп иш қилишган: телевидение тилини кузатиб боровчи махсус кенгаш мавжуд ва у ҳар ойда ўз тавсияларини бериб туради; янги сўзлар пайдо бўлиши кузатиб борилади ва у сўз қачон юзага келганлиги алоҳида қайд этилади; муайян сўзларнинг барча профектурадаги қўлланниш хусусиятлари тадқиқ этилади; уч юз мутахассисдан иборат атамашунослик комиссияси бор; фақат 1982 йили 6092 атама луғати нашр этилди. Шундан ибрат олган ҳолда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Ахир, буюк Лутфию Навоий, Бобуру Фуркатлар созила сайқал топган дилбар тилимиз узок вақтлар мабайнида расмий йўсинда қўлланиб келинди, холос.

**А. О.:** — Харкалай, конун тилимиз учун устивор имкониятларни очиб берди. Энди гап катъиятда. Бирок конунни амалда тадбир этиш йўлидаги илк ҳаракатлардан дили хуфтон кимсалар ҳам йўқ эмас. Ифволар тўкилаётганига нима дейсиз?

**Н. М.:** — Ўзбек тилини билмайдиган айрим ноҳолис кимсалар бу конун атрофида сунъий равишда турлича гап-сўзлар тарқатишди, баъзиларнинг жумҳурият ҳудудидан чиқиб кетишларини ҳам ҳеч бир далилу асоссиз давлат тили ҳақидаги конунга олиб келиб тақашди. Ҳатто дўкондаги ўзбекча нархномалар уларга ботма-япти. Магазин пештахтасидаги неъмат нархномасидаги «бодринг» сўзини русча «огурец» деб таржима қилиб олишга бели оғрийдиганлар давлат тили ҳақидаги конундан «олабўжи» ясашга, бу билан қаттаю кичикни чўчитишга уринмоқдалар. Айнан шу масалада марказий матбуот, айрим фан ва маданият арбобларида, афсуски, холислик етишмаётир. Яқинда эълон қилинган ва кескин мунозараларга сабаб бўлган Иттифоқ шартномаси лойиҳасида ҳам рус тилини Иттифоқнинг давлат тили деб эълон қилиш ғояси очик айтилди. Қундай равшанки, бу жумҳуриятлардаги давлат тили ҳақидаги конунларга соя ташлайди. Биз эса она тилимизга давлат тили мақоми бериш ҳақидаги конуннинг моддаларини изчил амалга ошириш, гўзал тилимизнинг хар тарафлама ривож ва такомил топиб бориши учун масъулмиз.

**А. О.:** — Тил мутлақо соф, чет сўзлардан холи бўлиши мумкинми? Шу маънода конун қабул қилингандан кейинги даврда тилимизда содир бўлган сўз алмаши-ниши жараёнига қандай қарайсиз?

**Н. М.:** — Давлат тили ҳақидаги конунни амалга оши-риш бағоят қўламли ва сертармоқ иш. Лекин ҳозирча бу борадаги хатти-ҳаракатлар, асосан, муайян русча ёки байналмилал сўзни ўзбекча ҳамда арабча, форсча сўз билан алмаштириш атрофида ўраллашиб қолаётгандай туюляпти. Баъзан шундай ҳам бўлмоқдаки, биладиган ҳам, билмайдиган ҳам асосли-асоссиз равишда бу маса-лага аралашаётир, ҳатто матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларидаги сўз қўллашда ҳам гоҳо шундай ҳоллар кўзга ташланмоқда.

Ер юзида мутлақо соф бирорта тил йўқ, биридан, албатта, бошқасига сўз ўтади. Араб тилида ҳам шарқ ва ғарб тилларидан ўтган жуда кўп сўзлар мавжуд, аммо бу сўзлар араб тилининг товуш тизимига мослаштирил-ган, яъни том маънода ўзлаштирилган (она тилимиздаги «ўзлашма» сўзлар эса ана шу сифатга эга эмас, яъни улар аслида қандай талаффуз қилинса, тилимизга шун-дай ҳолича кириб келган). Масалан, ҳатто атоқли от «Цезарь» (лотинча «Сезар» ёзилади) арабларда «Қай-сар» тарзида ўзлаштирилган. Албатта, тилинг софлиги учун интилиш ҳамиша бўлган, лекин истеъмолдаги чет сўзларнинг барчасини — битта ҳам қўймай «кувиб чиқа-ришга» уринишни ҳам муайян мантиққа эга ҳаракат деб бўлмайди. Масалан, японларда «туризм», яъни чет сўз-ларнинг кириб келишига қаршилик қилиш, тилинг соф-лиги учун кураш бениҳоя кучли. Шунга қарамадан, ҳозирги япон тилида анча-мунча ўзлашмалар мавжуд, бу ўзлашмалар, албатта, японча талаффузга тўлиқ бўй-сундилрилган: «система» — «сисутэму», «программа» — «програму», «акцент» — «акусэнтю», «пульс» — «пурсу» (япон тилида «л» товуши йўқ), «идеология» — «идэ-ороги», «динамик» — «дайнамикку» ва ҳоказо.

Қўшнинг товуғи хўроз бўлиб кўринади, дейди хал-қимиз. Айрим эълилар Туркияда атамалар соф туркча-лаштирилган, улардан ўрганиш керак, дейишади. Тўғри, ўрганиш керак, бу фақат фойда келтиради. Аммо турк тили ҳам барча чет сўзлардан тамомил тозаланган эмас, уларда ғарбча ўзлашмалар жуда кўп, фақат улар

ҳам тил талаффузига мослаштирилган. Масалан: «сис-тема» — «систем» (мисол: тилинг грамматик система-си — «дилинг грамер системи»), «программа» — «прог-рам», «акцент» — «аксан», «динамика» — «динамик», «план» — «план» ва ҳоказо. Албатта, бу сўзлар бизда ҳам шундай олиними шарт, демоқчи эмасман. Хар жиҳатдан мувофиқ келадиган, соф ўзбекча муқобили топилса, табиийки, уни истеъмолга киритиш жоиз. Лекин ўринли-ўринсиз таржимага уриниш дуруст эмас. «Еш ленинчи» рўзномасида (1990 йил, 28 декабрь) америкалик ўзбекшунос олим Вилиям Диркснинг (хо-зир у Тошкентда хизмат қиляпти) «Ўзбек тили дарсли-гини ёзипман» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Олим жонли ўзбек тили, унинг мезонлари, жумҳурияти-миздаги ҳозирги ижтимоий вазият ҳақида қўниб гапи-ради. У ёзади: «Албатта, даврга хос сўзлар бўлади, уларнинг таржимаси ҳам йўқ. Масалан, «видео». Унинг инглиз тилида ҳам таржимаси йўқ. Уни таржима қилиш-га уриниш ҳам керак эмас, чунки ҳамма уни «видео» дейди. «Видео» сўзи эса лотинча бўлиб, «кўрмоқ» сўзи-дан олинган».

Айрим кишилар, ҳатто сўз билан ишлайдиган ижод-корлар ҳам муайян сўзнинг моҳиятини билмагани ҳолда уни истеъмолдан чиқариб юбориш ҳақида гапирмоқда-лар. Масалан, бир ёзувчи «товар» сўзи ўзбек тилига ёт, уни ишлатмаслик керак, деган даъвои айтди. Ахир, «товар» соф туркий сўз-ку! У рус тилига туркий тиллар-дан ўтган, аслида «туғ ар» — «туғар» (туғадиган) — «тувар» — «тўвар» шаклида пайдо бўлган. «Мол» сўзи-нинг маъно тараққиети қандай бўлса, «товар» сўзи-ники ҳам шундай. Фақат бу сўзларнинг бири шарқий туркий тилларга, иккинчиси эса ғарбий туркий тилларга хосдир. «Товар» сўзининг ўзбек тилида конуний ўрни бор. У ёки бу сўз ҳақида гапиришдан олдин бу сўзнинг моҳияти, маъноси, тарихи ва табиатини чуқур идрок этмоқ лозим. Аксинча ҳаракат нафақат нотўғри, балки зарарли ҳамдир.

**А. О.:** — Балки тилимиздаги «Ўтиш даври» конуний ҳолдир. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку! Қачондир бу тартибсиз сўз қўллашлар ниҳоясига етар. Нима бўлган-да ҳам бегона тилдан олинган мустақил сўзнинг ўрнига она тилимиздаги ёки шарқ тилларидан биридаги муста-қил сўзнинг қўлланиши унчалик ғайритабиий туюлмайд-ди. Шу боисми, баъзан уларни синоним сифатида қўл-лаш ҳоллари кўринмоқда. Бирок қўшимчалар орқали сўз ясашлар (айниқса, «гоҳ» қўшимчаси) ғалати туюли-ши аниқ. Билишимча, бундай ҳолат тилимиз табиатига мутлақо ёт. Унинг раванкига, аиниқса, жозибадорлиги-га хизмат қилмайди.

**Н. М.:** — Хар бир тилинг, хусусан, ўзбек тилининг ўзига хос, ҳеч кимнинг бузишга ҳаққи бўлмаган қатъий конун-қондалари бор. Уни бузиш тилга, муқаддас неъматга зўрликдир. Масалан, сўз ясалишини олайлик, «гич» қўшимчаси феълга қўшилади ва нарса-қурол оти-ни ясади: «сузгич», «чизгич», «қиргич» қабилида. Бу қўшимча от туркумидаги сўзга қўшла олмайди. Лекин билибми-билмайми, баъзилар бу қондан бузишади: ма-салан, «томиргич» сўзини олинг («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1990 йил, 16 ноябрь). Пульсографи «то-миргич» деб айтиш, ўзбек тилида бундай сўз ясаш тили-миз табиатига мутлақо зиддир. Ёки бўлмаса, матбуот институтни «олийгоҳ» деб ёза бошлади. Мустақил сўз сифатида тилимизда «гоҳ» йўқ. Бунинг устига тожик-форс тилида ҳам «гоҳ» унсурни фақат от туркумидаги сўзга қўшилади, яъни «дониггоҳ» («дониг» — «би-лим»), «оромгоҳ», «хобгоҳ» сингари. «Олий» сўзи эса сифат, демак, «олийгоҳ» сўзи ўзбек тили қонуниятлари-га ҳам, тожик тили қонуниятларига ҳам зиддир. Шундай

экан, бу уринишлар тилимиз ривожини учун хизмат қилмайди. Кейинги пайтларда «донишгоҳ» (институт маъносидан) айнан таржима қилиниб, «билишгоҳ» тарзида қўллана бошланди. Ҳозирги турк тилида «институт» сўзи «институт» шаклида қўлланади, факультетни эса улар «факулта» деб атайдилар. Бизда «куллиёт» дейила бошланди. Менимча, «куллиёт» сўзи тегишли маънони бермайди, унинг устига «кулли» арабча «хамма, барча» демакдир. Ҳар қалай, бундай ҳолларда муайян бир меъёрни сақлаш лозимга ўхшайди. Еки «адрес» ўрнида «манзилгоҳ» ишлатилмоқда. Аслида, маъқулроғи «манзил»нинг ўзи, чунки «манзил»да ҳам асосий маъно «жой», «гоҳ» ҳам шунини таъкидлайди, шунинг учун бу қисм ортқича.

**А. О.:** — Эндиликда қисқартма отларни ҳам таржима қилишмоқда. Бу табиий ҳол — таржима қилиш керак. Бирок айнан таржималар нимагадир оғзаки нутққа сингишиб кетмаяпти. Биз қандайдир бошқа йўллари қидиришимиз керакга ўхшайди.

**Н. М.:** — Матбуотда гўёки ўзбекча бўлган қисқартмалар қалашиб кетмоқда: Ўзбекистон ССЖ (ЎзССР), ССЖИ (СССР), ОДЖ (ГДР), ОФЖ (ГФР), БЛКЕИ (ВЛКСМ) ва ҳоказо. Ҳар қандай қисқартмаларнинг асосий мақсади нутқий алоқани тежамли ва қулай қилишдан иборат. Лекин тежамкорлик ноқулайликка ва англашилмовчиликка олиб келмаслиги шарт. Ўзбекча деб тақдим этилаётган қисқартмаларнинг барчаси русча қисқартмаларнинг айнан, ҳарфий таржимаси бўлиб, уларнинг айтиш учун қулай ёки ноқулайлиги мутлақо ҳисобга олинмаётир. Шунинг учун бу қисқартмаларни оғзаки нутқда қўллаш қийин ёки мумкин эмас, улар фақат ёзма нутқда — матбуотдагина ишлатилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳозиргача ўзининг сўзлашув нутқидан ўзбекча қисқартмани қўллаган кишини деярли кўрмаганман. Ўзбек тилидаги қисқартмалар рус тилининг инкилобдан кейинги «барақали» таъсири сифатида изоҳланади. Лекин ҳозиргача ўйлаб кўрмадикки, 70 йилдан бери фақат ёзма нутқдагина сунъий равишда яшаб келган, лекин оғзаки нутққа, халқ тилига ўта олмаган бундай қисқартмалар қандай «барақали» таъсир бўла олади? Бунинг сабаби нимада? Аввало шуки, ўзбек тили учун қисқартмалар табиидан ёт. Чунки ўзбек тили ўз хусусияти эътибори билан товланувчан тил, бу тилнинг эстетик ва бадий имкониятлари жуда кенг. Ўзбек тилида исталган тасодифий товуш қўшилмалари, у сўз бўлса ҳам, сўз бўлмаса ҳам, бошқа оҳангдош сўзни эсга туширади. Шунинг учун ҳам тилимизда сўз ўйини қилиш имкони катта, «аскига» деб айтиладиган зариф ва ақли санъат бежиз бино бўлмаган, у тилимизнинг гўзал товланишларини ўзида яққол намойиш этади. Рус тили бу жиҳатдан эркинроқ, қисқартма шаклидаги товуш тизими бошқа сўзни эсга туширмайди. Масалан, ЦУМ деганда русчада бошқа сўз ёдга тушмайди, лекин ҳозир бизда қилинаётганидай «таржима» қилинса, ўзбекчада МУМ бўлади, у мум (сақич)ни эсга солади. Еки ГУМ, ўзбекчада БУМ (Бош универсал магазин) бўлади. Булар айтилган мулоҳазаларга кўра қуллоққа ғалати эшитилади ва бошқа тушунчаларни ёдга туширади.

**А. О.:** — Тилимизда шундай гаплар бор: ҳамма сўзлари ўзбекча, бирок ўқишга, гапиришга қийналасан киши. Чунки гапнинг қурилиши русча тартибда. Бу ҳодисани чуқурроқ ўрганиб, моҳиятини очадиган пайт келди, деб ўйлайман. Ахир, ҳозирги ўзбек тилшунослик фани ўз ўтмишидан, табиий-тарихий ривожланиш жараёнидан узилиб қолганлиги, у рус тилшунослик фанидан андоза олганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку!

**Н. М.:** — Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш учун фақат атамалар, истилоҳларни ўзбекчалаштириш билан ўралашиб қолиш маъқул эмас. Ўзбек тилининг ўз табииати, ўзига хос гап қурилиши, услубиети ва бошқа масалалар ҳам борки, уларни чуқур ўрганмасдан мақсадга эришиб бўлмайди. Рус тилининг «барақали» таъсири ўзбекча гап қурилишида ҳам сезилади. Бир мисол: «Бошлиқ ўзидами?» — «Бошлиқ ўзида эмас». Бу каби иборалар ҳамон амалда қўлланилаётир. У аслида рус тилидаги «Начальник у себя?» қабилдаги иборанинг сўзма-сўз таржимасидир. Лекин ўзбекча эмас. Агар шу ибора том маънода анланса, бўлак маъно ташийд: «Бошлиқ ўзида эмас», яъни бошлиқ беҳуш, хушидан кетиб қолган...» Бу ҳам жиддий масала. Тил ҳақида, она тили ҳақида гап кетганда, масаланинг катта-кичиги бўлмайди, барчаси бирдек муҳим.

Хали ҳозирча расмий ҳужжатлар, кўплаб рўзнома ва айниса, ЎзТАГ материаллари, айрим расмий кишиларнинг чиқишларида тил бениҳоя туссиз, тароватсиз, қуруқ. Яқинда «Огонёк» ойбитигида (1990 йил, 35-сон) рус танқидчиси Наталия Иванованинг «Хом хаёл» номи мақоласи босилди. Унда бугунги маънавиятдаги ўзгаришлар, совет адабиётидаги ноҳорликнинг илдизлари батафсил таҳлил қилинган. У бизнинг сиёсий ва давлат арбобларимиз «рус тилида эркин изхори дил қила олмайдилар, ҳамон партия-совет «шеваси»да гапирадилар. Улар бу шевадан қутулмас эканлар, ўзлари «бизнинг кишиларимиз» деб ҳамон атаб келаётган одамлар билан улар ўртасида тўлиқ ҳамфикрлик бўлмайди», деб ёзади. Н. Иванова чуқур таассуф билан айтадики: «Бизнинг қиёфамиз, маданиятимиз, тилимиз бошига тушган савдолар — бу дворянларни чопганлигимиз ва дехқонларни «қулоқ қилганлигимиз», руҳонийларни отганлигимиз, жумҳуриятларни зўрлик билан руслаштирганлигимиз учун тарихий қасосдир». Ўз даврида руслаштириш сиёсати нафақат миллий жумҳуриятлардаги халқлар ва тилларга, балки рус тилининг ўзига ҳам, рус маданиятига ҳам салбий таъсир қилган. Бизда ҳозиргача русча расмий матн ўзбек тилига русча услубда таржима қилинади, яъни ўзбекчада икки-уч жумла тарзида бериш мумкин бўлган матн русчадагидай узундан-узок бир жумла тарзида берилади. Яъни ўзбек тилимизнинг табииати унутилади. Бу эса унинг ривожига асло кўмак бермайди.

**А. О.:** — Ҳар ҳолда айни салбий жараёни тўхтатиш учун уринишлар бўлаётгани озми-кўпми сезилмоқда. Аммо бу ишлар осонликча кечмаяпти, шекилли. Чунки қоғозбозлик билан шугулланувчи, молиявий-иқтисодий масалаларга хал қилувчи асосий жабхаларда — кадрлар бўлими, бугалтерия, касаба уюшмаларида, деярли, ўзга миллат вакиллари ишлашади. (Бу, айниса, Тошкент шаҳрида яққол кўринад). Табиийки, улар ўзбекча иш юритишни унчалик ишташмайди. Агар истаганларида эди давлат тили ҳақидаги қонуннинг кераги ҳам бўлмасди.

**Н. М.:** — Тўғри, давлат тилида иш юритиш борасида анча-мунча ишлар қилинди. «Ўзбек тилида иш юритиш» мавзуда қўлланма чоп этилди. Унинг муаллифларидан бири — мен. Негадир қўлланма айрим кишиларга маъқул тушмади. «Ўқитувчилар газетаси»да (1990 йил, 12 декабрь) «узок йиллар ўзбек тили ва адабиёти муаллими ҳамда мактаб директори сифатида фаолият кўрсатиб келаётган» Утамурод Норматовнинг «Такдирга мухтож», «Иш юритиш» сарлавҳали (аслида таҳрирга мухтож) тақриси ёритилди. «Таҳрирга мухтож тақриз» дейишимнинг боиси шундаки, унда айтарли бирон-бир жумла услубий жиҳатдан нуқсонсиз эмас.

«...Муаллифлар... мазкур қўлланмани пайдо қилганлар (!). «...Ўзбек тилини ҳаётга ижодий этиш» (?), «...илмий-методик иш услублари...» (?), «...ҳатто уч хил тушунчани англашувчи фикрлар оқими (?)нинг бир хил ном билан аталishi» каби кечириб бўлмайдиган (?) тил унсурлари «ишлаб чиқаришга (?) тавсия этилади» каби.

«Яқинда (1990 й.) яшин тезлигида бир қўлланма босилиб чиқди», деб бошланади бу тақриз. Хўп, «яшин тезлигида» чиққан бўлса, ёмонми? Ахир, даврнинг ўзи, тил ҳақидаги қонуннинг ўзи шуни талаб қилмаяптими? Керакли қўлланмани зудлик билан тайёрлаган ва чоп этган нашриётга аслида раҳмат айтиш жоиз эмасмикин?» Тақриздаги даъволарнинг биронтаси асосга эга эмас, хусусан, хулоса барчасидан ошиб тушади. «Буни (қўлланмани) мухтасар (?) ва пухта, ҳақиқий идора иш қозғалари услубида ва жонли қилиб (?) яратиш тартибот идораларида ишлаган расмий иш қозғалари битишининг моҳир усталари (!)ни жалб этиш зарур, деб ўйлаймиз». Бу қандай гап? Наҳот, у кишига узок йиллар «тартибот идораларида» иш ўзбек тилида эмас, балки рус тилида олиб борилганлиги маълум бўлмаса?! Бу идоралардаги «моҳир усталар» ўзбек тилида иш юритишга ҳозир ҳам кийналаётганликларини очик айтишмоқда ва бу ҳеч кимга сир эмас.

Давлат тили ҳақидаги қонунни фақат ҳолислик билан, амалий иш билангина бажариш мумкин, деб ўйлайман.

**А. О.:** — Она тилини ўқитиш муаммоси бугунги кунда ҳар қачонгидан муҳим бўлиб турибди. Бу масалага бир мутахассис сифатида сиз қандай қарайсиз?

**Н. М.:** — Она тилига бўлган чинакам муҳаббатни болаликдан шакллантирмоқ лозим. Бунинг учун мактабларда она тили ва адабиётни ўқитиш савияси ва самарадорлигини кескин ошириш керак. Фақат фанларга доир дарсликларни эмас, балки барча фанларнинг дарсликларида ўзбек тили, унинг малохати, жозибаси бор бўйи билан кўриниш бермоғи зарур. Ҳар қандай дарсликнинг тили гўзал ва тугал бўлиши, ўқувчига ҳузур бахш этиши жоиз. Ҳозирча бунга эришилгани йўқ, айниқса, таржима дарсликларида тил бениҳоя рангсиз. Оригинал қўлланмалар яратиш давр талабига айланди. Мактаблар ҳам миллий заминга эга бўлсагина маънавий баркамол, эътиқоди бут, меҳр-шафқатли авлод юзага келиши табиий тус олади. Шундай авлодгина жамиятнинг маънавий инкирозини тўхтатишга қодир бўлади. Очик айтиш керакки, кейинги йилларда жумҳурият халқ таълими вазирлиги бу соҳада жиддий иш олиб борди. Ўзбекистон Қомфирқаси Марказий Кўмити котиби Қ. Юсуповнинг «Миллий мактаб зарурми?» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 9 ноябрь) жуда жиддий мақсад баён қилинган, халқ таълими вазирлиги илмий концепциясини ишлаб чиқаётганлиги ҳам айtilган. Унда шундай мактаб дарслиги ҳақида қуйидаги фикр илгари сурилади: «Ҳар бир миллат, халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи мавжуд. Ҳар бир тил вакили дунёни ўзича кўради. Шундай экан, фақат она тили, адабиёт ва тарихдангина эмас, балки табиий фанлардан ҳам умуминсоният ютуқларига асосланган она тилидаги оригинал дарсликлар яратиш зарур».

Она тили дарсликлари ва дастурларини, умуман, она тили ўқитишнинг мазмунини янгилаш лозим кўринади. Ҳозиргача бизда она тили «шаклдан мазмунга» ақидаси асосида ўқитилади, яъни асосий эътибор шаклга қаратилади. Масалан, гапнинг эгасини ёки кесимини ёхуд бошқа бўлақларини топиб бера оладиган ўқувчи билимли ҳисобланади. Ўқитувчилар шунга интилишди. Дарсликлардаги кўпдан-кўп машқларнинг мақсади

ҳам синтаксисда гап бўлақларини топиш малакасига қаратилган. Аслида «мазмундан шаклга» ақидаси маъқул, яъни тилда, тилни ўрганишда «нима нимани ифодалайди»дан кўра «нима қандай ифодаланади» масаласи муҳим ва фойдали. Масалани шундай қўйилганда тирик тил ўрганилади, тилнинг ифода ва эстетик имкониятларини чуқурроқ ва батафсилроқ идрок этиш мумкин. Ўқувчида ўз фикрини эркин ва ижодий, сийка жумлаларсиз ифода эта олиш кўникмаси шаклланади.

Низомий номидаги бизнинг Тошкент Давлат педагогика институтида давлат тили ҳақидаги қонун моддаларини ҳаётга жорий этиш борасида анча-мунча ишлар қилинмоқда. Хусусан, «ўзбек тили ва адабиёти» ихтисослигига қўшимча «Эски ўзбек тили ва ёзуви» ўқитувчиси, деган иккинчи мутахассислик киритилган. «Эски ўзбек тили ва ёзуви» кафедраси, мана, бир йилдирки фаолият кўрсатаётир. Шунингдек, халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан «Рус мактабларида ўзбек тили ўқитувчиси» бўлимида Давлат тилига ўгирадиган таржимон мутахассислиги жорий этилди. Ўзбек ва қозок филологияси факультети қошида «Таржима назарияси ва амалиёти» кафедраси очилди. Ўқув режалари доимий равишда такомиллаштирилиб борилаётир.

Ҳеч кимга сир эмас, Ўқтаб, инкилобидан то ҳозирги кунга қадар ижтимоий фанларга имтиёзли мавқе бериб келинди. Олий мактабларда бу фанларнинг умумий соати мутахассислик берувчи фанларникидан кам эмас. Бу икки туркум фанлар ва уларнинг ўқитувчилари орасида тенгсизлик бор. Ўқув жадвалларига ҳам аввал шу фанлар кўйилади, бу фан ўқитувчиларининг йиллик ўқув соати 500дан ошмайди, мутахассислик фанларни ўқитувчиларники эса 1000 соатга боради. Бу, албатта, ҳаётнинг барча соҳаларини сталинча сиёсатлаштиришнинг хануз давом этиб келаётган оқавасидир. Кўплаб ҳақли эътирозлардан кейин «Илмий коммунизм», «КПСС тарихи» фан номларига таҳрир киритилди. Лекин талабалар бу фанларнинг ўқитилиш тарзидан мамнун эмас. Ҳар қалай, биз мутахассис тайёрлар эканмиз, аввало, ихтисос бўйича асосий фанлар учун соат сарфлашини ўйлашимиз керак.

Давлат тили ҳақидаги қонун тўғрисида гапирганда, бир фикр ёдимга келверади. Нима учун Ўзбекистонда рус тили ва адабиёти педагогика институти ишлаб турибди-ю (бундан ташқари, деярли барча педагогика институтларида рус тили ўқитувчиси тайёрлайдиган факультетлар бор), нега энди ўзбек тили ва адабиёти педагогика институти бўлмаслиги керак? Бугунги шароитда ўзбек тили ва адабиёти педагогика институтини ташкил этиш жуда зарур. Шубҳасиз, бундай институт шу йўналишдаги жуда кўплаб муаммоларимизни ҳал қилиш имконини туғдиради.

Яна бир фикр: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг нақ олдада саркарда Фрунзе-нинг отга миниб, музаффар киёфада турган ҳайкали бор. Бугунги тасаввурлар билан бу ҳолнинг сиғишмаслиги барчага аён. Уни олиб қўйишнинг мавриди келмадимикин?!

**А. О.:** — «Ўзликни англаш — Исён». Албер Камю эссаларидан бирига шундай сарлавҳа қўйган. Сизнинг гапларингизни эшитиб бехатиёр шу доно фикр ёдимга тушди. Қачонки, халқимизда ягона мақсад, ягона миллий гуруҳ таркиб топиб, ўзликни англашдек энг муҳим жараён бошланмас экан, биз билан сизнинг гапларимиз беҳуда кетаверади. Миллий онг ва идрок тарзимизни-да ўзгартириш хусусида ўйлашимиз зарур.

**М. Маматвалиев оққа кўчирди.**

## Саъдулла Ҳаким



## Йўқолмас

Йиллар этагидан тўкилган гавҳар:  
Сарбон адашмаса, карвон йўқолмас.  
Ўғлон эътиқоди бут эса магар  
Куёш даргоҳига нарвон йўқолмас.

Бу дониш ҳаётнинг умматлари кўп,  
Собир ўғлонига ҳимматлари кўп,  
Бошинг омон эса ҳикматлари кўп,  
То офтоб бор экан, найсон йўқолмас.

Росту ёлғон асли руҳ мусаввири,  
Бири ота бўлса, онадир бири.  
Ростнинг от ўйнатиб турганин кўриб  
Ёлғон йўқолади, ёлғон, йўқолмас.

Мардлар келаверар, кетаверади,  
Номард ҳам мардман деб ўтаверади.  
Эл бир Алпомишни кутаверади,  
Замонлар ўзгарар, майдон йўқолмас.

То-бирон гўшада шеърга жон ато,  
Бир мисра ўқилур Навоийдан то,  
Тошкент — Шарқ гавҳари, Самарқанд якто,  
Бухоро йитмагай, Кўқон йўқолмас.

Бошингга не келса келар феълингдан,  
Саъдулло, кетмасин имкон қўлингдан.  
Сўзингга қушойиш изла элингдан,  
Элим деб эманган забон йўқолмас!



Аёл ёқди атлас гулхан

## Ойбек

Шеърга шайдо чоғимдан  
Ойбекка кўнгил бердим.  
Ҳар сўзни гул боғидан  
Ёқут гилосдек тердим.

Ёдимда ёниб қолди  
Куёшдек порлаган кўз, —  
Сўзга айланган олтин  
Олтинга айланган сўз!

## Ёз оқшоми

Ой бўзариб ботаётган  
Ёз оқшоми ичида  
Аёл ёқди атлас гулхан  
Шундоқ оёқ учида.

Шошиб узди қўлин бирдан,  
Куйдиргандек туюлди.  
Чорпоядан оқиб гулхан  
Олмазорга қуйилди.

Тоғ тарафдан эсди шамол,  
Гулхан бағри очилди.  
Учқунлари маржон-маржон  
Кўк тоқига сочилди.

Шивир-шивир сир айтишиб  
Ёш олмалар гўянда,  
Лўппи-лўппи сийналарин  
Тобладилар гулханда.

Кучди йигит исинай деб  
Гулдек аёл танини.  
Шаъни билан меҳрини-ю  
Меҳри билан шаънини.

...Ой бўзариб ботаётган  
Ёз оқшоми ичида  
Аёл ёқди атлас гулхан  
Шундоқ оёқ учида...

\* \* \*

Бу қандай рўй берди, қай лаҳза,  
У нима сўз эди бир оғиз?  
Юрагимда чақнади ларза,  
Тойиб кетди оёғимдан из.  
Термуламан, кўзларим ўтмас,  
Сен ёнимда эдинг-ку ҳозир.  
Тишларимни ёрар ҳайқириқ,  
Эшитилмас нечун овозим?  
Сезим ожиз, сенми бу ёки  
қуйилган тун — кўксимдаги бош.  
Ерда замин, кўкда осмон йўқ,  
Куёш — совиб қолган қора тош.  
Тўхта!  
Қайрил, қўлларингни бер,  
Бағримга кир нурдай тўлғаниб.  
Қайтиб келар оёғимга ер,  
«Мен севаман!» десанг бўлгани!

## Озод сўз

Менга таниш қошу қабоқдаги сўз,  
Минг бир таманноли қароқдаги сўз,  
Отинг надир сенинг, нечун унутдим,  
Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?

Сенга бадкирдорлар душманлик қилди,  
Заковат аҳлини пушмонлик қилди,  
Ўзингни занжирбанд, кишанлик қилди,  
Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?

Шоир забонидан топдилар сени,  
Оёқ-қўлларингни чопдилар сенинг,  
Устингга муз тупроқ ёпдилар сенинг,  
Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?

Навоий даҳоси зиёсин сочди,  
Ойбек сени сууб кўкайин очди.  
Сен уни тарк этиб қайларга қочдинг,  
Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?

Сўзни қамайдилар ёлғони борлар,  
Томирида Аврангзеб қони борлар,  
Тўралар, ғўралар, аҳли киборлар,  
Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?

Сени сир тутдилар, сирда дедилар,  
Гоҳ осмонда, гоҳи ерда дедилар,  
Гоҳ аламдан қотиб, гўрда дедилар,  
Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?

Сени излаб ўзбек ерга тикди кўз,  
Бир чопган жойига кетмон урди юз.  
Баҳор ваёда берди, алдаб кетди куз,  
Садо бер, қайдасан, қамоқдаги сўз?

Ана, кўк тоқида бир юлдуз ёнди,  
Дилларда асрлик сукут уйғонди.  
Дафъатан кўз очмоқ... бу ҳам ёмондир,  
Диллардан тойиниб кетма, озод сўз!

Сен кўндан тилларга бегонадирсан,  
Биз сенга, сен бизга ўргонадирсан.  
Якқасан, ёлғизсан, ягонадирсан,  
Тиллардан тойиниб кетма, озод сўз!

Токи сен озодсан, йўллар озоддир,  
Токи сен озодсан, тиллар озоддир,  
Токи сен озодсан, эллар озоддир,  
Эллардан тойиниб кетма, озод сўз

\* \* \*

Аҳли эҳтиёж мудом  
Эр ҳимматидан шариф.  
Тўғрилиги учун ҳам  
Игнага эргашар ип.

Зеро ҳақиқат адаб  
Ҳаракатда билинур.  
Бағри қора... шу сабаб  
Булутдан қочар ёмғир!

## Такаффул\*

Бу — ҳаётнинг тўлган паймонаси-ё, —  
Одам ёқасидан одам тутмишдир.  
Замон — адашганлар замонаси-ё,  
Дўст-душман бир сафда қадам тутмишдир.

Элни қовуштирган ҳақ сўзи ожиз,  
Ўғил отага ёт, онасига — қиз.  
Шоир қўлида кўрдим жуводиз,  
Этикдўз илкига қалам тутмишдир.

Отга ем берганлар пою пиёда,  
Жилов эгалари кайфу сафода,  
Кимнинг ўмаргани элдан зиёда, —  
Мўмин оқилларни қарам тутмишдир.

Ишқ аҳлин потратмиш шубҳа, гулулар,  
Айтсам ерлар чўқар; осмонлар қулар.  
Ёр кўзига солиб чўп не сулувлар  
Нозин номаҳрамга маҳрам тутмишдир.

Кўрдим-у, кўкайим ўртади нола,  
Қошимда турарди ёшигина бола.  
Бу не синоатдир, бу қандай бала —  
Қора сочларини оқ ғам тутмишдир.

Англадим, малҳамдан битмас жароҳат,  
Оғриқ босилару йитмас жароҳат.  
Оқибат бир кун топгайдир роҳат  
Ким жонга азобни малҳам тутмишдир.

Қиш қаҳратон, ёзда саратон кўноқ  
Қоятошга кўклам айёмида боқ;  
Бошида ҳилпирар ол лола яшноқ,  
Ки бағрида бир пок шабнам тутмишдир!

Такаффул — кафил бўлмақ



\* \* \*

Буёғи куз: лой, намгарчилик,  
Қирза этик фасли буёғи.  
Тўй либосин ташлаган қиздек  
Далаларнинг ўчди буёғи.

Буёғи куз: лой, намгарчилик,  
Қирза этик фасли буёғи.  
Ёз қўйнида май гули эдик,  
Туманларга кўникмоқ оғир.

Уртар, хаёлларни бурдилар  
Ҳазон бўлган чечаклар доғи.  
Кўкда булут вазмин судралар,  
Кўринмайди йўлнинг адоғи...

## Илтижо

Талашадур меҳроб меърожин  
Чоҳ устида ҳар турли гоҳ.  
Ўзинг менинг тахт ила тожим,  
Менга сенинг сўзинг кифоя.

Кўзимдаги нури ҳидоят  
Сен дутф этган олий иноят.  
Мардумимдир муқаддас оят,  
Йўлдан оғсам, кўзинг кифоя.

Бир дон кўрсам, қўйшалаб тердим,  
Ул бирини қумрига бердим,  
Ҳашамларга сотмасман эрким,  
Сочган ризқу рўзинг кифоя.

Ўзни нетиб ипакка ўрай?  
Ўздан кетиб ипакка ўрай,  
Элга етиб ипакка ўрай, —  
То акси ҳол бўзинг кифоя.

Сендан — амр, мандан — итоат,  
Сендан — ваҳий, мандан — ибодат.  
Ўзинг — ният, ўзинг — моҳият,  
Ўзинг — хилқат, ўзинг кифоя!

## Аббос Саид



Қисса

# ТўЛАШБЕК



Отамерос кетмонининг зўғатасига пона қоқаркан, Тўлашбек ўйларди: «Қандай қилиб айтдим?.. Шундай дейдиган бўлсам, онам, ўғлим ўлимимни пойлаётган экан-да, демайдим?! Албатта, шундай дейди... Шундай ўйлайди!..» Яна шу фикр хаёлидан ўтдию Тўлашбекнинг таъби бузилди. Икки-уч кун бурун олдириб келган озиқ тишининг ўрнида симиллаган оғриқ туйди. Оғриқ борган сайин кучаяверди. Унг қулоғи, сўнгра чаккаси лўқиллади. Кейин елкасига ҳам ўтди. Хаёлан: «Томири бир-да, дарров қўлгаям кўчди», деб мулоҳазаланиши ҳамон: «Ўзиям Ғулом ака бесўнақай одам экан-э — тиш оламан деб оғзимни ўпириб юборди-ёв!» деб сўзланди. Абдулла қассобниқига боргиси келмади. Кетмонини шу ерда қолдириб, ўзи ўчоқбошига йўналди. Идиш-товоқларни артиш билан машғул келинига намакоб қилиб беришни сўраб, ўзи қўшниқига оқиб ўтувчи ариқ устидаги чорпоёга бориб, юзининг оғриётган томони билан тошдек қаттиқ, кир, шапарак ёстиққа ёнбошлади. Тиш оғриғини унутиш мақсадида ўзини чалфитишга тутинди.

Шу маҳал танаси қулочга сиғмайдиган, ўпирилиб ковак бўлиб ётган қари толдан битта-яримта шира тушаётганини пайқади. Қўшнисининг тахта деворига ёпишиб ётган ана шу баҳайбат толга қараб туриб, кутилмаганда кўнглидан: «Мана шу тол ҳовлига қачон ўтқазилган экан? Ҳовлига ўтқазилган эмас-э! Илгарилари бу ердан, худди мана шу девор тагидан кўча ўтган, ҳа, ҳа, бир томони Қоратошга, иккинчи томони Кўктеракка олиб борадиган боғ кўча ўтган, дейишади. Ана шу кўчадан эсдалик бўлиб мана шу толу мана шу ариқ қолган экан-да!» деган ўй ўтди. У ана шу йўсин фикр юритди, кейин эса: «Тол ҳам, ариқ ҳам қолади. Шунинг тагида дам олган, шунинг сувида қўл-юзини ювган қанча-қанча одамлар йўқ бўлиб кетган. Ҳа, аллақачон раҳматли бўп кетган. Раҳматлилар энди қайтиб келишмайди... Манов ҳовлиям қолиб кетади, мендан, менинг болаларимдан... аммо, аммо ойим тушунармикинлар? Мен уларнинг ўлимийнимас... ўз онасининг ўлимини истарканми ўғил... фақат ҳужжатларни тўғрилаб қўйиш кераклигини айтаятганимни тушунармикинлар?.. Бу замонда одамдан ҳам кўра ҳужжатга ишонишларини, қаерга борма, қайси идорага ишинг тушмасин, ўзингданам кўра ҳужжатинг билан гаплашишларини у кишига тушунтириб бўлармикин? Йўқ, тушунишлари қийин-ов», деб ҳукм чиқариб турганди ҳамки, келини Адиба оғиз чайиш учун заранг косада намакоб олиб келди. Тўлашбек заранг косани Янгибозорга — қозоқ ошнаси Жиянбекниқига қимиз-хўрликка борганида олиб келганди, шуни хотирлаб оғзини чайди. Кейин яна кеча гузарда қассобга берган ваъдаси ёдига тушди. «Бормасам бўлмайди. Тўлашбекда лафз дегандан тариқча йўқ экан, демасин тагин, — деб муҳокама юритди, — иннайкейин, у сенга ариқ тортиб бер деб тиқилинч қилгани йўқ эди. Ўзинг уларнинг ораларига суқилиб шу юмушни гарданингга олдинг». У яна қассобниқига бориш тараддудига тушиб қолди. Пиёлани ариқда чайиб, хонтахтага қўйди-да, ҳовли этагига қараб юрди. Бостирма бўғотидаги тўрхалтага солиб осиб қўйилган эски кирза этикни олди, ичидаги қорайиб кетган, ғижим пайтаваларни суғириб олиб қоқиб ташлади, этик пойларини бир-бирига урди. Қайтиб келиб супага омонатгина ўтирди-да, энди ўнг оёғига пайтава ўраётганди, ташқаридан ўғли Адаш кириб келиб қолди.



Тўлашбек ўғлининг авзойи бузилиб келганини кўрдию иши битмаганини сездди. Шунда ҳам кўнгил учун сўради:

— Ҳа, Адаш, тинчликми?..

— Ишим битмади, — деди ўғил, қовоғи уйилган кўйи кираверишда ўнг қўлдаги пастаккина уй том он юрганди, Тўлашбек уни тўхтатди:

— Қани, буюққа кел-чи!..

Адаш эринчоқлик билан отаси ўтирган ерга келди. Толнинг танасига суюниб туриб олди.

— Мана бу ерга ўтир, — Тўлашбек қўл ишорасида ёнидан жой кўрсатди. Уғлининг бўшашишдан ижирғанса-да, бу ҳолатини сиртига чиқармади. — Қани, айт, нима бўлди?..

— Нима бўларди? То ҳовлини бирортанг номингга ўтказиб олмас экансан, справкангни тасдиқлаб бермайдиман, деди-да! Олти ой ичида ўтказиб олинми керак эди. Йигирма йилдан бери ўлган одамнинг номида турадим. Қанча иштирап тўлашларингни биласизларми, деб кўрқитди. Жуда обориб опкелди-да, ишқилиб... — Адаш райинжроқўмда айтилган гапни оқизмай-томизмай отасига дараклади, манглайдаги терни кафти билан сидириб қўйди. Отасининг кўмағига ҳар қачонгидан ҳам муҳтожлик сезаётганини сездирди.

Тўлашбек ўғлининг қарашида ўша — ўзига маълум маънони уқди: «Бувимга айтмасангиз бўлмайди. Қандай қилиб бўлмасин Оташ амаким ҳовлини ўз номига ўтказдириб олсин. Бу ишда ёлғиз сиз ёрдам беришингиз мумкин...»

— Ҳалиги... анавиға шаъма қила қолмадингми? — деб пулни назарда тутди Тўлашбек. Бу гапни қийинчилик билан, ўғлидан юз бир андишага бориб айтди. Айтишга айтиди-ю, айтмасам бўларди, деган хаёлга борди.

— Шу ишни қилолмадим, дада, — деди Адаш, оддий бир қозоғга муҳр бостириб келолмаганидан — ўзининг ношудлигидан ўз навбатида у ҳам изза тортди.

— Майли, майли... — дея ўғлининг кўнглини кўтарди Тўлашбек, шу бараварида ҳалиги айтган гапи учун баттар хижолат чекди. Хаёлидан шу чоқ: «Ўзинг шу ишни қилолармидинг?» деган ўй ўтди, ўша заҳоти: «Йўқ, йўқ, йўқ, албатта! — деб сўзланди. — Сенки шу ишни қилолмас экансан, сенинг ўғлинг қандай қилиб айтсин?»

— Бировга пора таклиф қилиш осон эмас экан, дада.

— Бор, кийимларингни алмаштириб чиқ, — деди Тўлашбек, ўғлининг бу гапи аввалгисидан ҳам қаттиқ таъсир қилди, кўзларидан ёш чиқиб кетаёзди, япасқи бурнининг катаклари ғайришуурий тарзда керилиб, учи ачишди. Шунда у тиш оғриғи ҳали ҳам босилмаганини, келини тайёрлаб берган намақоб ҳам қилмаганини пайқади.

Адаш ўрнидан турди. Учоқбошига бормоқчи бўлиб бир-икки қадам қўйди-ю, отасидан иймандими, ўйланиб туриб орқасига қайтди, кийимларини алмаштириш учун уй том он юрди.

Эрини анчадан буён кузатиб турган Адиба унинг уйига кириб кетганини кўрди, кўрдию у ҳам ерга қараганча бедана юриш қилиб, Адашнинг ортидан йўналди.

Тўлашбек уларнинг орқасидан қараб қоларкан: «Айтаман! Ойи, шу ҳовлини менинг... йўқ, йўқ, ўғилларимдан бирининг номига ўтказиб беринг. Кўзингиз очиқлигида шу ишни қип кетинг, дейман! Ҳозироқ чиқиб айтаман!..», деб қатъий тўхтамади келди, пайтаваларини қайта этик ичига суқиб оёғига пучуқ қалишини илди-да, ўрнидан кўзғалди...

У девордармиён ҳовлига кириб борганида, онаси — Лутфиниса кампир, ҳовли ўртасидаги бир пайтлар қовланмай қолиб кетган тўнғакда ўтириб, икки қўлини тиззасига қўйганча келини Ойнисага бошини боқтираётганди. Тўлашбек уларнинг ёнига бормади, қандай кириб келган бўлса худди шундай сездирмай ортига қайтди. «Ҳозир мавриди эмас! Аввал қассобниқига бориб, ариқ торттириб келай, кейин бир гап бўлар», деган хулосага келди, бояғи шахди ҳам нисбатан сўнганди.

Уйига қайтиб чиқди. Чорпоёга ўтириб пайтавани оёғига ўради, этикни кийди, ташлаб кетган еридан кетмонни олди. Адашнинг ҳовлига чиқмаганини кўргач, юраги тағин увишди. Учоқбошига қараганди, деразадан ичкарида ўтирган келинининг боши кўринди.

Тўлашбек ўша ёққа юрди.

Эмизикли қақалоғини кўтарган кўйи мош тозалаётган Адиба қайнатасини кўриб ўрнидан кўзғалишга чоғланганди, унинг ўзи қўл ишорасида ўтираверинг деган бўлди. Набирасига ширин гап айтиб, унинг кўнглини овламоқчи бўлди-ю, аммо боланинг мудраётгани ҳамда ўзининг тиш оғриғи сабаб фикридан қайтди.

— Келин, — деди паст овозда, болани чўчитиб юборишдан ҳайиқди. — Адаш уйга кириб кетганди...

Мудраётган бола бобосининг овозини таниди чоғи, хушёр тортиб юқорига қаради. Кўзи бобосининг кўзига тўқнашини билан унга кулиб боқди. Тўлашбек ҳам унга қараб «ажий» дея кулиб қўйди.

— Ётувдилар. Чақирайми, дада? — деди келини, боланинг уйкуси қочиб, онасининг кўкрагини қидиришга тушганидан қайнотаси олдида уялинқиради, кўйлагининг ёқасини юқорига тортиб қўйди-да, гўдакни тебратишга тушди.

— Йўқ, керакмас, дам олаверсин, — деди Тўлашбек, сўнг эса мударрага кўчди: — Мен Абдулла қассоб деганниқига кетяпман, ариқ тортиб бергани... Ойингиз келса айтиб кўясиз...

— Хўп, айтаман, — деди Адиба итоаткорлик билан, кейин ўрнидан кўзғалди: — Чой ичиб кетмайсизми, дада?..

— Ичгим йўқ, — Тўлашбек тиш оғриғини сабаб қилишни истамади. Келини ўнғайсизланиб турганини ҳис этиб: — Утириб ишингизни қилаверинг. Той болам яна мудраятти, ширин болам, — деди.

Келин итоаткорлик билан яна ўрнига чўқди.

Тўлашбек кетмонини кўтариб ташқарига йўналди, дилидан эса: «Барака толгур одобли, меҳнаткаш чиқди. Тарбиялаган ота-онасига раҳмат», деган ўй ўтди. У яна ўғли кириб кетган уйга кўз югуртириб олди, кейин кўчага чиқиб кетди.

Тўлашбек этак томонга — темир қувурлардан ишланган сўрига бориб тақалган сўнги ариқни тортиб бўлди-да, бажарган юмушини икки-уч қарра қайта кўздан кечириб чиқди. Биринчи тортган ўқариғи қолган ариқлар билан баравардек кўринаверди, шунинг учун уни яна бир бор кенгайтириб чиқди. Ишини тугатгач, сўри тағидаги йўлгага ўтириб, ҳовлига гир айлантириб қурилган тоқу равоқ иморатни томоша қилиб, ўзининг тор ҳовлисинию эски шаҳар иморатлари русумида қурилган уйини эслаётган, пешонабоғи билан юзи ва кўкракларидеги терни артаётган ҳам эди, яқингинада ишдан қайтиб, ҳовлига оҳори тўқилмаган йўл-йўл пижаманда чиқиб, майда-чуйда ишлар билан куймаланиб юрган Абдулла

қассоб шувёққа юрди. Батартиб тортилган ариқлар унга маъқул тушиб, Тўлашбекнинг ишидан кўнгли тўлди чамаси, япалоқ юзига мамнунлик қалқиб, уккиннигиға ўхшаш катта-катта кўзлари чақнади. «Ҳа, дуруст», деб гудраниб қўйди. Бунини Тўлашбекка қарата эмас, ўзининг иши олға силжиганига ёхуд кисса қаппайганда хотири жам бўлиб, кўнгли таскин топгандай бир тарзда сўзлади. Шундан сўнггина Тўлашбекка яқинлашди-да, ундан бир поғона баландда туриб:

— Ҳорманг энди, деҳқон ака!.. — деди.

Тўлашбек қассобнинг бу манзиратиға эътибор бермади, шундай эса-да:

— Саломат бўлинг, қассоб, — деб қўйди — «Қассоб» деган сўзни ўзгача юмшоқ оҳангда айтганидан уй эгаси ийиб кетганини туйди, зеро, Абдулла ўзининг қассоблигидан ва бу қассоб унга отамерос эканидан фахрланарди: Тўлашбек бир неча бор бунинг гувоҳи бўлган. Ҳозир унинг олма янглиғ қип-қизил, таранг тортилган юзига таббасум ёйилганини кўриб, мазкур хулосаси тўғри эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди.

— Ойпошша! — деб ошхонада куймаланаётган хотинига хитоб қилди қассоб, хотини ўчоқбошидан чиқиб «нима дейсиз?» дегандай шу томонга қараганди, у ошиқтирди:

— Ошинг нима бўлди? Дамладингми ўзи?!

— Ҳозир, дадаси, ҳозир сузаман! — Ойпошша ингичка, айни пайтда беғам тувушда жавоб қайтарди.

— Келинни шоширманг, қассоб, — деди Тўлашбек, чордона қуриб ўтиргани учун оёғининг томири тортишиб қолди. «Уҳ», дедию уни аранг узатиб олди, салдан кейин, оғриқ қўйиб юборгач, ажин босган буғдойранг чўзиқ юзидан азоб ифодаси ариди, қассобнинг диққатини ўзига қаратмаслик учун дарров гапни бурди: — Аммо-лекин участкани хўп бошлаб қургансиз-да, Абдулла.

Абдулла қассоб Тўлашбекнинг мақтовидан суюлмади. Аксинча, бу гап уни ўйлантириб ва маълум қадар ҳаммушлантириб қўйди. Тўлашбек ундаги бу ўзгаришни дарров пайқаб: «Ахир бу гапни ҳеч бир киноясиз айтдим-ку», деб мулоҳазаланиб турганди, қассобнинг ўзи сўз бошлаб қолди:

— Тўғри айтдингиз, Тўлашбек, иморат жуда бошлаб қурилган. Лекин, бу тоқу равоқни ким учун қурдим? Худо менга ҳеч бўлмаса битта ўғил бермади-я...

— Ундай деманг, қассоб, қиз ҳам фарзанд-ку! — дея унинг кўнглини кўтарди Тўлашбек, шу баробар ўзининг бемаврид гап қилиб қўйганидан ҳам изза тортиди.

— Мен қизларга ҳеч нарса деяётганим йўқ, Тўлашбек. Саккизтамас, ўн саккизта бўлсам ҳам ҳеч нарса демайман. Аммо шунча ҳолвани берган худо бир ўғилни раво кўрмаганига хафа бўп кетаманда ошна!..

Шу пайт тўғридаги узун равонли айвоннинг тўрига жой тайёрлаган Ойпошша уларни овқатга чақириб қолди.

— Ҳозир, ҳозир борамиз, — деди қассоб тўнг овозда, хотинига қараб ижирғаниб қўйди, сўнг эса Тўлашбекка юзланди: — Қани, юринг, ошни сузмоқчи шекилли...

Ўзининг қовунтуширар гап қилиб қўйганидан ич-ичдан ранжиётган Тўлашбек уёқ-буёғига қараб олди-да:

— Қўл-пўлни ювиб олсамми дегандим, — деди.

Абулла қассоб ҳайҳотдай йўлакда чуғурлашиб, арқон ўйнаётган қизларидан бирига мурожаат қилди:

— Жамила! Амакинга иссиқ сув билан сочиқ опкегин, қизим!..

Тўлашбек эътироз билдирди:

— Йўқ, йўқ, қўяверинг, ўйнайверсин. Ҳув анави водо-проводада ювиनावерман.

Абдулла қассоб айтганини қилдирди — Тўлашбек иссиқ сувда юз-қўлини ювди, тоза, хитойи сочиқда артинди. Кейин қассобнинг қистови билан тўғарак столнинг тўрига чиқиб ўтирди. Қассоб сал наридаги «Минск» холодилнигини очди-да, ичидан бир шиша арақ олди. Тўлашбекка иссиқ сув келтириб, қуйиб турган қизи — Жамила ва ундан сал кичикроғи ликопчада тузланган бодрил ва помидор келтириб қўйишди. Ана шу кичик қиз бир қассобга, бир Тўлашбекка қаради-да, пиқ этиб кулди. Унинг бу кулгисида: «Нима, арақ ичасизларми?», деган маъно бор эди. Қақилдоқроқ экан, бижирлай кетди:

— Дада, дада, подвудан «Тошкент суви» ям опчикай-ми?

— Опчик, қизим, опчик, — деди қассоб.

Қизча югургилаб кетди. Салдан кейин икки шиша минерал сув кўтариб келиб столга қўйди. Ўзининг «катта иш» қилиб келганини ҳис этди ва мақтов эшитиш учун гоҳ отасига, гоҳ Тўлашбекка қараб тураверди.

Абдулла қассоб қизининг рағбат кутаётганини туйди ва Тўлашбекка қараб:

— Кўрдингизми, амакиси, Ўғилойнинг ақллилигини кўрдингизми? — деди, ҳамсоясининг тиришиб-тортишиб эътироз билдиришига қулоқ ҳам солмай пахта гулли пиёлаларга ним ярим қилиб арақ қуйди. — Бу қизим жуда бошқача-да! Балли она қизим! Қани, бор, ойингга бориб айт, ошни опкелсин.

Қизи чопқиллаб айвондан тушиб кетди.

— Шунини очиб чакки қилдингиз, қассоб. Бари бир ичилмай қолиб кетади...

— Ундай деманг-да, Тўлашбек, — дея унинг қўлига пиёла тутқазди қассоб. — Ичиб юрмаган одам бўлсангиз майли эди...

Тўлашбек дудуқланди:

— Тўғри, илгарилари обтурардим, лекин ҳозир неварали бўлдим, бунинг устига ёшим қайтиб қолди. У бурунлари эди...

— Қаёқдаги баҳоналарни қиласиз-да, Тўлашбек. Ҳеч ким сизга эллиқдан ошиқ бермайди. Ундан кейин, ҳар кунни эмас-ку, чарчоқ чиқардига-да!..

— Эллиқ олтига кетдим, эллиқ қаёқда қолиб кетди, қассоб...

— Деярли тенгдош эканмиз. Қани, бўлинг.

— Шунини қўяйлик.

— Ё қизилидан олайми? Айтинг, коньяк очайми?..

Тўлашбек ночор аҳволда қолди. Чор-ночор ичкиликли пиёлани қўлига олишга мажбур бўлди.

— Ҳа, иш деган мана бундай бўпти, — деди қассоб, шисаларни бир-бирига чўқиштириб, минерал сувни очди. Иккита пиёлага ундан қуйди.

Шу маҳал катта сопол лаганда палов кўтариб Ойниса келиб қолди. Тўлашбекка: «Хуш кепсиз», деган бўлди-да, лаганни ўртага қўйди.

Абдулла қассоб хотинига энсаси қотиб деди:

— Бирпас туриб опкемайсанми! Манавидан бир марта олволган бўлардик.

Хотини унинг гапиға эътибор бермади, тўғрироғи, унинг нима сабабдан бундай терс гап қилаётганини англаб етмади, аммо Тўлашбек балодай сезди; қассоб хотини ўғил туғиб бермагани важи унга димоқ қиялпти, деб билди ва унинг бу тарз қўпол муомаласида ўзиниям айбдор ҳисоблади. Зеро, у қассобга участкани данғиллатиб қурганини эслатмаганида, қассоб дилида фасод боғлаб ётган дардидан ёрилмасди ва ҳозирги вазият юзага келмасди. У ҳамсоясининг хотинига қўрс муомаласида ўзини айбдор санади ва қизаринқиради.

Ойниса бу нарсдан хабари йўқлиги учун ушбу гапга парво ҳам қилмади — тўла гавдасига муқоясалаганда

кичкина оёқларида бедана юриш қилиб айвондан тушиб кетди.

Абдулла қассоб қарамади, ерга қараган кўйи:

— Қани, олинг, Тўлашбек, соғ-саломат бўлинг, — деди-да, пиёласини уриштирди:

— Сиз ҳам соғ бўлинг, болаларингизга бош бўлинг, — деди Тўлашбек, қассобнинг ичиб бўлишини кутди-да, у ҳам пиёласидаги арақнинг ярмини ичди, кейин столга қўйди. Помидорлардан бирини олиб сувини шимди.

— Қани, ошга қаранг, — деди қассоб, Тўлашбекнинг пиёласига кўз қирини югуртириб олди.

Тўлашбек, ҳозир у қолганиниям ичасиз, деб туриб олади, деган мулоҳазага бориб, тезда ошга қўл узатди ва уни чалғитди:

— Бу ариқларга помидор экасизми, Абдулла?

Қассоб ҳам қўлини ошга узатаркан, Тўлашбекнинг охиригача ичмаганидан норозиланди, бироқ ҳеч нарса демеди, унинг ва ўзининг пиёласига ҳалигиндай ним ярим қилиб қўйди-да, сўроғига жавоб қайтарди:

— Помидордан ташқари ошрайҳон ҳам эксам дедим. Қизлар яхши кўришади. Бир-икки ариққа ўсма се-пиб бераман...

Беш-олти ошамдан сўнг қассоб яна пиёлани қўлига олди.

— Тўлашбек, қани пиёлани қўлингизга олинг-чи? — деди, буни у буйруқ оҳангида айтгани учун ҳамсояси ортиқ тиқилинч қилмади, дарров пиёласини қўлига олди. — Мана шуни охиригача ичасиз, азизим, — деди қассоб. — Шуни охиригача ичасиз, ундан уёғи ўзингизга ҳавола — зўрлаш йўқ!..

Тўлашбекка унинг гапи маъқул тушгани боис рози бўлди.

— Олинг, — деди қассоб, — менам сизнинг яхшиликларингизда хизмат қилай. Олинг!..

Тўлашбек пиёлани бўшатди. Унга қассоб эргашди. Тўлашбек қўлида турган бодрингни газак учун унга узатишга чоғлангани, қассоб қўл ишорасида: «Еяверинг, мана бу ерда бор», деган бўлиб, ликопчага узалди.

Шу маҳал қассобнинг хотини чой олиб келди. Устмас-уст турган пиёлалардан бирини олиб чойни қайтарди, аввал Тўлашбекка, кейин эрига узатди. Қассоб хотинининг қўлидан чойни олмади — яна ҳунар кўрсатди.

— Нега энди фақат фамилидан дамлаб келдинг? — деб жеркиб берди.

Ойниса Тўлашбекка қаради — қизарди, аммо сир бой бермасликка тиришиб:

— Ахир, кўк ичмасдингиз-ку, адаси, — деди, унинг гап оҳангида «Бегона одамнинг олдида бу нимаси?» деган маъно борлигини эри ҳам, бегона одам — Тўлашбек ҳам туйди.

— Мен ичмасам, ана, Тўлашбек ичади, — деб ҳамсуҳбатига юзланди қассоб. — А, шундайми?

Тўлашбек ичган арағи таъсиридами ёхуд қассобнинг мана бу қилиғиданми, икки юзи лола янглиғ қизарди. Юзида ясама, зўрма-зўраки кулги ўйнади.

— Овора бўлманг, келин, — деди у, — мен қорадан бошқасини ичмайман...

Абдулла қассоб чурқ этмади — бароқ қошларини чимирган кўйи ошга қўл узатди.

Тўлашбек икки-уч ошам олдию иштаҳаси бўғилди.

— Қассоб, — деди у юмшоқ оҳангда, бир-икки ҳўп-лам чойдан ичгач, — келинни ўринсиз койиндигиз. У бечорада нима гуноҳ. Ҳаммаси оллоҳдан. Иннайкейин, тирноққа зорлар бор-а, қассоб!..

Абдулла қассоб миқ этмади — пиёласига ярим қилиб арақ қўйди.

— Ҳаммасига мен айбдор, — деди Тўлашбек, қассоб «сизда нима айб» дегандай қараб турганини кўргач эса: — Қаёқданам уасткангизга ҳавасим келганини айтдим-а, — деди, сўнгра ўша дамда ўғли Адашнинг: «Бировга пора таклиф қилиш осонмас экан», деган сўзлари ёдига тушганини ва шунинг оқибатида ҳозирги гап оғзидан чиқиб кетганини хотирлади-да: — Бизнинг ҳовлига киргансиз-а, Абдулла, — деб гапни узоқдан бошлади. — Шу ҳовли иккига бўлинг. Ярмида мен, ярмида укам Оташ яшайди. Энди муни қаранг; менинг ва Оташнинг бола-чақаси нариги — бувамизнинг номидаги ҳовлида қайд қилинганмиз. Биз яшаётган ҳовли эса онамизнинг номларида. Ёлғиз у киши қайд этилган. Менам, хабарингиз бор, икки ўғил уйлантирдим, жой тор — сиқилиб қолдик. Кейинги йил учинчи ўғлимиз ҳарбийдан қайтади. Каттаси заводдан уйга навбатга турган эди, ҳужжатлар тўғри бўлмай, иши хуржун ётибди... Э-э-э, қассоб, ана шуларни ўйлаб сизнинг уйингизга ҳавас қилиб ўтиргандим. Лекин худо ҳақи, сизнинг ярангизга туз сепиш хаёлимга келмаган. Худо ҳақи, — деб чин юракдан ўзини оқлашга тутинди Тўлашбек.

— Озгина қуяйми? — сўради қассоб.

Тўлашбек «йўқ» дегандай пиёласини ёпди.

— Майли, — деди қассоб ўзгача бир кибр билан Тўлашбекка қараб. — Уйлаган ниятингизга етинг, Тўлашбек. Ўғлингизнинг иши ҳам олдинга силжисин. Лекин, Тўлашбек, ҳали белим бақувват-а, — у кафти билан белига уриб қўйди, — ҳа, бақувват! Бу ғунажин то ўғил туғмагунича қўймайман! Ана шунинг учун оламан!..

— Ниятингиз йўлдош бўлсин, қассоб.

— Хўп, — деди қассоб, кўзларини чирт юмиб арақни охиригача симирди.

Тўлашбек ош ёёлмади. Чой ичиб ўтирди.

Абдулла қассоб ширакайф бўлгани учун унга ортиқ мулозамат қилмади. Ичкилик иштаҳасини қитиқлагани учунми, бир ўзи ярим лаган ошни паққос туширди. Билъакс, унга Тўлашбекнинг ўзи манзират қилиб ўтирди: «Чой қуяйми? Чойингизни янгилаб берайинми? Олинг, қассоб!..»

Ошга фотиҳа ўқилгач, яна бир чойнак чойни ичиб тутатишди. Бу пайт кеч кириб, қоронғи тушиб улгурганида Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Тўлашбек кетишга ижозат сўради. Аввал Тўлашбек, ортидан Абдулла қассоб ўрниларидан қўзғалдилар. Йўлакка етганларида қассоб кис-сасини титкилашга тушди. Битта йигирма бешталикни чиқаргани, Тўлашбек унинг қўлини астойдил қайтарди:

— Уят бўлади, Абдулла, — деди астойдил ранжиб. — Буни чўнтагингизга солиб қўйинг.

— Меҳнатингизники-ку! — деди қассоб, у ҳам астойдил Тўлашбекка тутқизмақчи бўлди.

Тўлашбек майда қадам ташлаб унинг олдига ўтиб олди.

— Агар шундай қиладиган бўлсангиз оғайнигарчилигимизга путур етади, — деди.

Абдулла қассоб шундан сўнггина пулни қайтариб кис-сасига солди.

— Раҳмат, Тўлашбек, менам яхшиликларингизга қайтарай, — деди.

— Ана бу бўлак гап, — чехраси ёришди Тўлашбекнинг, дили бари бир хижил қолди. «Бекорга ҳалиги гапни қилдим-да!», деган ўй юрагининг бир четини тирнайверди.

Абдулла қассоб Тўлашбекни кўча бошигача кузатиб чиқди.

— Хўп, хайр, — деди Тўлашбек, кетмонини елкасига ташлади. — Энди қайта қолинг, қассоб...

Қассобнинг уёғига бориш истаги ҳам йўқ эди, шунинг учун:

— Хайр, кеп туринг, Тўлашбек, — деди.  
Тўлашбек «хўп» дегандай бош силкиди-да, қоронғи кўчадан юриб кетди. Пича юргач, ортига ўғирилганди, қассобнинг йўл четигаги чирогои хира ёнган устун тагида энгашиброқ турганини кўрди.

4

Тўлашбек чўчиб уйғонди. Тепасида хотини турарди.

— Ҳа, нима қип турибсан?

— Шунақаям қаттиқ ухлайдимми одам деган? — дея норозиланди Рихси. — Келинларнинг олдида одамни иснодга қўйдингиз-э!..

— Ариқ тортиб чарчовдим-да! — ўзини оқлашга ту-  
тинди Тўлашбек. — Йўқса бунчалик ухлаб қолмасдим...

— Ариқ тортганингизникига ўхшамайди. Оғзингиздан шайтон сувининг хиди гуп-гуп кеп турувди...

— Намунча ваҳима қиласан, — дея ўрнидан сапчиб туриб кийинишга тушди у. Айвондан ҳовлига қаради. Катта келини супага нонушта учун жой ҳозирлаётган, кичиги эса самоварга ўт ёқаётган эди. — Ичган бўлсам, бир-икки пиёла ичдим, ундан ортиқ эмас. Шуниям Абдулла қассобнинг қистови билан олдим, йўқса-ку!..

— Келинларнинг олдида одамни уятга қўясиз-да, адаси, — эридан ранжиган бўлди Рихсихон. — Ахир, булар айтмайдимми, қайнатам пиёниста экан, деб...

— Нима, мен маст бўлиб у ер-бу ерда думалаб қопманми, ёки бирортангни дўппослабманми?! Жуда оҳангига оласан-да!.. — Тўлашбек хотинини койиб берди. — Айбим — пича ухлаб қолганим...

— Жойнинг торлигини биласиз. Шу, келинлар сиздан уялиб, уйдан чиқолмабди.

Тўлашбек индамади — айбига иқрор бўлган одамдек бўйинни қисиб, ҳовли адоғидаги ҳожатхонага йўналди.

Хотини келинларни кутиб ўтирмай, эрининг ўрнини айвон тўридаги тахмонга йиғди-да, чақалоқнинг йиғиси қулоғига чалиниб, тўнғич ўғли Адашнинг қайтиб кириб кетди. Салдан кейин набирасини кўтариб қайтиб чиқди.

Бу пайтда Тўлашбек ювиниб бўлиб, чорпояннинг тўрига чиқиб ўтирган эди. Хотини келиб унинг рўпарасига ўтирди.

Тўнғич келини Адиба самовар патнисини, кичиги Раъно эса самоварнинг ўзини кўтариб келишди.

— Болалар кетиб бўлишдимми? — хотинига юзланди Тўлашбек.

Набираси Равшанни эркалатиб ўтирган Рихсихон унга фалати қараш қилди-да:

— Нима, сизни кутиб ўтиришинми? — деди. — Адаш ҳали етти бўлмаёқ заводга кетди. Дадаш яқинда кетди. Институтга ўтиб келаман, девди...

— Ҳимм... — деди Тўлашбек, ўзи истамаган тарзда тўнғич ўғлининг кечаги ҳолати кўзи олдида гавдаланди, гавдаландию: «Чойни ичиб бўлиб албатта оймнинг олдиларига чиқаман. Шундай, шундай, дейман», деб қатъий бир тўхтамага келиб турганди, самоварнинг ёнида ўтирган кичик келини унга юзланиб:

— Дада, оқлаб берайми? — деб сўради.

Тўлашбек сутли чой ичмаса-да, шу дамда келиннинг раъйини қайтаргиси келмади. Зеро, у унинг юзида, кичик ва катта оралиғидаги қийғоч кўзларида маънос бир ифода кўргандиким, бу ифода унга мазкур хонадоннинг турмуш тарзидан, бу хонадонга келин бўлиб тушганидан пушаймон егандек бир мазмунни берганди. Шу боисдан ҳам келиннинг кўнглига қараб:

— Майли, фақат тўлдирмай қуя қолинг. Сутдан ҳам камроқ солинг, — дейиш билан чегараланди. Келин

«хўп» деди-да, қайнатаси айтгандай қилиб қуйиб узатди.

Катта келини Адиба «сизга чой ичирмайди» деб қайнонасининг тиззасидан ўғлини олди. Кичик келини қайнонасига оқлаб чой узатди.

Рихсихон чойни олди, сўнг эрига ва Адиба келинга юзланиб:

— Дарвоқе, кеча Адаш нима қип кепти? Иши битибдими? — деб сўради.

Келини: «Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Менга ҳеч нарса айтмадилар», деган ишорада елка қисди. Сўнг қайнонасига кўз қирини югуртирди.

Тўлашбек келиннинг нима учун унга қараганини сезди ва дарров гапга аралашди:

— Исправкани тасдиқлаб бермабди. Ҳовлини номларингга ўтказиб оласизлар, ана ундан кейин тасдиқлаб бераман, депти...

— Сизга айтмабмидим: бола шўрликни овора қиладди, деб... Гапимнинг ҳаммаси тўғри чиқибди-да, — деди Рихсихон, келинларига бир-бир қараб олди. — Ойингизни қандай қилиб бўлмасин кўндириб, у ҳовлини уқингизнинг, бунисини эса ўзингизнинг номингизга ўтказиб олмасангиз, худо кўрсатмасин, у кишига бирор қор-қол бўп қолса, иш ундан ҳам чигаллашиб кетади. Шунинг учун ҳалиям бўлса иссиғида шу ишни бирёқли қилиш керак...

Тўлашбекка хотинининг сўзлари оғир ботди. Бунга сабаб унинг келинларнинг олдида ўйламасдан, андишага бормаё қайнонаси — Тўлашбекнинг онасини ўлими ҳақида сўз очгани бўлди. У хотинига: «Келинларингнинг олдида бўлар-бўлмас гап қилгани уялмайсанми?» дегандай бош чайқади-да:

— Ўзим ҳам бугун чиқиб маслаҳат солмоқчиман, — деди, — қани, нима деркинлар.

— Нима дердилар — ҳали ўлганимча йўқ, болам, ўлганимдан кейин номларингга ўтказиб оларсанлар, дейдилар-да!.. Уларни билмайманми?

— Ҳеч ундай демайдилар-да! — деб эътироз билдирди Тўлашбек, у бу гапни келинлари онаси ҳақида бўлак хаёлларга бормасин учун айтди, ҳақиқатда эса, Рихсихон у ўйлаган нарсани топиб айтганига ич-ичидан иқрор бўлди ва кўнглини хавотир чулғади.

Рихсихон эр-хотиннинг сўхбатларини уялинқираб тинглаб ўтирган келинларга: «Мана кўрасизлар, худди шундай дейдилар», қабилида нигоҳ қадаб қўйди. Кичик келини Раънохон узатган пиёлани қўлига олиб:

— Мен оймни билмайманми, а? — деди. — Ойим нега шунчадан бери шу ишларни тўғрилаб ол, демаганларини биласизми?..

— Нега? — овозини бир парда баланлатди Тўлашбек.

— Жиянингиз Шухратбек бор, шунинг учун!

— Шухратбекнинг нима алоқаси бор? Шухратбек бизда эмас — Ҳамза кўчада, отаси ташлаб кетган ҳовлида қайд этилган бўлса...

— У ерда Шавкатбек бор, акаси бор...

— Уям ўша ерга бориб туради. Бу ерда сира ҳақи йўқ. Тоға бўлар — шунчалар бўлар-да! Оташбек уни катта қилди, ўқитди, уйлантириб қўйди... яна нима қилиб бериши керак...

— Ҳа, баракалла! — Рихсихон эрига жудаям соддасиз-да, дегандай боқди. — Худди мана шунинг учунам ойм бу нарсани орқага судраб ётибдилар-да! Ҳув бирдаги гаплари ёдингиздами? Мана шу ерда, мана шу чорпоёда ўтириб айтган гаплари?..

Тўлашбек хотини келинлари олдида ўзини ибрат бўларли томондан эмас — унга тескари томондан тутаётган бўлса-да, онасининг бу ерга чиққанда нима деганини эслаёлмади. Рихсихонга саволомуз боқиб:

— Нима деган эканлар? — деб сўради.

— Хув бирда, мана шу ерда айтмовмидилар: Ойниса тиригимда Шухратни чиқширмапти-ку, ўлганимдан кейин чиқширадими, деб...

Тўлашбек онаси бу гапни қай маҳал гапирганини хотирлай олмади. Лекин шундай деган бўлиши мумкинлигига шубҳа қилмади. Чунки синглиси Тўхфаниса эридан уч бола билан қайтиб келганида, Шухрат Адашнинг мана бу ўғлига ўхшаган олти-етти ойлик чақалоқ эди. Тўхфанисани бемаврид ўлим ораларидан олиб кетганида эса у олти-етти ёшлар атрофидаги жинқарча қолганди. Шу-шу, у Лутфиниса кампирнинг, Оташбекнинг онласида тарбия кўрди. Кампир уни еру кўкка ишонмай вояга етказди. Шу вайдан ҳам юқоридаги гапни айтган бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

— Айтган бўлсалар айтгандирлар, — деди Тўлашбек, кейин келинига пиёласини узатди. — Кўп қўйманг, озгина, — деди, ортидан қўшиб қўйди: — Аммо-лекин, ойимлар бу боланинг кўнглига жуда қараб юбордилар. Мана, оқибати нима бўлди: туппа-тузук хотинини қўйиб ўтирибди. Ҳали бу келиннинг куясига учрайди бу бола...

Рихсixon кулиб юборди. Унинг нима учун кулаётганига Тўлашбек ҳам, келини Адиба ҳам тушунолмади. Рихсixonнинг ўзи изоҳ берди:

— Адашнинг номига машина олмоқчи бўп юрибдику!..

— Мен унинг ўзига айтдим: бу ишни хаёлингга келтирма, дедим. Машинани сен минасан-у, мен ваҳимада ўтирарканман-да: худо кўрсатмасин, бирортасини уриб юборса, ким айбдор — Адаш айбдор, машина кимнинг номида — Адашнинг номида!..

— Ҳа, болам содда. Тўғри-да! Тўғрилиги учунам иши олға силжимайди.

— Адашнинг кўнгли бўш. Уёқнинг олғирлигини биласан. Қаердандир тўғриларкан-да, унинг номига ҳужжатлаштирармишлар. Адаш заводда ишлайди-да, биров бир нарса демайди. Узининг номига олгани кўрқади — ошхонада ишлаб туриб машинани қандай қилиб олибди, деган гаплар бўлади, деб ўйлаган...

Шу маҳал кичик келини қайнотаси ва қайнонасига юзланиб:

— Йиғштириб олаверайми? — деб сўради.

Тўлашбек дастурхонга фотиҳа ўқиди.

Келинлари стол устини йиғштиришга киришдилар.

— Майли, менам турай, — деди Тўлашбек, — ойимларнинг олдиларига чиқиб кўрай-чи!..

— У кишига ётигиминан тушунтиринг, — дея йўл-йўриқ кўрсатган бўлди Рихсixon. — «Пов» этиб ёниб кетадиган одатлари борлигини биласиз-а?!

Тўлашбек унга «менга ақл ўргатма» дегандай боқди. Лекин шунда ҳам кўнглини шубҳа босаверди: «Ойим гапимни тўғри тушунмас-чи?!» Юраги ғашлангандан-ғашланди. Хотинининг: «Адаш содда. Тўғри-да! Шунинг учун иши сира олға силжимайди», деган гапи миясига ўрнашиб қолганди. «Ҳақиқатда ҳам тўғри, — деб фикр қилди Тўлашбек, — агар Адашнинг ўрнида Шухрат бўлганида ҳақиқидақа исправканинг биттасини эмас, ўнтасини тасдиқлатириб келган, заводдан аллақачоноқ уй ундириб олган бўларди». У ташқарига йўналаркан, ўглининг: «Бировга пора таклиф қилиш осонмаскан, дада», деган зорланганнамо оҳангдаги сўзларини нечанчи бор ёдига олди, ёдига олдию: «Қайдам, балки одамнинг ўз ишига пишиқроқ, сал устомонроқ бўлганим тузукдир», деб мулоҳаза юритди, ана шу кўйи уқасиникига юрди...

5

Тўлашбек кўча эшикдан кирганида узун эса-да, торгина йўлакда уқасининг иккинчи синфни тугатаётган кен-

жатои Одилбек ерга тўгарак патнисни қўйиб, устидан варрак ясаётган эди.

У амакисига кўзи тушиши билан ўрнидан қўзғалди. — Ассалому алайкум, амаки, — деди, энгашиб ўтиргани учун қотиб қолган белини билаги кўмагида силаган бўлди-да, юзини бужмайтириб қаддини ростлади.

Тўлашбек унинг саломига алик олди. Кейин мийғида кулиб қўйди.

— Ахир, баҳор тугаяпти-ку, Одил! — деди.

— Ҳали шамол бор, амаки. Қўшни кўчадаги болалар учирешяпти! — деб жавоб қилди жияни, бурнини тортиб қўйди.

— Эндиги шамолга варрак кўтарилмайди, — деди Тўлашбек.

Жияни унга ишонмади — ўзининг гапини маъқуллади:

— Гаров ўйнаймизми, амаки?! Кўтарилса нечпул берасиз!..

Тўлашбек унинг чапанларча гапидан ғайришуурий тарзда кулиб юборди.

— Минг сўм бераман. Аммо кўтарилмай қолса-чи?

— Унда мен бераман!

— Қаердан олсан шунча пулни?

— Дадамлардан-да, қаердан бўларди...

Тўлашбек хоҳолаб кулди-да:

— Йўқ, унақаси кетмайди, — деди, жияни ёнидаги итини жонидан ҳам яхши кўришини билгани учун: — Мабодо, сен ютқазсанг, Қоратошни опчиқиб кетаман, бўптимми? — деб туриб олди.

— Хо-оо, Қоратошни икки минг берсангиз ҳам бермайман, — деди Одилбек, сўнг шиша идишдаги сирачга бармоғини ботириб олиб, қамишга суртишга киришди.

Тўлашбек уни саволга тутди:

— Уйда ким бор?

— Бувим борлар, Сурай опам, яна акам ухлаб ётибдилар.

— Аданг йўқми? — сўради Тўлашбек.

— Адам ишга кетдилар, — деб бийрон-бийрон жавоб қайтарди бола. — Бораверинг, амаки. Бувим ҳув тўғридаги кичик уйдлар. Кетиб қолган кеннойимнинг кийимларини сандиққа соляптилар, — дея қўшиб қўйди у.

Одилбекнинг сўнги гапи Тўлашбекни ўйлатиб қўйди. «Ойим келиннинг нарсаларини сандиққа солаётган экан, менинг гапларим унга ёқармикин?», деб мулоҳазаланди. Қайтиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Оёғи ўша ёққа тортмади. Аммо уйига қайтгудай бўлса, хотинига нима деб баҳона қилишини билмади. Устига-устак, ўғли Адаш ишдан қайтса сўрайди: бувимга ҳалиги гапни айтдингизми, деб... У таваккал қилиб ҳовли адоғидаги олдида катта бўлмаган айвони бор уй томон юрди.

Сўл тавақаси очик турган шамшод эшикдан ичкарига мўралаб, онасига салом берганида, кўзига ойнак тақиб олган Лутфиниса кампир беш-олти ой бурун қизлик уйига кетиб қолган неварга келинига қилган сарполарни ўзининг ўлимлиги учун сақлаб қўйган буюмлари устига жойлаб, сандиқни қулфлаб, қалитини наридан-бери дастрўмолига тугиб, мурсагининг ички чўнтагига солаётган эди. Онаси Тўлашбекнинг саломига алик олди. Қаншаридан бурнининг учига сирғалиб тушган ойнагани қўлига олиб, ғилофига солди, бужур юзи хийла ёришди, ёши қайтгани учун сийраклашавериб, чўлтоқ сўпургига ўхшаб қолган мошгуруч сочи учига тақилган, айна дамда елкасига тушиб турган чўлпини орқасига ташлади-да, қўлларини сидирға наматга тираб, аввал тиззалади, сал оёғининг чигали ёзилгач, ўрнидан қўзғалди.

— Ке, Тўлаш,— деди-да, уйнинг бурчагидаги қути устига тахлаб қўйилган кўрпачалардан иккитасини олиб, дераза қаршисидаги хонтахта атрофига тўшади.— Ке, бу ёққа чиқ...

Тўлашбек онасидан ҳол-аҳвол сўради.

— Ҳеч нарсага уринманг, ўтиринг, опа\*, — деди, сўнг эса онасини «опа» дегани илк маротаба унга ғалати туюлди, бу ҳис тезда яна ғойиб бўлиб, ўзининг шундай хаёлга борганини унутди.

Лутфиниса кампир, гарчи саксонларни қоралаб қолган эса-да, ҳали бардам, гап-сўзлари ҳам бирмунча дадил: бу ёшда бир хил қўшни кампирларнинг қадди букилиб, мункайиб, довдираб қолган эса-да, бу сифатни Тўлашбекнинг онасига тақаш ўнчалик тўғри эмасди.

— Уриниб нима — кетмон чопибманми? — куч-қувватига инонгандай бир оҳангда жавоб қилди у.— Иккита кўрпача солсам узилиб қолмасман!..

Тўлашбекни онасининг худди ана шу дадиллиги ўйлантириб қўйди. Кўнглига туккан гапини айтолмайдигандай туюлди ғўё.

— Йўк, энди... кийиз ҳам юмшоқ дейман-да, опа,— ўзини оқлашга тушди Тўлашбек, айни чоқда хаёлидан: «Бугун бари бир ўша гапни айтолмайдиганга ўхшайман», деган ўй ўтди, кайфияти тушиб кетаёзди, аммо айтмасликнинг иложи йўқдек кўрингани учун: «Ўғлининг олдида нима деган одам бўласан? Бунинг устига, хотининг ҳам юзингга солмаса майли эди... Йўк, айтиш керак, айтиш шарт», деди ичида, сал ўзини қўлга олди, ўшандан оғиз очишининг мавриди етиб қолар, деб ўзига тасалли берди.

— Уч-тўрт кундан бери чиқмайсан, онамни кўрай демаясан,— ўғлидан гина қилди кампир.— Овозингни эшитаман-у, ўзинг кўринмайсан?

— Манави тиш жуда эзиб юборди, опа,— жағига ишора қилди Тўлашбек, энди сўзида давом этишга чоғланганда, онаси бўлди:

— Оғриқ тишининг давоси омбур, дейдилар. Олдириб қутула қолмадингми?!

— Шундай қилишга қилдимку-я, аммо суғуриб олгунича бўладиганим бўлди, опа...

Лутфиниса кампир Тўлашбекнинг гапига у қадар ишонмади — ўғлим кўпиртиряпти, деб мулоҳазаланди.

— Отанг раҳматлиям дардга йўқ эди, сенлар ҳам унга тортдиларинг. Оташам бир ери оғриси кўрпача қилиб ётиб олади.

— Шунақа дейсиз-ку, оёи, бу Фулом ака дегани росаям бесўнақай одам экан, денг, нақ ўпириб юбораёзди оғзимни...— Тўлашбек тиш олдириган кунини эслаши замони юраги товонига довуру тушиб кетаёзди. Уша кун кўнгли қандай озган бўлса, ҳозир ҳам шундай беҳузурланди. Рангини бўзартириб, онасига ташвишли бир қиёфада боқди.

Лутфиниса кампир ўғлининг ҳақиқатда анча қийналганини гап-сўзларидангина эмас, юзидаги азоб асоратидан ҳам чуқур ҳис этди. Унга юраги ачишгандан-ачишди.

— Билимдонроғи йўқ эканми дўхтирининг?

— Еши улуг одам, тажрибалироқ бўлса керак деб ўйловдим. Аслида, шеригини кутсам бўларкан — ёшроқ бир йигит эди...

— Эсиз, шундай қилсанг бўларкан, Тўлаш.

— Икки кун оғриғига чидолмадим. Ўзимни кўярга жой тополмайман, денг. Тунов кун чиксам йўқ экансиз. Баҳри опамникига кетган экансиз...

— Ҳа, холанг мавлуд ўқиттирганди. Шунга бориб келдим.

— Кеча ҳам чиқдим,— деб қўшимча қилди Тўлашбек.— Ойниса сочингизни тараётган эди шекилли, халал бермай деб орқамга қайтдим.— Тўлашбек: «Бошингизни Ойнисага боқтираётган экансиз», дейишга уялди. Лутфиниса кампир мийғида кулиб қўйди.

— Бош қурғур қичишиб тинчлик бермайди. Сирка-пирка йўқмикин деб боқтирдим. Йўқ, бир-иккита пуч сирка бор экан — симоб суриб қўйди Ойниса...

— Ҳа,— деди Тўлашбек,— сизларни безовта қилгим келмади. Кейин Абдулла қассобникига бориб ариқ тортиб бердим.

— Шу аҳволда-я! — ўғлининг тиш олдириганини назарда тутди кампир.

— Овуниб келдим,— деди Тўлашбек, дафъатан қассобнинг дилига тегадиган гап қилганини эсладию қизаринди. Шунда бу ерга чиқишдан мақсадини ошкор этмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо пича шошилмасликни лозим кўрди.

— Чой дамлаб келай, ичамиз, она-бола,— деди Лутфиниса кампир.

— Болалар йўқмиди?

— Мактабда ҳаммаси,— деди у, ҳовлига мўралади.— Одилбек юрувди, кўринмайди.

— Одил ҳув ана у ерда — йўлакда варрак ясапти,— деди Тўлашбек, кулиб туриб сўзида давом этди:— Хў-ўп аломат-да боласи қурмағур.

— Аломат, аломат,— унинг сўзини тасдиқлади Лутфиниса кампир, у ҳам ўз навбатида ер остидан кулиб қўйди.— Оташнинг болалари ичида шуниси бошқача чиққан. Буви, буви, деб устимда ўлиб бўлади, катталари ғўдайишдан бошқа нарсани билишмайди.

— Варрак учирадиган шамоллар қолмади-ку, десам, гаров ўйнаймизми, дейди,— деб жиянининг гапини такрорлади Тўлашбек, унинг чапани сўзларидан кулимсиради.— Уйнасақ-ўйнаймиз дедим. Неча пулдан дедим, минг сўмдан, дейди. Бўпти, дедим, мен ютқазсам сенга минг сўм бераман, сен ютқазсанг мана бу ёнингдаги Қоратошни опчиқиб кетаман, десам, рози бўлмади — итини жуда яхши кўраркан,— деб яна кулди.

— Қўйиб берсанг ёнида олиб ётишдан ҳам тоймайди,— набирасининг амакисига айтган гапи кампирга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаганди.— Майли, ишқилиб омон бўлишсин. Орқамизда шулар қолишади...

Тўлашбек, ўзим ҳозир чой дамлаб келаман, деди-да, тоқчадаги чинни чойнақлардан бирини олиб ўчоқ-бошига йўналди.

6

У чой дамлаб келганида ичкари уйнинг қия очиқ эшиги беркилган, онасининг ҳам шаҳти боягидан пастроқ эди.

Тўлашбек дераза қаршисига — ҳовлига тескари қараб ўтирди. Чойни бир-икки сидра қайтарди, бирпас тиндиргач, иккита пиёлага қўйди. Бирини онасига узатди, чети чатнаган қулупнай гулли пиёлани ўзининг қаршисига қўйди.

Она-бола бир-икки ҳўпладан чой ичишди. Лутфиниса кампир ўғлининг тахмондаги сандиқ томон қараб-қараб қўяётганини сезиб, изоҳ берди:

— Тошхонга қилган сарполардан уч-тўрттасини ташлаб кетганди — шуларни жойлаб қўяяпман,— деди, пича тек турганч, афсусланган бир қиёфада сўзида давом этди:— Шухратга шу қиз бошдан ёқмовди — обериб чакки қилинди. Барибир айтганини қилди — қўйиб юборди...

\* Тошкентда фарзандлар оналарини «опа» ҳам дейдилар.

Тўлашбек онасининг сўзларини индамай эшитди. Шу дамда у Шухратдан ҳам кўра келинга, Тобхонга ачинди. Аммо буни онасига айтгудай бўлса, унга бу гап ёқмаслиги аниқ эканини билгани учун ҳам:

— Ҳа, яхши иш бўлмади. Эшитишимча, бўйида бор эканми?— деди, ичиде эса: «Бировнинг фарзандига жабр қилди-да, бу ярамас», деб сўзланди.

Лутфиниса кампир лоқайд бир тарзда:

— Бўлса бордир,— деди, аммо: «Ҳа, бўйида бор эди», дейишни истамасди, тўғрироғи, шундай дейишга бўйни ёр бермади.

Тўлашбек онасининг бу нарсага ўта совуққонлик билан қараётганига таажжубланди. Таажжубландигина эмас — ҳайратланди ҳам. Шу важдан ғайришуурий тарзда деди:

— Унгаям қийин бўпти-да, қорнида боласи бўлса!..

— Қандай қилай, Тўлаш?!..

Тўлашбек сал юмшади. Онасига ҳам раҳми келди. «Унда нима айб,— деб ўзини тергади.— Қилғиликни қип қўйган бетамиз нариги уйда ётгандир чўзили-иб... шунча одамни иснодга қўйиб...»

— Бир бечора бахтсиз бўлди-да!

Лутфиниса кампир ичкари уйда невараси Шухрат ётганини эслаб қолди чоғи, хушёр тортиди.

— Нега энди бечора бўларкан,— энсаси қотиб бурнини жийирди у.— Бошида отаси бўлса, бошида онаси бўлса — нега энди бечора бўларкан?!

— Ҳа, энди айтаман-да!..

— Энди айтмагин, Тўлаш, энди айтсанг уят бўлади!— астойдил ранжиди онаси.— Бечора деб Шухратни айтади. Бошида онаси йўқ. Тухфаниса унақа-бунақа қиз эдими-я!.. Ҳеч биринг унинг ўрнини босолмайсизлар! Онам деб ўлиб бўларди устимда! Ҳаҳ, болаларидан роҳат кўролмай кетди шўринг қўрғур... Отаси отинг ўчкур эса ана ундай чиқди... Шухратга ачинсанг бўлади... — Шу қизни Рихсixon ўртада туриб қилувди. Менам бош-қош бўлувдим!..

— Хотинингниям, сеням ҳеч ким айблаётгани йўқ, кўрқма, — деди Лутфиниса кампир. — Нима, тоға бўлибам аралашмайсанми?!

Тўлашбек жияни Шахратдан ҳафсаласи пир бўлгандай бир қиёфада онасига нигоҳ қадади-да:

— Сиз шундай ўйлайсиз, опа, лекин Шухрат бундай ўйламайди-да!..— деди.— У тоғаларининг гапини сариқ чақага олмайди.— Тўлашбек сўнги гапини овозини хиёл баландлатиб, кўшни хонада ётган жияни эшитсин учун,— чунки у жиянининг ухлаётганига ишонмаётган эди,—шундай сўзлади.

Лутфиниса кампир неварасининг ўзбошимча эканини дилдан чуқур сезса-да, аммо ўғлилари юзига солганда сираям тан олишни истамасди, тўғрироғи, Шухратнинг бу айби унга билинмасди, буни у одамзодга хос бўлган хислат деб қабул қиларди.

— Қачон сенинг гапингни сариқ чақага олмапти, Тўлаш? Қани, айт, қачон?..

— Қўйинг, опа, Шухрат фақат менинг эмас, бошқаларниям,— у «сизиням» демоқчи бўлди-ю, аммо бу сўзи кампирга айил ботиши мумкинлиги учун шундай демади,— гапини сариқ чақага олмайди.

— Укангам шу: Шухратга ёпишгани-ёпишган!..

— Ёпишса, ёмон бўлсин деб ёпишибдим, опа?!

Лутфиниса кампир индамади. Индамаганининг боиси Тўлашбекнинг «опа» деган сўзни юмшоқ, онасининг кўнглига қараб талаффуз этгани бўлди. Кампирнинг дилидан: «Менинг болаларим кўнгиладан. Бировнинг дилини огритиб қўйишдан чўчиб туришади», деган ўй ўтди, ўтдию: «Барибир, Шухратнинг кўнгли яримта. Ҳечқурса, сингиллари учун бу боланинг раъйига қараш-

лари керак. Ҳа, раъйига қарашларига мажбур ҳам қиламан. Тухфаниса унақа-бунақа қизмиди-я!..»— деб ҳукм чиқарди.

Тўлашбек онасининг ўйга ботганини кўриб: «У тушунди», деб фикр юритди. Шунинг учун яна-да юмшоқ, шикаста оҳангда деди:

— Мана, ўзингиз айтяспиз-а, опа: Шухрат партияний бўлгани учун ишхонасига ёзиб ётганмиш, деб. Хўп, шундай бир пайтда машина олиб миниши керакми? Оилавий иши анавиндай чалқашиб ётганда «Жигули» минишни ким қўйипти унга?! Иннайкейин, шоферликка ўқимаган бўлса, праваси бўлмаса! Ҳозир шаҳарда машина ҳайдаш осонми?!

— Қайси бир оғайнимдан қарз олиб машина оламан, дегандай бир гапни қилиб эди! — деди Лутфиниса кампир, Тўлашбекдан ниманидир яширгандай кўйи.

— Бировдан қарз сўраб машина оларканми, опа,— деди Тўлашбек, онасининг жияни Шухратда пул борлигини яшираётганидан ранжиди.

— Ҳа, энди, анавилар жуда эзиб юборди-ку шўринг қўрғурни! Ушаларнинг шу қилганига қарзга бўлса ҳам об минмоқчидир-да!— неварасини оқлагандай бир тарзда деди Лутфиниса кампир. У бу гапни айтмасди, аммо бундан ҳам баттар қовунтуширар гап қилгани ва ўғли ўша гапига мувофиқ жавоб бергани учун ҳам яна бир номатлуб гап қилди кампир.

Тўлашбекни онасининг сўзлари тутақтирди. Йўқ, бу гап онасига эмас, жиянига тегишли эканига, онаси бундай демаслигига фаҳми ожизи етгани учун ҳам жиғибийрон бўлди. Зеро, онасидан бундай тутуруқсиз гап чиқмасди. Бировга қасд қилиб бир иш қилиш онасининг эмас, Шухратнинг табиатига хос бўлгани учун ҳам ва буни у ўтган ҳафта — Адашнинг номига машина оламан деб чиққанида, у — Тўлашбек, бу ишга қаршилиқ билдирганида айтган гапи мана шундай ўйлашига асос берарди.

— Ана шунақа-да! Бунингиз ўзбошимча десам хафа бўласиз тагин! Адаш ишлайдиган заводнинг қайсидир бир каттасига пул бериб, Адашнинг номига олмоқчи бўлиб паспортини сўраб юрувди — мен йўл қўймадим,— деди Тўлашбек, жиянининг қинғир йўллар билан машина олмоқчи бўлганидан ва бу ишга ўғли Адашни ҳам аралаштирганидан янада фиғони фалакка кўтарилди.

Лутфиниса кампирга Шухрат, тоғам шундай иш қилди, деганида, ўғлидан қаттиқ ранжиганди, лекин ҳозир Тўлашбекнинг ўз оғзидан мана бу гапни эшитдию ўзининг ноўрин ҳафаланганини тушуниб етди. Уғлининг бу ишга бад ниятдан эмас, тўғри кўнгиладан қаршилиқ билдирганига чин дилдан иқрор бўлди. Шунинг учун ҳам:

— Бу нарсдан хабарим йўқ эди,— дея ёлғон сўзланди.

— Тагин сиз ўйламанг, опа, жиянининг машина минишига ўғлимнинг гаши кепти-да, деб... Йўқ, асло ундай эмас! Ҳозир сира мавриди эмас машина минишининг. Иннайкейин, ўзингиз ўйланг, опа, Адашнинг номига оладими? Яна қайтараман, опа, ўғлимнинг номига олишига ғашлик қилганим йўқ, мунга ўзигаям айтдим. Лекин бир нарсани тушунмаяпти, ё тушунишни истамаяпти. Хўп, ана, машина олдиям дейлик. Ҳозир шаҳарда нима кўп — машина кўп! Худо кўрсатмасин, бирор фалокат юз берса, машина кимнинг номида — Адашнинг номида, мелисама-мелиса чопиб юришга менинг тобим йўқ. Яна айтаман, сиз буни тўғри тушунинг, опа. Иннайкейин, Адаш...— Тўлашбек: «Адаш кўнгиладан, тўғри бола! Шу хислатидан фойдаланиб Шухрат уни мана бундай номоҳкул ишга бошлапти!», демоқчи

бўлди-ю, «Ойим тагин Шухратни ерга уриб, ўғлига ортиқча баҳо беришини-чи, деб ўйламасин», деган мулоҳазага боргани сабаб тилини тишлашга мажбур бўлди.

— Жуда ошириб юборасан-да, Тўлаш,— Лутфиниса кампир ўғлига ғалати қараш қилди,— ҳали машина олдию дарров уриб юбордию сен мелисама-мелиса чопиб юрдингми?!..

— Шундай бўлади, опа... Шоферлик гувоҳномаси йўқ бунингнинг. Униям пулминан тўғрилармиш. Машина ҳайдашни биламан дейди.

Лутфиниса кампир ўғлига истеҳзо билан боқди.

— Адашнинг номига олишига йўл қўймабсан-ку, а?..

— Ҳа, йўл қўймадим.

— Бўпти, билганини қилсин. Сен ўзингдан соқит қипсан.

— Ундаймас-да, опа, — «Боядан бери ҳўкизининг қулогига танбур чертяпманми», дегандай куйиниб сўз бошлади Тўлашбек. — Мени тўғри тушунган бўлса унинг фойдасини атдим-ку, ахир!.. Ҳозир машина олса эшитган қулоққа яхшими?! Сиз боя айтмасиз-ку, опа, аёқ-дагиларни куйдириш учун олмоқчи, деб, аслида шу иши тўғримас-да! Нега тўғри эмаслигини айттайми? Ҳали ўзингиз айтдингиз-а, ишхонасига ёзиб ётганмиш, деб?.. Хўп, ана, шундай бир пайтда «Жигули» олиб минса улар тек ўтирадимми?.. Ундан кейин, эрта-индин бола туғилса, бу эса бола ҳақида эшитишнIAM истамаяпти, сираям ярашмайман, деяпти, улар, машинада бизнIAM ҳақимиз бор, деб туриб олишларнIAM мумкин-да! Ана унда нима қилади? Улар шундай деб туриб олади — мана, мени айтди дерсиз!..

Ўғлининг сўнги гапи Лутфиниса кампирни ўйлатиб қўйди. У доналарини битта-битталаб бармоқлари орасидан ўтказиб ўтирган дўлана тасбеҳини мурсагининг ён китасига солиб қўяркан:

— Ундай бўлса тушунтир, олмай турсин, яна чув тушиб ўтирмасин,— деди, сўнг эса пиёласидаги чойни хўплади, қўпроқ хўплаб қўйганигами ёки ўғлининг гапи таъсириданми, қалқиб кетди, ортидан томоқ қириб йўталди-да, қўшимча қилди:— Ўзи, бола борлигини дастмоя қилиб, ўйни шип-шийдам қип кетгани етади...

— Унга айтдим. Шундай-шундай дедим. Қулоқ солишни истамади. Ўзининг номига эмас, бошқа одамнинг номига олармиш,— деди Тўлашбек.

Лутфиниса кампир, ундай бўлса гўрга-я, дегандай боқди-ди:

— Билганини қилсин. Унга бир нима десам, сенга айтган гапини қилади. Бувим ҳар нарсага аралашверади, деб хафа бўлади. Шунинг учун ўзи билиб ишини қилаверсин.

— Ҳай, албатта. Энди ёш эмас, ёшлиги ўтиб кетди. Мана, икки-уч йилдан кейин ўттизга киради. Мен тоғалик вазифамни қилиб, бир марта айтдим. Кейин, тоғам тўғри йўлга чақирмади, деб гиналанмасин учун ўзимдан соқит қилиб қўйдим...

7

Шундан сўнг икковлари жим қолишди. Лутфиниса кампир ўзининг қариб қолганини, набираси Шухратни яна бир марта қандай қилиб уйлантиришини, эндиги тўйига қайси меҳрибони бош-қош қўшишга рози бўлишинию қайси суюклиси у билан совчиликка боришга кўнишини, кимнинг эшигига бориб сарғайишини ўйлаб хомушланиб қолган, ўғли Тўлашбек эса айни дамда кўнглидаги гапини қай тарзда билдиришини билмай гаранг эди. Бордию онаси унинг сўзларини тўғри тушунмасачи? Бордию ана шу гапни айтиши билан бобиллаб берса-

чи? Ё бўлмаса, «Менинг ўлимимни истаб қопсан-да, ўғлим! Она эмас — уй-жой керак бўп қопти-да, сенларга!..», деб қолса-чи? Унда нима қилади? Нима деб жавоб беради? Тўлашбекни шундай ўй-хаёллар чулғаб олди, чулғаб олдию: «Айтмайман, айтадиган бўлсам, онамни ранжитиб қўяман! Ўзи, манови Шухратнинг куйдиргани етади. «Опа, ҳовлилардан бирини Оташга, иккинчисини менга ўтказиб беринг. Кўзингиз очиқлигида шу ишларни қип кетинг», дейдиган бўлсам, баттар диллари оғрийди. Адаш бу йил уй олмаса, кейинги йил олар, кейинги йил бўлмаса, ундан кейинги йил олар. Уша бетон уй қочиб кетмас. Бир кун олдин бўлмаса, бир кун кейин кириб борар ўша товўқнинг катагига ўхшаган домига!», деб хулосаланиб турганди, онасининг ўзи сўз очиб қолди:

— Ҳа, айтгандай, Қуёшбекдан хат-хабар келиб турибдими?..

Лутфиниса кампирнинг бу гапи Тўлашбекни яна ўйлатиб қўйди. Қуёшбек кейинги йил келса, унинг ҳам бир бошини икки қилиб қўйиш кераклигини, ана унда яна уй-жой масаласи бундан ҳам мураккаблашиб кетишини, эр-хотин икковига айвондан ҳам жой топилмай қолиши мумкинлигини ўйлади. Этак томонга уй қуришга жой тор, устига устак, қурилиш учун жамғариб қўйган уч-тўрт минг сўм пулинг ҳам бўлиши керак. Адаш билан Дадаш, қолаверса, унинг ўзи ҳам қуруқ ойликка яшаб келишмоқда. Ҳукуматнинг берган бу ойлигига ўғил уйлантириш ё бўлмаса уй-жой қуриш уёқда турсин, қора қозонингни қайнатишнинг ҳам ўзи бўлмайди... Уни ана шундай ўй-хаёллар ўз домига тортаверди. Онасига айтмаслик ҳақидаги фикридан қайтди. «Айтаман, айтмасам бўлмайди», деган қатъий бир қарорга келди.

Лутфиниса кампир ўғли саволини жавобсиз қолдириб, хаёл дарёсига ғарқ бўлганига ажабсинди. Шу боис уни қайта сўроқлади:

— Нега ўйлаиб қолдинг? Қуёшбекдан хат-хабар келаяптими, ахир?..

Тўлашбек онасининг саволини жавобсиз қолдирганидан хижолат чекди. Шунинг учун ҳам ошиққан бир кўйи:

— Келиб турибди, келиб турибди. Ҳар хатида сизни сўрайди,— деди, боз нимадир демоқчи бўларди-ю, ўша ниманидир айтолмай гарангланаётгани юз-кўзидан сезилиб турарди.

Буни Лутфиниса кампир ҳам туйди.

— Бир нима демоқчига ўхшайсан, Тўлаш,— деди ўғлига саволомуз боқиб.— А, шундайми?..

— Йўқ... ҳа, рост, бир маслаҳатли иш бор эди, опа,— деди Тўлашбек, шундай дейиши билан енгил тортди. Дилимдагини айтсам, онам еб қўймас, деб мулоҳазаланди ва ана шу мулоҳазасининг ўзи уни дадиллаштирди.

— Қани, қани, нима маслаҳатли иш экан?— «қулоғим сенда» қабилида ўғлининг оғзига қараб қолди Лутфиниса кампир.

— Хабарингиз бор, опа...— Тўлашбек тутила-тутила сўз бошлади, бошлашга бошлади-ю, аммо яна пича тек қолди.

— Нимадан?..

— Хабарингиз бор, опа, Адашминан Дадашни уйлантирдик... Мана, ҳозир ўзингиз айтганингиз Қуёш ҳам кейинги йили ҳарбийдан қайтади. Униям уйлантириш керак бўлади...

Лутфиниса кампир ўғлининг имиллаб сўз бошлаганидан юраги сиқилди. Унинг нима демоқчилигини тушунолмади — алоҳал ўзи айтиб қўя қолди:

— Ҳўш, менинг бирор нимада ёрдамим керакми? Бундай тушунтириброқ айт?..





Расмлари О. Аносова чизган.

— Хабарингиз бор, опа...— Тўлашбек боз мужмаллашиб гап бошлаганди, Лутфиниса кампир уришиб ташлади:

— Ҳадеб «хабарингиз бор»лайверма! Индаллосини айт-қўй-да, ўғлим!..

Тўлашбекка онасининг «ўғлим» дейиши дадиллик бағишлади. У пиёласининг тагидаги чойни охиригача сипқорди. Сўнгра гап бошлади:

— Хабарингиз бор, опа, иккита келинга уйни бўшатиб бериб, эр-хотин икковимиз айвонда ётиб юрибмиз. Бегоналарнинг олдида жуда ноқулай бўларкан, опа. Улар мендан хижолат чекиб, на уйга киролади, на уйдан чиқолади. Мен бемалол ёнбошлаёлмайман, улардан андиша қиламан. Кечқурунлари салқин — супада ётишнинг иложи йўқ! Этак томонга уй қурайлик десак, ҳовли аянам торайиб кетади, устонга устак, ҳозир уй қуришнинг ўзи бўлмайди — асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари фалон пул, хужрага жой қилиб олай десам Рихси рози бўлмаяпти — келинларнинг олдида уят эмиш...

— Ҳа, албатта уят-да! — келинининг гапини маъқулади Лутфиниса кампир. — Қайнатаям хужрада ётадими? — деб ундан норозиланди онаси. — Ўғилларинг қўйнига биттадан хотинни солиб қўйиб, ўзинг товуқнинг каттагидай хужрада ётасанми?!..

Тўлашбек онаси гапларини диққат билан эшитаётганига хурсанд бўлди.

— Шуни айтаман-да, — деди у, кейин эса, ўғиллари ҳам шароитнинг оғирлигини ҳисобга олиб, ҳаракатга тушиб қолганларини эслаб уларга ҳам ичи ачишди, сўзида давом этди: — Болалар ҳам тушунишяпти. Адаш заводидан уйга ёзилганди, — деб гапни олисдан бошлади Тўлашбек. — Аммо битта «лекин»и бор экан, опа, — деди у, онаси «нима «лекин» экан» деган йўсинда қараб турганини кўриб, яна сўзида давом этди: — Гап шундаки, опа, завод уйга навбатга турганларнинг рўйхатини исполкомга бераркан. Бунинг учун эса хўжжатлар тўғри бўлиши шарт экан. Худди шу ерга келганда Адашнинг иши оқсаб қолибди... Нега дейсизми? Ойниса кеннойсидан уй дафтари олиб, ҳамманинг паспортини йиғиб олиб борган экан, тасдиқлаб бермабди. БТИнинг исправкасини, ҳалиги, ҳақиқатда жой тор эканини, уй олишга ҳақ-ҳуқуқи борлигини асослайдиган қоғозниям ололмабди...

— Нега ололмайди? — сўради Лутфиниса кампир. — А, нега?

— Уй ҳалиям бувамларнинг номларида-ку! Шуни бирортанглр номларингга ўтказиб олинглар, акс ҳолда катта иштирап тўлайсизлар, дептимиш... Қонун бўйича, уй эгаси вафот этиб қолса, олти ойгача бошқа одамнинг номига ўтказволиш керак экан. Бизникига йигирма икки йил бўлганмиш... Шунчагача эътибор берилмаганини қаранг!..

Лутфиниса кампир чурқ этмади. Ўғлининг сўзларини эшитиб ўтираверди.

Тўлашбек онасининг индамай гапига қулоқ солаётганини кўриб, онаси эмас, бемалол сўзлай

— Тўғри, — деди у чаккасини қашиб қўяркан. — Бувамлар олтмиш олтинчи йили қазо қилгандилар. Эсимда, ер қимирлаб қолди-ку, яхши юролмайдилар денг, уларни ўзим кўтариб ҳовлига опчиққандим, ҳа, ҳа, кеча сиз ўтиргандингиз-ку, ҳув анави тўнканинг устида, — у дераза томон ўгирилиб, ҳовли ўртасига ишора қилди, — уша тўнкага ўтказиб қўювдим. Қўй, Тўлаш, уят бўлади, ўзим чиқиб бораман, деб унамаганларигача ёдимда. Уша йилнинг кузида, арапа кунни оламдан ўтүвдилар. Ҳа, эртага намозга чиқаман, деб соч-соқолларини олдиратуриб жон бергандилар. Сартарошнинг қўлида

жонлари узилганди... Ҳа-ҳу деб шунгаям йигирма икки йил бўпти-я, опа...

— Ҳа, энди у одам дунёга бир кеп кетдилар-ку, — дея отасини хотирлаб кўзига ёш қуюлиб келди Лутфиниса кампирнинг. — Дадам раҳматли бошқача одам эдилар-ку-я!.. Аломат эдилар...

— Ҳимм... — Тўлашбек она томонидан бобосининг қизиқ феълини эслагани учун ёқимли жилмайди, кейин онасининг гапини маъқулади: — Тўғри айтасиз, у киши бошқача эдилар...

Она-бола раҳматлиларни эслаб, пича тек қолишди. Жимликни Тўлашбек бузди.

— Шуни, опа, Оташ ҳаракат қилиб ўзининг номига ўтказиб олсин. Кейин Адашга тасдиқлаб берармиш. Ҳукуматнинг ишини биласиз, опа, фақат, қоғоз билан муомала қилади. Ўзингга ишонмайди — қўлингдаги бир парча қоғоз бўлса, у хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ қалбаки — ана шунга инонади, шу билан муомала қилади... Адаш ҳам кеча хуноб бўлиб келди. Унинг сиқилганини кўриб ўзим ҳам ғалати бўп кетдим...

Лутфиниса кампир индамади, Лутфиниса кампир индамади-ю, аммо ўғлининг гапи унга ёқмаганини юзидаги ўзгаришдан сезиш қийин эмасди...

— Оташга илгариям айтгандим: шу ҳовлини номингга ўтказиб олгин, деб. Менинг фаҳмимча сизнинг олдингиздан ўтолмади-ёв!.. — деди Тўлашбек. — Узи, опа, шу нарсаларни одам кўзи очиклигида қилиб қўйиши керак эканми, дейман, — деди у, онасига бу гапи тегиб кетган кетмаганини кузатди. Аммо унинг юзида ҳеч қандай белгини аниқлаёлмагач, сўзига қўшимча қилди: — Мана ҳозир деярли ҳаммамиз бу ҳовлида қайд этилганмиз. У ҳовлида эса, — деб ўзи яшайдиган уйга ишора қилди Тўлашбек, — биргина сиз қайд этилган экансиз. Узи шуниям тўғрилаб қўйиш керак экан. Сиз тўғри тушуниг, опа, тагин ўғлим жой талаб қилиб чиқибди, деб ўйламанг. Менгаям керакмас. Мендан ҳам қолиб кетади. Менинг жойим ҳув анави ёқда, — у қўл ишорасида қабристон томонни кўрсатди. — Мана, дадам раҳматлиям ҳеч нимасиз ўтиб кетдилар. Мундоқ ўйлаб қарасам, опа, шу кишининг номида ҳам бирорта уй бўлмабди. Менгаям керак эмас. Сизминан мендан кейинги томирларимиз қийналишмасин дейман. Адашга ўхшаб идорама-идора санқиб, бировнинг қошига, бировнинг қоғоғига қараб юрмасин, сал гавдасини фоз кериб юрсин, дейман, опа. Шунинг учун ишни бошдан пишиқ-пухта қилиб кетиш керак экан... У ҳовлиниям менинг номимга эмас, опа, болаларимдан бирортасининг номига ўтказиб берсангиз ёмон бўлмасди. Кўзимиз очиклигида шу ишларни қип кетганимиз яхши экан, опа, сизминан менинг вазифамиз шу экан...

8

Лутфиниса кампир ўғлининг гапларига жавоб бериш учун оғиз жуфтлаганди ҳамки, ичкари уйнинг эшиги тарақлаб очилиб невараси Шухрат чиқиб келди. Кўп ухлаганиданми ёхуд чала ухлагани учунми, унинг қоғоқлари шишган ва ана шу шишган қоғоқлари тушган, уккиникига ўхшаш катта қўй кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бир тарзда шармандаларча ёнар, айна палладаги вазоҳатидан одам кўрқиб кетиши аниқ эди. Ҳар қалай, Тўлашбекка ана шундай туюлди. У рангини гезартирган қўйи бўсағада гўдайиб туриб, йўғон, бўғиқ овозда тоғасига ўдағайлади:

— Энди билдим сизнинг қандай одам эканингизни, энди билдим!..

Тўлашбек жиянига нима деб жавоб қилишни билмай, қараб қолди. Унинг бу қарашида ўзининг ноқулай аҳвол-

да қолгани аломатини кўриш мумкин эди. Хаёлидан лип этиб: «Қандай одамман?», деган савол ўтди, ана шу саволни ўзига бериши ҳамон яна-да ғалати ҳис этди ўзини, юздан товонига довр қизиб кетди, манглайи қишишди. У ҳеч нарсани тушунмагандай онасига қараб елка қисди:

— Биз... она-бола гаплашиб ўтирибмиз... у ёқдан-бу ёқдан...— деди, сўнг эса: «Нега энди мен унга ҳисобот беришим керак?», деб мулоҳазаланди, ана шу мулоҳазаси уни ҳушёр торттирди. У Шухратга қошларини чимириб қаради-да:— Сен ўзи нимага ҳовлиқиб чиқдинг? Нималар деяпсан ўзи? Қандай одам эканман?!— деди.

— Сизга... сизга ҳовли-жой онадан азиз экан-да! Сизга ҳовли-жой керак экан-да, а! Она керак эмас экан-да?..

Тўлашбек жиянини жуда яхши биларди, лекин унинг бунчалар паст кетиб, ўзини шармандаларча тутиб, бировга эмас, ўз тоғасига қаёқдаги куракда турмайдиган айбни тақашни етти ухлаб тушига кирмагани; шунинг учун ҳам унинг қони кўпириб кетди, аммо онасининг ҳурмати учун жаҳлини ичига ютди.

— Нималар деяпсан, Шухрат, сал оғзингга қараб гапир!— деди у, кейин онасига юзланди:— Опа, нима деяпти Шухратингиз?..

Лутфиниса кампир чурқ этмади. Зеро, набирасининг унинг устида куюнгандай бўлиб сўзлаши ўз таъсирини ўтказиб улгурган, у аллақачон, ўғлимга мен эмас, менинг жойим керак экан, деган хулосага келиб улгурганди. Шунинг учун ҳам «Мен нима дердим» қабилида елка қисиб қўйди, холос.

Тўлашбек жой масаласи, албатта, бир жанжални бошлашини сезган эди, аммо орага Шухрат аралашини ўйламагани. У онасини Тўлашбекка мана бундай олқишлаб қўйганига эса сира чидолмади.

— Менинг жияним бўлсан, тўхмат гапларингни қайтиб ол, йўқса хафалашиб қоламиз!...— деди.

Шухратга тоғасининг ўтингандай оҳангда сўзлаши таъсир этмади, аксинча, унинг сермулоҳаза, юмшоқ табиятини билгани учун яна авжига минди:

— Ҳа, ҳа, сизларга бувим керакмас,— у нафақат Тўлашбекни, кичик тоғаси Оташбекни ҳам назарда тутарди,— сизларга унинг ҳовли-жойи керак! Бувимдан тезроқ қутулсанглари, манави ҳовли-жойга эга бўлсанглари!..

Тўлашбек бу тўхматларга ортиқ чидолмади — ўрнидан сапчиб турдию онасининг ҳайҳайлашига ҳам қулоқ солмай жиянининг ёқасидан олди.

— Нима деяпсан, эси паст! Нималар деб валдираяпсан!.. Андишанинг оти кўрқоқми?! Мен ўз онамга ўлим тилаймамми?

— Ҳа, тўғри-да!— безбетлик билан тоғасига тик қаради Шухрат.

— Нима тўғри?! Уғилам ўз онасига ўлим тиларканми? Ўйлаб гапиряпсанми?!

Лутфиниса кампирнинг ўтакаси ёрилаёзди. Ранг-рўйи девордай оқариб кетди. Тоға-жиян ўртасида катта жанжал чиқиб, ёқа бўғишишгача бориб етганини кўрдию уям ўрнидан туриб уларнинг орасига тушди:

— Қўйиб юбор, қўйиб юбор бўйинини!..— деб ўғлининг қўлига ёпишди у.— Сени кап-катта киши, ақли бор десам... бу нима аҳмоқлик? Уят эмасми?!— Лутфиниса кампир ўғлининг бақувват қўлларини силтаб ташлашга уринди.— Вой шўри-им! Вой шўри-им, бўғиб қўяди ҳозир!.. Тўлаш, қўйиб юбор, йўқса сендан ҳам хафа бўл қоламан!..

Тўлашбекнинг жиғибийрони чиқди.

— Нима деганини эшитдингиз-а? Мен сиздан қутулмоқчимман!.. Нимага она-боланинг орасига арала-

шадил? Нима ҳақи бор сизминан менинг орамга тушишга?! Бу мишиқи ўғлим тенги келади-я!..

— Оғзингизга қараб гапиринг!..

— Тўғри-да, оғзингга қараб гапир!..

— Хафа бўлманг-у, опа, шунинг кўнглига қарайвериб шу кўйга тушириб қўйдингиз!..

— Нима аҳволга туширибман?! Нима аҳволга?!— Тўлашбекка бобиллаб берди Лутфиниса кампир.

— Гапирётган гапига қаранг! Андишанинг отини кўрқоқ деб ўйлаётгани бу? Тоғаларимнинг кўнгли бўш, нима десам индамайди, кўтаради деб ўйлаётганими?!

— Сенинг кўнглинг бўш эканми?! Қара, важоҳатингни! Кўнгли бўш одам ўз жиянининг ёқасидан оладими?!

— Одамниям шундай хор қиладими ўзи?.. Тоғасигаям одам шундай дейдими?!

— Сени ҳали ҳеч ким хор қилганича йўқ — ёлғон гапирма!— ўғлига ғазаб билан термулди Лутфиниса кампир.— Хўпми, сени ҳеч ким ҳали хор қилганича йўқ!..

— Бу хор қилмаганими, опа?..

Лутфиниса кампир ёнини олгани учун Шухрат олишини қўймади:

— Мен омади гапни айтдим!— деб Тўлашбекнинг қўлига уриб ташлади.

Тўлашбек боз унинг ёқасидан ушламоқчи бўлганди, у орқага тисланиб, яна қўлига урди.

— Сени тарбия қилганга лаънат бўлмаса, жиян!..

Лутфиниса кампир ўғлидан худди шу қарғишни кутиб тургандай:

— Раҳмат сендай ўғилга, раҳмат!— деди аччиқ киноя билан, қўлини кўксига қўйди.— Уз онагни лаънатлаяпсан-а, ўз онагни-я!..

— Сиз тўғри тушунмадингиз, опа!— ўзини астойдил оқлашга тиришди Тўлашбек, «ҳаммасига сен айбдорсан» деган йўсинда Шухратга ўқрайди.

— Уни тарбия қилган менман!— деди Лутфиниса кампир, сўнг эса истеҳзо билан кўшимча қилди.— Менга лаънат айтдингиз-а!..

Тўлашбек саросимага тушиб қолди. Онаси уни тўғри тушунмаганини ёинки тўғри тушунишни истамаганини туйди. Шундай эса-да, бу нохуш воқеанинг оқибати ёмон тугагини сезгандай, юраги темирчининг босқонига ўхшаб дукиллаб уриб кетди.

— Биламан, опа, биламан нега бу ишни қилаётганини! Жуда яхши биламан!..— ўзининг бояги бемаврид гапидан хижолат чеккандай дараклади Тўлашбек.

— Нимани биласиз?!— пичинг қилди Шухрат, у тоғасининг бувиси олдида ноқулай аҳволда қолганини балодай сезганди.

— Нопок йўлдан сениям, Адашням қайтарганим учун шу ишни қиляпсан! Адашнинг номига машина олишингга йўл қўймаганим учун шундай шармандаларча тутяпсан ўзингни!..

Шухрат тоғасининг устидан намойишкорона кулди:— Адашнинг номига бўлмаса, бошқанинг номига оламан! Пул бўлса чангалда шўрва!..

— Сен пулингминан керилма, хўпми? Бу пулни қандай йўлминан топганигни биласанми?!..

— Қандай йўл билан топибман?

— ...

— Пешона терминан топган!— ўртага қўшилди Лутфиниса кампир.— Эрталаб сахар туриб кетиб, ярим кечагача тик оёқда туриб топган!..

— Қандай йўл билан топибман?!— баланд келишга тутинди Шухрат.— Айтинг деяпман сизга?

Тўлашбек: «Қандай йўл билан бўларди, хўрандаларнинг ҳақидан уриб қолиб топгансан», демоқчи бўлдию айтмади, тўғрироғи, айтишга тили бормади.

— Қандай йўл билан топганини ўзинг яхши биласан!— деди, шу он хаёлидан: «Менам унга ўхшаб сурбет бўлиб кетмаяпманми? Оғзимга келганини валдираяпман», деган ўй ўтди, ўтдию: «Ҳа, ҳа, унга ўхшаб пасткашлашиб кетдим чоғи», деб сўзланди, ўзини-ўзи ёмон кўриб кетди.

— Уят-э, Тўлаш, уят сенга!..

— Унга уят эмас-а! Унга идамайсиз!..

— Эплабман, топибман! Қани, сиз ҳам, ўғилларингиз ҳам топиб кўрсин-чи? Ана, Адашингиз неча кун овора бўпти. Битта исправка деган матоҳни тўғрилолмай юрибди. Мен пул билан ўшандақа қоғоздан ўнтасини сотволишим мумкин!..

Тўлашбекнинг кўзи олдидан ўғли Адашинг: «Дада, шу ишни қилолмади. Бировга пора таклиф қилиш осонмаскан», деган сўзлари ўтди, ўтдию: «Ҳа, ҳа, бу пул билан ҳамма нарсани сотволади, ўғилларимнинг қўлидан бундай иш келмайди, келмаганигаям шукр», деди...

— Сен пул билан ҳамма нарсани сотволасан!..

— Чидасангиз шу!..

Тўлашбек чидолмади, жиянининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Кейин эса ана шундай қилганига, қилолганига севинди.

Шуҳрат юзини ушлади, аммо тоғасига ташланмади, ташланмоқчи бўлдию ташланмади, фақат пўписи билан чегараланди:

— Абжағингни чиқариб ташлардим-ку, ёшинг бир жойга бориб қолган-да!— деди у Тўлашбекни еб қўйгудай бўлиб.

Лутфиниса кампир айюҳаннос кўтарди:

— Ердам беринглар, яхшилар! Ҳозир ўлдириб қўяди!.. Шуҳратни ўлдириб қўяди!..

Тўлашбек Шуҳратни ўлдириб қўйгани йўқ! Ўлдириб қўйиши керак эди-ю, аммо ўлдириб қўйгани йўқ! Онасига ижирганиб боқди-да:

— Рост, опа, буни ана шундай бўп кетишига сиз айбдорсиз!— деди.

Лутфиниса кампир яна «пов» этиб ёнди:

— Чиқиб кет бу хонадондан! Ҳеч бўлмаса синглининг арвоҳини ҳурмат қилмадингми, сендай ўғил керак эмас менга!— деб Тўлашбекни ҳайдади.

— Яхшиям синглимни эслатдингиз, опа! Синглимни арвоҳини ҳурмат қилганимиз учун менам, Оташ ҳам бунингизга қўлимиздан келганча ёрдамимизни аямдик. Уйланишидаям бош-қош турдик, аммо бунда ўша аблахнинг қони бор-да,— деб Шуҳратнинг отасини назарда тутди у,— бир бечоранинг қизини жувонмарг қилди! Синглим Тўфанисани отаси қандай ҳайдаган бўлса, бунинг ўзиям туппа-тузук қизни худди ана шундай уйдан қувиб чиқарди!..

Лутфиниса кампир шунча гапдан кейин ҳам набира-сининг ёнини олишини қўймади:

— Сенминан Оташ сабаб бўлдиларинг! Сенминан Оташ буни бахтсиз қилдиларинг! Олмаيمان, деган қизни олишга мажбур қилиб, сизлар буни бахтсиз қилдиларинг!..

— Майли, опа, сиз, бари бир, бизни айблаверасиз. Ёлғиз Шуҳрат оппоғу, Оташ икковимиз қорамиз!..

— Топган гапини қараю!— деб, Тўлашбекдан энсаси қотди Лутфиниса кампирнинг.

— Биламан, опа, гапим ёқмади сизга,— деди Тўлашбек, сўнг ўзини гуноҳсиздай тутиб турган Шуҳратга қаради:— Боя сен бизни айбладинг-а? «Сизларга ҳовли-жой керак, она керак эмас», дединг-а?

Шуҳрат индамади. Тоғаси Тўлашбекка ер остидан хўмрайиб қараган кўйи бош ишорасида «ҳа» деган бўлди.

Лутфиниса кампир ҳам: «Ҳа, сенларга она керак эмас», дегандай бир қиёфада Тўлашбекка ола қараш қилиб қўйди.

— Аслида биз эмас, сен, ҳа, ҳа, сен, мана бундай нобон ишларинг билан бу кишини сиқиб келяпсан!.. Биз эмас, сен қутулмоқчисан опамдан!..

— Йўқ, сизлар қутулмоқчисизлар! Чунки сизларга ҳовли-жой керак!— деди Шуҳрат сурбетларча гап қайтариб.

— Ҳовли-жойни ҳеч кимга бермайман! То тирик эканман, ҳеч ким бу ҳовлигаям, у ҳовлигаям эғалик қилмайди!.. Эшитдингми?!

— Керакмас, опа, жойингиз!.. Шунаққилиб жой оладиган бўлсам, дадам раҳматлига ўхшаб жойсиз ўтиб кетганим яхши!..— деди Тўлашбек, у бу гапни юмшоқ, айна дамда онасидан қаттиқ аразлаган тарзда айтди.

Лутфиниса кампир ўғлига зиғирча ачинмади, қовоқ-тумшугини уйиб:

— Бу дунёдан қандай ўтиш сенинг ишинг, лекин мен тирик эканман, ҳовлидан умид қилмаларинг, сенам, Оташ ҳам!— деди.

Тўлашбекка ёмон алам қилди. Кўнгли қаттиқ ўксиди, оёқ-қўли дармонсизланди, қийиқ кўзларида ёш ҳалқаланди. Чўзиқ юзида ёшига номутаносиб, ёш болаларга хос араз ифодаси қалқиди. Бу ифода билан бирга яна бир аломат ҳам зуҳур этгандиким, бу фақат ўзга одамларнинг унга нисбатан қилган адолатсизликларига қарши қалбида туғён ураётган исённи ифодаларди.

У ортиқ бу ерда қолишни истамади. Кўрпачага ташлаб қўйган дўпписини олиб, тиззасига икки-уч карра урди-да, бошига кийди. Сўнг эшикдан чиқиб кетаркан, Шуҳрат томон ўқрайиб қараб қўйди. Унинг бу қарашига: «Она-боланинг орасига адоват солган сен бўласан», деган ифода зоҳир эди...

9

Тўлашбек уйига таъби хира бўлиб қайтиб чиқди. Хотини Рихсихон икков келинини ёнига олиб, ҳовлининг ўртасига, бир пайтлар — ер қимирлаган йиллари ишлатилган чодирни ёзиб, устида ўзининг ва келинларининг куя тегадиган бисотларига нафталин ураётганиди, ғудраниб этак томонга ўтиб кетаётган Тўлашбекнинг вазоҳатини балодай пайқаб, саволга тутди:

— Ҳа, тинчликми? Нима бўлди?!..

Келинлари ҳам қайноталарининг авзойини туйганлари сабаб бирин-сирин унга ер остидан нигоҳ қадаб қўйдилар.

Тўлашбек ёниб турган эса-да, истаб-истамай қисқагина, киноя оҳангида жавоб қайтарди:

— Нима бўлганини эшитгандирсан? Қулоғингга чалингандир нима бўлгани?!..

Шундай деди-ю, бўлак бир оғиз сўз айтмай ўтиб кетди.

Тўлашбек ҳовли адоғидаги қазноқ эшигини тарақлатиб очди, сўнг худди шу тарз ёпди — ичкарида анча-гача ғойиб бўлди. Бир маҳал у ердан қайтиб чиқди-да, ҳар ёққа олазарақ боқар экан: «Опам мени ҳайдадилар-а! «Чиқиб кет бу хонадондан! Сендек ўғил керак эмас менга!» дедилар-а!.. Ана шу мишиқининг, ўғлим қатори келадиган ана шу ярамаснинг сўзига кириб мени уйдан қувиб чиқардилар-а!...», дея ўзича сўзланиб, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа бориб келаверди, хотини, келинлари гапларини эшитишаётганини, унинг ҳеч қаерга сиғмаётганини кузатишаётганини идрок ҳам этмай, ўзига-ўзи гапиришини қўймади: «Ҳеч бир андишага бормай: «Сизга ҳовли-жой керак экан-да!», деди-я!.. Тоғамнинг кўнглига келади-ку! Тоғам ранжийди-ку, деб

ўтирмади-я!.. «Бувимдан тезроқ қутулсаларинг-у, унинг ҳовли-жойига эга бўлсаларинг!», дейди-я! Вой, аблаҳ-э! Вой, иблис-э! Шундай деди-я...» дея жияни Шухратнинг бояги шармандаликларини эслайверди, эслагани сайин унинг совуқ, сур башараси, отасиникига ўхшаш, Тўлашбекнинг хотирига муҳрланиб қолган чўтир, чўзиқликка монанд юзию ўғриларникига ўхшаб олазарак боқувчи укки кўзлари, кесак мисол оқариб кетган ранг-рўйи кўзи олдида тажассумланаверди, тажассумлангани сайин нафрати жунбушга миниб, фиғони фалакка ўрлади. «Абжағингни чиқариб ташлайман!» дедими,— деб сўзланди, ортидан эса:— Абжағни чиқариб ташлаш қандай бўлишини нега унга кўрсатиб қўймадинг?! Нега қулоқ-чаккасига тагин бир марта тарсаки қўймадинг?!», деб ўзини тергади, тергаши ҳамон онаси йўл қўймаганини, етти маҳаллага эшиттириб дод-вой кўтарганини хотирлади, хотирлаши ҳамон ундан ҳам қаттиқ нафратланди. «Ҳаммасига онам сабабчи! Ана шу боланинг бундай ўзбошимча, бундай ярамас бўп кетишига онам сабабчи!.. Ҳа, ҳа, ҳали булар бир бегуноҳни қон-қон йиғлатгани, бир бечорани жувонмарг қилганларининг азобини тортадилар! Тортсалар ҳам тортадилар, тортмасалар ҳам тортадилар! Бу дунёда барининг ҳисоб-китоби бор!», дея ҳукм чиқарди, бодан бери ҳовлида гир-гир айланиб, бир дона ғишт ахтараётгани ёдига тушдию хуноб бўлиб хотинига юзланди:

— Рихси, ўчоқбошидан ортган ғишларни болалар қаерга тахлашувди?— деб сўради, шу дам озиқ тишининг ўрни боз хуруж қила бошлаганини ҳис этди, хаёлидан: «Ҳе, жин урсин!.. Ҳаммаси бир пайтда келишини-чи?!», деган ўй кечди, кечдию: «Иши юришмаган одамсан, Тўлаш, омадсизсан!» деб сўзланди, сўнг эса, ўзини ожиз бир одам сезгани, ночор аҳволда қолганидан келинлари олдида уялиб кетди.

Хотини ҳам унинг шу дамдаги аҳволи-руҳиясини сезгани учун дарҳол жавоб қайтарди:

— Узингиз Адашга айтиб, хув анави супанинг орқасига тахлатувдингиз шекилли? Уч қатор қилиб териб қўй деганингизни эслайман!

— Ҳа, ҳа, дарвоқе!— деди Тўлашбек, хотини ўғли Адашнинг номини тилга олганида бир томондан юраги орқасига тортса, иккинчи томондан ғижингандан-ғижинди. Адаш келиб, нима бўлди, бувимга учрашдингизми, дейдиган бўлса, қандай жавоб қилдим энди, деб ташвишга тушгани боис юраги орқага тортганди. «Қаёқданам айтди-я! Қаёқданам: «Бувимга айтинг! Оташ амаким ҳовлини ўз номига ўтказиб олсин!» деди-я!.. У ана шундай демаганида, боз устига, амманнинг бузоғига ўхшаб шалпайиб, арзимаган ишнинг ҳам уддасидан чиқолмай келмаганида шу иш йўқ эди-я!», деган ўй кўнглидан ўтгани, кўнглидан ўтиши замони: «Ё худонинг қудратидан — бари бир ўйлаганим бўлди-я!», деб сўзлангани сабаб ғижингандан-ғижинганди. У ана шу аҳволда супа ёнига келди, энгашиб, супа тагидан иккита ғишт олди-да, яна орқасига қайтди...

Ҳужра эшигини ланг очиб, тагига ҳозир олиб келгани — иккита ғиштни бостирди-да, ҳеч бир ўйлаб ўтирмай ҳужрани тозалашга киришди. Болаларнинг эски-туски кийимлари тугилган бўғжомани, ярмига довуру дарзи кетиб рўзгорга ярамай қолган, фақатгина жойни эгаллаб ётган хум борми, ё ўн-йигирма чоғли ҳар турли стул, сандал курсисини ҳовлига олиб чиқиб ташлади. Ҳужранинг қурум босган, чанг шифтини, деворларини супургида супурди-да, ошхонани оқлаш учун ишлатилиб, ортиб қолган оҳакни бостирмадаги бочкадан топиб чиқиб, ярим-бир соат ичида деворларини оқлаб чиқди. Сўнг эса супа тагидаги ғишларнинг барини

ташиб келтириб, бир-бирига жипслаштириб терди, жипслашмай қолганларининг орасига кўчадан ковлаб олиб келгани челақлардаги тупроқдан тўлдирди. Батартиб терилган ғишлар ҳамда тупроқ мустаҳкам жойлашин учун устида у ёқдан-бу ёққа юрди. Бу юмушдан ҳам қаноат ҳосил қилгач, устини оҳиста супуриб олди-да, супадан келтиргани бўйрани, унинг устидан эса кигизни тўшади. Ана шу ишларни бажараётганида онасининг ва жияни Шухратнинг унга нисбатан қилган ноҳақликларини бирон дақиқа ҳам унутмади, аксинча, қайта-қайта ўйлаб, хаёлан улар билан даҳанаки жанг қилиб, хаёлан баҳслашиб, хаёлан ўзидан ҳам норозиланди. Ана шу кўйи кечга яқин ишини поёнига етказди.

Бир маҳал ҳужра остонасида ўтириб келини келтирган чойга ликопчадаги оқ қанддан ботирай деган эдики, ташқаридан биров уни йўқлаб қолди.

Тўлашбек остона ҳатлаб кўчага чиққанида, эшиги ёнидаги олчага суяниб ҳамкасб шериги Зиёмиддин турганини кўрди.

— Ассаломалайкум, ака-аа,— деб салом берди Зиёмиддин, ўзгача бир синчковлик билан Тўлашбекнинг чанг-чунг босган энгил-бошига разм солиб:— Нима, отпусқада қурилиш бошлаб юбордингизми?— деди.

Тўлашбек у билан сўрашиб туриб:

— Йўқ, шунчаки майда-чуйда ишлар-да,— дейиш билан кифояланди, кейин эса:— Қани, ичкарига юр,— деди.

Тўлашбекдан анча ёш эса-да, сочларига оқ оралаб, чувак юзини ажин босган Зиёмиддин унинг таклифига эътироз билдирди:

— Йўқ, йўқ, бўлак пайт. Ҳозир шошиб турибман,— деди, сўнг тезда муддаога кўча қолди.— Тўлаш ака, сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди-да...

— Хў-ўп,— деди Тўлашбек, шу маҳал укасининг эшиги тарақлаб очилдию ҳар иккисининг фикри бўлинди. У ердан Шухрат ясан-тусан қилиб чиқиб, уларнинг ёнидан хўмрайиб ўтиб кетди.

Ўз навбатида уни кўриши заҳоти Тўлашбекнинг ҳам ранги ўзгарди: битта-яримта оқ оралаган қошлари паст-баланд бўлиб, кўзларининг ола-қуласи чиқди, дам чап юзининг, дам ўнг юзининг мускуллари учди. Жиянининг орқасидан қараб туриб, хаёлан: «Ҳе, сатқан одам кет!», деб сўзланди.

Ундаги ўзгаришни пайқаган Зиёмиддин ҳам ўша ёққа қараб қўйди-да, ҳеч нарсага тушунмай сўзида давом этди:

— Эртага ўрнимга исменга чиқолмайсизми?..

— Ҳа, тинчликми?— сўради Тўлашбек, унинг хаёли ҳалиям бу ердан узоқлашган жиянида эди. Бунининг саволни ўта бепарволик билан берганидан ҳам сезиш қийин эмасди.

— Амакимиз оламдан ўтиб қолдилар. Чинозда яшайдиган амакимиз. Эртага пешинга чиқарадилар... Жамбилга айтиб эдим, хотинини туғруқхонадан опчиқаркан. Эртага қололмайман, деди. Шунинг учунам сизнинг олдингизга келяпман.

Тўлашбек ўйланиб қолди, анчагача ўйланди. Чуқур тин олди-да:

— Жуда ёмон бўпти-да, нима, касал эдиларми?— деб сўроқлади.

— Йўқ, тўсатдан шундай бўп қопти...

— Э, шуниси чатоқ-да,— деди Тўлашбек,— ҳа, нияям дердим. Шунақада бир-биримизга ёрдам бермасак, қачон ёрдам берамиз. Майли эртага мен Жамбилдан ишни қабул қиларман.

Зиёмиддиннинг ажин босган юзи ёришиб кетди:

— Раҳмат, раҳмат, ака,— деди, Тўлашбек билан хайрлашди.

— Уйга кирмадинг-а, Зиём,— деган бўлди Тўлашбек.

— Йўқ, бормасам бўлмайди. Уйдагиларни олиб бо-ришим керак.— Зиёмиддин шундай дедию: «Сиз мени жуда қийин аҳволдан қутултирдингиз-да», дея яна бир марта Тўлашбекка раҳмат айтиб, йўлига равона бўлди.

Тўлашбек ҳовлига қайтди. Юз-қўлини ювиб, хужрага кириб кийим-бошини алмаштириб чиқди. Бу пайтда келинлари кечки овқат учун айвонга жой ҳозирлаётган эдилар. У супага омонатгина ўтириб, боғли воқеани эслаб турганди, ўғли Адаш, у билан олдинма-кейин ўртанчаси Дадаш ҳам кириб келиб қолди.

Чорак, ярим соатлар ўтар-ўтмас ҳаммалари хонтахта атрофига ўтириб, кечки овқатни тановул қилдилар. Овқатни тановул қилиб бўлгач, аввал келинлар, улардан сўнг эса Дадаш, дадасининг шахти пастигидан ажаб-синган кўйи дарси кўплигини баҳона қилиб, ўрнидан қўзғалди.

Тўлашбек билан Адаш ёлғиз қолишди. Анчагача на ундан, на ўғлидан садо бўлди — ҳар икковлари чурқ эт-май чой ичиб ўтиравердилар.

Адаш ҳам ҳалидан бери дадасининг толиққан, толиқ-қандан ҳам кўра, жуда кўп изтироб чеккан, жуда кўп дард-алам чеккан одамларниқига ўхшаб синиқиб кетган буғдойранг юзини, ич-ичига ботиб кетган катта ва кичик орасидаги қўй кўзларини кузатиб ўтирганди ва у овқат ейиш баробарида хаёлан ким биландир тортишаёт-гандек бўлиб кўринаверганди, иккинчи томондан эса, дадасининг бу ҳолатини тиши оғриётганга йўйган ва шу орқали ҳам пича хотири жам бўлганди. Адаш охири чидолмади — дадасидан ҳол-аҳвол сўради:

— Ҳа, дада, тинчликми?

Тўлашбекка ўғлининг ҳол-аҳвол сўраши баайни: «Бувимга учрашдингизми?», деган мазмунни бергани учун ҳам:

— Нимани айтяпсан?— деди.

— Бирор ерингиз оғримаяптими?— деб хавотирлан-ди ўғли.

— Тишимнинг ўрни лўқиллашини қўймапти,— деди Тўлашбек, лекин хафалигининг бош сабаби бу эмаслиги-ни ташқи авзойи, айнақса, бир нуқтага қадалган ғамгин кўзлари ифшо этарди.

Буни Адаш ҳам сезди. Сезган важи ҳам қайта сўради:

— Йўқ, дада, бошқа сабаби борга ўхшайди?.. Бувим бир нима дедими, дейман?

— Йўғ-э!— деди Тўлашбек, ўғли бир нарсани сезга-нини дарров пайқади.— Бувинг нима дердилар!..

— Ҳа, дада, бир нарса деган кўринадилар!..

Тўлашбекни ўғлининг ўсмоқчилайвериши ғинжинтир-ди. Шунинг учун ҳам овозини бир парда кўтарди:

— Йў-ўқ, ҳеч нарса деганлари йўқ,—дея ёлғон сўз-лади у, кейин гап мавзуини бўлак тарафга бурди:— Хужрани қандай қилиб қўйганимни кўрдингми? Шинам-гина хона бўлди-я!..

Адаш отасидан норозиланди. Унга: «Нима, хужра-ниям уй қилиб бўларканми?» дегандай нигоҳ қадаб, юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан туриб кўчага йўналди.

Тўлашбек унинг ортидан қараб қоларкан, хаёлидан: «Бунгаям қийин. Буям минг ёқни ўйлапти, шекилли. Кичик укам келса, унга жойни бўшатиб беришим керак, бирёқда дадамминан ойим айвонда қолиб кетишди, деяпти шекилли, ҳаловатини йўқотди, бояқиш», деган ўй кечди, паришонхотир бир қиёфада у ҳам юзига фотиҳа тортган бўлди-да, ўрнидан қўзғалиб ҳовлига тушди.

10

Адаш кўчага чиқиб хаёл суриб турганди, унинг ёнига такси келиб тўхтади. Таксининг ичида Шўҳрат кўринди.

Адаш шу дамда у билан гаплашишни истамагани боис, энди орқасига бурилиб, уйи тарафга йўналганди, шо-ферга пул узатаётган Шўҳрат уни тўхтатди.

— Ҳов Адаш, нега мени кўриб уйингга кириб кетяп-сан?!— дея у томон юрди.

— Сени кўриб уйга қираётганим йўқ, ўзи-им, шун-дай,— дея ёлғон сўзланди Адаш, йўлида тўхтаб Шўх-ратга термулди.

— Йў-ўқ, сен мени кўриб уйингга йўрғалаб қол-динг,— деди Шўҳрат, унинг ширакайф эканини гап-сўзлари ифшо этиб турарди.— Ёки Тўлаш тоғам мен ҳақимда сенга бир нима дедими?

Адаш истеҳзоли кулимсиради-да:

— Дадам сен ҳақингда менга ҳеч нима демадилар,— деди, шунинг бараварида дилидан: «Дадам билан ора-сидан бир гап ўтдимикин? Шунинг учун ҳам дадам хафа кўриндимикин?!», деган ўй кечди.

— Йўқ, айтганлар! Ҳа, ҳа, айтганлар! Аммо-лекин, Адаш, мен омади гапни айтдим. Юзимга шапалоқ тортиб юбордилар даданг, аммо мен омади гапни айтдим. Уларга она керакмас. Ҳа, Адаш, уларга бувим-нинг жойлари керак, жойлари!..

— Нималар деяпсан?! Нега бундай гап қияпсан?! Бундай тушунтириброқ айт муддаоингни?!

— Даданг хув боя чиқбдилар. Бувимдан жой сўраб чиқибдилар! Мен билан ҳам уришиб кетдилар...

— Мен бундан беҳабарман,— деди Адаш, шу дамда кўз олдида дадасининг ҳалиги ўтириши гавдаланди, гавдаландию унга янаям ичи ачишди.— Дадам жой сўрамаган бўлсалар керак, хужжатларни тўғрилайлик дегандирлар...

— Йўқ, бувимнинг жойини сўраб чиқдилар,— деди Шўҳрат.

— Ундан беҳабарман!

— Хабаринг бўлмаса, билиб қўй деяпман-да! Лекин тоғам мени тарсаки урди! Менам жавоб қайтарардим-у, ёшини ҳурмат қилдим...

Адаш индамади. Шўҳратнинг дийдиёсига қулоқ бер-иб тураверди.

— Машинани бўлса, Адаш, ҳозир гаплашиб келяп-ман, сенинг номингга бўлмаса, бошқанинг номига ола-ман, албатта, оламан! Сенларни куйдириш учун ҳам минай!..

— Ҳа, шунинг учун дадам билан уришиб олдинг-ми?!— деди Адаш, у Шўҳратнинг безбетлигидан ранжи-ганди.— Олсанг олавермайсанми!..— у бу ерда турса ҳозир Шўҳрат билан ҳам гап талашиб қолиши мумкин-лигини ўйлади-да:— Бўлак гапинг йўқми менда?— деб Шўҳратга юзланди.

У эса:

— Даданг бувимниям, меням дилимни ёмон сиёҳ қилиб кетдилар,— дея яна гапни бошидан бошла-ди.

— Менинг дадам бўлсалар, сенинг тоғанг бўлади-лар. Нима гапинг бўлса ўзларига айтинлар!— Адаш шундай деди-да, уйига кириб кетди.

Шўҳрат бир нималар дея фудранганча орқада қолди...

11

Тўлашбек шериги Жамбилдан ишни қабул қилиб ол-ди. Кечга томон яна бир бор ёғоч комбинати атрофини кўздан кечириб чиқди-да, сўнг ўт ўчириш машинасини ювишга киришди. Ана шу маҳал комбинатга киравериш-да чапдаги қоровулхона эшиги очилди-да, Исамат ота уни чақирди:

— Тўлашбек, бу ёққа қаранг! Норинхўрликка ке-линг!..

Тўлашбек қоровулнинг раъйини қайтариш бефойда эканини билгани учун ҳам:

— Ҳозир бораман, — деди, чолдан «норин» сўзини эшитдию тиллари ачишаётганини, тўғрироғи, кечадан бери тилининг четида майда пуфакчалар пайдо бўлганини сизди. «Буям бормиди менга», деб фикр қилди. Ортидан: «Тишни суғурмай кетгур, бошқа дардга чалин-тириб қўймадимикан?», деб қўйди.

Машинани ювиб-артиб бўлгач, бирор чорак соатлардан сўнг у қоровулхонага кириб борди.

— Қани, мана бу ёққа чиқинг-чи, — деб тўрдаги каравотга таклиф қилди Исамат ота, ўзи эса ҳовлига қараган деразага орқа ўгириб ўтирди. — Қани, норинга қаранг-чи, — деб стол устидаги камтарона дастурхонга ишора қилди.

— Узингиз бошлаб беринг, — деди Тўлашбек, у бу сўзни шикаста бир овозда айтди.

Исмаот ота Тўлашбекнинг шахди паст эканини туйди:

— Тинчликми, Тўлашбек, шахдингиз паст? — деди норинга қўл чўзаркан.

Тўлашбек шахди пастигининг асосий сабабини айтишни истамагани учун ҳам:

— Тишимни олдирувдим, билмадим тилимда майда пуфакчалар пайдо бўлибди, — дейиш билан чегараланди, сўнг у ҳам Исамат отага эргашиб катта тақсимчага солинган норинга қўл чўзди.

— Дўхтирга кўрсатинг, — деди Исамат ота, лекин Тўлашбекнинг шахди паст эканига тилидаги пуфакча эмас, бошқа нарса сабабчи эканини чуқур ҳис этди, аммо буни Тўлашбекдан сўрашга ботинолмади.

Тўлашбек онаси ва жияни ўртасидаги можарони унут-тишга тутинса ҳам бўлмади: ҳадеганда улар кўз олдига тажассумланишда давом этверди.

— Отпусқада эдингиз чоғи, — деди Исамат ота Тўлашбекни чалғитишга уриниб.

— Ҳа, отпусқадаман. Зиёмнинг ўрнига чиқдим. Кимидир вафот этган экан, илтимос қилувди...

— Ҳа-аа, шундайми? — деди Исамат ота юзига фотиҳа тортаркан. Сўнг тоқат қилолмай сўраб юборди: — Бир нарсадан қаттиқ ранжиган кўринасизми, Тўлашбек?..

Тўлашбек ҳам дардини ичига ютиб кетадиганлардан эмасди, ҳали айтмайман деганди, йўқ, тезда ёрила қолди:

— Эй, уй ташвиши эзиб юборди-да, Исамат ака. Уйда тиқилиб қолганмиз. Уғил заводидан навбатга турайдеса, ҳужжатлар чатоқ экан. Кампирни кўндиролмадик...

— Нимага?!

— Ҳа, шу уйни ўзимизнинг номга ўтказишга-да!.. Уламан саттор, тирик эканман, уй менинг номимда туради, дейдилар! — деди Тўлашбек, воқеа тафсилоти-ни бафуржа сўзлаб ўтирмай.

— Наҳотки кампир тушунмаса?!

— Тушунмадилар! — деди Тўлашбек, «ҳа, уларни» дегандай қўлини силкитиб қўйди. — Уч ўғилнинг ҳеч бўлмаганда иккитасини уйлик қилиш керак.

— Мана бу ишхонага ўзингизам навбатга туриб қўймапсиз-да, Тўлашбек?

Тўлашбек шу ҳақда илгарироқ бош қотирмаганига ич-ичдан ўпқаланди.

— Шу ишни қилмаганимни қаранг, — деди у, сўнг қўшиб қўйди: — Болалар бунчалар тез ўсиб-улғайишини ўйламаган эканман!..

— Ана шунақамас-да! Биринчи навбатда шуни ўйлаш керак эди!..

— Ҳужжатлар остин-усун бўлгандан кейин одамнинг

ҳафсаласи ҳам пир бўларкан, — деб баҳона қилди Тўлашбек.

Исмаот ота ўйга толди. Унинг ташқи авзойида Тўлашбекнинг ташвишига ҳамдардлик аломати қалқиди.

— Менам кичик ўғлимга уй олиб бериб, кўчириб юбордим, — деди.

— Яхши қипсиз. Бола-чақани ўз вақтида уйли-жойли қилиш керак экан.

— Ҳа, шундай. Лекин ойингиз чакки қиптилар. Одам тириклигида уйни бола-чақага қибериши керак, кейин кеч бўлади.

— Шуни тушунмадилар. Қанча тушунтиришга уриндим, аммо тушунишни истамадилар. Устига-устига, бир жияним бор, марҳум синглимининг ўғли, шўям халал берди-да! «Сенлар бувимнинг ўлимини пойлаяпсанлар!», деган гапни қилиб, она-бола икковимизни бир-биримизга ёмон кўрсатса, денг!..

— Э, чакки бўпти-ку!..

— Ана шунақа гаплар! — деди Тўлашбек, жияни Шўхратни эслаши ҳамон яна тили ачишгандай бўлди. «Эртага албатта дўхтирга бораман!» деб қарор қилди, шу пайт жияни Шўхрат кўзи олдига келди баъзойи баданида титроқ турди.

Норин еб бўлгач, Тўлашбек Исмаот отанинг ҳақиқага дуо қилиб, ўрқидан кўзғалди.

12

Тўлашбек эртаси кун корхона қошидаги табобат бўлимига — тиш дўхтирига кирди. Оқ халати гавдасига муқоясалаяганда торроқ турган кекса, аммо тетик Фулом ака қаншаридан пастга сирғалиб тушиб кетаверадиган кўзойнаги оша унга гилайланди:

— Нима, яна олдирадиган тишингиз бормиди? — деб сўради.

Тўлашбекни унинг тутуруқсиз гапи аччиқлантирди. Аммо жаҳлини ичига ютиб:

— Бошқа олдирадиган тишим йўқ-ку, аммо ўша тишимни сиз олдингиз-у, лабимга мана бунақа пуфакчалар чиқа бошлади, — деди-да, Фулом акага оғзини очиб кўрсатди.

Фулом ака унинг оғзига жиддий тикилди:

— Биродар, бу стаматитга ўхшайди, бу тиш олдиришдан эмас, бошқа нарсадан, — деди.

— Бошқа нимадан бўлиши мумкин?!

— Нимадан бўларди, асабдан ҳам бўлиши мумкин-да!

Шундагина Тўлашбек онаси ва жияни билан ўртала-рида бўлиб ўтган можарони эслади, эсладию юраги товонига тушиб кетаёзди. Силласи қуриб, ўзини беҳол сезди.

— Буни даволатиш керак. Бу яхши дардмас, — деди тиш дўхтири. — Албатта вақтида олдини олинг!..

Тўлашбекни ўғли Адаш эртаси куниеқ касалхонага ёт-қизиб келди.

Тўлашбек шу ётганча бир ярим ой касалхонада қолиб кетди. Бир ярим ой деганда тилидаги пуфакчалар йўқолди, аммо бир нарсадан сиқилса, яна пайдо бўлиш-ни одат қилди.

Тўлашбек касалхонага ётганига ўн-ўн беш кун бўл-ганида, уни кўрганга онаси билан укаси келди.

— Ҳа, тузукмисан, Тўлаш, — деди Лутфиниса кампир анча ранги кетиб қолган ўғлига қараб. — Кўринишинг ёмон эмас.

— Худога шукр, оғзимга чиққан пуфакчалар кетяпти, — деди Тўлашбек юмшоқ бир оҳангда.

— Ҳа, опамнинг гаплари рост,— дея кўшилишди укаси, қўлидаги қоғоз халтани Тўлашбекка бераркан.— Ранг-рўйингиз ёмонмас.— У бу билан акасининг кўнглини кўтараётганди.

— Нима қилардинглар овора бўп,— деди Тўлашбек.

— Овораси борми?— деди Лутфиниса кампир.

— Раҳмат, раҳмат,— деди Тўлашбек, онаси унга тик боқмаётганидан ҳали ҳам аразда эканини туйди. Шунинг учун ҳам кампирнинг ҳол-аҳволини сўради.

— Ўзингиз яхшимисиз, опа?

— Ҳа, яхшиман, кўриб турибсан.

— Сен яхшимисан, Оташ, болаларинг?

— Ҳаммаси сизни сўраб юборишди,— деди Оташбек.

— Опа, уёқда холам яхшимилар?— дея онасига қаради. Онаси гинада экани сабаб, анча паст овозда:

— Ҳа, юрибди,— дейиш билан чегараланди, кейин палатага бошдан оёқ разм солиб чиқди-да:— Дуруст, икки кишилик экан хонанг, тинчроқ,— деди.

— Ҳа, жа тинчиям бўлмасакан, опа,— деди Тўлашбек, рўпарасидаги бўш каравотга кўз ташлади.— Шеригим уйига кетганди, шанба-ку деб, ҳалигача келгани йўқ. Бир ўзим зерикиб ўтирувдим.— Тўлашбек тумбочкасини очиб, ёнғоқ, майиз солинган ликопчани олди-да, онаси билан Оташбекка яқин курсига қўйди.

— Қани, мана бунга қаранглар,— деди.

— Бу нарсаларни ўзинг егин, сенга қувват бўлади,— деди Лутфиниса кампир.

— Адаш опкеган экан. Менга бўлмайди. Тилимни ёриб юборади. Қани, олинглар...

Лутфиниса кампир Оташга қараб:

— Қани, ола қол,— деди-да, ўзиям уч-тўртта майиздан олиб еди.

— Одилбек яхши юрибдими?— деб сўради Тўлашбек.

— Ҳа, яхши,— деди Оташбек.

— У бола бошқача-да,— кулимсиради Лутфиниса кампир, кулгисида ясамалик бор эди, буни Тўлашбек туйди, туйдию кампир хали ҳам ўша можарони унутмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Лутфиниса кампир унинг дилидагини туйгандек бир оҳангда:

— Тўлаш,— деди, кейин кичик ўғлига қаради,— Оташ. Сенларга бир насиҳатим бор, ҳеч қачон онанинг дилини оғритманглар! Оғритдингларми — худога хуш келмайди бу ишларинг!

Тўлашбек ғалати аҳволга тушди. У гўё онасининг дилини оғритгани сабаб шу кўйга тушгандек ҳис этди ўзини. Йўқ, яна тезда ўзини қўлга олди.

Ҳаммалари пича у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

— Энди биз қайтайлик,— деди Лутфиниса кампир.— Худо дардинга шифо берсин, Тўлаш,— деди-да, юзига фотиҳа тортди.

— Ака, тузалиб кетинг,— деди Оташбек.— Менга гапингиз йўқми?

— Йўқ, келганинлар учун раҳмат, опа. Сенгаям, Оташ,— деди Тўлашбек, ўрнидан кўзғалиб онаси ва укасини йўлакка довуз кузатиб чиқди. Опамни машинада опкетақол, уринмасинлар,— дея тайинлади.

— Шўхрат машина олган, ана шунда келдик. У ташқарида кутяпти бизни,— деди Лутфиниса кампир.

Тўлашбекнинг бошига биров гўрзи билан ургандек бўлди. Жияни Шўхрат уни кўриш учун ичкарига кирмаганидан қаттиқ ҳафаланди, «Наҳотки кириб кўришга арзимасди бу бадфеъл?», дейиш билан чегараланди, холос.

У ўғли Адаш билан касалхонадан қайтаётганида

ёнидан биров машинасида сигнал бериб ўтди.

— Шўхрат!— деди Адаш.— Атай сигнал бериб ўтди. «Мана, машинамни кўриб қўйларинг!», демоқчи бўлди чоғи!..

— Ярамас, шунинг учун чалди, ҳа, бу қилиғини дарров пайқадим,— деди Тўлашбек.

— Қўйинг, дада, ўйламанг,— юпатди уни ўғли.

— Бир ярим ой бўлди, касалхонада ётдим, бир марта: «Тузукмисиз, тоға?», деб бормади, бу ҳам майли, бунисига чидаш мумкин, аммо йўлда қилиб кетаётган мана бу қилиғига чидаш... мумкин эмас!..

Улар кун пешиндан оққанда уйга кириб бордилар. Кўча эшик олдида жияни Шўхратнинг мошранг «Жигули»си турарди.

13

Тўлашбек дўхтирхонадан келаётганди, йўлда тагин жиянини кўрди. У машинасида тоғасининг олдида атайин ёзиллаб ўтиб кетди. Тўлашбекка бир алам қилди, бир алам қилди-е! Тепаликка олиб чиқадиған қиялама йўлдан қайтаётганди, тагин орқасидан биров машинасининг сигналини берса бўладими?!

Тўлашбек жияни Шўхрат сигнал чалганини сездди, йўл четидаги катта харсанг бўлагини кўтарди-да, дангал орқасига ўгирилди.

Жияни Шўхратнинг ўтакаси ёрилаёзди. Босиб-босиб сигнал берди. Тўлашбек унинг сигналига қулоқ тутмади — йўлнинг ўртасига туриб олди. Боши узра ҳалиги харсангтош.

Жияни машинасини тўхтатди.

— Йўлдан қочинг!— деди машинадан тушиб.— Қочинг деяпман!..

Тўлашбек тишини ёжирлатди:

— Ё сени ўлдираман, ё машинангни пачағини чиқараман!..

Жияни Шўхрат қайтиб рулга ўтиришга чоғланганди, Тўлашбек харсангни ерга ташлаб, чопиб бориб уни ўтирган еридан судраб чиқди.

— Тоғанинг устидан кулишни сенга кўрсатаман!— деди-да, пастликка қараб итариб юборди.— Ҳаммаси, ҳаммаси учун жавоб берасан ҳали!— У шундай дея машинани ҳам анҳор томон итармоққа чоғланган эди, жияни Шўхратнинг баайни гўдакдек йиғламсираб турганини кўрдию бирдан шаҳдидан тушди. Жиянига нафрат аралаш ижирғаниб боқди.

— Аҳволинг шу экан-ку, сенга машина ҳайдашни ким қўйипти?!— дея калитни унинг олдига отиб урди, сўнг дўпписини қўлига олиб, тиззасига бир-икки уриб қоқди-да, қайта бошига қўндириб йўлида давом этди.



## Кўчкор Норқобил



### Толиб қўшиғи

Бу тун ҳамма нарса менинг рақибим.  
Дилда ҳижрон туғи — Ғалаба...  
Юракни эзгилаб ўтган поездда  
Кетмоқда энг сулув талаба.

Тонггача Байронга тикилмоқ оғир,  
Ухлайди темиртан трамвайлар ҳам.  
Ух, мени суқунат бўғар беомон,  
Қароғимда қалқир тундай қаро гам.

Севмаган доцентлар,  
эслатманг менга  
Беҳуда ўтгувчи нурсиз онларни.  
Билинг, ҳеч бир толиб эплолмас мендай  
Ёлғизлик фанидан имтиҳонларни.

### Баҳор

Сурнай чалаётир бугун бойчечак  
Қувончинг тўйига чорлаб дунёни...  
Тиниқ қўшиқларни кийган келинчак —  
Баҳор қучиб олди Сурхондарёни.

Ожиза майсалар қонини сўрган  
Чилланинг бағрини аламлар эзар.  
Секин чиқиб келар ғунчадай нозик  
Кўзим қароғида гул терган қизлар.

Дулдулдай чопқиллаб ўтди-ку феврал.  
Айтувчилик қилар чавандоз еллар.  
Чорловлар чертади даричаларни  
«...Юринглар-ов, тўйга юрингла-а-ар...»

1966 йил Олтинсой туманида туғилган. ТошДД журналистика бўлими 4-курс толиби. Жумҳурият ёш ижодкорлари VI кўрик-кенгаши иштирокчиси.

РУҲИМДА БИР

БУЛБУЛ ЧАҲ-ЧАҲЛАР

Бу икки оғиз сўз — Кўчкор Норқобил шеърларидан пайдо бўлган таассурот. Аниқроғи, уларни ўқиб, кўнгили мулкида кўзгалган суюниш. Аканинг укага товланган меҳри сингари. Мен бу шеърларни ўқирканман, ич-ичдан орзиқаман, тўлиқаман, чуқур самимиятга, кадрдонликка дохил бўламан. Истеъдодли шоир кузатувларининг киндик қони томган қадим маконга эшлиги юракда СОҒИНЧ туйғусини уйғотади. Ўзига яқин тортади. Вужудда яшаётган ёлғизлик ҳисси ҳаёл қатимларини, хотира сезимларини ҳаракатга келтиради. Титроқка айланади:

«Билинг, ҳеч бир толиб эплолмас мендай  
Ёлғизлик фанидан имтиҳонларни...»

Кўчкор Норқобил ростакамига ишқ шоири. У ишқнинг муқаддас озорига сифнади. Бешафқат азобидан роҳатланади.

«Севаман» де, майли, менга тиг бўлар.  
«Севаман»сиз энди тонгим отмайди.

Иқро — юракка тиг каби қадалган армон. Ва унинг қаъридан ниш урган умид. Кўчкор Норқобилнинг шеърларидан шундай ҳисларни англайман.  
**Иқром ОТАМУРОД**

\* \* \*

Менинг кўксимдаги улкан тоғ эди,  
Энг юксак чўққиси аталур сабот.  
Дунёда ҳеч нарса чиқа олмасди,  
Ухлаб ётар эди унда муҳаббат.

Бир кун... Ишқ ели бир майин эсди,  
Кўнникдим сўз бериб, тонишларига.  
Узоқ қолмадингми, гулим, исиниб  
Бул тоғнинг ловуллаб ёнишларига?..

\* \* \*

Мен кутдим...  
Асабхўр учоққўргоннинг  
Бетиним чинқирар тайёралари.  
Улар Сен томондан Сенингсиз қайтиб  
Шўнғийди интизор кўзларим сари.  
Мен яна алдандим...  
Ёлғиз қайтаман,  
Эрмакман осмоннинг эртақларига.  
Юрагим шаҳардай серғулу, улкан,  
Трамвайлар йиғлар чўнтақларимда...

Мен кутдим...  
Ёлғончи учоққўргоннинг  
Бунча кўп Сенингсиз тайёралари?

\* \* \*

Юракда сувдони,  
қароқда дони,  
Руҳимда бир булбул чаҳ-чаҳлар...  
Эй, кўнгили соғинган ажиб гул,  
Кел, тоқай ёлғизлик қучоқлар.

Инграйман, азобдан дил қонар,  
Тун мени сиздирмас бу чоғлар.  
Соғиндим,  
тентийман, оғрир жон.  
Осмондан ёғмоқда пичоқлар...

Мажид Ҳасаний

## Ватан юрагидаги сувайдо

Пётр ўз ҳукмронлигини бошлаган йилларданок **Ўрта Осиёни Русийга қарам қилишни** ўйлаб юрарди. XVII аср бошларида металлургия саноатини ривожлантириш зарурати кистовида ўрислар Ўрта Осиёнинг маъдан қатламлари билан, жумладан, XVI асрдаёқ овозаси чиққан Улугтовнинг бой конлари тақдирини билан астойдил кизикдилар. Ўрта Осиёда тўлиб-тошиб ётган олтин сочмалари ҳақидаги маълумотларга ҳукумат алоҳида эътибор берар ва шу туфайли Пётрнинг шахсан ўзи ўзбек хонликлари ҳудудига суқилиб кириш режасини ишлаб чиққан эди. У ҳарбий отрядларни хонларнинг «розлигини олиб, уларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва душманлардан ҳимоя қилиш» баҳонасида Бухоро ва Хива давлатларига аскар кириштишни мўлжалларди. Пётр тажовузкор сиёсатни амалга ошириш мақсадида Ўрта Осиёга 1714 йилда Преображенский полкнинг поручиги княз Александр Бекович-Черкасский, 1715 йилда капитан Иван Бухгольте раҳбарлигида Хивага икки марта кўшин юборади. Юришларнинг муваффақиятсиз тугаганига қарамай, Пётр ҳукумати ўз таҳдиддан воз кечмайди. Пётр Бухорога элчи қилиб италиялик Флорино Беневинни жўнатаркан, унга «олтин сочмалар»нинг маконини, у ерда бориш йўллари аниқлашни топширади. Беневин тарих, жуғрофия, этнография бўйича жуда кўп қимматли маълумотлар тўплади. Унинг фикрича, бу маълумотлар ўрғанилса, у ерларда ҳукмрон тарикасида ўрнашиб олиш учун

биргина кучли ҳамла кифоя экан. Беневиннинг сафари ҳам муваффақиятсиз тугади; унинг ўзи Бухоро амиридан зўрга қочиб кутулгач, Пётр ўлимидан кейин, 1725 йилда Русийга қайтди.

Чор ҳокимияти Пётр сиёсатини давом эттираркан, ўрус-турк муносабатларига диққатини қаратди. Ташқи сиёсат Қора денгиз соҳилларини босиб олиш мақсади асосида қурилди. Ўзбек хонликлари билан муносабатда эса дастлаб ҳарбий куч ишлатмасдан, Қозоғистон орқали доимий савдо муомалаларини ўрнатиш йўлидан боришди.

XVIII аср бошларида ҳар учала Жузнинг қозоклари калмик (жуңгар)ларнинг доимий босқинлари остида қолганди. 1723 йилга келиб оғир очарчиликни бошдан кечиргач, ожизланиб қолган қозоклар энди ўз мустақилликларини сақлаб қола олмасди. Оқибатда, Катта Жуз жуңгарларга сиёсий қарам бўлиб қолди. Ўрта Жуз Бухорога кўчиб бориб, Бухоро хонлигига, Кичик Жузнинг бир қисми эса Хива хонлигига бўйсунди. Қалмиқлар хатаридан сақланиш ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш илинжи катта Жуз ҳамда кичик Жузнинг хони Абулхайрхонни чор ҳокимияти билан яқинлашувга ундарди. Абулхайрхон 1730 йилда Жузни ўрус фуқаролигини қабул қилишларини сўраб Уфага элчи юборади. Русий ҳукумати Ўрта Осиёга ҳужум қилиш учун ишончли истеҳкомга эга бўлиш ҳамда ўз мустақиллиги йўлида қурашаётган бошқирларнинг қозоклар билан иттифок тузишнинг олдини олиш мақсадида хоннинг илтимосини кечиктирмай қондиради. Кўпчилик қозок оксоқолларининг қаршилигига қарамай, 1730 йилда Кичик Жуз билан бирга Семекхон бошчилигида Ўрта Жузнинг бир қисми ҳам Русий империяси қўл остига ўтдилар.\* Қозокларнинг фуқароликка ўтиши чор ҳукуматининг Ўрта Осиёга бундан кейин юриш қилишига бир қанча имкониятлар яратиб берди. Пётр ибораси билан айтганда, Шарқ алоқасини юритишда Қозоғистон қалит, дарвоза ролини ўйнади. Русий Қозоғистон ерларида ҳарбий истеҳкомлар қуришда маблағни аямай сарфлади. 1734 йилда Ўренбург губерниясининг қотиби И. Кирилловнинг зиммасига қалъалар қуриш, аввал Бухорога, кейинчалик Ҳиндистонга савдо қарвони олиб бориш баҳонасида атроф-теваракнинг, йўлларнинг тархнини чизиш, руда ва олтин кидиришни йўлга қўйиш каби қатор вазифалар юкланган эди. 1742 йилда қурилган Ўренбург ўзбек хонликларига суқилиб кириш йўлида ҳам ҳарбий, ҳам иктисодий истеҳком бўлиб хизмат қилди.

1738 йил августида В. И. Тахтишев (ўрис тарихчиси) поручик Миллер бошчилигидаги қарвон таркибида Тошкент шаҳри томон йўлга чиқади. Унга Бухоронинг бир қанча шаҳарларидаги, Тошкентдаги сиёсий аҳвол тўғрисида ва яна бошқа хил маълумотлар тўплаш топширилганди. Бу қарвоннинг ҳам омади чопмади, уни Ўрта Жуз қозоклари тор-мор қилдилар.

\* Бу ҳақда профессор Ҳ. Зияевнинг «Чоризм истилоси» номли мақоласи («Шарқ юлдузи», 1990 й. 8-сон)да батафсил маълумот берилган.

## ЎРТА ОСИЁНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ТАРИХИЙ-СОЛНОМАВИЙ МАЪЛУМОТ\*

Ҳиндистон билан савдо алоқаларини кенгайтириш ҳамда Хива билан тотув муносабат ўрнатиш мақсадида император улуғ Петр Хива ва Еркентга отрядлар юборди:

1715 йилда 4<sup>1</sup>/<sub>2</sub> минглик Бухгольц отряди Балхаш кўлигача етиб келди ҳамда у ерда қалъа тиклади, бироқ чекинишга мажбур бўлди.

\* Туркистон ҳарбий округи штаби нашри. Тошкент. Туркистон ҳарбий округи Типо Литографияси, 1909 йил.

1717 йил княз Бекович-Черкасский отряди 3727 пиёда, 617 отлик-драгун, 2000 казак, 230 денгизчи ва 22 тўп билан Хивага йўл олди.

9 июнда отряд Гурьев шаҳридан чиқиб қумли дашт ва саҳролар оша 2 ой йўл босгач, хонлик чегараларига етиб келди ва Хивага кириб келди.

Хивалиқлар аввал тўла тобеъликларини билдирдилар ва княз Бековични қудай бўлсин учун, ўз отрядини кичик қисмларга бўлиб жойлаштиришга кўндирдилар кейинчалик эса пайт пойлаб, ҳаммасини қириб ташладилар.

Дастлабки уринишдаги омадсизлик ўрисларни тўхтатиб қололмади, кейинги ҳужумлар улуғ Петр I белгилаб берганидек икки томонлама: Фарбдан-Ейиқ (Ўрол) дарёси орқали, Шарқдан — Фарбий Сибир орқали олиб борилди.

1735 йил. Ўренбург шаҳри қурилиб тупроқ қалъа билан ўралди.

1754 йил. Чўл мулкларимизга қирғиз ва бошқирлар босқинчилик қилишларига барҳам бериш учун Ўренбург шаҳридан Илецк томон таркибида I баталён ва I батареяси бўлган отряд юборилди. У ерда ҳам қалъа ва кўрғон қурилди.

1778 йил Пугачев кўзғолони, қирғизлар ва қалмоқлар босқинчилари сабабли Ўренбург гарнизони кенгайтирилди. Босқинлардан сақланиш учун Орск қалъаси тикланди.

Екатерина иккинчи ҳукумати XVIII аср 70-йилларининг охирида ўрислар учун хар томонлама фойдали бўлган Ўрта Осиё билан савдо-сотик масалаларига катта эътибор бера бошлади ва XIX асрнинг биринчи чорагидаёқ ўзбек бозорларида ўрислар мустақкам давкега эга бўлиб олди. (Чунончи, амир Шохмурод Эрназар оталиқни Петербурга элчи қилиб жўнатади. Бунинг шарафига Екатерина Эрназар элчи мадрасаси қурилишига 134000 минг сўм ажратган. Михаил Фрунзе истилосидан сўнг ушбу мадраса ҳам ер билан яқсон қилинган эди.) Оврўподаги таранглашаётган халқаро вазият, Наполёнга қарши уруш (1805—1807), ўрис-турк уруши (1806—1812), ўрис-швед уруши (1808—1809), ўрис-форс уруши (1805—1813), 1812 йилги Ватан уруши ва Наполёнга қарши курашнинг давом эттирилиши чор ҳукумати-нинг Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик сиёсатини олиб боришига узок вақтгача йўл бермади.

Николай иккинчи ҳукумати Ўрта Осиё бозорларини бутунлай Русияга қарам қилиш мақсадида Туркистонни босиб олишни тезлаштиришни ўйлаб бошлади. Ўрта Осиёни босиб олиш талабгорлари ичидан энг чакқони Ўренбург харбий губернатўри генерал-майор В. А. Перовский босар-тусарини билмас ва у 1840 йил ноябрининг охирида 2 та замбарак, 40 арава ҳамда 5 минг пиёда аскар билан 10 минг туядан иборат қарвонга бош бўлиб Ўренбургдан чиқиб Ўрта Осиё томон юради. Оғир об-ҳаво шаронти, ёқилғининг йўқлиги, озиқ-овқат танглиги, кийим-бошларнинг яроқсизлиги натижасида Перовский қўшиннинг 1/5 қисмини йўқотгандан сўнг Хивага юришни тўхтатишга мажбур бўлади. Истилочилар 1841 йилда Хоников етакчилигида Бухорога отланишади. Бу сафар натижасида Бутенёв «икки хонлиқни қурол билан босиб олишнинг имкониятлари, йўллари, мақсадга эришиш учун ҳаракат қилиш режалари» каби хабарларни ўзида жамлаган «**Бухорога қўшин билан бориш имкониятлари ва воситалари**» деб аталган нома ёзишга муваффақ бўлади. 1847 йилга келиб мустамлакачилар Сирдарё этакларини босиб олиш режасини тузишади ва у ерда Раим истеҳкоми барпо этилади. 1853 йилда генерал Бларамберг отряди Окмачитни (ҳозирги Қизил Ўрда шаҳри) хужум билан босиб олади. Айни пайтда Фарбий Сибирдан Семипалатинскка қадар бўлган ораликда ҳам шимолий-шарқ тарафдан юришлар бошланиб кетганди. 1850—1854 йиллар ичида подшо қўшинлари томонидан Заилия ўлкаси эғалланди. 1854 йилда эса Верное (ҳозирги Олмаота) истеҳкоми қад қўтарди. Шундан сўнг Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари Николай ҳукуматининг Қрим урушига (1853—1856) чалғанганлиги туфайли киска муддат тўхтаб қолди. Қрим уруши тугагач, Кавказ жанглири Николайнинг кўлини боғлаб қўйганлиги учун у хонлиқларга қарши ошқора босқинчилик сиёсатини юритолмади ва Бухоро ҳамда Хива хонлиқларининг бириктишига имкон бермаслик мақсадида айрим чоралар кўриш билан чегараланди, ҳолок.

Чор Русиясининг Ўрта Осиёга нисбатан жадал мустамлака-

чилик сиёсатини юргизишига унинг харбий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи асосий сабаб бўлди. Бундан ташқари ривожланаётган енгил саноат учун пахта, пилла, қоракўл ва бошқа маҳсулотлар зарур эди. Гражданлар уруши (1861—1862) туфайли Америкодан пахта келтирилишининг камайиши ўзбек пахтасига бўлган талабини ошириб юборди. Енгил саноатдаги бўҳронлар, уни арзон маҳсулот билан таъминлаш зарурияти подшо ҳукуматини безовта қила бошлади. Ўренбург генерал-губернатўри Катенин ташқи ишлар вазирига ёзган хатида: «Ўрта Осиё мулкига ҳукмронлигимизни ўрнатишимиз учун, албатта, Туркистон ва Тошкентни эғаллашимиз шарт»,— деб кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, Тошкентни қўлга киритиш Бухоро мулкига қуролли қучлар билан кириб бориш учун ҳам зарур эди. 1862 йилда «Русский Вестник» ойбитагида Ўрта Осиёни босиб олишни катъий ёқловчи қатор шовинистик мақолалар босилди. «Голос» номли либерал ойбитик эса Хиндистонни босиб олган инглизлардан ўрнак олиб: «*Каспийни ўрус денгизига айлан-тириш, Ўрта Осиёнинг қўчманчи элатларини ўтроқ яшашга ўргатиш, бу саҳролиқлар билан пачақилишиб ўтирмай, уларни ҳаттоки террор қилишга*» чакирди. Харбий ваизр Д. А. Малютин харбий чиқишларнинг доимий тарафдори бўлгани туфайли 1864 йил октябрда ташқи ишлар вазириги томонидан подшоҳ учун тайёрланган маъруза матнини қўллаб-қувватлади. Бу матида, жумладан, Русиянинг Шарққа ерири, лекин тийиксиз интилиши ҳақида, ярим ёввойилар қабиласи билан тўқнашилган дамба ўта тинчликсевар сиёсатни сақлаб қолишинг имкони йўқлиги ҳусусида, Қўқон хонлигининг табиий бойликлари бўлмиш пахта, ипак, қимматбаҳо маъданлар тўғрисида сўз юритилади. Шундай қилиб, олтинчи йиллар бошида Ўрта Осиёни босиб олишга гоявий тайёргарлик кўрилади, эндиликда бу истилони амалга ошириш навбати келганди. 1863 йил ёзда полковник Черняев Ўренбург генерал-губернатўри Безакнинг суқут ичра ризолиги оқибатида Сирдарё ёқасидаги Сўзук қалъасини қўлга киритди ва уни атроф-теварақдаги аҳолиси билан бирга «Русиянинг мулки» деб эълон қилди.

1864 йилнинг бошида Верное (Олмаота) қалъасидан чиққан 2500 кишилик Черняев отряди 4 июн куни Авлиёта шаҳрини эғаллади. Черняев билан изма-из Перовский кўрғонидан чиққан полковник Верёвкин гуруҳи эса Туркистон шаҳрига юриш қилди ва шаҳарни 12 июнда босиб олди. Бу юришда **Амир Темура Қўрагон Хожа Аҳмад Яссавий хотирасини улуглаб қурдирган буюк саждагоҳ — Шайх макбараси тўғна тутилди.** 1864 йилнинг 22 сентябрида Қўқон хонлиги ихтиёридаги Чимкент шаҳрини қўлга киритиш билан аввалбошда кўзда тутилган мақсад узил-кесил амалга ошди.

1864 йилнинг кузида Черняев Тошкентни босиб олиш учун муваффақиятсиз тугаган биринчи уринишга қўл урди, 1865 йил баҳорда Тошкентнинг сувбошиси бўлмиш «Ниезбек» қалъасини эғаллаб олгач, шаҳарга навбатдаги юришни бошлади. Черняев аввало Анхорнинг сувини бўғиб олди ва Тошкент 42 кун давомида сувсиз қолди. Подшо қўшинларининг хабарини

## Император Николай I ҳукмдорлиги даври

**1833 йил** Шимоли-шарқий Каспийбўйи мулкларимизни хи-валиқлар босқинидан ҳимоя қилиш мақсадида Ново-Александровск истеҳкоми қурилди.

1839 йил

### Отрядлар харакати

Сибир томондан<sup>1</sup>. Қирғизлар ғалаёнини бостириш ҳамда Султон Кенисар-Косимов тўдаларини қириб ташлаш учун Жениер-Оғочча полковник Горекый бошичилигида Сибир сафарбар қўшинларининг казак отряди (икки замбарак билан 1/2 полк жўнатилди. 1) Сибир томондан ҳаракат қилувчи асосий харбий қучлар: 8-Фарбий Сибир (ҳозирги 17-Туркистон ўқчи баталёни, 1860 йилдан эса 3, 5, 7 ва 12-Сибир баталёнлари ўқчи роталардан иборат қўшма ўқчи баталёнлар. (Ҳозирги 1-Туркистон ўқчи баталёни). Артиллерия: Сибир казак қўшинининг 21-батареяси (ҳозирги 1-Туркистон арт.

бригадасининг 2-батареяси) ва 1-Туркистон арт. бригадаси қарашли 1-пиёда батарея.

Ўренбурге томондан. Босқинларга чек қўйиш ва ўрис асирларини озод қилиш мақсадида Хивага граф Перовский отряди (15 рота, 3 полк казак, 16 замбараклар) юборилди. Фавқулдодда оғир қиш шароитидаги уринишлардан сўнг отряд Хивага етолмай, 1840 йилда Ўренбурга қайтиб келди. Ўренбурге йўналишидан ҳаракат қилган асосий харбий қучлар: 4-Ўренбург сафарбар баталёни (ҳозирги 10-Туркистон ўқчи баталёни) 1864 йилдан эса 2-Ўренбург сафарбар баталёнининг 1-взводи (ҳозирги 9-Туркистон ўқчи баталёни). 1865 йилда Туркистон вилояти ташкил этилиши муносабати билан 6 ва 9-Оренбург сафарбар баталёнлари (ҳозирги 6 ва 19-Туркистон ўқчи баталёнлари). 4-Фарбий Сибир (ҳозирги Тошкент резерв баталёни), 1866 йилдан бошлаб Ўренбург сапёрлар ротаси (ҳозирги Туркистон сапёрлар ротаси). Ўренбургдан 147-Самара пиёдалар полкининг (1968 йил ортга қайтарилган) баталёни юборилди.

Давоми 76-бетда

эшитибок тошкентликлар Қўқон хонлигига қарашли бўлганликлари учун хондан ёрдам сўрайдилар. Шаҳар доруғаси Алимкул уларни ўз эрклари учун қурашга чорлаб оташини нутқ сўзлади. Қўқондан ёрдам келгач, Тошкент химоячиларининг сони 30 минг кишига етди. Расмий маълумотларга қараганда ўрис солдатлари 1950 нафар бўлган. Тартибот ва ташкилотчиликнинг йўқлиги, керакли ҳарбий техника билан таъминланмаганлиги туфайли хонлик қўшинининг сон жиҳатидан устунилиги ҳам тўқнашувда фойда бермади. Черняев ҳал қилувчи ҳаракатни жанубдан, Темур дарвозаси ёқдан бошлади. У Қўқон ёки Бухородан келиши мумкин бўлган ёрдамчи кучларга ҳам ҳалакат бермоқчи бўлган. Илк тўқнашув 1865 йилнинг 9 майда бўлиб ўтди. Бу жангда Алимкул ҳалок бўлди. Черняев Алимкул ҳалокатидан кейин шаҳар таслим бўлар деган илнжда ҳужумни бирпасга тўхтатиб турди. Бухоро амирининг қўшини яқинлашиб келаётганлигидан хабар топгач, 14 дан 15 майга ўтар кечаси шаҳарга ҳужум бошлашга қарор қилинди. 16 ва 17 май кунлари ҳам кўча жанглири давом этди. 17 май куни Тошкент аъёнлари қаршиликнинг беҳудалигини ҳисобга олиб, шаҳарни топшириш учун музокарага киришадилар. Уренбург генерал-губернатори Крижановский 1865 йилнинг сентябрда маҳв қилинган шаҳарга келади ва Тошкентни муҳтор қарам мулк деб эълон қилади. Черняев шу йилнинг кузидаёқ Жиззахга юриш бошлайди. Аммо 1866 йил март ойда Черняев Петербургга чақириб олинади ва унинг ўрнига юборилган генерал Романовский 8 май куни Эржарда амир қўшинларини мағлубиятга учратади, 24 май куни эса Хўжанда ҳам ўрисларнинг қўли устун келади. Август ойда Крижановский Тошкент, Хўжанд ва Чирчиқорти ўлкасини Русия қарамлигига қабул қилиш тўғрисида кўрсатма беради. Амир билан музокарада келишолмагач, Крижановский 2 октябрда Бухорога қарашли Уратела қалъасини, 18 октябрда эса Жиззахни босиб олади. 1867 йилда босиб олинган ерларда февралда Туркистон генерал-губернаторлиги тузилади. Инженер-генерал К. П. Кауфман бош қилиб тайинланган бу губернаторлиқнинг маркази Тошкент бўлиб, Сирдарё ва Еттисув вилоятлари ҳам унинг таркибига қиради. Ўрис қўшинлари босқинчиликни давом эттириб, 1868 йил 1 май куни Самарқанднинг Чўпонота тепалигига Бухоро қўшинларини енгидилар ва 2 майда Самарқанд шаҳри таслим бўлишга мажбур қилинади. Ўрис қўшинлари чиқиши билан шаҳарда газовот бошланиб кетади, 2 июн куни шаҳар деворлари ёнида Шаҳрисабз қўшини пайдо бўлганда эса озодлик кўзғолони кучаяди. Умархўжа ва Жўрабой отрядлари ҳеч бир қаршиликсиз Самарқандга қирадилар, бу ерда уларга шаҳар аҳли ҳам қўшилади. 650 кишидан иборат ўрис гарнизони кўрғонга кириб яширинади. Мужоҳидлар 5 кун давомда ҳужум қиладилар, 8 июнда эса Кауфман қўшини шаҳарга қиради ва унинг барча химоячилари қатл этилади. Зирабулоқдаги мағлубият, Самарқанд кўзғолонининг бостирилиши Бухоро билан бўладиган уруш тақдирини ҳал қилиб қўйди ва амир Русия билан тузилган битимга имзо чекади. Битим шартлари (1868 йил 23 июнда) куйидагича эди: Бухоро ўрисларга вассалликни тан олади ва 500 минг сўм уруш товодини тўлайди. Самарқанд ва Қаттақўрғон вилоятлари Русияга бириктирилди. Бухоро чет давлатлар билан алоқа қилиш ва мустақил боғланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Шу йилнинг кузидаёқ Абдумалик бошчилигида кўтарилган кўзғолон ҳам ўрислар томонидан шафқатсизлик билан бостирилди.

1870 йилда Искандарқўлга уюштирилган ҳарбий юриш натижасида Зарафшон тизмаси ҳам қўлга киритилди. Ўрислар томонидан Урта Осиёнинг босиб олинши тарихидаги навбатдаги босқич Хива хонлигини забт этиш эди. 1873 йил мавнинг ўрталарида Туркистон, Уренбург ва Кавказ губернаторининг гуруҳлари Хивага яқинлашдилар. Ўрис қўшинини қайтаришга уринган хивалиқлар тор-мор этилдилар. Ўрис қўшини Хивага деярли жангсиз кириб келди ва хон амалдорлари билан музокара олиб борди. Тинч йўл билан тузилган битимга кўра Хива хони Муҳаммад Раҳим 1873 йилнинг 12 августидан эътиборан мустақил ташқи алоқалар олиб боришдан маҳрум этилди. Ўш вақтда Русияга 2,2 миллион сўм уруш товодини хонлик тўлаши шарт қилиб қўйилганди. Амударёнинг ўнг қирғоғида, хонлик пойтахтига яқин жойда Петр-Александровский кўрғони (ҳозирги Тўртқўл) барпо этилди. Хива хони қарамликда ушлаб турилган бир пайтда, генерал Головачёв бошчилигидаги жазо тўдаси туркманларни кириб, тор-мор

қилишни давом эттирди. Қўқон хони Худоёрнинг оғмачилик сибсати туфайли учинчи ўзбек хонлиги ҳам ўз мустақиллигини оз муддат саклаб тураолди, холос. 1874—1876 йилларда марғилонлик Исҳоқ мулла Ҳасан ўғли бошчилигидаги кўзғолон натижасида Қўқон ҳам мустақилликдан маҳрум қилинди. 1872 йилда бир гуруҳ норози феодаллар Худоёрнинг қариндошларидан бўлган Пўлатбекни тахтга кўтармоқчи бўладилар. У тахтдан воз кечгач, фитнесчиларнинг розилиги билан Пўлатбек исмини олган Исҳоқ мулла газовотнинг бошида туради. 1873 йилда унга Абдураҳмон офтобани (Қўқоннинг собиқ ҳукмдори Муслмонқулнинг ўғли), бундан ташқари Худоёрнинг тўнғич ўғли Насриддин (Андижон ҳокими) ва акиси Муродбек (Марғилон ҳокими) келиб қўшиладилар. Кўзғолонни бостиришга ожизлигини пайқаган Худоёрхон «пуштипадох император ҳазрати олийларнинг кудратига суйнади ва Кауфманга дўстона мурожаат қилиб, «иложи борича тезлик билан Қўқонга ўрис қўшини ва замбаракларини юбориш»ни сўрайди. Юртни сотганлиги учун Худоёрхон ва яқинларига қарши газовот эълон қилинади. Худоёр 1875 йил 2 июл куни ўз оиласи билан Тошкентга, ўрис элчиҳонаси паноҳига қочиб боради. Тарихчи олим Х. Бобобеков «Халқ сўзи» рўзномасининг 1991 йил 20 феврал сонидида «Қўқон хазинаси қаерда?» номли хабарига ёзишча, 1875 йилнинг ёзида, Қўқон хони Худоёрхон 70 кишилик аёллар жамоаси, 500 га яқин ҳамроҳлари, 40 арава хазина билан Тошкентга Туркистон генерал губернатори Фон, Кауфман хузурига паноҳ тортиб келган. Кауфман 40 арава халқ бейлигини олиб, Худоёрхоннинг ўзини Уренбургга сургун қилган. У кейинчалик Уренбург тутқунлигидан қочган. Тошкентдан чиққан ўрис гуруҳи қўқонликларни Мақрам қалъасида мағлубиятга учратади. 29 августда Кауфман Қўқонга қочиб сифатида кириб келади. Қўқон аъёнлари Худоёрнинг ўғли Насриддинбек бошчилигида ундан кеңирин сўрайдилар. 22 сентябрда Кауфман билан битим тузилади. Бу битимга кўра Қўқон хони ўзини Русия императорининг қули деб тан олади, генерал-губернатор руҳсатисиз ҳеч қандай ташқи алоқалар ёки ҳарбий ҳаракатлар қилмасликка рози бўлади. Шундай қилиб, Қўқон феодаллари юртнинг эркини бой бериб, жонларининг тинчини топадилар.

Хоннинг шармаидали қочиши ҳақидаги хабар янги кўзғолонга сабаб бўлади. Бу гал унинг маркази Андижон эди. Кўзғолончилар Пўлатхон номи билан юрган Исҳоқ муллани хон деб эълон қиладилар. Пўлатхонга қарши жўнатилаган ўрис гуруҳи Андижон остонасида мағлубиятга учрайди. 1875 йилнинг 7 октябрда эса кўзғолончилар хон қўшинини енгиб, Қўқонни эгалладилар; Насриддинхон Хўжандга, ўрислар паноҳига қочгач, 11 ноябрда Балиқчи яқинида исёнчилар генерал Скобелев томонидан тор-мор этиладилар. Скобелев кишлоқларга йўл-йўлакай шафқатсизларча ўт қўйиб, яқсон қилиб олға силжида. Скобелев Андижон шаҳрини қотилларча тўпга тутиб, бомбардимон қилдириди, унинг ўз сўзлари бўйича, уч минг чоғли одам вайроналар тағида қилиб кетган. 9 январда Скобелев вайрона Андижонга кириб боради. Пўлатхон қолган-қутган кучлари билан Учқўрғон қалъасига чекинганди. 1876 йилнинг 27 дан 28 январга ўтар кечаси Скобелев томондан юборилган отряд Учқўрғонни эгаллади, барча химоячилар ўлдирилди. Пўлатхон бу ердан қочиб улгурди, аммо кўп ўтмай Марғилонда қўлга тушиди ва жазоланди.

Кауфман бир амаллаб халқ ҳаракатини бостиргач, Қўқонни мустақиллигидан маҳрум этишга аҳд қилди. 1876 йилнинг 19 февралда Қўқон хонлиги бекор қилинди ва унинг ўрнида Фарғона области ташкил этилди. Жазо экспедициясининг бошлиғи, бўйсунмас қўқонликларни шафқатсиз қийратган генерал Скобелев эса ҳарбий губернатор қилиб тайинланди. Хуллас, ўзбек халқи мустақиллик қурашининг сўнгги босқичи Пўлатхон кўзғолони бўлди ва ундан сўнг учала ўзбек хонлиги ҳам ўрис подшолигига тўла қарам бўлиб қолди.

Урта Осиёнинг Русия томонидан забт этилиши босқинчилик туфайли Туркистон улқасининг вайрон этилганлиги, меҳнатқаш халқ оммасининг чор амалдорлари ва маҳаллий золимлар томондан эзлиши тафсилотлари ўрис ва маҳаллий тарихчилар, воқеанавислар, ўрис воқеанавис офитсерлари томонидан бир қадар тўғри ёритилган. Ичкилобгача яшаб ижод этган М. Терентьев, К. Абза, А. Макшеев, А. Сербряников, С. Дмитриев, А. Калужин, Л. Костенко, В. Наливкин, Д. Логофет каби ўрис тарихчилари, Муҳаммад Солиҳ, Мирзо Аъзим Соми, Мирза Салимбек, Садри Зиё каби маҳаллий муаррихлар ўз

асарларида Ўрта Осиёнинг хоризм томонидан босиб олинган тарихини ҳалол ёритганлар. Хоразмлик шоир ва тарихчи Баёний «Хоразм тарихи» номли кўлемли асаридида Ўрта Осиёнинг чор Русийё томонидан забт этилиш воқеаларини ҳолис тасвирлаб беради. Д. А. Логофетнинг «Бухарское ханство под русским протекторатом» (Спб, 1911), В. И. Вяткиннинг «Каршинский округ организации в нем войска и события в период 1800—1803 гг.» (Спб, 1805), Л. Ф. Костенконинг «Путешествия в Бухару русской миссии в 1870 г.» (Спб, 1871), К. Абазанинг «Завоевание Туркестана» (Спб, 1902), А. Макшеевнинг «Исторический обзор Туркестана и наступательные движения в Средней Азии» (Спб, 1906), В. Наливкиннинг «Краткая история Кокандского ханства» (Казань, 1888 г) китоблари, мақола ва эсдаликлари бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Чоризмнинг ҳарбий сиёсати халқларни бўлиб ташлаб, уларни кўрkitиш билан бўйинсиндиришдан иборат бўлган. Кейинги вақтда эса тарихий китоблар, тарихий бадиий асарларда Ўрта Осиёни босиб олган чор Русийёнинг мадҳ этувчи А. Горбовский ва Ю. Селиновнинг «Уж узмасдан», М. Поповнинг «Ак-пашша — белый генерал», В. Пикулнинг «Дарвозанги оч. Хива!» асарларида тарихини нотўғри, бўяб кўрсатишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу ва бу хил асарларда «Халқлар турмаси» (В. И. Ленин) бўлмиш чор Русийёси беозор, адолатпарвар тарзда кўрсатилмоқда.

Бу ўринда шунини айтиш керакки, қадим замонлардан буён, айниқса, XV—XVIII асрларда Оврўна мамлакатлари, шу жумладан, Англия ва Русийё Ўрта Осиё бойликларига жуда ҳам кизиқиб қараёт бошладилар. Пётр даврида тараққиёт йўлига чиқиб олган Русийё атроф ўлкаларини босиб олиш ҳисобига худудини кенгайтирди ва Ўрта Осиё билан савдо ва дипломатик алоқаларини ривожлантиришга, шу йўл билан ўлканинг олтин, қумуш, маъдан конларини аниқлаш, иложи бўлса, қўлга киришти режаларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошладилар. Русийёнинг Бухорога келган элчиси Флоридо Беневели подшо Пётр I га йўллаган маълумотларидан бирида шундай деб ёзган эди: «Тоғларда олтин ва қумуш қидириш катъиян ман этилган. Барча конлар яқинида доимо қоровуллар туради». Ўрта Осиёдаги қазилма бойликларини аниқлаш ниятида Пётр Бухоро, Хива хонлиқлари ихтиёридаги Қизилқумга 1714 йили А. Бекович-Черкасский бошчилигида уч ярим минг кишилик ҳарбий тўда юборди. Черкасский ҳарбий аъзоларини Хива хони Шерғозихон ўлдиртирган бўлса ҳам, лекин экспедиция Каспий бўйига уя қуриб (ҳозирги Красноводскда), Каспий билан Орол ўртасидаги «дамбалар»да мавжуд бўлган олтин сирларини билиб оладилар. XIX асрда тарихчи, сайёҳ ва олим Херман Вамбери ҳам разведка мақсадида Англиё томонидан Ўрта Осиёга юборилган эди.

Инглизлар Ўрта Осиёни чор Русийёсидан олдинроқ истило қилмоқчи эди. Бирок Русийё империяси отин илгарироқ қамчилади. Рус олимларидан И. Мушкетов, П. Семёнов-Тяньшанский, Н. Северцев, Д. Логофет, В. Наливкин, В. Вебер ва бошқалар Ўрта Осиёнинг жўрофики, жойлиқ ва қазилма бойлиги тузилишини тадқиқ эта бошладилар. Билонихоя, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё Русийё империясининг мустамақкачилик домига тортила бошланди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Қозогистон ерларига қилич ўйнатиб келган чор Русийёсининг бағритош генераллари, офитсер, аскарлари туб меҳнатқаш халқ конини зулукдек сўриш ниятида «империянинг иқтисодий таянчи Ўрта Осиёда» деб оламга жар солди. Русийё молия вазирини Вишнегородский эса Ўрта Осиёдек жаннатмақом ўлкани, «ўрис тожидаги энг қимматбаҳо дур», деб таърифлаган эди. Босқинчи генералларнинг башорати тўғри бўлиб чиқди. Узоқ йиллардан буён Ўрта Осиё ва Қозогистон диёри Русийёнинг нажот маскани, мустамақка базаси бўлиб келмоқда. Иқтидорли шоир Хуршид Даврон «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг 1990 йил 15 апрел сонидида эълон қилган «Босқинчилик қаҳрамонлиқми?» номли танқидий мақоласида ўтган асрнинг иккинчи ярмида чор Русийёсининг Ўрта Осиё ва Қозогистон ерларига қилган ҳарбий юришини каттиқ қоралайди. Адиб узоқ вақт то ўктябрь инқилоби ғалабасига қадар бўлган давр ичида меҳнатқаш халқ оммасини қудлик занжирида тутиб туришда Русийё империяси генералларининг хизмати беқиёслигини тўғри таъкидлайди. Чор Русийёсининг тўлақонли мустамақкаси бўлган Туркистон ўлкасида Скобелев, Черняев, Кауфман каби ўрис генералларининг талончилик сиёсатини аёвсиз фош этади. Дарвоқе, чоризмнинг Ўрта Осиёдаги ваҳшийликларини илғор фикрли сиймолар К. Маркс, Ф. Энгельс, Л. Толстой, П. Герцен,

М. Горькийлар ҳам қоралаган эдилар. Улуғ санъаткор Л. Н. Толстой босқинчи чор Русийёсининг шухратларает генераллари хўжайинга мутеъ сарбозларининг Ўрта Осиё ва Қозогистонда олиб борган хўнрезликларидан газаблаган эди. Бунин биз яқиндагина жанг майдонидан қайтган ёш юнкер билан ёзувчи ўртасидаги суҳбатдан ҳам билиб олишимиз мумкин. Лев Николаевич Толстойнинг сеvimли кизи ва сирдоши Татьяна Сухотина-Толстая ўз эсдаликларида 1889 йилнинг қаҳратон кишида бўлиб ўтган бир тарихий воқеани шундай ёзади: «Бугун эрталаб бир юнкер дин хўсусида маслаҳатлашиш ниятида отам хўзурида бўлди. Сўнгра, отам у билан яхшигина гурунглашганини ва, айниқса, унга сингдирилган эътиқодга шак келтириб қўймаслик учун эҳтиёткорлик билан муомала қилганлигини сўзлаб берди. Шароб тўғрисида ҳам сўзлашиб-дилар.

Юнкер ичмаслигини айтди. Дадам уни хўшёрлик жамиятига киришга таклиф этди, лекин у аҳён-аҳёнда ичиб тураман, деб жавоб берди. «Нима учун?»— деб сўради отам. «Мана, масалан, Скобелев бутун аҳолини кириб ташлаш керак бўлиб қолганда аскарлар бундай қилишдан бош тортдилар, шу ишни амалга оширишлари учун уларни ичкизиб маст қилиш зарур бўлади»,— деб жавоб қилди юнкер.

Дадам бир неча кунгача буни унутолмай ҳаммага ҳикоя қилиб берди». Л. Н. Толстойнинг кизи Татьяна Сухотина-Толстойнинг эслашича, ҳарбий юнкернинг бу хикояндан кейин ёзувчи ойлар эмас, йиллар давомида каттиқ изтироб чекади.

Ўрта Осиё ва Қозогистон ерларини босиб олиш режаларини аввалдан ишлаб чиққан чор Русийёсининг колонизаторлари XVIII—XIX асрларда Семипалатинск, Ўренбург, Петропавловский, Троицкий, Усть-Каменогорский каби 40 дан ортиқ ҳарбий қалъа ва 100 га яқин ҳарбийлаштирилган кичик қалъалар барпо қилинган, 1853 йилда Ўренбургда генерал Перовский бошлиқ Ўренбург генерал-губернатурлиги ташкил этилади.

1853 йилда генерал Перовский бошлиқ икки мингдан ортиқ ўрус қўшинлари Окмачит (Қизил Ўрда)га хўжум қилдилар. Ингирма икки қувилик жангу жадалда чор қўшинларидан 25 киши ўлди, 46 киши яраланган бўлса, истеҳком ҳимоячиларидан бор-йўғи 74 киши тирик қолди, холос. Окмачитни қайтариб олиш учун шу йилнинг декабрида Еқуббек бошчилигида 13 минглик қўшин душманга қарши ташланади. Бир неча қувилик каттиқ жангдан сўнг Еқуббекнинг икки мингдан ортиқ мард илгитлари ҳалок бўлади. Бу шиддатли жангда чор қўшинларининг аскарларидан атиги 55 кишигина нобуд бўлган. *Ушбу мағлубиятдан сўнг Еқуббек Қошғар хонлигида асос солиди. Бу мустақил давлат ҳам кейинчалик Русийё ва Хитой қуриовида йўқ қилинган эди.*

Тарих фанлари доктори, профессор Хамид Зияев ўзининг «Чоризм истилоси» («Шарк юлдузи»), 1990, 8-сон, 18—19 саҳифалар) номли хўжатларга бой нуфузли мақоласида чоризм истилочиларининг Пишпек, Тўқмоқ, Авлиёта шаҳарларининг забт этиш тафсилотини шундай ёзади: 1860 йилда Пишпекда ҳам душман қўшини билан тўқнашув бўлади. Бу жойини эгаллаш учун чор қўшинлари 954 та снаряд ва 13 мингга яқин ўқ отганлари маълум. Ҳимоячилардан анча киши ўлдирилади ва ярадор қилинади. Шу йили Тўқмоқ қалъаси ҳам чор қўшини томонидан забт этилади, бу ҳол бутун хонлиқни катта ташвишга солади. Ўзбек, қозоқ, тожик ва қирғизлар Тошкент ҳокими Қаноатшох бошчилигида урушга отланишади. Уларнинг умумий сони 20 мингга борар эди. Пишпек остонасида ҳар икки томон ўртасида қонли тўқнашув юз бериб, ҳимоячилар қаҳрамонона жанг қилдилар. Мудофачиларга қарши душман томонидан 2051 та снаряд, 31879 та ўқ ва 63 тўп ўқи отилган. Бу жангда Қўқон қўшинларидан ва оломондан 15000 киши ўлдирилади ва кўпи яраланади. Душман аскарларидан атиги 13 киши ўлдирилади ва 20 киши жароҳатланади. 574 ҳимоячи асирликка олинади. Шунингдек, истеҳкомда 82 савдогар, 92 та аёл ва болалар бор эди. Чор қўшинлари 1864 йил май ойида Авлиёта остонасида 15000 кишилик Қўқон қўшинлари ва халқ қасоскорлари билан яна тўқнашади. Бу сафар ҳам ҳимоячилар мағлубият аламини тартадилар, улардан 307 киши ўлдирилиб, 390 киши ярадор бўлган эди». Кўряписки, Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг ҳар бир кишлоқ ва шаҳарларини вайрон қилиш, аҳолини кириш ва асир олиш эвасига чор қўшинлари Тошкент ва Қўқон, Фарғона, Андижон сари зобитона ҳарбий юриш қилганлар. Авлиёта ва Туркистоннинг душман томонидан ҳарбий куч билан забт этилиши Қўқон

хонлиги, Тошкент ҳокими таҳликага солиб қўяди. Қўқон хонлигининг ботир лашкарбоши Алимқул бошиқ ўн миңдан зиёд сарбозлар ва халқ қасоскорлари Чимкент ҳимоясига отланадилар. Чимкентни қўлга киритиш учун тиш-тирноғигача қуролланган душман генерал Черняев қўмондонлигида ватанпарварлар билан қаттиқ жанг олиб боради. Бу халқилуви жангда ўрисларнинг тўп, милитк ва замбарати зарбидан 12 миңдан ортиқ фидойилар қаҳрамонларча ҳалок бўлади ва араланади. Чимкент жангида элсеварлар душманга кўп қурбон берган бўлса ҳам, чор кўшинларини Тошкент сари юришига йўл қўймайдилар. Саркарда Алимқулнинг мардлиги ва жасорати Черняев аскарларини саросимага солиб қўяди. Генерал Чимкентни ташлаб орқага, Туркистон сари чекинишга мажбур бўлади. Истилочиларни изма-из қувиб, ўз вақтида она туپроғимизни тозалаш ниятида бўлган Алимқул ва унинг баҳодир навкарларининг кучи фавқуллодда иккига бўлиниб кетади.

*Ачинарлиси шундаки, Қўқон хонлигининг аскарлари энг хавфли босқинчи душманлар билан ҳаёт-мамат жанги олиб бораётган ва ғалабани қўлга киритаётган бир пайтда Қўқондан нохуш хабар келади. Бухоро амири амир Музаффар фурсатдан фойдаланиб, катта куч билан Қўқонга қўшин тортади. Худбин ва калтафаҳм амир ҳужумига қарши қурашиш учун Алимқул ноилоҳ ва шошилинч ҳолатда ҳаракатдаги жангчиларининг бир қисми билан Қўқон ҳимоясига отланади. Чекинаётган генерал Черняевга бир воқеа қутулмаган бир далола эди. Алимқулнинг бир қисм жангчилари билан Қўқон ҳимоясига кетганлигидан хабар топган генерал Черняев қалбда қасоскорлик ўти қақнади. У тезлик билан изига қайтиб, 1864 йилнинг 21 сентябринда бир зарб билан Чимкентни эгаллади ва бу билан Тошкент томон юришга ҳозирлик кўрди. Чор истилочилари Ўрта Осиё ва Қозғистон ерларини эгаллаш йўлида ҳар қандай ваҳшийлик ва қотилликлардан тортирмаган. Русия империясининг қонли юришларини тарихчиларимиз ошқоралик даврида объектив ёритиш пайти етиб келди. Чор Русиясининг биргина босқинчи генерали М. Скобелевнинг Ўрта Осиё ва Қозғистон ерларида олиб борган хунрезликлари бир неча китоб, киноэпопеяни ташкил этади. Қонхўр генерал Скобелев ўзининг босқинчи ҳарбий гуруҳи билан 1881 йилнинг 12 январинда Қўқотпада 22,5 миңдан зиёд беғунох туркман, қозоқ, ўзбек, қирғизларни ваҳшиёна қопиб ташлайди. Туркман халқи Қўқотпада мудофаасида ҳалок бўлган ватанпарвар фидойилар учун 1991 йил 12 январда хотира музейи очдилар. Туркманистон ва қардош жумҳурият халқлари ҳар йили 12 январ кунини Қўқотпада хотира сифатида қутиб оладилар. (Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, биз таланти рассом сифатида қўқотларга кўтарган В. В. Верещани ҳам бир қўлида қилич, бир қўлида мўйқалам билан чор Русия генераллари жанг майдонларини кезган ва ўз асарларида уруш воқеаларини қаламга олган. Бинобарин, ўрислар истилоси оқибатида қўшин ва тинч аҳоли орасидан жами 598 миң одам нобуд бўлган. Ҳеч бўлмаса юрт дея шахид кетганларни хотира кунларида руҳини шод этшимиз мумкин-ку?*

Рус тарихчиси генерал М. А. Терентьев ўзининг «Русия ва Англия» (СПб. 1876) китобида: «1864 йил ўрис зулмига қарши Етисувдаги дунганлар қўзғолол кўтардилар. Лекин улар қириб ташланди, ҳаммаёқ қонга ботирилди», деб ёзади (65-бет).

«Ўрислар, — дейилган ўша китобда, — вақти-вақти билан сарбозорлар қушғириб турар, маҳаллий савдогарлардан ўз дўконларини ёниб, сарбозорда савдо қилишни талаб қилар эдилар. Қим бунга бўйсунмаса, уларни мажбур қилар, дўконларини ёндириб ташлар, жуда катта пул жаримаси солар эдилар. Маҳаллий савдогарлар учун сарбозорларда энг ёмон жой — қуёш қиздириб турадиган жойлар ажратиларди» (164-бет).

Русия тарихчилари, Туркистонни забт этишда чор Русиясининг ўзи чочор бўлишига қарамай, дур, жавохирлар ўлкасини қўлга қиритиш учун миллион-миллионларни сарф этганлигини ёзадилар.

М. Терентьевнинг асарида «Хивани босиб олиш учун Туркистон округига 287300 сўм, Ўренбурге округига 2000000, бошқа буromaдлар учун шахсан Кауфман ихтиёрига 400000 сўм пул ажратилди», дейилади (111-бет). Яна: «Хива юришига қатнашувчи аскарларга озиқ-овқат ва отларга ем-хашак сотиб олиш учун 465414 сўм 64 тийин пул ажратилди» (117-бет), деб ёзади тарихчи. «Турли анжомлар: от, туялар сотиб олиш учун 516351 сўм, 40 тийин ажратилганини ёзеан (153-бет) тарихчи китобнинг 283-бетига. «Артиллерия запаслари учун ва лазаретлар

учун 94285 сўм пул ажратилди ва кўприкларни тузатиш учун эса 1475558 сўм 68 тийин пул ажратилди», деб очик-ойдин кўрсатади. Кўринадики, Русия империяси Ўрта Осиё ерларини босиб олиб, унинг меҳнаткаш халқларини қулликка солиш ниятида пул ва маблағни сира-сира аямаган, ўрис тарихчи олимлари қўли билан ёзилган тарих китоблари, архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, чор ҳокимиятининг генераллари, ҳарбий жазо отрядларининг офитсер, аскарлари маҳаллий ҳукмдорлар, меҳнаткаш халқни дўк-пўнса ва кўрkitиш, хийла йўли билан ўзларининг мустамлакачилик, босқинчилик сиёсатларини амалга оширганлар.

1870 йил 18 январда генерал Кауфман Хива хонига 3 марта хат ёзиб: «Мен Сизга уч марта хат ёзиб бирортасига ҳам жавоб олмадим. Бунинг устига менинг сўнги элчиларимни ҳам ушлаб қолгансиз. Бундай ҳаракатларга ортиқча қўшиб бўлмайди. Иккитадан биттасига ёки айтганларимизга қўнасиз — дўст бўлиб қоламиз ёки айтганларимизга қўнамасангиз душман бўлиб қоламиз» (ўша асар, 67-бет), деб дўк қилган.

Ўрта Осиёдаги ҳар бир шахар ва қишлоқларни босиб олишда империянинг қонхўр генераллари, бағри тош офитсер, солдатлари турли-туман фириб-найранг ва жазо йўлларини ишга солар эдилар. Маҳаллий халқларни талаш, ўлдириш йўлида чор Русиясининг димогодор ҳукмдорлари маблағни аямас, ўрис солдат, офитсерларининг босқинчилик ва талончиликдаги хизматлари орденлар ва мукофотларга қўмилирди.

Фон Кауфман, Черняев, Куропаткин, Веревкин каби генералларнинг айтганини қилса, Хива хони асосий мулкларидан ажралар, шартларни бажармаса, босиб олинар эди. Хўш, шу гаплардан кейин Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ерлари қўшиб олинди дейишга аргизулик асос қолармикан? Чоризм истилочилари Сибир ва Ўрта Осиёни ҳарбий куч билан забт этгани атамалар тарихида ўз ифодасини топган. Биргина «Владикавказ» (Кавказни эгалла) ёхуд «Владивосток» (Шарқни эгалла) каби атамаларининг ўзидан ҳам аёнки, бу ўлкалар чоризм томонидан босиб олинган.

Чоризм ўзи босиб олган маҳаллий аҳолидан жуда-жуда хавфсиз эди. Шунинг учун ҳам қўрғонлардаги ўрис казаклари қатий оғоҳлантирилиб, уларни зўр сиқув, қўрқувда сақлашга уринарди. Ўрис казакларидан ўз қуролларини бошқаларга, айниқса, маҳаллий одамларга сотмаслигини қатъиян талаб қилинган ва бу ҳақда қурол бераолган ҳар бир дехқондан тилхат олинган эди. Маҳаллий халққа сир бермаслик, уларга ишонмаслик уқтирилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, келгиндилар аскарликка ўқитилар, ўргатилар ва биринчи қақриқ биланоқ ўзини армияга қақриқилган деб ҳисоблар эдилар. Улар кечалари ва кундуз кунлари шахар ва қишлоқларни, атраф ерларини доим кузатишар, назоратда сақлашар, салгина шубҳали воқеа ва ҳодисани сезсалар, дарҳол эҳтиёт чораларини кўрардилар.

Чоризм босиб олган Ўрта Осиё халқларининг ҳар қандай ҳақ-хуқуқларини йўқ қилиб, уларни ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва ҳарбий қолоқликда сақлаб туриш учун ўзининг тўрачилик, маҳкамачилик бошқариш усулини жорий қилдики, бунда энг қуйи мансабдан энг юқори мансабга қадар бўлган ҳамма лавозимлар фақат ўрис ҳарбий тўралари орқали идора қилинадиган тартиб ўрнатилди. Чор ҳукумати Ўрта Осиёни забт этган ва шу ўлкада яшаётган ўрис генераллари, офитсер, аскарларига маҳаллий халқ тилини билганлиги, «туземчи»лар урф-одатини ўрганишга ҳаракат қилганликлари учун ойлик маошларига қўшимча равишда 180 сўмдан пул ҳам тўлаб турган.

Маҳаллий халқлардан таланган барча бойликлар (пахта, маъдан, рангли металл, қорақўл тери, тулки териси, пилла, мева маҳсулотлари ва бошқалар) авваллари туя, от, эшак, гўмизга юкланган қарвонларда ташилган бўлса, Ўрта Осиёда темирйўл ўтказилгандан кейин узун эшолонлар орқали Русияга олиб кетиладиган бўлди. Ўрта Осиёнинг ер ости ва ер усти бойликлари Русия империясининг асосий хом ашё базасига айланди.

Ўрта Осиёнинг ярим подшоҳига айланиб қолган «Туркистон генерал-губернатури бошиқ бир гуруҳ муттаҳам, юлғич генераллар турли баҳоналар билан бир неча ўн миңлаб гектар серҳосил ерларни зўрлик билан маҳаллий халқ қўлидан тортиб олиб, уни қиммат баҳода сота бошладилар». (История народов Узбекистана, т. 2, Тошкент, 1947, стр. 253—268). Шундай зўр-воқлик билан маҳаллий хунармандлар, дехқонларни тирикчи-

лик манбадан, қорвадор хўжаликларни эса яйлов ерларидан маҳрум қилдилар.

Юртимизнинг Русий ҳукмдорлари томонидан забт этилиши тарихини Кўкон, Бухоро ва Хива хонликлари саройидаги шоирлар, тарихчилар, воқеанавислар, ёзувчилар ҳам батафсил ёзганлар. Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг 1875 йилда ёзиб битирган «Тошкентнинг янги тарихи» номли шарҳшунослик институтда сақланаётган (444 бетлик форсча-қўл-ёзма) китобида таъкидланишича, Тошкент шаҳри золим ва конхўр генерал Черняев томонидан 1865 йилнинг ёзида бир неча бор тўпга тутилган ва шаҳар қамал қилиниб, «Кайковус» арик тўғони бузилиб, суви Чирчик дарёсига буриб юборилган. Натижада Тошкент шаҳри маркази аҳолиси ёз кезлари 42 кун давомида қарийб сувсиз, озик-овқатсиз оғир аҳволда қолдирилган. Афсуски, «Тошкентнинг янги тарихи» сингари кўплаб тарихий китоблар чап босган ҳолда эътибордан четда қолган.

Давримизнинг машҳур сўз санъаткори, қозок адабиётининг улкан намояндаси, оташқалб шоир Ўлжас Сулаймон 1989 йилда «Алма-Ата жалы»да нашр эттирган қимматли мақолалар ва шеърлар китобида Русий империясининг Урта Осиёдаги босқинчилик сиёсатини фош этувчи ҳужжатларни келтириди. Адиб мазкур китобнинг «Мой Чокан» («Менинг Чўқоним») номли мақоласида чор Русийнинг босқинчи генералларидан Черняев Қозоғистон ва Урта Осиё ерларига очқўзларча бостириб кириши, Окмачит, Жамбулин тўпга тутиб, қалъани вайрон қилиши ва бегуноҳ халқнинг қони тўкилганлигини газаб билан баён этади. Қозок халқининг маърифатпарвар олими Чўқон Валихонов тузган харита асосида Урта Осиёга ҳарбий юриш қилган генерал Черняевнинг босқинчилик сиёсатини фош этган. Ушунда манман генерал Черняев Петербургда ҳарбий таълим олган Чўқон Валихонга: «*Сен тузган харита менинг қўлимда экан, Қозоғистон ва Урта Осиёни забт этиш менинг ихтиёримдир. Сенинг, эндиликда, бизга керагинг йўқ. Тўрт томонинг қибла, кетишин мумкин*», дея қўшиндан ёш олимни хайдаб юборади. Генераллар томонидан алданган олим Черняев устидан арз қилиш учун уч-тўртта офитсеер дўстлари билан Петербургда қараб йўл олади. Бирок унинг адолатли талаб ва шикоятга ҳеч қим қулоқ солмайди. Зотилжам касалига йўлиққан Чўқон Валихонов қирқ ёшга ҳам қирмай оламдан кўз юмди. Мавриди экан, шунинг таъкидлаш лозимдирки, генерал Черняев Урта Осиёга қиладирган ҳарбий юришини яшириб, Чўқон Валихоннинг айёрлик ва маққорлик ила алдаган. Зотан, босқинчи зоти ўз мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай тубанлик ва ваҳшийликлардан қайтмасди. Русий империясининг тажовузор, айёр ва доғули генераллари маҳаллий халқ инчдан етишиб чиққан илғор зиёдиларини турли йўллار билан авраган, алдаганлар. Туркiston халқларининг иқтидорли фарзанди Чўқон Валихонов сингари шоир Зокиржон Фуркат ҳам ана шу алданганлардан бири эди. К. Маркс бошқа халқин асоратга солувчи халқ ўзинга қишан ясаётгани уқдирар экан: «*Ҳеч бир миллат бошқа миллатларни эзишда давом этиб, ўзи озод бўлолмайди*» (К. Маркс, Ф. Энгельс, 4-том, 372—373 саҳифалар), деган хулоса чиқаради. Доҳий В. И. Ленин ҳам Русийнинг босқинчилик ва мустамлакачиликдан иборат гавразил шовинистик сиёсатини қинамакмига фош этиб ташлаган эди: «*Золим сармоядорлар Русийсида*,— деб ёзган эди улуғ инқилобчи,— *бошқа халқларга қарши жаллодлик ролини ўйнаган эски, қонли ва ифлос ўтмишни битиришимиз лозим. Биз бу ўтмишни сулуриб, тилка-тилка қилиб ташлаймиз*». (В. И. Ленин, 26-том).

Улуғ сўз санъаткорлари Ф. М. Достоевский ва А. Н. Крестовский сингари ўрис адиблари Русийнинг шавқатли генералларини туркий халқларнинг азалий мулкларини босиб олишга чорлаган бўлсалар, улуғ инсонпарвар адиб Л. Н. Толстой, А. Н. Герцен, М. Горкий ва Н. Г. Чернышевскийлар ўрисларнинг мустамлака сиёсатини қаттиқ қоралаган, айрим ҳолларда ошқора қаршилик кўрсатган эдилар. Тарих ва ҳаёт ҳақиқатини бўяб кўрсатувчи олимлар, жумладан, улкан рассом И. Глазуновнинг ҳам: «*Русий мустамлака нима эканлигини билмайдиган ягона мамлакат ҳисобланади*»,— деб ёзиши ўтмиш ҳақиқатига тухматдир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, чор Русийси томонидан Урта Осиёга уюштирилган истило баробарида турли-туман мақсадларни кўзлаб уюштирилган илмий юришлар ҳам ва ҳақто савдо-сотик алоқалари ҳам охир-оқибатда бир мақсадга — босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатига хизмат қиларди. Империя жугрофия жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д. Логофет асримиз бошларида Қозо-

ғистон ва Урта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб бир неча саёҳатлар уюштиради. Олим ўзининг «Урта Осиё чегараларида», «Хукуксизлик ўлкасида», «Русий — Афғон чегараси», «Бухоро тоғлари ва текисликларида», «Бухоро — Афғон чегараси» сингари қимматбахо асарларида китобхонларни Урта Осиё халқларининг турмуши, табиий шароити, ўсимлик ва Қозоғистон мулкларини босиб олишдаги конхўрликларидан кўз юмолмаган. Д. Логофет 1868—1880 йилларда Русий империясининг такаббур генераллари Черняев, Кауфман, Куропаткин, Скобелевлар Урта Осиёнинг қишлоқ ва шаҳарларини бузылган ўлкага айлантиришлари-ю, бегуноҳ халқнинг қонини тўққанларининг тирик гувоҳидир.

«1868 йилда»,— деб ёзади Д. А. Логофет «Бухоро тоғлари ва текисликлари» китобида,— *амирлик анчагина қўшин тўплаб, бизнинг сарҳадларимизга ҳаракатидан сўнг махсус отряд тузилиди ва у Тошкент тарафдан ҳужумга ўтиб, кўп қон тўкишларидан сўнг Бухоро кўрғонлари — Жиззах, Самарқанд, Катта-кўрғонни бирин-кетин эгаллай бошлади. Шундай қилиб, бутун Зарафшон водийсининг юқори қисми эгалланиб, Русий томонидан босиб олинди*». Д. А. Логофет истилочиларнинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларини забт этиш тафсилотларини батафсил баён этади. «*Самарқанд ўрислар қўлида бўлишига ва унда ўрис қўшинлари жойлашганлигига қарамайдан, Шаҳрисабз воҳасида жуда кўп қўнғиллар қўшини тўпланди ва Китоб беги Жўрабой, шаҳар беги Бобобек, Яқкабоб беги Муҳаммад Ражаб бошичилигида Самарқандга қараб юрдилар, шаҳарни қамал қилдилар. Аммо ўрис аскарлари генерал Кауфман гуруҳи етиб келгунча, қаҳрамонларча туриб бердилар. Шаҳрисабз беклари мағлубиятга учрагач, улар тоғларга чекинишга мажбур бўлдилар*». Генерал Скобелев юришларида иштирок этган В. Наливкин «Кўкон хонлигининг қискача тарихи» (Козон, 1888 й.) деган асарда Кўкон хонлигининг чор Русийден истилоси давридаги иқтисодий ва сиёсий аҳволини тасвирлайди. Урта Осиёда чоризм зулмига қарши халқ кўзғолонларидан бири Андижонда пойтуғлик эшон Султонхон Тўраннинг муриди, «Дукчи эшон» номи билан ном чиқарган 42 яшар Муҳаммад Али Халифа (Мадали эшон) бошичилигида халқ кўзғолони бўлди. Дукчи эшон суддаги жавобиди: «*Ўрис ҳукумати зақот олишни бекор қилди, вақфларни дармаддан маҳрум этди ва Маккага ҳажга боришни таъқиқлаб қўйди*», дейди. Оқ пошшо томонидан олиб борилган зулм, зўрликнинг авж олишига қарши 1898 йил 17 май кечкурун Мингтепа (Мархамат)дан 200 отлик, 300 та пиёда мужоҳид шахарга юриш бошлайди. Дукчи эшон бошичилигида кўзғолонлар Андижон шаҳрида жойлашган ҳарбий гарнизонга ҳужум қилиб, газабга минган кўзғолончилар 23 та ўрис аскарини ўлдириб, 24 тасни ярадор қилиб, 30 тача милтиқни ўлжа оладилар.

«Эшон тўполони» тезда Кува, Асака, Шаҳрихон, Аравон қишлоқлари, Уш, Марғилон, Наманган шаҳарларига кенг ёйилади. Бирок ўрис генераллари, сипоҳи, аскарлари томонидан қарши ҳужум уюштирилиб, кўзғолончилардан шафқатсиз ўч олинади. Дукчи эшон билан бирга Рустамбек Сотиболди ўғли, Гойибазар Ортиқхўжа ўғли, Субхонкул, Бўтабой, Мулла Мирза Ҳамдамлар қўлга олиниб, бутун халқ ва, айниқса, ёш болалар иштирокида кўзғолончиларни дорга осиб ўлдирдилар. Тарихчи олим С. Жалиловнинг «Андижон» рисоласида ёзилишича, подшо Николай II кўзғолончиларни «намуна» бўладиган қаттиққўллик билан жазолашни буюради. Кўзғолончилар устидан бошланган суд 3 ой давом этиб, дастлаб 447 киши суд қилинади, 800 га яқин киши гувоҳликча қақрилади. Кўзғолон ҳақидаги суд материалли («Андижанское дело») 20 жилдн ташкил қилган экан. Суд 380 кишини жазолашга ҳукм чиқаргач, дастлаб 362 киши отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Кўзғолончилардан 351 киши турли муддат билан қамалган, 15 киши оилас билан Сибирга сургун қилинади. Кўзғолон маркази деб топилган Мингтепа, Тожик, Қашқар қишлоқларини 3 кун тинимсиз тўпга тутилиб, қишлоқлар қушпақун қилинади.

Давоми 74-бетда

## Абдукаюм Йўлдош



1963 йили Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида туғилган. ТошДД журналистика куллиётини битирган. «Сирли ола» ойномаси муҳарририятида хизмат қилади.

Қозонда неки бор — чиқади бир кун,  
Чўлли олмаганин олади капгир.  
Дудмал эҳтимолдан сўз очмоқ нечун,  
Сен менга боридан, боридан гапир.

Юз мевасиз оғоч бўлмас бир боғ,  
Тепалик — юсаклик десанг, жавзо чор  
Юз қояни агар санасанг бир тоғ,  
Сен менга қоридан, қоридан гапир.

Шамойил неларга бўлса-да гувоҳ,  
Тийнатиң англамай сўйламоқ гуноҳ.  
Мажнун бир Лайлига Мажнундир, биллоҳ,  
Сен менга ёридан, ёридан гапир.

Бир қанор қировга менгадим сўзни,  
Шойи белбоғ кўнда алдайди кўзни,  
Ким тикмай «эр йигит» атайди ўзни,  
Сен менга оридан, оридан гапир.

Бугун бошда Хумо, дастида замон,  
Қорамтириб келса эртага осмон  
Юки қаторларда қолмасми сарсон? —  
Сен менга норидан, норидан гапир.

## Таназзул

Қўнботар базмида ҳайронлар қолиб,  
Унўтиб ажодлар йўриқларини,  
Арзон таассубни ўрганиб олиб  
Ўзлаштирдик ахлоқ қўриқларини.

Бешарм шамоллар кердилар кўкрак,  
Иффат чечаклари йиғладилар қон.  
Четнинг мошинлари Аҳриман девдек  
Айлайверди одоб кишварин пайҳон.

«Шундоқ ёнимизда тирик намуна,  
Йўл шу!» — деб гажакдор имзолар чекдик.  
Кўкси пора, зурёд талаб заминга  
Оврупоча нопок уруғлар экдик.

Мана мевалари: Оқшом. Оила.  
Уч авлод экранга боқар бемажол.  
Унда айш сурмоқда иккита тана:  
Қайнотадай эркак, келиндай аёл...

## Тўда ва юк

— Эҳтиёт бўл! — Маҳкамроқ ушла!  
— Секинроқ юр! — Нафас олма, ҳой!  
— Қалтирама! Каттиқроқ тишла!  
— Жонинг борми?! — Қимирлама! — Вой...

— Тушиб кетди!.. — Эҳ, синди, тамом!  
— Эссиз, шунча куйиб пишибмиз.  
— Синчимизми, бунинг ҳам одам  
Бўлмасин қайдан билибмиз.

— Лекин бизга тушкунлик ўғай,  
Ўғрига мол қаҳатмас замон.  
Йиқилгани топтаб улгурмай,  
Ана, чиқди яна бир «полвон».

— Кетдик, кетдик!  
— Маҳкамроқ ушла!  
— Секинроқ юр! — Нафас олма, ҳой!  
— Қалтирама! Каттиқроқ тишла!  
— Жонинг борми?! — Қимирлама! — Вой...

Бизлар учрашамиз!..  
Гёте. «Вертер»

Мен ёлгон дунёга силкидим этак,  
Билдим, бу дунёнинг доим бири кам.  
Куйинма, марварид ёшларингни арт,  
Бизлар учрашамиз ҳали, азизам.

Маййитим бир кўни майсага дўниб  
Муздай сағанага ўрмалаган дам  
Сен келсанг наҳорий шудринга чўмиб,  
Бизлар учрашамиз шунда, азизам.

Тўлин ой кўксинга солса ғулулар,  
Қучса хотиралар аталмиш алам.  
Ёногинг куйдирса иссиқ туйғулар,  
Бизлар учрашамиз шунда, азизам.

Дарларда қимирлаб, таниш титроқ сас  
Қайгадир чорласа сени дамодам.  
Дераза қошига келсанг бир нафас,  
Бизлар учрашамиз шунда, азизам.

Кимда не эътиқод — охир ижобат,  
Менинг мазҳабимга қайишсанг сен ҳам  
Чин дунёда васл бўлмай иноят,  
Бизлар учрашамиз шунда, азизам.

Мангулик олдида, умр аслида  
Фазода бир ёниб ўчган митти шам.  
Маҳшар тонги мени уйғот оҳиста,  
Бизлар учрашамиз шунда, азизам...

БИЗЛАР

УЧРАШАМИЗ, АЗИЗАМ...





# НИГОХ

Феруз

Муҳаббатнома

## Газаллар

Манга, эй дилрабо, мунча итоб этмак недур, билмон,  
Ҳазин жонимга жавринг беҳисоб этмак недур, билмон.

Гирифтoring эрурлар жону дил, банд этгали они  
Мусалсал кокилингни печтоб этмак недур, билмон.

Чекиб йиллар фироқинг ранжини, топсам агар васлинг,  
Кетарга умрдек бирдам шитоб этмак недур, билмон.

Эрур кўнгулм фироқинг ичра ашким селидин вайрон,  
Яна ортуқроқ они хазон этмоқ недур, билмон.

Ёқиб ишқинг ўтига сарбасар жони низорим ҳам,  
Куюк бағрим кабоб узра кабоб этмак недур, билмон.

Бу гулшанда очилмоқ хорсиз гул мумкин ўлғойму,  
Нигоро, мендин асру иштиноб этмак недур, билмон.

Хумори бодаи васлинг бўлуб Феруз, агёринг  
Шароби лутф бирла комёб этмак недур, билмон.

\* \* \*

Не бало мавзун келибдур қадди хуш рафторингиз,  
Ваҳ, нечук жонпарвар эрмиш шаккарин гуфторингиз.

Оби ҳайвон ўлди зулмат ичра ҳижлатдин ниҳон,  
Хатти Хизр ичра чу кўрди лаъли шаккарборингиз.

Инфиол айлаб Масиҳо чарх уза қилди уруж,  
Рухафзо билди чун анфоси қудс осорингиз.

Кун уётдин айлади ўзни шафақ ичра ниҳон,  
Кўрди гулгун тўн аро то оташин рухсорингиз.

Наргиси фаттон кўз очиб қолди ҳайрон боғ аро,  
Ким қилиб наззора икки жодуйи хунхорингиз.

Очмас эрдук шўхлар ҳусни тамошосига кўз,  
Гар муяссар бўлса кўрмак бир назар дийдорингиз.

Ҳолимизга раҳм этингким, лаълингиз ҳижронида  
Нўш этиб хунобу ғам доим эрурмиз зорингиз.

Келди бу атворингиз расми мурувватдин йироқ,  
Ҳажрингизда биз ғамин, васл ичра шод агёрингиз.

Не сабабдин қилдингиз Ферузга нозу итоб  
Ким, ул эрди базмингиз ичра анису ёрингиз.

\* \* \*

Оҳким, бир дилрабо ишқиға дучор ўлмушам,  
Холин истаб доми зулфиға гирифтор ўлмушам.

Лаълидин ўпмак тилаб топмай муроду мақсадим,  
Новаки мужғони бирла сийна афғор ўлмушам.

Ҳар неча васлин тилаб жон жавҳарин қилсам фидо,  
Топмай онинг илтифотин дийда хунбор ўлмушам.

Бир тараҳҳум айламас ҳолим кўруб ул сангдил,  
Олло, олло, мубталойи бўйла дилдор ўлмушам.

Равшан этмак истабон хоки қудумидин кўзум,  
Ёстонибон ўйли узра туфроқ осор ўлмушам.

Оҳким, айлар манга ҳар кун итоб узра итоб,  
Билмай онинг боисин кўб ҳоли душвор ўлмушам.

Зарра янглиғ изтироб этсам нетонг Феруздек,  
Гар қуёш рухсорли дилбар ишқида зор ўлмушам.

Нашрга тайёрловчи Гулсара ИСМОИЛОВА.



# ИВАН БУНИН ХОТИРАЛАР



## Горкий

Горкий билан камина ўртамиздаги бу ажабтовур — ҳа, ҳа, ажабтовур, зеро, биз у билан салкам йигирма йил қалин дўст саналсак-да, аслида сира бундай эмас эди\*, — дўстликнинг ибтидоси 1899-йилга тааллуқли. Интиҳоси эса — 1917-йилга. Шундай бўлдики, бутун бошли йигирма йил давомида ора-миздан қил ўтмай келган кимса туйқус каминанинг муҳолифига айланди-қолди, узоқ вақт ундан аччиғим чиқиб, фель-лим айниб юрдим. Вақт ўтиши билан дилимдаги бу ихтилоф сўнди, у билан боғлиқ жамики хотиралар узлатга чекинди. Ва ҳеч қутилмаганда ўқийманки:

— L' écrivain Maxime Gorki est decedé... Alexis Pechkoff connu en littérature sous le nom Gorki, était né en 1868 a Nijni-Novgorod d' une famille de cosaques...\*\*

Мана, у ҳақдаги яна бир эртас. Ялангоёқ эди, энди эса қазақ... Шуниси кишини лол қолдирадики, ҳали-ҳануз кўпчилик Горкий ҳақида аниқ бир тасаввурга эга эмас. Хўш, ким унинг таржимаи ҳолини ипидан игнасигача аниқ биламан, деб кафолат бера олади? Нима сабабдан уни даҳоларнинг даҳоси дея бошларига кўтарган ва сон-саносиз асарларини беҳисоб нусхаларда чоп этаётган болшавойлар ҳалигача унинг мукам-мал таржимаи ҳолини эълон қилишгани йўқ? Бамисоли чўпчак бу одамнинг тақдир. Мана, неча йилдирки, қаламининг салмоғи сезилмас-да, номи етти иқлимга машҳур ва бу машҳурлик унинг учун бахтли ҳисобланмиш бир қанча тасодифларга асосланган, бу тасодифларнинг бир учи сиёсатга бориб тақалса, иккинчиси — унинг таржимаи ҳоли оммага мутлақо номаълумлигида. Тўғри, истеъдод, шак келтирмоқчи эмас бунга ҳеч ким, лекин қандай истеъдод, замирида не яширин — оҳанжамасиз, лўнда тушунтириб берадиган мард топилгани йўқ ҳануз. Хўш, нима дейиш мумкин, айтайлик, «Лочин ҳақида қўшиқ»ни ўйлаб топган бундай истеъдод ҳақида? Нима эмиш, ҳе йўқ-бе йўқ, бир «сарик» илон тоғ тепасига ўрмалаб чиқиб, кулча бўлиб ётиб олганмиш-да, кейин унинг олдига аллақандай ниҳоят даражада мағрур лочин учиб келганмиш. «Ялангоёқ, халқ орасидан чиққан даҳо», дея тўтидек такрорлашгани-такрорлашган, Брокхауз лўғатидаги ғоят пурмаёно сатрларни эслаш бировнинг хаёлига ҳам келмайди: «Горкий-

Пешков Алексей Максимович. 69-йили ўзига тўқ оилада дунёга келган: отаси — йирик кемачилик маҳкамасининг иш бошқарувчиси; онаси — бўёқфуруш бойнинг қизи...» Бундан у ёғи ҳеч кимга аниқ маълум эмас ва фақат Горкийнинг хийла шубҳанок шахсий таржимаи ҳолигагина асосланган: «Ўқиш-ёзишни мен аввал бобомдан, ҳар хил диний китобларга қараб, кемага ишга ёлланганимдан сўнг эса ошпаз Смурийдан ўргандим. Смурий ниҳоятда кучли, баджаҳл ва бир пайтнинг ўзида меҳрибон инсон эди...» Горкийнинг биргина шу боқий калвак қахрамонининг ўзи қанчага арзийди-ю! «Смурий менда, шунгача хат битилган бирон-бир қоғозни кўрарга кўзи йўқ болакайда, мутолаага мислсиз иштиёқ уйғотди ва мен бутун борлиғим билан «Искра» журнали ҳамда Некрасов, Успенский, Дюма асарларига шўнғидим... Ошпазга шогирдликдан боғбонликка ўтдим, мумтоз адабиёт намуналари, замондош адибларнинг асарларини кунт билан ўқиб-ўргандим. Ун беш ёшимда туйқус дилимда сабоқ олиш иштиёқи ўт олди ва мен бунинг учун фақат иштиёқнинг ўзи кифоя, деб хом хаёл қилиб, ҳемирсиз Қозон шаҳрига қараб жўнадим. Таассуфки, барча умидларим сароб бўлиб чиқди ва шу ердаги тешиккулча-хоналардан бирига ишга кирдим. Тешиккулчахонада ишлаш жараёнида талабалардан танишлар орттирдим... Ун тўққиз ёшимда иложсизликдан тўппочадан ўқ узиб жонимга қасд қилдим, маълум муддат хаста ётгач тузалиб кетдим ва олма сотиб кун кўра бошладим... Уз вақтида мажбурий ҳарбий хизмат муддатини ўташга ҳам қақирдидим, бироқ тиртиқларни хизматга олиш тамойилда йўқ экан. Адлия оқловчиси Ланиннинг қўлига мирза бўлиб ишга жойлашдим. Аммиф кўп ўтмай ўрним зиёлилар орасида эмаслигини ич-ичимдан ҳис қилдим ва ҳайё-хўйт деб Русия жануби бўйлаб йўлга чиқдим...»

92-йили Горкий «Ковкоз» газетида «Макар Чудра» аталмиш ўзининг илк ҳикоясини эълон қилди. Ҳикоя кўнгилни беҳузур қилар даражада ғализ бошланарди: «Денгиздан нам, совуқ шамол эсиб, қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг ўйчан куйини чўлга учуриб кетар эди... Баъзан шамол хуруж қилиб, бужмайган сап-сарик япроқларни гулханга келтириб ташларди-да, ёлқини елпир эди; атрофимизни ўраб олган кузги тун қоронғуси, гўё чўчиб тушгандек чекиниб, сўл ёқдан — поёнсиз дашт-ни, ўнг ёқдан — чексиз денгизни ва бир лаҳза нақ тўғримда ўтирган қари лўли — Макар Чудранинг гавдасини очар эди. Чол гўзал қиёфада паҳлавончасига ёнбошлаб ётар ва каттакон трубкасини дам-бадам тортиб, оғзидан, бурнидан бурқситиб тутун чиқарарди-да, тинмай сўзларди: «Қул эркинлик нималигини биладими? Дашт кенглигини тушунадими? Денгиз тўлқинлари шовуллашидан завқлана оладими? У қул, туғилгандан бери қул, тушундингми, йигит?!» Орадан уч йил ўтиб эса машҳур «Чалкаш» ҳикояси дунёга келди. Бу пайтга келиб Горкий номи тилга тушган, зиёлилар орасида шундай бир ёзувчи чиқибди, деган овозлар юрар, китобхонлар қўлига унинг «Макар Чудра»дан кейинги ҳикоялари етиб борган эди:

\* Тиниш белгилари муаллиф услубига кўра сақланди. (Тарж.)  
\*\* Ёзувчи Максим Горкий вафот этди... Адабиёт оламида Горкий тахаллуси билан машҳур Алексей Пешков 1868-йилда Нижний Новгородда қазақ оиласида дунёга келди... (Фарангча.)

«Емелян Пиляй», «Архип бобо ва Лёнка»... Ҳажвий руҳдаги асарлари билан ҳам ном чиқара бошлаган эди — хусусан, «Ростгүй сазва ҳамда алдоқчи қизилиштон ҳақида» асари билан; фелетончи сифатида ҳам донг таратган эди, фелетонларини («Самара газети») «Иехудийл Хламида» имзоси билан эълон қиларди. Ниҳоят, «Чалкаш» дунёга келди...

Каминанинг у ҳақдаги илк таассуротлари ҳам айнан шу даврга тааллуқли: Полтавага бирров кўнгандим, бирдан шаҳар бўйлаб овоза тарқалди: «Кобелякага ёш ёзувчи Максим Горкий кўчиб келибди. Қақди-қоматию афт-ангорини кўрсангиз унинг! Алпкелбат, эғнида ҳалпиллаган камзул, бошида соябони кенг қалпоқ, қўлида ботмондай серкўз сўйил...» Горкийнинг ўзи билан эса 99-йил баҳорида танишдим. Ялтага дам олгани келиб эдим ўшанда, жой масаласи ҳал бўлгач, денгиз ёқалаб сайрга чиқдим. Бир вақт қарасам рўпарамдан аллақандай кимсани эргаштириб Чехов келяпти, ҳадеб юзини қўлидаги газет билан тўсишга уринади, офтобданми ё ёнидаги тинмай бир балоларни гўлдираб, қўлини ҳавога сермаб келаётган анави кимсаданми — фарқлаб бўлмайди. Мен билан кўришгач, «Танишинг, Горкий», деди Чехов. Горкий билан қўл олишарканман, Полтавада унга хўп тобини келтириб таъриф беришганига иқрор бўлдим: ўшандайин камзул, ўшандайин қалпоқ, ўшандайин сўйил... Камзул ичидан этаги ҳамда ёқасига кашта солинган сариқ шоҳи кўйлак кийиб, белини узун энли сарғимтир шоҳи чилвир билан сириб боғлаган. Фақат алпкелбат ва қоматдор эмас, новча, елкаси бирмунча чиққан, қатаклари кенг қиррадор бурни учига довур сепкил, кўкимтир кўзлари биров билан гаплашганда нуқул ўйнаб туради, бурни тагидаги сап-сарик мўйловини бош бармоғи билан сийпалагани-сийпалагани: аввал обдон йўталиб, бармоғини тупуклаб олади-да, кейин ҳузур қилиб силайди. Биз йўлда давом этдик, Горкий папирос тутатди, босиб-босиб тортиди ва яна гўлдираб қўли билан ҳавони сермашга тушди. Бир зумда папиросини чекиб тугатиб, муштук ичида қолган чўғни тупук чаплаб ўчирди-да, яна гўлдирашда давом этди. У гапираркан, ҳар замон-ҳар замон гапи таъсир этиптими, йўқми билиш мақсадида Чеховга зимдан қараб-қараб кўярди. У бор овозда, гўёки чин дилдан, оташ билан, алмисоқдан қолган тимсолу баландпарвоз ташбехларни қалаштириб гапирарди. Бу савдогарлар ва деҳқонлар сирасидан чиққан волгабўйлик аллақандай бадавлат кимсалар ҳақида бақс этувчи ниҳоятда чўзиқ ва ниҳоятда зерикарли ҳикоя эди. Ҳикоя шуни си билан кишини зериктирардики, унда ҳақиқатдан кўра лоф кўп — бойваччаларнинг бари афсонавий даражада паҳлавон, ўтда куймас, сувда чўкмас, бундан ташқари воқеалардан ҳам ясамалик, қуюшқондан чиқиш уфуриб турарди. Чехов деярли қулоқ солмасди. Бироқ Горкий чакаги тинмай гапирарди, гапирарди...

Шу кунёқ Горкий иккимиз ўртамазда дўстона яқинликка мойил илиқ муносабат юзга келди, у томондан ҳатто каминага кишининг кўнглини бузиб юборар даражада мушфиқона мулозамат ҳам кўрсатилди:

— Ахир сиз улуғ шажаранинг сўнгги наводаси, дунёга Пушкин ҳамда Толстойни берган маданиятнинг улкан заррасисиз-ку!— деди у уялинқираб, алланечук орзиқиш билан.

Уша кунёқ, Чехов извош ёллаб Ауткадаги уйига жўнаб кетгач, Горкий мени Виноградний кўчасидаги ўз ижарахонасига таклиф этди, кўзлари ёниб, аллақандай бир масхараомуз табассум билан, бурнини жийирган кўйи аввал хотинининг дўмбоққина, тийраккўз чақалоқни кўтариб тушган суратини, сўнг эса бир қулоқ кўкимтир шоҳи матони кўрсатди ва ҳануз юз-кўзида ўша ифода:

— Биласизми, ҳалиги... кўйлақликка харид қилувдим буни... мана шу аёлга... Совға деганларидек...— дея каловланди.

Энди у бутунлай ўзгарган, дарё ёқасидаги ўпка, олақоп кимсага тамоман ўхшамасди: ёқимтой, хушвақт-хушмуомала, сипо, камсуқум; энди у ҳуда-беҳуда томоқ йиртмас, гапларидаги сохта баландпарвозлик ортагача чекинган, самимий, дилкаш оҳангда волгабўйликлар каби «о» ҳарфини хиёл чўзиб гапирарди. Иккала ҳолда ҳам у бирдек иштиёқ, бирдек усталик билан ўйин қилмоқда эди. Кейинчалик Бориб билдимки, у кўйиб берилса эрта тонгдан қоронги шомга қадар ҳам жаврай-верар, вазиятга қараб исталган шамойил, исталган атиорга эврила билар, эшитаётган кимсанинг кўнглини бузиш ёки айтиллаётган гапларга янада ишонтириш зарурати туғилгудек лозим, дарров кўкимтир кўзларини ёшга тўлдира олар экан. Худди шу ерда Горкийнинг бир қанча бўлак хислатлари ҳам намоеён бўлдики, уларни камина бу кимсада кейинги иллар давомида жуда кўп кузатдим. Горкийга ҳос муқим хислатлардан бири шу эдики, у одамлар, хусусан, беғоналар орасида тамомила ўзгарар, туйқус иззатталаб бўлиб қолар, томоқ йиртиб гапир-ришга тушар, нуқул баландпарвоз, тутуриқсиз нарсаларни ҳикоя қилар, мухлисларига ақл ўргатишни ниҳоятда ёқтирар, улар билан гоҳ илтифотсиз, совуқ, гоҳ кескин, насиҳатомуз муносабатда бўлар эди. Яқинлари даврасида ёки камина билан юзма-юз қолганда эса дарров дилкаш, камтарин жонон улфатга айланарди. Иккинчи муқим хислати — адабиёт ва маданият деса ўзини томдан ташлар, энг суйган суҳбат мавзун шу эди. Ингирма йил давомида гапиравериб нақд қулоқ-миямни еб битирган гапни ҳам у илк дафъа ўшанда, Ялтада айтган эди:

— Биласизми, сиз том маънода тенги йўқ ёзувчисиз, чунки томирларингизда юксак маданият, буюк адабиётга омихта қон гупирмоқда. Биз, янги хил китобхонни камол топдираётган ижодкор қавм, бу маданиятни туну кун демой тинмай ўрганмоғимиз, унга бутун вужудимиз билан сингирмоғимиз лозим,

Улуғ рус ёзувчиси Иван Буниннинг номи ўзбек китобхонига у қадар тайиш эмас. Унинг Уктабир инқилобидан кейинги ҳаёти ватанидан йироқда кечди, ўша ёқларда у ўзининг энг сара асарларини битди, рус адиллари ичида биринчи бўлиб Нобел мукофоти соҳиби бўлди. Табиийки, бизда Бунин асарларини то 60-йилларга қадар кўплаб нашр қилиш таъқиқланган эди. Хотираларининг бир қисми эса фақат ошқоралик шарофати билангина энди энди ўз ўқувчиларини топмоқда. «Ёшлик» муштарийларига тақдим қилаётганимиз — Горкий ва Маяковский ҳақидаги хотиралар шулардан бир шингил. Бунда икки машҳур шўро адиби хусусидаги шууримизга мустаҳкам ўрнашиб қолган тушунчаларга зид фикрлар айтиладики, бу сизни ҳайрон қолдириши, ҳатто маълум даражада улардан ҳафсалангизни совити-

ши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, Буниннинг Горкий ва Маяковскийларга замондош эканлигини, улар билан маълум муддат ҳатто дўстона алоқаларда бўлганлигини, уларнинг феъл-хўйи, табиатини яхши билганлигини ва мазкур хотиралар бугунги ошқоралик давримиздан анча бурун яратилганини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бу хотиралар билан бутуниттифоқ китобхони аллақачонлар танишиб улгурган. [Бултур улар «Наш современник» журналида эълон қилинган, кўп ўтмай «Советский писатель» нашриётида китоб ҳолида ҳам босилиб чиққан.]

Яна бир хушхабар — келгусида ҳам биз «Нобел мукофоти соҳиблари» ойнасўзи остида аллома ёзувчилар ижоди сарчашмаларидан мунтазам эълон қилиб бориш ниятидамиз.

фақат шундагина биздан бир иш чиқиши мумкин!

Шубҳа йўқ, бу мулозамат ҳам унинг ҳар сафарги қитмирликларидан бири эди, унда ҳам ўз-ўзини ерга уришдан мағрурлик устивор эди. Бироқ зигирча эса-да самимият ҳам йўқ эмасди — йўқса қандай қилиб битта гапни шунча йил, яна кўзда ёш билан тинимсиз такрорлаш мумкин?

У озгин, кенг яғринли одам эди, бошини елкалари ичига олиб, хиёл букчайиб юрарди, узун қоқсуяк оёқлари билан босайми-босмайми деб,— мени бу сўз учун маъзур тутгайсиз-у,— ўғриона олифталик билан соллана-соллана қадам ташларди — камина бу тарз қадам олишларни Одес бандаргоҳида кўп кузатганман. Кафтлари кенг, юмшоқ, ҳудожуёлларники сингари мулойим эди. Кўришганда қўлингизни кафтида узоқ ушлаб охиста сиқиб қўяр, лабини юзингизга бор бўйи ботириб, чўллилатиб ўпишарди. Еноқ суяклари тоторларники сингари туртиб чиққан эди. Узун сочлари ихлос билан орқага кузалган, маймунники мисол буришиқ пешонасига патилпатила бўлиб осилиб тушиб турарди. Аксарият маллато кешиларникоғи хос мулойим чехрасига гоҳида ҳазил-мутойиба ва масҳарабозликка мойил тийрак ифода қалқирдики, бу ҳислат кейинчалик бориб мен болалик чоғи доим елкамга миндириб қиқирлатиб уйнатувчи ўғли Максимга бутунча ундан мерос бўлиб ўтди.

Биз илк дафъа юз кўришган пайтга келиб Горкийнинг донғи аллақачон бутун Русияга таралиб улгурган эди. Кейинги давр бу шуҳрат фақат уксалгандан-юксалди. Рус зёлилари Горкий номини эшитишса ўзларини томдан ташлашарди. Бунинг сабаби тайин эди. Айни давр Русия бўйлаб инкилоб тўфони кўтарилган давр эди, Горкий эса ижоди билан унинг талабига тўла-тўқис жавоб берарди. Бу ҳам майли-ку, айни палла «народниклар» ҳамда яқиндагина юз кўрсатган марксчилар ўртасида ҳам қизгин кураш кетмоқда эди, Горкий эса деҳқонни ер билан яқсон қилиб, марксчилар ўзларининг инкилобий ғоя ва режалари йўлида бор-йўқ умидларини боғлаган «Чалкашлар»ни куйларди. Горкийнинг ҳар бир янги асари ўша заҳоти бутун мамлакат миқёсида улкан ҳодисага айланарди. У эса кун сайин ўзгаришгани-ўзгартирган эди — турмуш тарзини, одамлар билан муомаласини... Энди у Нижний Новгородда бутун бошли бир бинони ижарага олган, Петербургда ҳам каттагина уйи бор эди, тез-тез Масковда, Қримда пайдо бўлиб турарди, «Новая жизнь» жўрналини бошқарар, «Знание» нашриётини очиб тараддуида юрарди... Бадий театру учун махсус асарлар ёзар, артист аёл Книпперга жумладан китобларини ушмундоқ мазмундаги дастхат билан тақдим этарди:

— Бу китобни, Олга Леонардовна, юрак қонимга ботириб инъом этгайман Сизга!

У аллақачон Андреев билан Скиталесга оталик қилиб, уларни адабий муҳитга олиб кирган эди. Вақти-вақти билан у бўлак ёзувчиларни ҳам ўзига яқин оларди-ю, аммо бу узоққа чўзилмасди: бирор кишига алоҳида эътибор бериб, марҳамат кўрсатгандек бўларди-ю, туйқус бўлак нарсага чалғиб, уни буткул унутарди-қўярди. Меҳмонда, жамоат орасида, айниқса, Горкийни кузатиш ниҳоятда қийин эди: у қадам ранжида қилган жойга шунақанги оломон тўпланардики, на оёқ қўйиб ва на бемалол нафас олиб бўларди. У эса кундан-кунга қўпол, кундан-кунга бадфелъ бўлиб борар, бировга қайрилиб қарамас, фақат иккита-учта ўзи каби машҳур танишлари даврасида ўтирар, нуқул хўмраяр, аскарчасига (жўрттага) йўталиб-йўталиб қўяр, папирос кетидан папирос тутатар, қаңғиллатиб (истаконни лиммо-лим тўлдирарди-да, бир кўтаришда бўшатарди) мусаллас отар, бирон-бир ҳикмат ёки сиёсий башоратни томоқ йиртиб ирод этарди-да, яна ўзини атрофдагиларга эътибор бермаётгандек кўрсатиб — дам қовоқ уйганча йирк бармоқлари билан столни дўмбира қилиб, дам ясама бепарволик билан қоши ва пешонасидаги эжинларини учуриб, фақат дўстлари билан гаплашарди, бироқ буни ҳам у истар-истамай, ўлганининг кунидан қиларди; улар эса Горкийнинг юзидаги ҳар бир ифодани жойида олиб, ўзларининг чехраларида зоҳир этишга уринишар, ҳам-сўхбатлик шарафидан масту мустағрик, Горкийга яқинликларини атрофдагилар янада чуқурроқ ҳис қилишсин учун, ҳар икки гапларининг бирига унинг исмини тикиштиришар эди:

— Ҳаққаст рост, Алексей... Йўқ, сен адашясан, Алексей... Биласанми, Алексей... Гап шундаки, Алексей...

Фелъ-хўйи, хатти-ҳаракатларидаги навқиронлик ортага чекинди — бу жуда тез, кишбилмас содир бўлди, юзидан мулойимлик ариб дағаллашди, мўйлови ўсиб янада қуюқлашди

(унга аллақачон орқаваротдан зобит деб ном ёпиштиришган эди), юзида ажин кўпайди, нигоҳи кишига совуқ, ҳудди еб қўй-гудек боқарди. Меҳмондорчиликдан, жамоатдан йироқ жойларда у ўша-ўша эди, фақат ўзини аввалгига нисбатан хийла сипо тутарди. Бироқ мухлислари билан (уларнинг таҳсини оқ-воҳларисиз бир дақиқа ҳам яшай олмаса-да) кўпинча жуда қўпол муносабатда бўлар эди.

Ялтадаги гавжум оқшомлардан бирида шунинг гувоҳи бўлганманки, Ермолова,— ҳа, ҳа, кимсан — саҳна олияси Ермолова! — кампир боши билан унинг олдига мункиллаб юриб келиб кит мўйловидан ясалган антиқа тамакидон инъом этган. Кечагидек ёдимда: кампир шўрлик ҳаяжондан ўзини шу даражада йўқотиб, довдираб қолдики, ҳатто мижжаларига ёш қалқиди:

— Буни, Максим Алексеевич... Алексей Максимович... Буни мен.. сизга...

Бу пайт Горкий стол олдида турар, папиросини кулдонда эзғилаб ўчирмоқда эди — кампирга бош кўтариб қараб қўйишни ҳам ўзига эп кўрмади ҳатто.

— Сизга шунинг изҳор этмоқчи эдимки, Алексей Максимович...

У кўзини дастурхондан узмай истеҳзоли илжайди, одати бўйича бошини илкис силкитиб пешонасига осилиб тушган сочларини орқага таради-да, «Айюб алайҳиссалом китоби»дан ушбу мисраларни пўнғиллаб ўқиди:

— «Токайгача мени Сен таъқиб этсан? Раббим ҳақи тинч қўй, жавобимни бер!»

Агар шунда чиндан ҳам «жавобини бериб» қўя қолишганда-чи, унда нима бўларди?

У энди фақат тимқора ятак-иштонда, белини кумуш шокиллади ковкозча қайиш билан боғлаб, оёғига ниҳоятда аломат, кўнжи калта этик кийиб юрарди. Андреев, Скиталес ва шулар каби яна бир қанча «Горкийнавозлар»нинг «халқпарварлик»да устозларидан қолишмасликка тиришиб, омма кўз ўнгида фақат кўнжли этик, ятак ва камзулда намобён бўлишни одат тусига киритишгани ҳеч кимга сир эмас. Бу энди тоқат қилиб бўлмас даражада густоҳлик эди.

Биз у билан Петербург ва Масковда, Нижний ҳамда Қримда учрашганмиз, ижодий ҳамкорлик қилган кезларимиз ҳам бўлган: камина аввал унинг «Новая жизнь» жўрналида ҳамкорлик қилдим, кейинчалик «Знание» нашриётида илк китобларимни чоп эттирдим, «Сборники Знания»да асарларим билан қатнашдим. Унинг китоблари юз минглаб нусхаларда чоп этиларди, бўлак муаллифларнинг китоблари ҳам — «Знание» муҳрининг шарофати билан — бинойидек тарқаларди. «Знание» нашриёти ёзувчиларга берилмажак қалам ҳақи миқдорини ниҳоят даражада оширди. Биз «Сборники Знания»даги асарларимизнинг ҳар босма табоғига тўрт юз, беш юз сўмдан ҳақ олардик, Горкийнинг ўзи эса — минг сўмдан: пул унинг жону дили эди. Камёб қадимий тангалар, нишонлар, битиктош ва жавоҳирларни йиғишга иштиёқ ҳам унда ҳудди шу палла туғилди; уларни ёруқча тутганча айлангирди томоша қиларкан ёки бировга кўрсатаркан, хурсандлигидан лаб-лунжини йиғиштиролмаб қоларди. Мусалласни ҳам у шу тахлит — иштиёқ билан, ҳузур қилиб симирарди (аъло навли мусаллас Русияда ҳам керагидан ортиқ топилса-да, уйда фақат фаранги мусалласдан тортарди).

Қанча уринмай, сира ақлимга сиғдира олмасдим — қандай қилиб у ҳаммасига улгураркин: бир дақиқа ҳам кўнимни йўқ — ё уникида йиғин, ё у бирор йиғинда, гоҳида соатлаб тинимсиз гапирарди, унча-мунча ичкиликни кўрдим демайди, қунига юз доналаб папирос чекади, беш-олти соатдан ортиқ ухламайди — муқ тушганча ўзининг дағал қўйма дастхати билан рўмон кетидан рўмон, томоша кетидан томоша битгани-битган! У аслида ўта саводсиз, ёзганларининг ҳаммасини биров эпақага келтириб бериб туради, деган миш-мишлар ҳам юрарди. Аммо у ниҳоят даражада саводли эди (ва умуман, қўлига қалам ушлаган дамдан бошлаб катта маҳорат билан қоғоз қораларди). Яна қанча вақтини мутолаада ўтказарди у — чаламулла, чалазёли!

Унинг Русияни фавқулод даражада яхши билишини жуда кўп гапирарди. Бундан чиқадики, у бу билимининг барини Лениннинг идорасидан кетиб, «Русия жануби бўйлаб дарбадар кезинган» ўша қисқа вақт ичида орттирганди. Камина билан танишган пайт у аллақачон дарбадар кезинишни йиғиштирган эди. Танишганимиздан кейин ҳам унинг бирор ёққа отлан-

ганини билмайман: Кримда яшади, Масковда, Нижнийда, Петербургда... 1905-йили, декабр ойидаги Масков кўзголони-дан сўнг, Финлондией орқали муҳожирликка жўнади; Амри-қода бўлди, кейин етти йил Каприда яшади. 1914-йилдан эътиборан, Русияга қайтиб келгач, Петербургда туриб қолди... Кейинги тақдири эса маълум.

Биз — рафиқам иккимиз сурункасига беш йил Каприга қат-надик, бутун бошли уч кишини ўша ерда ўтказдик. Горкий билан ҳар куни кўришар, деярли ҳар оқшомни бирга ўтказар-дик, бир-биримиз билан ниҳоятда иноқ эдик. Каминанинг хотирасида у том маънода из қолдирган дамлар шу эди, десам, адашмайман.

1917-йилнинг апрелида биз у билан сўнгги бор учрашдик. Петербургдан жўнаб кетадиган куним у Михайлов театруси-да каттакон мажлис чақирганини ва унда аҳли урфонни алла-қандай «Мустақил фанлар академияси» тузишга чорлаб нутқ сўзламоқчилигини айтиб, ўзи билан камина ва Шаляпинни ҳам у ерга судради. Саҳнага чиқиб эълон қилди: «Уртоқлар орамизда шундай-шундай одамлар ўтиришибди...» Мажлис аҳли бизни гулдираб олқишлади, аммо бу ерда шундай тоифа одамлар йиғилишгандики, бундан камина у қадар мамнун бўлмадим. Кейин биз — Горкий, Шаляпин ҳамда А. Н. Бенуа тўртовлон етаклашиб «Медвед» ресторанига қараб йўл олдик. Дастурхон тўкин бўлди, икра ва шампан виноси сув бўлиб оқди... Мени у йўлакка довуз кузатиб чиқди, қайта-қайта кучоқлади, юзларимдан чўлпиллатиб ўпди...

Ҳокимиятни болшавойлар эгаллаганидан бироз ўтиб Горкий Масковга келди, рафиқаси Екатерина Павловнанинг уйига кўнди ва у каминага кўнғироқ қилди: «Алексей Максимович сиз билан гаплашмоқчилар...» Аммо мен у билан бўлак гапла-шадиган гапим қолмаганини, шу дамдан эътиборан орамиз-даги жамики ришталарни узилган, дея ҳисоблаётганимни маъ-лум қилдим.

02 1936

## Маяковский

Хотираларимни ниҳоялар эканман, ўйлайманки, Маяковский номи қизил адабиёт тарихи саҳифаларинда бешафқат шўро одамхўрлигининг энг палид, энг сурбет, энг баттол толмас куйчиси сифатида тоабад муҳрланиб қолажак,— номининг машҳурлиги ҳамда оломон таъб-талабига ниҳоятда мос улкан адабий салоҳиятидан фойдаланиб масхарабозлик, иккинзола-малик ва дажжоллик билан болшавойларга том маънода «умумжаҳон миқёсида» беадад жинояткорона мадад кўрсат-ган Горкийдан кейин, албатта. Ва қизил Масков Маяковский-нинг мавжуд тузумни кўкларга кўтариб мақташ, халқни чал-ғитиш, уни дидсизлигу фаросатсизликка мубтало этиш бора-сидаги беқиёс хизматларини муносиб тақдирлади, унга мисли кўрилмаган даражада ҳиммат кўрсатди. Маяковский Масков-да нафақат буюк шоир сифатида тан олинган. Унинг ўз жони-га қасд этганига йигирма йил тўлиши муносибати билан «Ли-тературная газета» яқинда маълум қилдики, «Маяковский номи кемалар, танклар, кўчалар, театрулар ва шу каби кўплаб бўлак жабҳаларда тажассум топган. «Владимир Маяковский» номли ўнта кема денгизу уммонлар бўйлаб сузмоқда. «Вла-димир Маяковский» номи бир эмас, уч танкининг зирҳига туширилган эди. Улардан бири Берлингача борди, рейхстагни забт этишга ҳисса қўшди. «Владимир Маяковский» сув ости кемаси Болтиқ денгизиде жон олиб, жон берди. Шоир номи-да: Масков марказидаги каттакон майдон, метро бекати, торкўча, кутубхона, музей, Гуржистондаги ноҳиялардан бири, Арманистондаги қишлоқ, Калуга вилоятидаги қўрғонча, Помир-тоғ тизмасидаги чўққилардан бири, Ленинграддаги адабиёт-чилар уйи, йирик шаҳарлардаги ўн бешта кўча, бешта театру, уч истироҳат боғи, мактаблар, жамоа ҳўжаликлар...» (Ҳа, Карл Либкнехтнинг шўри курсин-а: бутун бошли шўролар Русиясида атиги биттагина «Карл Либкнехт номидаги ўрдак-чилик жамоа ҳўжалиги» бўлса-я!) Маяковский ўз жонига қасд қилиб ҳам фақат обрў топди: бу бўлак шўро шоири — Пастернакнинг дилини жунбушга келтирди ва у устозининг йўқлаб келган арвоҳига қаратами, оҳ урди:

**Қўрқоқ, қирчанғилар муқим водийда  
тоғдек қад ростлади сенинг узган ўқ!»**

Одатда, узилган ўқни тоққа эмас, унинг бирор-бир ҳаракати-га, дейлик, кўчига, вулқонга қиёс қилишарди... Бироқ Пастер-нак нафақат шўролар Русиясида, балки муҳожирликдаги кўпчилик орасида ҳам даҳо шоир ҳисобланади, модомики, шундай экан, у ҳис-туйғуларини ҳам иложи борича даҳолар-га хос йўсинда ифода этишга тиришади, мана, бунга унинг ижодидан яна бир мисол:

**Шеърят, шанинг-ла ичурман қасам  
бўғзимга тикилиб аччиқ ҳирқироқ:  
шакаргуфторларга эмассан асал,  
ёзги сўқмоқдирсан кўнғилга ҳамдам,  
остонасан, ҳиргойи эмассан бироқ.**

Маяковский маълум даражада ҳам итло Ленинга ҳам қадар донг чиқарди, у ўзларини «футурист» деб атовчи бир тўп фирибгар ва безорилар орасида қуш тезағидек ажралиб ту-рарди. Унинг ўша кездеги шармандали ғишавалари ўта туту-риқсиз, жўн, Бурлюк ва Кручёнихга ўхшаганларнинг кундалик бемаъни ғишава-жанжалларидан сира фарқ қилмасди. Бироқ Маяковский кўрс ва тўпориликда улардан ҳам ўтиб тушди. Мана, унинг маълум-машҳур сариқ камзули ва ёввойиларча бўяб-бежалган турқи, бироқ нақадар совуқ ва дарғазаб у! Мана, Маяковский, ўша кездеги ошналаридан бирининг хоти-раларига кўра, устидан қотиб-қотиб қулиш учун йиғилган оломон қошига ўзининг думбул, тумтароқ шеърларини ўқиш мақсадида чиқиб келмоқда: икки қўли иштонининг чўнтагида, нафратомуз қимтилмиш лабининг бир чеккасида папирос. У баланд бўйли, хушқад, хушқомат, кўринишдан хийла ба-қувват, юз бичими бўлиқ ва дағал, дам бор овозда, томоқ йиртиб, дам эринчоқлик билан минғирлаб шеър ўқийди; шеър-ларини ўқиб бўлгач, жамоатга шеърятдан йироқ калом билан мурожаат қилади:

— Кимки тумшугига туширишимни истаса, марҳамат қилиб навбатга турсин.

Мана, у ўзининг гўёки топқирлик билан «Иштон кийган булут» дея номланмиш шеърый китобини чоп эттирди. Мана, унинг кўрғазмага қўйилган сувратларидан бири,— ахир у яна мусаввир ҳам эди: бир парча лахтакка алламбалолар пала-партви чапланган, чеккароққа-оддий қўлда ясалган чўбир қошиқ ёпиштирилган, қуйироқда эса имзо: «Сартарош ҳам-момга кетган»...

Мабодо, шу тахлит суврат овлоқ рус шаҳарларидан бирон-тасида, одам гавжум жойда, айттайлик, бозорда намоийш этилганда, исталган ўткинчи мешчан унга қараганча: «Бирор мияси айниган эшакнинг иши бўлса керак-да бу», дея ўйлаб, бош чайқаб ўтиб кетган бўларди. Масков ва Петербургда эса, аксинча, барчанинг эрмак ва овунчоғи эди бу, «футуризм-нинг юксак намунаси» ҳисобланарди. Мабодо, бирор гавжум сарбозорда масхарабоз оломонга қараб: «Кимки тумшугига туширишимни истаса, навбатга турсин», дея айтгудек бўлса, ўша заҳоти унинг ўзини чеккага судраб чиқиб, боллаб пўста-ғини қоққан бўлишарди. Илғор рус эълоилари эса Маяковский ва Маяковскийга ўхшаганларнинг ҳар қандай шарттакиликла-рини кўтаришар, расво-раддибало ҳунарларига ҳам «футу-ризм» тўнини кийдиришга тайёр эдилар.

Немислар билан биринчи рус уруши эълон қилинган куни Маяковский Масковдаги Скобелев ҳайкалининг пештоқиға чиқволиб, оломонга қарата ўзининг ватанпарварлик руҳи билан суғорилмиш «оташин» шеърлари ила мурожаат қилади. Бироқ, мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ — бошида силиндр, эғнида қора палто, қора қўлқопли қўллариде қора ёғочдан йўнилган ихчамгина таёқ ва бу афт-ангор билан у шундай бир иш тутадикки, уни урушга олишмайди. Бироқ, мана, ниҳоят тахтга қиссиққуз, тили чучук, заҳмзада кал Ленин кўтарилади ва ўзининг ғайриоддий вафотидан сал илғари Горкий қуйдагича таърифлаган давр бошланади: «Биз Владимир Ильич Ленин даҳоси билан ёритилган, Иосиф Сталиннинг темир иродаси ила мислсиз мўъжизалар дунёга келаётган буюк мамлакатдамиз!» Тахтга кўтарилгач, «барча

\* Шеърларни ўзбек тилига Б. Эшпўлатов ўйрган.

# Как нам реорганизов.

(Продолжение 12-му а'аду)

Поскольку, что Гайдарь... По...  
для нас... трудн...  
И думаю что те...  
лучш



**ОВТ**  
Солда

**СОВЕТ**  
**НАРОДНЫХЪ**  
В...  
Заль Со

## Страничка

Вышедшая на-днях работ о...  
ности... Россия...

## О НАШЕЙ РЕВОЛЮ

**из дневника.**  
от... у нас спад... в район...  
раздутые штаты...  
вам... да...  
и...  
**ИИ.**

## О кооперации

...  
...  
...  
...  
...



замон ва халқларнинг буюк даҳоси» (Московдагилар уни ҳозир фақат шундай аташади) Ленин эълон қилди:

«Буржуа ёзгувчисининг эрки бутунлай пулдорлар қўлида, у ким кўпроқ пул итқитса, ўшанинг ногорасига ўйинга тушади. Қани, айтинг-чи, жаноби ёзгувчилар, сиздан фақат беҳаё тасвиру фахш ва беадабликка омихта «юксак санъат» намуналари талаб қилаётган буржуа корчалонларининг измидан чиқишга қодирмисиз?»

«Ногорасига ўйинга тушади, беҳаё тасвир, фахш ва беадаб-ликка омихта юксак санъат...» Нақадар шакарғуфорлик, нақадар заҳарханда истеҳзо! Бекорга Масков: «Ленин яна буюк сўз устаси ҳам эди», деб даъво қилмайди. Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳолва унинг сал кейинроқ билдирган ушбу фикри олдиди:

«Ижод эркинлиги» деганлари бу алмисоқдан қолган даъво, эскилик сарқити. Ёзгувчилар сўзсиз фирқа ташкилотларига кирмоқлари шарт».

Ва Маяковский шу заҳотиёқ РКФ(Русия Коммунистлар Фирқаси)нинг содиқ малайига айланади, «футурист»лик чоғларидаги каби дажжоллик билан еру кўни бузади: аввал «бас Одам Ато ҳамда Моно Ҳавога бўйсуниб яшаш», «замон уммонига Пушкинни фарқ этиш фурсати етди» дея томоқ йиртади, сўнг эса каминага ўтади: гавжум йиғинлардан бирида («Новое Русское Слово»да бултур «Хотиралар» китобимга жавобан «Инқилобгача ва инқилобдан сўнг» мақоласи билан чиққан Е. Д. Кускованинг гувоҳлик беришича) собит туриб дейди:

«Санъат йўқсиллар қўлида ўйинчоқ эмас, қуролдир. Йўқол-син Бунин ва унга ўхшаганлар, яшасин илғор ишчилар синфи!»

Хўш, айнан нима талаб қилинар эди «қурол» сифатида маазур синфга, аниқроқ қилиб айтганда, Ленин ва унинг РКФСига — жамики «фирқа ташкилотлари» ўрнини ёлғиз ўзи босган фирқага? «Материалистик онг, материалистик дунё-қарашли кишилар»ни вояга етказиш — мана, нима талаб қил-нарди, бунга эришмоқ учун эса Ленин ҳамда унинг сафдошу ворислари қуйидаги бир қатор «эзгу» ишларни зудлик билан амалга оширмоқлари лозим эди: ўтмишга оид жамики ижобий ҳол ва ҳодисаларни балчиққа топтаб, ер юзидан супуриб ташлаш, одамлар дилида худога қарши мислсиз нафрат ўтнини ёқиш (агар Лениннинг иккита нарсани кўрага кўзи, отарга ўқи бўлмаса, шулардан бири дин эди), одамлар орасига нифоқ солиш, «синфий кураш» ниқоби остида ўғилни отага, укани акага қарши қилиб қўйиш, РКФни кўкларга кўтариб мақташ, барча нарсани унинг номи билан боғлаш, одамларни зўраки «дохийлар»га — қонхўр қотил ва жаллодларга сиғинтириш — хуллас, буларнинг барча-барчасини оғишмай амалга ошириш-да Маяковскийдек дажжол, иккиюзлама, сўхташи совуқ бакироқ нуска ниҳоятда қўл келарди, ундан ортиқ мадҳиябоз, «шоир замон», сохта «оҳ-воҳ»лар пирини топиш маҳол эди. «Оташин» коммунистга айланиб ҳам у ўша футуристлик чоғидаги ақиде-ларига содиқ қолди, янги тузумдаги юксак мавқега ҳам кўрслик ва қоскилик билан эришди. У юлдузларни туфукка қиёс этарди, тумтароқ қасидаларида ўзининг Ковкозга савъхати ҳақида тўхталаркан, аввал Терекка, сўнг эса Арагвага маза қилиб туфурганини айтишдан ҳам ор қилмасди; туфук туфук-ку, бундан бешбаттар ифлос сўзларни ҳам жирканмай қоғозга тушираверарди, масалан, Есенинга «исминг ҳалойиқ мишиғига қоришиқ» деб ёзганди, бориб келганидан сўнг Амриқони ҳам худди шу тарз маза қилган эди:

Онаси  
маммасин  
тутди жужуққа.  
Чақалоқ,  
Бурнида ялтираб суви,  
чўзади  
гўёки  
кўкракмас, жиққа —  
сармоя ортидан югандай қувиб.

У яна «балғам» сўзини ҳам ниҳоятда хуш кўрар, шеърлари-дан бирида (чамаси, ўзи ҳақда бўлса керак) жумладан бун-дай деб ёзганди:

Қаламнинг  
тиғини

балғамга  
тўлғаб,  
Лабининг бир учи-ла шоир,  
Қанжиқ бир сўмликдай қоғозни булғар.

Кўп йиллар бурун Нуййоркни нафрат билан «Сариқ иблис шаҳри» деб атаган ва тиллани гўёки кўрага кўзи йўқ Горкий сингари Маяковский ҳам оддий бир РКФ ювиндихўри сифати-да тилладан жирканмоғи лозим эди, шу вайдан ҳам у ёзди:

Ҳамонки  
доллар  
достондан улуг,  
эзғиллаб,  
чангаллаб  
босиб келаётир Бродвей  
эғнида жанда —  
сармоядир  
ҳаром лўқмаси унинг.

Горкий Амриқони 1906-йили келиб кўрганди, Маяковский эса бу ерга ундан йигирма йил кейин ташриф буюрди ва мазкур ташрифи билан бутун Амриқо аҳлини зир титрашга мажбур этди: камина буни яқинда шўро ёзувчилари Уюшмасининг обрўли нашири ҳисобланмиш «Литературная газета»даги бир мақоладан ўқиб билдим, мақола муаллифи — Атаров деган кимса ёзадики, айни дам унинг столида Маяковскийнинг Амриқо ҳақидаги шеърини ва насрий асарларини ўзида жам эт-ган «том таънода буюк, ҳайратомуз китоб» турганмиш, бу китоб «Маяковскийнинг Нуййоркка сафари маҳсули» эмиш ва у бу ерга қадам қўйгани ҳамон «амриқолик корчалонлар оёғи куйган товукдек питирлаб» қолишганмиш: бўлмасам-чи, «ахир уларнинг мамлакатига буюк инқилоб шоири ташриф буюрганди-да!».

У Амриқони қандай зир титратган ва фош қилган бўлса, РКФни ҳам худди шундай шиддат ва иштиёқ билан мадҳ этди:

Биз  
Кўксимизни тоғдай ғоз тутиб  
Навқирон, залворли турмуш бағрида  
Коммунизмнинг ўлмас ғоясин  
Электр қувватига этакимиз зарб.

Шоир деган номга арзиримдим мен,  
Фараҳ-ла манагани  
қуйламасам гар:  
Осмонни тўлдирган бешқирра юлдуз  
РКФнинг беадад тоқин ёритар.

Нелар бўлаётган эди бу тоқ остида ушбу қасидалар тўқила-ётган чоқ? Бу ҳақда ҳатто шўро газетларида ҳам қуйидаги-ларни ўқиш мумкин:

«3-июн куни Одес кўчаларидан очликдан ўлган 142 кишининг жасади йиғиб олинди, 5-июн куни — 187 кишининг. Ўртоқлар! Жасад йиғиш билан шўғулланувчи меҳнат жамоаларига ёзил-линг!»

«Самара яқинида собиқ Давлат думаси аъзоси, касби бўйича шифокор Крилов одамхўрлик қурбони бўлди: у қишлоққа бемор кўргани кетаётган эди, бироқ уни йўлда ўлдирдилар ва еб қўйдилар».

«Умумрусия Оқсоқоли» Калинин ҳам Русия жанубини худди шу пайтда келиб кўрди ва очиқ-ойдин тасдиқлади:

«Бировлар очликдан ўлиб ётибди, бошқалар очликдан ўл-маслик учун уларнинг луғат жойларини овқатга кесиб олиб, кўмишяпти».

Парвосига келибди дейсизми бу яхши еб, тоза кийинаётган, собиқ масковчи бойларнинг Масковдаги данғиллама саройла-рида кекириб яшаётган Маяковский ва Демянларнинг?! Неча пуллик иши бор эди дейсиз Владимир Маяковскийнинг РКФ тоқи остида нелар содир этилаётгани билан? Умуман, РКФ тоқидан бўлак тоқни кўришга қодирмиди у? Ахир, айтил-ган-ку: «У дунё-бу дунё, чўчка тумшуғи тағидагидан бўлак нарсани кўришга қодир эмас», деб?! РКФ осмони остида Ленин ҳокимият тепасига келган илк даврлар тизза бўйи қон кечиб «инқилобий омма» кезинди, кейин эса қон тўкишга енг шима-риб Фелнкс Эдмундович Дзержинский билан унинг сафдош-

лари киришишди. Аммо Владимир Маяковский қабиҳликда ўша пайтдаги энг уччига чиққан шўро қотил ва жаллодларини ҳам ортда қолдирди.

**Турмуш режасини  
ўйлаб ўспирин,  
Қийналса —  
намуна тополмай, алҳол,  
Дегум ўйламайин:  
сўзсиз ўрнак ол,  
Уртоқ Дзержинский тугал ўз пиринг!—**

деб ёзди у. Ҳали она сути оғзидан кетмаган ўспиринларни жаллод бўлишга қорларкан, Маяковский уларга минг-минглаб кишиларнинг қонида чўмилган Дзержинскийдек ваҳшийнинг ўзи ҳақида айтган алаҳсирашга ўхшаш сўзларини эслатди:

«Ким ҳаётни менчалик қаттиқ севса, у ўз умрини бошқалар учун қурбон қилади».

Бу хил қорловлар билан бир қаторда, Маяковский РКФ бунёдкорлари шаънини мадҳ-саъноларга буркашни ҳам унутмади:

**Партия ва Ленин —  
Она тарих учун  
қай бири қиммат!  
Истайман:  
найзага  
тенглансин  
қалам.  
Айтганда  
пўлату  
чўян маҳсулин,  
Докладда  
шеърнинг ишларидан ҳам  
Политбюро номидан  
сўзласин Сталин.**

(М. Шайхзода таржимаси.)

Мана, унинг буюк шоир сифатидаги донғи кундан-кунга юксалгандан-юксалмоқда, шеърини мажмуалари «шахсан Кремл буйруғи билан мисли кўрилмаган нусхаларда» чоп этилмоқда, журналларда шеърларининг ҳар бир мисраси, ҳатто ҳар бир сўзи учун унга кўз кўриб қулоқ эшитмаган миқдорда қалам ҳақи тўланмоқда, қачон қараманг, у бирор «мурдор» буржуа мамлакатида сафарда, Амриқони келиб кўрди, бир неча бор Парижга келиб-кетди ва ҳар келганида бу ерда

узоқ кўниб қолди, либосларни Париждаги энг машҳур тикувчиларга буюртирди, овқатни ҳам фақат энг аъло рестороанларда еди, бироқ тузни егач, одатига биноан тузлуққа «туфурриш»ни ҳам ёддан чиқармади — жимжилоғи билан тишини кавлаганча ширин кекириб деди:

**Парижона ишқини  
жиним суймагай —  
қай бир урғочини  
ипакка чулғаб,  
тўмшўғим тагига ўтқизиб қўйманг,  
ҳирсимнинг қўтурмиш кўппакларига  
эриниб, кершиб дегайман:  
«Жўнанг!»**

«Улкан шоир»га уни, агар адашмасам, ҳаммадан бурун Горкий чиқарди: Мустамоқдаги дала ҳовлисига таклиф этиб, кичкина, лекин хийла нуфузли даврада ундан «Умуртқамнинг сибизғаси» дostonини ўқиб беришини илтимос қилди, Маяковский дostonни ўқиб тугатгач, кўзида ёш билан келиб қўлини сиқди:

— Қойил, жуда зўр... Улкан шоир!

Бундан бир неча йил бурун эса камина у пайтлар ҳали Нуййорқда нашр этиладиган «Новоселье» жўрналида фавқулодда беназир бир мақолани ўқиб қолдим:

«Маяковский номини рус ва умумжаҳон адабиёти саҳифаларидан ўчириб ташлашга бўлган уринишлар кейинги йиллар ичида узоқ ўтмишга улоқтирилди».

«Игор жангномаси» устидаги тадқиқотлари билан ном қозонмиш таниқли славяншунос олим жаноби Роман Якобсон ўзининг «Новоселье» жўрналидаги мақоласини шундай бошлади; у, келиб чиқиши рус, бир маҳаллар Маяковский билан Масковдаги гимназияда бирга ўқиган шахс, аввал Прагада, кейин эса Нуййорқда дорилмуаллимлик қилди ва ниҳоят, Амриқодаги энг аъло дорилфунун — Харвард дорилфунунинда рутба олишга эришди.

Билмадим, ким Маяковскийнинг «пайини» қирқмоқчи бўлди экан. Чамаси, ҳеч ким. Умуман, бекорга ташвиш чекапти жаноби Роман Якобсон: «умумжаҳон адабиёти» борасида ҳурматли олим ошириб юборган-ов, Маяковскийнинг ёзуқлари ундан «Игор жангномаси» билан бир қаторда ўрин олишига у қадар ишончим йўқ, бироқ келажакда, рус адабиётининг мукамал тарихи саҳифаларида Маяковский ижодига шубҳасиз муносиб баҳо берилажак.

Т. РУСТАМОВ таржимаси.







## Қайдасан, Мавжуда?

Мен «Ёшлик» ойбитагининг 1991 йил 3-сонида босилган «Дадамни кўришни истамайман» мақоласини ўқиб роса йиғладим. Чунки мен каби қалби ўксик, кўнгли ярим, кўзлари ғамгин, нигори паришон фарзандлар ер юзида ҳали ҳам кўп эканлигидан ич-ичимдан эзилдим. Мени дадам («дада» дейишга ҳам арзимайди) 1 ёшимда ташлаб кетган эканлар. Ойим билан яхши кўришиб турмуш қурганлар. Мен ойимни жудаям яхши кўраман, чунки улар бамисли қуёш. Уларни ҳар қанча ардоқласам оз. Дадам ишчи, ойижоним эса ҳисобчи. Ишда аёл нима лавозимда бўлмасин, ўзининг аёллигини унутмаслиги керак. Ҳа, ойим ишдан келиши билан овқат қиладилар, кир ювадилар, кўйлак, иссиқ кийим, пайпоқлар тўқийдилар. Бир куни (биринчи марта) ойим иккаламиз дадамнинг ишхонасидан далолатнома олишга бордик. «Дадам бизни кўриб қолдилар, келиб менга: «Салом Мунис», дедилар, ойим билан ҳам салом-алик қилдилар. Ойимлар январ ойига нега кам пул юборишганини сўраганда дадам: «Нима, 40 сўм камми, агар 20 сўм жўнатсам нима қиласан, раҳмат деларинг 40 сўмга, сенларни кўчада қолмасин дедим-да» — дедилар беандишалик билан. Шундаям ойим бечора: «Уялинг боламнинг олдида шундай дейишга», — десалар, «Боқолмасанг ташлаб кетақол, эртага детдомга топшираман», — дедилар. Ойимнинг кўзларидан ёш тирқираб отилди. Мен тош бўлиб қотиб қолдим. Кучим ётса-ю, бечора онамнинг ҳаққи-ҳурмати... Қимирлашга ҳам ҳолим қолмаганди. Ойим алам билан: «Менинг эрим, қизимнинг отаси бундан 4 йил олдин ўлган экан, мен билмаган эканман», — дедилар ва катта тош олиб уларнинг машинасининг ойнасини синдириб ташладилар. Олдимизга одамлар ва 3 та миршаб етиб келди. Дадам уларга қараб: «Машинамнинг ойнасини тўласин», — дедилар. «Боланга ичинг ачмай, машинанинг ойнасига ичинг ачиптими? Мактабда ўн йил ўқибсан-у, лекин тарбия топмаган экансан. Сенинг нафақанг ҳам керакмас, ишлайман, сув билан нон еб юрсак ҳам ялинмайман», — деб ойим шартта бурлиб кетдилар. Мен эса... «Афсуски, дадам ростдан ҳам ўлган эканлар», — деб юборибман. Ҳамма жим бўлиб, бошини ерга эгиб қолди. Миршаблар ҳам: «Афсус йигит бўлибсиз-у, ука, мард бўлмабсиз», — деб қайрилиб кетишди. Бу воқеага 27 кун бўлди, ўшандан бери ойимнинг кулганини кўрганим йўқ. Эгнига кўк либос кийиб, бошига оппоқ рўмол танғиб олдилар. Менинг Мавжудага маслахатим шуки, дадаси менсимай ташлаб кетган экан, ҳеч қачон онажонини норози қилиб бевафо дадасига ялинмасин. Агар болам деб ростдан ҳам ичи ачиганида ташлаб кетмасди. Ҳозир у билан учрашмай, уйига кетиб қолиб тўғри қилади. Мен ҳам шундай қилган бўлардим. Энди мақсадим — мактабни олтин медал билан битириб, журналист бўлиш. Онамга меҳрибон қиз, элу юртимга фидокор инсон бўлиш истагим.

**Муниса,  
Жиззах вилояти.**

Ҳамма айб Мавжуданинг дадасида, ахир ўзининг гулдек оиласи, фарзанди бўлса-ю, бошқа аёлга уйланиб яна қайси юз билан Мавжудани кўришга келар экан? Энди барибир ўша шахс бошқа болаларнинг дадаси. Мавжуданинг кўнглига

оғир ботмасин, мен Мавжуданинг ўрнида бўлганимда ўша одамни «дада» деб атамасдим. Ахир у Мавжудага ва унинг онасига хиёнат қилди-ку. Мавжудада ҳеч қандай айб йўқ.

**Б. Урозбоев,  
Амударё ноҳияси, 9-синф ўқувчиси.**

«Оила сирлари» мавзусидан бериладиган хатларни зўр қизиқиш билан ўқиб борамиз. «Дадамни кўришни истамайман» мақоласини ўқиб жуда таъсирланиб кетдик. 13 ёшли Мавжуда ҳали ёш бола, бизлар ҳам ёшмиз (16 ёш). Унинг дадаси фарзандининг келажагини ўйламай қадам ташлаган деб биламиз. Биз — ўқувчилар имкониятимиз даражасида Мавжуданинг саволларига жавоб беришга уринамиз. У дадасининг яхши-ёмонлигини тўғри баҳолаган. Нима учун дадаси яхши кўриб ташлаб кетади? Мавжуданинг қилган ҳатти-ҳаракатини айб деб ҳисобламаймиз. Нега десангиз дадаси уни яхши кўради, ташлаб кетиши керак эмас-ку. Мавжуданинг айтишича, онаси жуда яхшига ўхшайди. Мавжудага ўқувчилар номидан тилагимиз шуки, унинг келгуси ҳаёти кўёшдек порлоқ бўлсин. Онаси энди унга она ўрнида она, ота ўрнида ота бўлади, деб биламиз.

**Г. Тўраева,  
М. Қўтибоева,  
Амударё ноҳияси.**

Тўғри, ҳозирги вақтда Мавжуданинг тақдирига ўхшаш тақдирлар, яъни ота-онаси бўлатуриб, тирик етим бўлган болалар ҳали ҳам орамизда жуда кўп. Мавжуданинг саволлари мени хат ёзишга мажбур этди. У муштарийлар соҳибага 3 та савол қўйипти: 1) Нега ота-онам ажралиб кетишди, ахир улар севишиб турмуш қурган эдилар-ку? 2) Отам мени кўриш учун келганларида мен у кишига кўринишни ҳечам истамайман, айтинг-чи, шу ҳатти-ҳаракатим тўғрими?

3)...Ахир, менинг айбим нима?

Аваламбор, Мавжуданинг ота-онаси ажралиб кетишига сабабчилар Мавжуданинг бобоси ва бувиси деб биламан, чунки Мавжуданинг онаси Тошкентга (ТошМИга) ўқишга келиб, сўнг ўқишга киролмай: «Энди қайси юзим билан ота-онам олдига қайтиб бораман», — деб ўйлаб Тошкентда қолган. Мавжуданинг ёзишча, бобоси ва бувиси Мавжуданинг онасини ҳали мактабни тугатмасдан бир йигитга унаштириб қўйган. Демак, Мавжуданинг онаси фақат ўқишдан «ийкилиб» Тошкентда қолмаган, балки ўша бўлгуси кувини ҳам севмаган деб айтиш мумкин. Агар у қишлоғига қайтиб борганида эди, тўй бўлиши аниқ эди, у эса турмушга чиқшни (айниқса, ўша йигитга) хоҳламаган. Биргина ўқишдан «ийкилиб» уйига боришни уят, ор деб айтиш мумкин эмас, чунки йилига қанча-қанча ёшлар ўқишга киролмайди, уйларига қайтиб кетишадик-ку.

Мавжуданинг иккинчи саволига келсак, менимча, унга синфдошларининг салбий таъсири бор бўлиши керак, сабаби у қиз «отам ўлган» деб ҳам айтолмайди, «тирик» ёки «бор» деб ҳам айтолмайди. Буни ҳамма ҳам тўғри тушуниши керак. Энди эса Мавжуда кичкина қиз эмас (13 ёшда), у дарсларда иншо, баён ёки ота-оналар тўғрисида бирон-бир йиғилиш

бўлиб қолганда «отам фалон ерда ишлайди» деб ёзишга ёки айтишга уялади. Унинг ёзишга қараб шуни англаш мумкинки, синфдошлари (айниқса, дугоналари) унга тўғри йўл кўрсатиш ўрнига масхаралашади. Агар шундай бўлмаганда Мавжуданинг кўнгли отасидан бунчалик совимас эди.

Энди учинчи саволга келсак, яъни «Отам бизларни нега ташлаб кетди, менда айб нима?» деб ёзган экан.

Мавжуда ота-онасининг нима сабабдан ажралишганини ёзмаган (афтидан, билмаса ҳам керак). Менимча, Мавжуда ҳали бунақа саволларни ечишга ёшлик қилади. Шунинг учун у ҳозирча онасининг «ярасига туз сепиб», уни бунақа саволларга тутмагани маъқул. Вақти келиб отасидан нима учун ойиси икковини ташлаб кетганлигини сўраши керак, деб ўйлайман. Мавжуданинг ота-онаси ажралиб кетиш сабаблари бизга, яъни барчамизга ҳам қоронғи. Аммо Мавжуданинг отасини ёмон киши деб бўлмайди. Чунки у хатида «Ойим ҳечам дадамни ёмонламайди, балки даданг яхши деб айтади»,— деб ёзган. Балки онаси Мавжуданинг, яъни ёш гўдакнинг кўнглини синдиришни истамай шундай деяётгандир, балки отасидан қизини ажратишни хоҳламагандир. Мавжуданинг отаси ёмон одам бўлганда Мавжудани кўргани мактабга келиб юрмасди. Айрим оталар ҳам бўладик, ҳатто ўз боласига нафақа тўламасдан қочиб юришади. Афтидан, Мавжуданинг отаси уни яхши кўради, балки ҳаётга келиб, турмуш қуриб кўрган ёлғиз қизидир? Нима бўлганда ҳам оталик меҳри ҳар нарсадан устун келгандир? Мавжуданинг онасини ёмон кўрса ҳам қизиди ҳеч қандай айб йўқлигини отаси тўғри тушунади. Худди шундай онаси ҳам... Менимча, бу хатни Мавжуда ўқиб, тўғри хулоса чиқарар, балки мен унга тўғри тушунтиролмагандирман? Бу хатни ёзишимдан яна бир мақсад, нафақат Қашқадарёда, балки кўпчилик вилоятларда йигит-қизларнинг хоҳишига қарамасдан ота-оналари хоҳлаган йигитга ёки хоҳлаган қизга унаштириб қўйишади, бу ҳам етмагандай яна қалин пули ҳам олишади. Мавжуда хат ёзиб тўғри қилган, сабаби кўриб ёки ўқиб қўйсин, айрим ота-оналарга ўрناق бўлсин, севинмай (келин-куёв розилигисиз) бўлган турмушнинг охири нима бўлади.

Ҳурматли муҳарририят! Менинг унвонимни эълон қилмангиз, сизлардан илтимос қиламан. Сабаби менинг онам вафот этганлар. Ҳозир ўғай онам бор, балки у киши ўқиб қолса хафа бўлиши мумкин. Ешим 24 да. Исмимни ҳам ўзгартирсангизлар, масалан:

исмим С.

Мавжуданинг «Дадамни кўришни истамайман» номли мақоласини ўқиб жуда таъсирландим. Негаки, ота-она бағрида қувноқ чехра билан яшашга нима етсин. Мен Фарғона вилоятидаги Н. Островский номли 45-ўрта мактабнинг 8-синфиди ўқийман.

Мавжуда! Сиз тўғри тушунинг, дадангиз яхшилигидан, сизни яхши кўрганидан келади. Дадаси ўз қизини кўргани келса-ю, қизи унинг олдига очик чехра билан «салом» бериб чиқмаса... Ахир, бу хўрлик инсон учун оғирлик қилади-ку!

Менинг фикримча, Мавжуда бу қилмишидан кейинчалик афсусланади. У дадасининг ёмонлигини далиллари билан ёзмаганлиги учун мен Мавжуданинг дадасини яхши деб биларман. Дунёда одамзотга отасиз яшашдан ёмони йўқ, деб ўйлайман.

Синглим Мавжуда! Сиздан илтимос, ўз дадажонингиздан юз ўғирманг. У сиздан юз ўғирмай кўргани келибди-ку. Агар дадангиз ёмон бўлганларида сизни кўргани келмас эди. Ахир, онангиз дадангизни ҳеч ёмон демас экан-ку. Нега сиз ўз падарингизни қора қилиб ойбиткича ёздингиз? Дадангизнинг айби бошқага уйланиб олганлигимиз? Онангизда айб бордирки, дадангизни ёмон дегиси келмайди. Дадангизда айб йўқ. Ёлғиз яшаш қийинлигидан бошқага уйлангандир? Лекин барибир сизни унутмабди-ку. Қарияларимиз тўғри айтишган:

**Толдан мадад бўлмас,  
Бегона даданг бўлмас.**

Бунинг маъносини тушуниб етган ҳолда, дадажонингиздан кецирим сўранг. Ота-она қўйнида яшамок бу битмас-туганмас бойлик. Агар дадангиз йўқ бўлганда нима қилардингиз?

**Л. Эшматова,  
«Ўзбекистон» ноҳияси.**

«Жамиятни охир-оқибатда инқирозга олиб келган яна бир нарсаси, бу бизнинг аҳмоқона атеизмимиз ва бетайин гуманизмимиздир», деб ёзади сеvimли ёзувчимиз Нурали Қобул мақолаларининг бирида. Дарҳақиқат, биз ўн йиллар ўзимизни алдаб яшадик. Коммунизм, бахтли ҳаёт, фаровон турмуш ҳақида хўп гапирдик-у, йўқолиб бораётган кадрятлар, маънавий инқирозимиз хусусида ўйлаб ҳам кўрмадик. Моддий йўқотилар ўрни вақти келиб тўлиб кетар, лекин маънавий инқирозимиз ўрнини тўлдириш мушкулдир. ССЖИ Конституциясидаги «Оила давлат ҳимоясидадир» деган моддани узоқ йиллар байроқ қилиб келдик, лекин оила қандай қилиб ҳимоя қилинади, бу ҳақда тузукроқ ўйлаб ҳам кўрмадик. Бугун ўғирлик, чекиш, ичши, бузуқчилик, бировнинг ҳақиқа хийнат қилиш учун ёшнинг аҳамияти бўлмай қолди. Ҳақли савол туғилади: «Қани биз берган ўғитлар, қани мактабда олинган тарбия?» Тан олмай илож йўқ — биз қуруқ гоё билан яшадик.

Ойбиткидаги «Дадамни кўришни истамайман» номли мақолани ўқидик, юқори синфларда муҳокама қилдик. Дахшатли жойи шундаки, қиз дадасини кўришни истамайди. Ота фарзандини ташлаб кетган. Қизиқ ҳаёт экан, баъзи одамлар тирноққа, айрим болалар ота-она меҳрига зор. Немис шоири ва rassomi В. Буш: «Ота бўлиш осон, оталик қилиш эса кийин», деганда ҳақдир.

Қаерда хатолик ўтди? Балки, бу ўша 1918 йилги черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақидаги қарордан кейиндир ёки динни кишилар онгидан сунъий равишда қуввиш оқибатидир? Балки библия-билмай ўтмишга тош отаверишимиз натижасидир? Балки миллий ва анъанавий йўлимиз тургани ҳолда ўзга халқлар турмуши ва ҳаётига тақлид қилиб яшашимиз оқибатидирки, биз шундай аҳволга тушиб қолдик. На чора, ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам чиқмаган жондан умид — биз ўзлигимизга ва ўтмиш кадрятларимизга қайтишимиз лозим, зеро, «Ўтмишни ўргансангина келажагинг порлоқ бўлади», деган гап бор. Шарқ ва мусулмон мамлакатларида ўқитиш жараёнлари бизга қоронғи, лекин ёшларни оилага, ҳаётга тайёрлашга қаратилган машғулотлар АҚШ мактабларида 1923 йилдан бери қўлланиб келинмоқда. Хайриятки, бизда ҳам мана тўрт йилдан бери «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» қўшимча дарс сифатида ўтиляпти. Лекин бу «ўғай» фан учун дарслик ёзиш ҳеч қимнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. Тўғри, Афанасеванинг «Оила» деган китоби ўзбек тилига таржима қилинди. Бироқ бу икки марта нашр қилинган китоб ўзбек халқи турмуш тарихидан ниҳоятда узоқ. Шу курснинг мавжуд кам сонли дастури ҳам турмушимиз қирраларини тўла очиб беришга лойиқ эмас. Бу дарс ўғил ва қиз болалар учун алоҳида-алоҳида ажратиб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ойбиткида айтилганидек, ҳаёт бешиқдан то қадргача мураккаб ва зиддиятлидир. Ривожланган дунёнинг халқига ўхшаб умумбашарий ишларни уйлаш ўрнига рўзгор ва тирикчилик ташвиши бизни бутунлай чирмаб олди. Биз бугунги кун учун яшаётгандаймиш. Қани энди қилаётган оғир меҳнатларимиз звазига турмушимиз фаровон бўлса. Бизнинг Уйчи ноҳиясида аёлларнинг 60 фоизи камқон. Демак, 60 фоиз она камқон фарзанд кўради. Хўш, у болаларнинг ҳаёти қандай кечади? Авлодларимизнинг келажаги нима бўлади? Бу савол ҳаммамизни ўйлантириши, кундалик шоримизга айланмоғи керак.

Инқилобга аёллар остона ҳатлаб қўчага чиқмаган дейдилар. Демак, эр ишлаб келиб бутун оилани боққан. Бугун эса эр ҳам, хотин ҳам баробар ишлаб ўртача турмуш кецириши мушкул. Ҳатто аёллар тунги сменаларда ҳам ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Шу ўринда бир шоирнинг шеъри ёдимга тушди.

**Паранжини ўтга ёқдингиз исёнчи аёллар,  
Охир-оқибат қисмати кетмончи аёллар.**

Мен ўзбек аёлининг ва айнақса, қишлоқ аёлининг сабрига, қаноатига, бардошига қойил қоламан. Қачон бизнинг аёллар фарзандларини тарбиялашга вақт ва имконият топадилар, қачон оғир қисматли меҳнатдан бешларини кўтариб, юксак туйғуларга йўғрилган гоёлар билан келажакка умидвор боқадилар? Бу фақат орзу бўлиб қолмоқда. Чамаси, бозор муносабатлари ҳар қандай орзу-истакни жиловлаб қўядиган

кўринадди. Турмушимизга қаранг: 1989 йилда 24114 та никоҳ жумҳурият бўйича бекор қилинибди. 1990 йилнинг 9 ойида биргина Тошкент шаҳрида 13500 оила бузилибди. Агар 1990 йилнинг кейинги уч ойини ҳам ҳисобласак, эҳтимолки, пойтахтимизнинг ўзи жумҳуриятнинг бир йил бурунги кўрсаткичини бериб турибди. Бузилган турмушлар қанчаю сарсон бўлган Мавжудалар қанча? Синглим Мавжуда! Бугун отангиз сизни фарзандим деб излаб келган экан, сиз ёшлик қилманг. Изламаётганлар қанчадан-қанча. Бугун сиз отангизни кўришни истамассиз, лекин эрта-кеч сизга келин бўлишда бахт ато этар, балким вақти билан она бўларсиз, ана ўшанда сизга оқ фотиҳа бериб қолувчи отангиз керак бўлади. Сиз шуни унутманг. Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Болалар уйларида отам-онам деб йиғлаётганлар ва йўлга термулиб ўтирганлар қанча. Сизга ақл ўргата олмайман, чунки сиз катта қиз бўлиб қолибсиз, лекин сиздан кўра кўпроқ умр кўрганлигим учун ёздим. Малол келса, узр. Лекин сизнинг бахтингиз менимча шуки, Сизни отангиз фарзандим деб қидириб келмоқда. Балки, онангиз билан ажралишгандан отангиз ҳам изтиробдандир? Ҳаёт инсонни не кўйларга солмайди. Шунинг учун ҳам ТУР МУШ дейдилар.

Шу ўринда донолар фикридан айримларини келтиришни лозим топдим:

«Бошни фидо айла ато қошига, Жисмни қил садқа ано бошига».

Навоий.

«Иzzат-хурмат ота ва онани, шунингдек, болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир; у ота ва онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради».

О. Бальзак.

«Шундай ғаройиб оталар ҳам борки, то умрларининг охиригача фақат фарзандларини ўзларидан бездириш билан шуғулланадилар».

Ж. Лабрюейр, фарангистон ёзувчиси.

«Фарзандларингиз қабрингиз устида йиғлай олишлари учун уларнинг кўзёшларини тўкманг».

Пифагор.

«Аввалига биз болаларимизни ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни ҳохламас экан, ўз давридан орқада қолади».

Я. Райнис, латиш шоири.

**Р. Қозоқова,**  
Уйчи ноҳияси, Ерқўрғон қишлоғи, 10-ўрта  
мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

Мавжудахон синглим!

Дардимиз, қисматимиз бир экан. Сизни қийнаб келаётган саволлар мени ҳам қийнайди. Начора, ўзимга берган савол-

ларим жавобсиз қолади. Лекин яна умид билан ҳаётдан жавоб кутасан киши. Биз ҳам 2 фарзандимиз. Отадан сиз сингари гўдаклик пайтимизда тирик етим қолганмиз. Ота-онанинг ажралиш сабаби ҳар хил. Икки гўдаги эса ҳали тили чиқмаганини айтиб, хафа бўлиб қолади. Онам турмушидан қолганда эндигина 21 ёшга тўлган эди. Ҳаёт ҳақида бечорада ҳеч қандай сабоқ ҳам, тушунча ҳам йўқ эди. Пешонасига бир кўзи кам деб ёзилган экан. Икки гўдаги эса ҳали тили чиқмаган, онасининг кўзига жовдираб боқишдан бошқа ҳеч нарсани билмас эди. Оқ халатни елкасига олиб олиб инсонларга шифо ато этмоқчи, умр тиламоқчи бўлган отамиз эса, «ўтар-кетар» дунёда давримни сурай деб маишатга берилган. Бу ҳаёт жумбоқларга бой экан. 5 йил олий даргоҳда таълим олиб, оқ ният билан кийган либосига 2 қора доғ текканини ҳануз пайқамай, шифохонанинг бош враччи бўлиб юришга лойиқдир.

Мавжуда! Мен ҳозир дорилфунуннинг II курсида таълим оламан. Тириклик шу: Баъзида хурсанд бўласиз, баъзида ўкинасиз. Лекин дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Бу кунлар ўтиб кетади. Бу кунларимизга балки ўзимиз айбдормиз, балки отамиз, балки онамиз — буни ҳаёт кўрсатади.

«Дадамни кўришни истамайман», дебсиз. Тўғри қиласиз. Энди у инсон сизга ота меҳрини беролмайди. Чунки унинг оиласи, фарзандлари бор. Ҳеч ўкинманг. Мактабни аълога битиринг, ҳаётда ўз ўрнингизни топинг. Онангизни ҳурмат қилинг, ўз қўлингиз билан ўз бахтингизни яратинг. Ана шунда сиздан юз ўгирган отангиз сизнинг юзингизга боқа олармикин? Менинг фарзандим деб айта олармикин?

**М. Жалилова,**  
ТошДД талабаси.

Синглим Мавжуда! Бу дунёда энг мўътабар зот ота ва онадир. Лекин энг буюғи Она! Она ҳеч қачон отани ёмон демайди. Сенинг онанг ўз севгисига садоқатли аёл экан. Сенинг учун у бу дунёдан ёлғиз ўтяпти. Отанг-чи?

У бир умр севгисига онангни зор этибдими, бир кун табиатдан жазосини олади. Сингилжоним, сенга маслаҳатим шуки, отангнинг дилларини оғритма. Ахир у сен учун суяқдир. Сен ҳеч қачон онангнинг оёғига бош урولмайсан. Сен фақат бугунингни — оёғинг остини ўйлама, яхши кунлар келади, у яқин, олти-етти йил сабр қилсанг, бас.

Ҳурматли муҳарририят. Сизлардан илтимос, менинг бу мактубимни Мавжуда ва Мавжудага ўхшаган отасидан кечмоқчи бўлганларга етказинг, улар ўқисалар ёмон бўлмасди.

**З. Каримова,**  
Фаргона вилояти, Давлатботир  
қишлоғи.

Саҳифаларни Р. Жума тайёрлаган.

Ҳаё доимо яхшилик келтиради.

\* \* \*

Хотиннинг эрга нисбатан ҳақлари: ўзи овқатланганда хотинини ҳам овқатлантириши, ўзи янги кийим олиб кийса, унга ҳам олиб кийинтириши, юзига урмаслиги, ҳақорат қилиб сўкмаслиги, аразлаганда узоққа кетмасдан, фақат бўлак ётишлигидир.

Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига (яъни оила аъзоларига) хишмуомалада бўладиганларингиздир.

Муқаддас Ҳадисдан.



# НИГОХ

Қўшиқ айтишни, ҳам кўнаб, ҳам йиғлаб куйлашни ким ҳам истамайди дейсиз. Аммо бу ҳамманинг-да қўлидан келмас, бу бахт ҳаммага-да nasib этма-гай.

Қўшиқ куйлаш Аллоҳнинг ҳофизга кўрсатган қарамидир...

Бахтиёр акага ҳавас қиламан. У киши ҳақида ёзгим келади. Она Туркистоннинг бутунлигини тўлиб куйлаганлиги, она тилимиз тақдирини ўйлаб ёниб-куйганлиги, мумтоз адабиётимизни уқиб-сўйганлиги учун... Яна дардлилиги учун, дардлари элиникига ашлиги учун...

Тарихини унутмаган, келажagini ўйлаган халқ бахтлидир. Тугидаб ўсган заминига сажда қилган, ўзининг қадрини билган ҳофиз ҳамisha халқ ардоғида. Мулла Тўйчи Ҳофиз, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов...

Бахтиёр Холхўжаев мана шундай улғ саяхаткорларни устоз санаб, улар изидан бораётган ширали овоз соҳибидир, умидли қўшиқчидир. Табиатан камтар, самимий, айтаётган қўшиғининг савиясига тавсирини тушунадиган, ҳар бир сўз, ҳар бир мисра устида тинимсиз илланувчи, тиришқоқ, меҳнаткаш...

Илк бор 1972 йилда «Гуллола» қўшиғи билан эл назарига тушган Бахтиёрнинг «Ешчилигим», «Мен кутган, баҳор», «Сен борсан», «Она тилим», «Ишонгайман», «Наврўз, муборак», «Кўзимга ҳоки туроним» каби ўнлаб қўшиқларини эндиликда халқимиз севиб тингламоқда. Хонанда айни пайтда Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси Тарғибот маркази қошидаги «Турон чечаси» дастасининг раҳбаридир. Унгача «а ён беш йил мобайнида «Шодлик» ашула ва рақе дастасининг етакчи хонандаси бўлган.

Тингланг, эзилган юрагингизга жо қилинг — Бахтиёр Холхўжаев куйламоқда:

Тириксан, ўлмоғансан,  
Сен-да одам, сен-да  
инсонсан,  
Кишан кийма, бўйин эгмай  
Ки сен ҳам ҳур  
тутилгансан!

КОМИЛ ДРМУХАММАД



# БАХТИЁР ХОЛХЎЖАЕВ



**FSHANK**

Абдул Жалил

## Кўклам

Мусаввир Хабибулла Раҳматуллаевга

Ёмғирни ёд олди оғочлар. Ёнди  
Камалакнинг кўҳна кулбаси — осмон.  
Рухда ҳур бир сурур, унди — уйғонди  
Юраклар тубинда музлаётган қон.

Эй қувонч улашиб чарчамас қайғу!  
Эй чарх айвонига ифор сочган ел!  
Сомондай синиқдим, соғинтирдинг-ку,  
Қалбим қароғинда уя қургин, кел...

## Унут бир хотира

Бу оқшом ҳеч кимни кўргим келмади,  
Нечундир юрагим орзиқди ёмон.  
Тушларимга кирди, қийнади  
Унут бир хотира — ташландиқ имкон.

Тонг билан кўксимга томди ўтлиғ ёш  
Қалдирғоч соғинчи мисол ҳур ҳисдан.  
Ҳар субҳ мени қучиб қутлаган қуёш  
Онам каби маънос боқди олисдан...

## Кўл

Қамишдан чайла қур кўл ёқасига,  
Дастурхонингдаги нон ушогини  
Қармоққа қистирма, сув сатҳига соч.  
Қирғоқни ковлама, чувалчанглар ҳам  
Истасалар гоҳо ўз хоҳиши-ла  
Ем бўлишдан қочмас оч балиқларга.  
Қанотига мижғов мактублар жойлаб  
Қаптар учирмагин олисларга ҳеч —  
Кўлга офат бўлиб қулаши мумкин.  
Сув билан шу тахлит танишсанг агар,  
Аминманки, тунлар ой тўлганида,  
Қуёш тик келганда кундуз — сеҳрли  
Самовий кўзгуга айланади кўл...

## Тўнғичга қулай...

Болалар кўп бўлса — тўнғичга қулай,  
Бир оз бақувват-да, бир оз сергак-да...  
Итоат этишар унга ҳар қалай,  
Кенжаботир эса ҳамон эртақда.  
Токи дил мулкида улғайиб исён  
Ўзи ҳал этмаса ўз ривожини  
Ҳар кичикнинг шимга эҳтиёжини  
Қондиради тўнғич эскиртган иштон.

Мозорларда  
Эски шаҳар  
Ташландиқ имкон



Соҳибқирон Темур тирилиб қолса,  
Тарих товугининг юлиб патини  
Аниқ айтармиди ўз миллатини.

Соҳибқирон Темур қолса тирилиб,  
Ёвуз ёлгон кетгаймиди қирилиб.  
Тирилиб қолсайди гар Соҳибқирон  
Дермиди: «Бас қилинг, талашманг жаҳон...»

Ноҳақлар ҳақман деб кўзғолса,  
Ҳокими мутлақман дея жар солса,  
Қандай чора кўрар эди, билмайман,  
Соҳибқирон Темур тирилиб қолса.

Кетса ҳам минг йиллар биздан йироқлаб,  
Билмай қиш қаҳри, ёз жазирасини  
Дунё кезармиди сўроқлаб  
Мўмин Мирзо деган набирасини...

Соҳибқирон қайтиб келса мабодо  
Биз уялармидик, қўрқармидик, ё...

## Етаклама кўлимдан

Ютоққан пўртанага отиб мени, эй ҳаёт,  
Қайга шошаётирсан андуҳ аравасида?  
Сенигдай ситамкорни куйлаб ўтарман наҳот  
Мангу ҳасрат комида, рутубат қафасида?..

Кўзларимни бойла, бойла, етаклама кўлимдан,  
Қулай майли чоҳларга, найзаларга урай бош.  
Фақат эрк шамоллари тинмасин ўнг сўлимда,  
Мен қондошман юлдузларга, майсаларга тақдирдош.

\* \* \*

Тошлар туфлаб ўқирар вулқон,  
Ёнади арча.  
Йиғлар уфқ — азадор гул, қон  
Дилимдан парча.  
Мунгли-мунгли юлдузлар учар,  
Учади ҳурлар.  
Ер қаъридан кўкларга кўچار  
Кўмилган нурлар.

## Эски шаҳар

Эски шаҳар,  
эски шаҳар,  
Уйғонади  
Эрта саҳар,  
эрта саҳар.  
Ҳали руҳлар тинчланмасдан  
Мозорларда,  
мозорларда

Эски шаҳар отланади  
Бозорларга,  
бозорларга.  
Борар жойин ўзи билмас  
Тор кўчалар,  
Ўтмиши бор,  
келажакка  
Зор кўчалар  
Буралади,  
эшилади,  
ўралади,  
Кўмир бўлса,  
сомон бўлса,  
Бозорлари омон бўлса  
Бир кунини кўролади,  
Бир кунини кўролади...  
Эски шаҳар,  
эски шаҳар,  
Байрамларнинг байрогига  
бурканган ер,  
Эски шаҳар,  
эски шаҳар,  
Беданалар сайрогидан  
ўртанган ер.  
Ҳасти Имом ҳовлисиди  
азон янгарар,  
Чигатойда ош сузилар —  
қозон янгарар.  
Маъракага шошининг, эй,  
қорни тўқлар!  
Мезбонлар ҳам худонимас,  
сизни йўқлар.  
Эски шаҳар,  
эски шаҳар,  
Уйғонса ҳам  
Эрта саҳар,  
эрта саҳар,  
Кўжалдошда илм ўрнига  
чанг гуллайди,  
Юракларда,  
шуурларда  
занг гуллайди.  
Тонгми-чойгоҳ, пешинми ё  
ярим тунда  
Умрларни чойхоналар  
ютар бунда.  
Ясан-тусан,  
бақир-чақир,  
шара-бара,  
Эски шаҳар,  
эски шаҳар —  
янги яра...

## Топишмоқ саволлар

Какракосадан шинни  
Ялаган ким у?  
Утрикўчоққа чинни  
Қалаган ким у?

Ким у тухматтахтада  
Тошу темир тўғраган?  
Ким у закон-захда-да  
Чирик чўпни чўғлаган?

Газнағунча ғамин еб  
Сўйлоқи — у ким?  
Қароқчини қўноқ деб  
Сайроқи — у ким?..

## Мурасасозлик

Хилпиратма қирмиз уфқларни, бас,  
Ой чўмилсин яйраб кўк денгизиди.  
Сен учун тикон ҳам, гул ҳам кўкармас —  
Изғима қалбимнинг қонли изиди.  
У, ярамас ёв,  
Улдирақол-ов...  
Бурчакларда писиб юрма шарпадай,  
Бир бор юз кўрсатиб ёнимга кел-чи.  
Музликларда унган қадим арчадай  
Ё сенинг қошингга борсинми элчим?..  
У, ярамас ёв,  
Улдирақол-ов...

## Мен чаён ўлдирдим

Мен чаён ўлдирдим,  
билмам уйимга  
Қандай кириб қолмиш  
бу совуқ жондор?  
Чикдими деворнинг ковагидан ё  
Олисроқдан келди  
ер тешиб-учиб?  
Истагинг нима деб сўрамадим ҳам,  
Турқидан кўрқдим-да,  
ўлдириб қўйдим.  
Балки нафис қадаҳ — нишини чаён  
Менга узатарди илтифот ила.  
Қонсираб,  
қон сўраб келган бўлса-чи,  
Билагимни тутар эдимми мен ҳам?  
Бир менинг қонимга тўярмиди у,  
Балки ўзга шартлар қўяр эди у...  
Ўлдирдим.  
Кўкимтир мурдаси қолди  
Уй тўрида, момиқ кўрпада...



## Антиқа чорлов

Кимнингки кўзи оч ва жағи толмас,  
Кўл меҳнати қочган юрт сари олға!  
Ғалла ўролмайди, ёнғоқ чақолмас  
Унда эл ушлаган ўроқ ва болға...

## Такдир

Ҳар хил остонага ураверди бош,  
Фахрланиб юрди ғурраларидан,  
Фақат билмай қолди манглайидаги  
Илоҳий ёзуқнинг кундан-кун хира  
Тортганини,  
ўзгарганини...

\* \* \*

Кўнди оқ қайинга қора қуш,  
Чўқилай бошлади ҳавони.  
Сайраб бер менга бир бора, қуш,  
Сайра мен унутган навони.

Ошённинг ўтдами ё музда?  
У, қандай ҳуснингга ярашган:  
Бир томчи табассум — юлдуздан,  
Ҳиллолдан — бир толим қарашма.

Куй дея гар кўнғлим куюдир,  
Жон олар бир наво — гар бахтим,  
Қора қуш, сенга соз уядир  
Оқ қайин — умидим дарахти...

## Учликлар

Қанот берди алдовлар асри.  
Узоқ учдик. Кўнган жойимиз  
Қарасаки, жаҳолат қасри...

\* \* \*

Хувиллаган уйда увиллади куй,  
Титкилади, тепкилади хотирни шотир,  
Кўнғиллар терсанди, гуллар сесканди.

\* \* \*

Горни сўнғак билан тўлдирган девнинг  
Зурёди минг йиллар ўтиб орадан  
Тогда қазиб олар бебаҳо маъдан.

\* \* \*

Эй мушугим Бароқ,  
Уйғон эртароқ,  
Б-и-и-р йўлбарс овига борайлик!

\* \* \*

Уриклар гул тўкди,  
Кўриб ҳар дил чўкди.  
Қайларга ошиқдинг, баҳорим?..

## Болалик манзараси

Эртақ тўқийверди гулгун шом,  
Тийрак болакайлар мўдради.  
Кимдир аравани оҳиста  
Уфқ — тоғ ортига судради.  
Уфқда эса, қизилбош девнинг  
Хуруж қилди азалий дарди. —  
Аравани шафакранг дарё  
Оқайётган жарга ағдарди...

\* \* \*

Бўзладим: бас, етар, қайғу кўзғаманг,  
Оқшом ҳазинлиги босган боқчалар...  
Лекин бераверди қалбимда жаранг  
Анон чалган қонли кўнғироқчалар.

Бағримни беармон тиглади ҳилол,  
Тун ҳушёр пойлоқчи қўйди изимдан.  
Не узун кечалар асраганим — ол  
Юлдузчалар учиб кетди кўзимдан...

Денов Тошанов

## Ҳийла

Утган якшанба Янтоқ бозорига бордик. Қудаси тушмагурлар зап кўйнинг зўридан обкелишганакан: тўрт кўзи, тўртовиям безгак теккандай қалтирагани-қалтираган.

Уккағарлар, қандай қилиб тўйга шундай мол опкелади? Пастлигам эви билан-да. Отам: «Кўтар тақир-туқурингни, тенгим шу тўртта каламуш бўпти-да!», деди, аммо уйинг куйгур Норхол махсум: «Ҳа, энди кирар эшигингни қаттиқ босиб, деган гап бор, биров паст бўлса, сиз баланд келинг, ўзингиздан бир қўй сўйинг-да, тўйни ўтказинг-юборинг», деб хўп далолатгўй бўлаверди. Охири тўйни ўзимиздан бир қўй сўйиб ўтказдик.

Бу уйинг куйгур тўрт кўзи момонинг шўри бўлди. Ҳар куни моёк ичиради. Охири бўлмади, отам: «Бозорга бор-да, бахтингни сина,— деб мени Раим шапканинг тарактирида бозорга жўнатди.— Ун сўм берсаям сотиб кел».

Янтоқ бозор дегани дунёда битта бозоракан-да. Вах!

Шумшайиб, ҳайкалдай қотиб турибмиз. Бир маҳал денг, Норхол махсум: «Ҳай, бола, нима опкелдинг?», деб сўраб қолдилар. У киши муллаглик билан яна бозорда даллолик ҳам қилардилар. «Кўрмисан», дегандек кўзиларни кўрсатдим-у, балога қолдим-да.

— Акашак бўлгур, буларингни нимасини опкелдинг? Кўздан пана қил-э. Одамни уялтирма,— деб тоза гаранг қилди.

— Махсум бова, йигирмадан сўрасаям бераман, ҳаром ўлгандан кўра...— дедим пешонамни қашиб.

— Йигирмадан ким олади буларингни? Бировиям уйига етмай ўлади, эртароқ кўздан пана қил, шарманда, мослиғи бозорда қолмасин. Мен: «Соқолингга ўт тушсин», деяпман ичимда. Ут тушса куядиган соқолиям йўқ-да.

— Ким сизга «олинг» деяпти, олмаса — олмас,— дедим аччиғ-

ланиб. Махсум бова минғиллаб-минғиллаб нари кетди. «Энди нима қилсамакан?», деб ҳар ўйлайман. Биров сўрамайди, мен бўлсам қоққан қозикдай турипман. Кўзилар тинмай титраб-қақшаб «ба»-райди.

Озроқ ўтиб уккағар махсум яна келиб турибди-да. Охири шошма, дедим тулкигим тутиб, калламни япондайин ишлатиб.

— Энди, Махсум бова, сиз шу бозорнинг худоси, арзон оласиз, қиммат сотасиз, бари кўлингизда, невараларингизнинг тўйини кўринг, аммамга сизни мажтайман,— дедим.

Хотини ўлгач, бева аммамни бир тўйда чимчиб олганакан менга тег, деб. Аммам тоза таъзирини берган ўшанда. Қурғур, аммам дейишим ҳамон мойдай эриб кетди. «Аммам бошига ёстиқ қиладими сени», дейман ичимда.

— Сотиб берсам, даллол пулини дадил қиласан, ошна, буларинг ўн беш-йигирмадан ошмайди. Утизга чиқараман ҳар қайсисини. Менга йигирмасини берасан, шундаям ўзингга юзи қолади,— деди.

— Махсум бова, ўн сўм берайин,— дедим, кўнмади.— Одамнинг лабзи ҳалол,— деб қўл олишиб келишдик.

— Аммангга айт, махсум бовам сотиб берди, лабзи ҳалол, зўр одамакан, дегин,— деб қайта-қайта тайинлади.

— Ҳе, керак бўлса, ўзини сизга оғиз соладиган қиламан,— дедим керилиб.

Махсум бова ким олдимиздан ўтса: «Зўр қўй бўлади, олиб кет, зиён қимайсан, арзон бераман», дейди. Улсаям биров яқин йўламайди. Махсум бова аччиғи чиқиб кетиб қолмоқчиям бўлди.

— Бова, бир «финт» ишлатамиз,— дедим.

— «Пинт»инг нимаси?— деди бова қизиқсиниб.

— Финт — ҳийла, дегани, сизминан мен савдолашаверамиз. Сиз: «Бер тўртовини тўрт юзга!» деб кўлимни силкийверасиз. Мен бўлсам: «Сал арзон-да, озроқ қўшинг», деб тураман. Шуйтмасак олармон келмайди,— дедим.

— Калланг жуҳитнинг калласидай,— деб шўрлик мақтаб ҳам қўйди. Энди денг, ака-ей, кўлимни қисвопти, қаники қўйворса.

— Бер, тўртовини тўрт юзга! Бер тўрт юзга, зиён қилмайсан, бола! Хўп де, бер тўрт юзга!

— Боважон, озроқ қўшинг, жон бова, сал арзон-да.

— Қўшдим ўн. Бер баракасини,

тўрт юз ўн, бер баракасини, бер баракасини!..

Қурғурнинг қўли ёмон қаттигакан-эй, елкамни суғуриб олай деди. Кўринг энди йиғилган одамни — емга ёпирилган қўйдаи устма-уст бўлиб кетди-е.

Биров: «Махсум бова, тентак бўлманг», дейди, биров: «Хў, махсум, эсингизни ебсиз, бунинимаси тўрт юз ўн?», деб биқинига туртади, Мен бўлсам оёқ тираб турибман.

— Бер баракасини! Тўрт юз ўн, хўп де!

— Олинг-э! Мендан кетса кетар беш-олти сўм, кўлимни узиб олдингиз-э! Бердим баракасини,— деб юбордим.

Махсум бова менга пича вақт бақрайиб турди-да, шаппа қочиб жўнади.

Яхши одамларам кўп-да, бирови махсум бовани жўлтанглатиб олди-га солиб қайтариб келди.

«Ҳа, бова?», десам, «Ит эмган, нима деб келишгандик, «пинт» қиламиз, демаганмидинг?», деб жириллайди.

— Ҳа, финт қилдик-да, бова. Савдо қилдингизми — қилдингиз, одамнинг лабзи ҳалол дедингизми — дедингиз! Мен сиздан тилаб оляпманми?— дедим товушимни кўтариб.

Уч-тўрт даллол махсумни ўртага олди-ку.

— Хў, махсум, савдо қилдингизми, оласиз, эмасам иккинчи бозорга қадам босманг, бозор таомилини бузманг,— деб туриб олишди.

Ҳеч бўлмади. Махсум бовам чўнтак ковлашга тушди.

— Эллик, юз, юз эллик... худодан топ. Икки юз, икки юз эллик... бетинг қурсин. Уч юз, уч юз эллик... буюрмасин. Тўрт юз, тўрт юз ўн, жувонмарг бўл!

— Бова, тўйларга сўйинг қўйларни, баракасини беринг,— дедим пулни санаб ўтирмай чўнтакка уриб.

— Садқан кўлим кет-э, ҳе, пинтинг каллангни егур,— деганча қолди у.

Кеча неварасини кўрдим, кўзиларинг бирови йўлда ўлиб қолибди. Иккитаси уйга келиб ўлибди. «Ҳозир бирови қолди», деди.

— Бовангга айт, тухум-пухум ичириб турмаса, бунисиям ўлади,— дедим.— Молни тилини билмаса, олиб нима қилади?

Дарвоқе, мен ваъдамда турдим. Бир куни бунинимаммага гапириб бердим. Кўзидан ёш тирқираб, урчуқсодпай буралиб-буралиб кулада-ей аммам...



Абдурахмон Жўраев



## Учликлар

Қалбега яшираман бир эзгу сўзни,  
Тилга олмоқликдан қўрқаман.  
Уқшини истаيمان ул қаро кўзни.

\* \* \*

Хасрат йўли узун —  
Севгидан бошланар у  
Тугамас Ватанда ҳам...

\* \* \*

Дардга бора-бора кўникдим,  
Энди галат туюлар  
Огоҳ этса биров бахтиёрликдан.

\* \* \*

Қутаман интизор, тонглар ёришмас,  
Минг йиғла, фарёд чек, онглар ёришмас.  
Менинг ётар ерим тўшак, бошимас,  
Ётарман тошларга қўйиб мен бошим,  
Нечун кўринмайсан, қуёшим?

Алдандим, таландим минг бор касларга,  
Бу осмон бошимни эгдим насларга,  
Қулоқ тут заминдан келган сасларга,  
Нур тарат, куч олсин сендан бу лошим,  
Нечун кўринмайсан, қуёшим?

Қарайман, қаторда норлар кўринмас,  
Юракда ишқ ўти борлар кўринмас,  
Меҳрга мендайн зорлар кўринмас,  
Мана, ўттиз томон кетмоқда ёшим,  
Нечун кўринмайсан, қуёшим?

Чарақла, нуригдан эрисин қорлар,  
Ғамли юраклардан арисин зорлар,  
Қувончлар улашиб янгрисин торлар,  
Сен-ку қиёматли дўстим, йўлдошим,  
Нечун кўринмайсан, қуёшим?

\* \* \*

Сизга етиб бормас унларим сира,  
Ёлғиз ўтаётган кунларим хира,  
Мактуб. Ҳаяжонлар. Учган хотира...  
Яна алдандимми?..

Келмадингиз-ку?

Ёлғизлик қўшигини куйлайди ёмғир,  
Умр армон дея сўйлайди ёмғир,

М. Юсуп

Менинг дардларимни бўйлайди ёмғир,  
Яна алдандимми?..

Келмадингиз-ку?

Мактублар ёзаман чора ахтариб,  
Кел дея нолалар чекдим мен ғариб,  
Яна алдайсизми?..

Жавоб йўқ, ахир

«Мен ғариб, шам эса ёнар сарғариб»  
Жилмайиб киради хонамга армон,  
Дунёда ишқ ёлгон, муҳаббат ёлгон.  
Кўксимда энг сўнгги нафасим қолгон,  
Ёрим, ҳамон йўлга чиқмадингизми?  
Ҳатто алдасам ҳам келмадингиз-ку?

\* \* \*

Вафонинг оқ йўли шунча узунми?..

Ғ. Ғулом

Ииллар ўтиб борар хижронлар билан,  
Фарқи йўқдир сира кун билан туннинг.  
Мен савол сўрайман ою юлдуздан  
Севгилим бардоши ҳали бутунми?..

Кўнгул яратмаса соғинчли бир байт.  
Елларга совурдим демак бир кунни.  
Қайси осмонимга сиздирайин, айт.  
Юрак азобидан чиққан тутунни?

Ииллар шундай ўтар хижронлар билан,  
Фарқи йўқдир бизга кун ила туннинг.  
Сен мени кутарсан, дилдорим, ҳамон  
Вафонинг оқ йўли шунча узунми?

\* \* \*

Сендан воз кечмасман, чўчима, гулим,  
Қимларнинг қалбидан ўчдим-а, гулим,  
Сарғайган япроқдай кўчдим-а, гулим,  
Қаршингда турибман мен ўттиз ёшда,  
Билсанг, бойлигим йўқ Ватандан бошқа.

Қалбимга қуйилар дилрабо қўшиқ,  
Армондан сўзлайди гул, наво қўшиқ,  
Қалбларга келтирсин хўш сабо қўшиқ,  
Минг турли савдолар турсада бошда,  
Гулим, суйганим йўқ Ватандан бошқа.

Хайр энди, бахтиёр чоғларим, хайр,  
Севгилим келмаган боғларим, хайр,  
Мен дардларин олган соғларим, хайр,  
Минг турли савдолар тушсада бошга,  
Менинг суйганим йўқ Ватандан бошқа...

\* \* \*

Аламдан бўғзимга тиқилар жоним,  
Ташнаман, кўзимга кўринар қоним.  
Чарчадим бу мағрур бошимни зеиб,  
Нега бунча нагасан ахир, осмоним.

Агар тегар бўлса,  
Шеърбозга тегар  
Сўзнинг қарғиши.

\* \* \*

Бизнинг тежамкорлик  
Бас келармикан  
Бир сен қилган исрофга?..



Илҳом Ҳасан

## Ҳақиқат турланмайди, тусланмайди...



«Биз янги даврга қадам қўйдик».

Бу гапни зарур-нозарур жойда сабаб-бесабаб ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Гўё «янги» дегани бир тамға-ю, уни исталган даврга босиш билан ҳамма нарса ўзгариб қоладигандай туюлади. Албатта, «ўзгариш» деганда, асосан, ижобий томонга қараб силжишни англаймиз. «Янги» деб тамғаланган давр ўз-ўзидан олдинги даврлардан юлиб олинади, улар йўл қўйган каму кўстларни бартараф этишга бел боғлаган паҳлавон сифатида майдонга туширилади. Ажабки, бу паҳлавон ҳам каму кўстларни тугатаётиб, янги хатоларга йўл қўяди ва ўз-ўзидан яна бир «янги давр» келишини тақозо этади. Аввалги кун янги давр эди, кеча ҳам янги давр, бугун, албатта, янги давр... Хотиржам бўл, юртдошим, эртага янги давр келади, индин ҳам, ҳеч шубҳасиз, янги давр бўлади!.. Қанийди шундай бўла қолса, унда аллақачон ҳаётнинг шундай бир даражасига етиб келган бўлардики, ортиқ «янги даврлар»ни илҳақ қутишга ҳожат қолмасди.

Ундай бўлмаяптими, демак, ҳар сафар «янги давр» деб айюҳаннос солиб тамға босилган кунлар, йиллар яхлит тарихий-муқаррар жараённинг шунчаки бир бўлаклари экан-да. Чексизликдан келиб, чексизлик томон кетаётган Вақтнинг инсон оёқлари остига тўшалган, майда заррачалари экан-да...

Биз буни юракдан ҳис этиб турамыз-у очик эътироф этишга жазм қилолмаймиз. Бошқалардан ажралиб қолишдан кўрқамиз. Ҳаммага қўшилиб ожиз минғирлаймиз: «Биз янги даврга қадам қўйдик».

Ягона давлат сиёсати ҳукмрон бўлган жамиятда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу сиёсат фикрлар, қарашлар ранг-баранглигини ёқтирмайди, барчани ўз измида сақлашга интилади. Чунки у — ягона, у — мутлак, у — ҳоким... Барча у кўрсатган йўлдан юрмоғи шарт, йўқса, ана шу, йўл кўрсатиш учун чўзилган қўл муштга айланиб, итоат этмаганлар бошига тушади. Маънавий ожизлик ўрнини ҳамиша жисмоний зўравонлик эгаллайди. Бу кўр сиёсат ҳукмрон бўлган ўлкада руҳий-маънавий ҳурликнинг товони жуда оғир — инсон жисму жони билан ўлчанади бу товон!..

Ягона давлат сиёсатининг таянч устунлари жўн ҳам бир ёқлама: яхши — ёмон; оқ — қора; ўтмиш — келажак; йўқсулар — эзувчилар; бизникилар — уларники. Сиёсатнинг акс қутбларга бу хилда қатъий ажралиши уни ҳаётдан узоқлаштиради, ўз «фуқаролари»ни — сиёсатдону олиму ижодкорларни охир-оқибат боши берк кўчага киритиб қўяди. Бундан

ҳатто энг истеъдодли «фуқаролар» ҳам мустасно эмаслар.

«Биз ўз янги дунёмызни курамыз!» — Ягона давлат сиёсатининг асосида ана шу шиор ётади. Шундан келиб чиққан қолда кечаги кунга асосли-асоссиз равишда қора чапланади, оддийгина ютуқ оламшумул ғалаба тарзида тақдим этилади, кундалик оддий иши билан овора одам порлоқ келажакнинг буюк бунёдкори деб кўкларга кўтариб мақталади. Бу мақтовлардан унга заррача фойда етса экан... Аммо қайта-қайта эшитавергач, у ўзининг «буюк бунёдкор» эканлигига ишонади... Шундай қилиб, жамиятимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ сиёсат, шиорлар одамлар учун эмас, аксинча, одамлар сиёсат, шиорлар учун хизмат қилиб келдилар. Нима эвазига, қандай усуллар орқали бўлмасин, ўз «ғалаба»сини таъминлайдиган Ягона давлат сиёсати вужудга келди. Албатта, у бир жойда қотиб қолган эмас, ҳар сафар жамият боши берк кўчага кириб қолганини англаш арафасида ўз «йирик намоянделари»дан бирини қурбон беради-да, шаклини сал ўзгартириб олади. Моҳият эса аввалгисича қолаверади. 50-йилларнинг бошида Сталин қурбон қилинди, сўнг Хрушчёв, сўнг Брежнев... Ягона давлат сиёсати эса ҳар «қурбон»дан сўнг моҳиятини сақлаган ҳолда шаклини хиёл ўзгартирди. Кечагина ўзини майдонга келтирган, ҳимоя қилган арбобларни танқид найзасига рўпара қилиб, ўзи жон сақлаб қолаверди ва барча-барчанинг устидан ҳукмини ўтказиб келди.

Саккизинчи ўн йилликдирки, бу сиёсат адабиётни ҳам тушовлаб, қанотларини қайириб келмоқда. Социализм, халқ ва давлат манфаатлари деган бир қарғанда беозор, ҳатто мавжуд бўлиши зарурдай кўринган талаблар ниқоби ёрдамида ҳар қандай ҳур фикрлар, эркин нуктаи-назарлар устидан қора чизик тортилди.

Саккизинчи ўн йилликдирки, бу сиёсат ўз қутблари нисбатини бир неча бор ўзгартирди. Кечагина «яхши» деб ҳисобланган нарса «ёмон»га айланди, сўнг яна «яхши экан», деб айтилди. «Оқ» «қорага», «қора» эса «оқ»қа бир неча бор ўрин бўшатди. Адабиётдан эса яхши ўргатилган тўтиқш каби Ягона давлат сиёсати ўртага ташлаган шиорларни чиройли қилиб тақдорлаш талаб қилинди.

Улкан сиёсатда қутблар ўрни алмашган паллаларда ёзувчилар ўз ижодларини яшин тезлигида қайта кўриб чиқиб, замонавийлаштирдилар. Бунинг иложини тополмаганда эса «ўз хатоларига тўла иқдор» бўлиб, гуноҳларидан гўё «фориглан»дилар. Тоza виждон билан «янги даврга қадам қўйдилар».

## Қаламидан нур тўкилиб турарди...

Мен бу сатрларни ёзаётганимда дўстим, биродарим, нурли қалам соҳиби Илҳом Ҳасаннинг вафотига қирқ кун тўлди...

Қирқ кун нима, ҳали орадан қирқ йиллар ўтар, бироқ Илҳомжонни билган-танганларнинг бари уни ҳаммаша ўтли бир армон билан эслаб юрадилар. Чунки табиат унга бу дунёда камдан-кам одамгагина насиб қиладиган ноёб инсоний фазилатлар, нодир инсоний туйғулар ато этган эди. Биз Илҳомжоннинг ёру дўстлари, унинг ёшгина бўлатуриб, фавқулодда жиддийлигига, фикр-мулоҳазаларининг теранлигига, илмий-бадий салоҳиятининг кенглигига доимо ҳайрон қолар ва ҳавас қилар эдик. Кўришиб қолган кезларимизда у ҳамма қатори вақт етишмаслигидан, муаллимлик (у Самарқанд дорилфунунида домла эди) ва жамоат юмушлари кўп умрни олиб кўяётганидан, «жиддий ишларга фурсат қолмаётганидан» шикоят қилар эди. Лекин шунга қарамай, у мудом қизгин илмий-ижодий фаолият билан банд эди. Вафотидан сўнг маълум бўлдики, иккита нашриётда унинг қисса ва ҳикояларидан иборат тўплами, яна бир нашриётда эса каттагина ҳажмда таржима китоби чоп этишга ҳозирланаётган экан. Бир неча вақтли матбуот нашрларида ёш мунаққиднинг фикрга, таҳ-

лилга бой адабий-танқидий мақолалари маъқулланиб, босишга тахт қилиб қўйилган экан. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола ҳам ана шулардан биридир.

Илҳом Ҳасан шахс сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам ёлғонни ёмон кўрарди. Адабиётдаги сохтагарчиликлар, қаллобликлар ҳақида, айниқса, куйиниб-ўртаниб сўзларди. У ўткинчи дунёнинг паст-баландини яхши англаган ориф инсон эди, ва шу боисдан, менинг назаримда, ҳазрат Алишер Навоийнинг «Оқил рост сўздан ўзгани демас» деган ҳикмати унинг учун собит маънавий эътиқодга айланган эди.

Мазкур мақолада Илҳомжон «Баҳор умрида хазон бўлган ижодкор» деган иборани ишлатади. Норасо фалакнинг ҳукмини кўрингки, кўп ўтмай унинг ўзига шундай қисмат раво бўлди...

Илҳом Ҳасан ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам тоза ва эзгу, ҳақ сўзнинг фидоси бўлиб яшади. Тасалли шулки, ҳақ сўз ўлмас, ҳақиқат йўқ бўлмас.

Ҳақ, ҳақиқат ҳаммаша барқарорлигига эса инсоният аллақачонлар ниймон келтирган.

Хайриддин Султонов

Ҳаётдан кўз юмган, жувонмарг кетган ижодкорлар эса... Нима ҳам қилардик, тақдир экан-да, уларнинг етти ухлаб тушларига кирмаган серғайрат шоғирдлари адабиёт майдонига тушиб, улар асарларини гўё «таҳрир» қилдилар. Ягона давлат сиёсатидан келиб чиққан, кутблар мавқенини ҳисобга олган ҳолда қайта ишладилар. Бундай ислоҳга бўйин бермайдиган адабий факт, намуналар эса кейинги нашрлардан астагина тушириб қолдирилди. Адабиётшунослигимиз ижодкор ва унинг қаҳрамони ўз даврининг фарзанди, ўз даври хусусиятларини ташувчилар, деб даъво қиладими, амалда эса адабиёт тарихини, адабий фактларни ижтимоий-иқтисодий-сиёсий муҳитдан юлган ҳолда таҳлил этади ёки уни бугуннинг, ҳозирнинг ўткинчи мақсадлари, талабларига бўйсундиришга уринади. Бизда ижодкорни, унинг қаҳрамонини шахс сифатида, мураккаб индивид сифатида ўрганишдан кўра муайян ғоянинг ташувчиси, муайян гуруҳнинг тилик вакили сифатида талқин қилиш анча кенг ёйилган. Шу боис аллақачон тарихга айланган асарлар қайта ишланиб, кенг китобхонларга тортиқ этилаётганини кўриб ажабланмаймиз ҳам. Буни одатий ҳолдай қабул қиламиз. Ҳатто адабиёт тарихида муносиб ўрин эгаллаган баъзи ижодкорларнинг «шоғирдлари», «издошлари» унинг номидан Ягона давлат сиёсатига тўла мос келувчи асарни ёзиб, эълон қилдиришади. Шундай йўллар билан «байроқдор»лар, «асосчи»лар тайёрланади, бутун халқ ўшалар ортидан эргаштирилади.

Шукрки, сўнгги пайтда адабий танқид ҳамма ижодига ана шундай муносабатда бўлиганини очик айтди. Аммо бугунги ўзбек китобхони «жаҳонда бешинчи романчилик мактабини яратган» Абдулла Қодирийнинг ҳар икки романини ҳамон «таҳрир остида» ўқишга мажбур бўлмоқда. Бугина эмас. Ҳатто навбатдаги «янги давр»лардан бирига қадам кўйганимиздан сўнг катта шов-шув билан эълон қилинган Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ҳам 80-йиллар нуктаи-назаридан таҳлил қилинганини кўрамиз...

Ғайриадабий, ғайризстетик бундай ҳаракатлар ҳар қандай улуг мақсадларни рўкач қилиб амалга оширилмасин, умум-адабиёт ишига фойда эмас, фақат зарар келтиради, холос. Ахир, бу ижодкорларни бир марта тошбўрон қилиб, қатағон қилиб ўлдирганлари етмасмиди?..

Ҳамид Олимжон лирикасининг бош қаҳрамони ҳаётдаги ўсиш-ўзгаришларни ёқловчи, янгилик тарафдори, инсон бахти ва шодлигини улуглаб, қайғу ва аламларни қарғовчи, Ватанга муҳаббат ва унинг душманларига нафрат туйғулари билан ёнувчи шахс сифатида намоён бўлади. Бу — адабиётшунослигимиз қайта-қайта таъкидлаган ва айтиш мумкинки, ўзига хос адабий-расмий хулосага айланган фикрга тўла мос келади. Қолаверса, шоирнинг бугунги кунда ўқувчиларга етказиб берилаётган асарлари ҳам бу фикрнинг тўғрилигига шакшубҳа қолдирмайди. Бироқ шоир ижодини фақат ўз мақсадларимиз нуктаи-назаридангина ўрганиш, унинг лирик қаҳрамони кифасида давр чизиб қолдирган чизиқларни тўласинча кўрмасликка уриниш, бу чизиқларнинг баъзиларини — Ягона давлат сиёсатининг бугунги оҳангига мос тушмайдиганларини ўчиришга, умуман, йўқ чизиқларни, яъни яна ўша Улкан сиёсатга мувофиқ келиши мумкин бўлган чизиқларни бор эди, деб даъво этишга уриниш шоир ижодини сохта-лаштиришга олиб келади.

Маълумки, Ҳамид Олимжон ўзбек шеърлятига 20-йилларнинг иккинчи ярмида, комсомол шоири сифатида кириб келди. Янги ҳаёт, янги муносабатлар ва уларни ишонувчан, содда кўз билан маъсумона кузатишдан пайдо бўлган қувонч ҳам ҳайрат унинг бу даврдаги шеърларининг асосини ташкил этади. «Комсомоллар», «Шодлик кун», «Биз ким?», «Кашшоф», «Илгари бос, эй кашшоф», «Ҳозирланамиз», «Яна ёшларга» — 16-17 ёшли ўспирин қаламига мансуб дастлабки шеърлар ана шундай номланади.

Бу шеърларнинг лирик қаҳрамони давр суронларидан ўз мувозанатини йўқотган, ҳар қандай довлонларни инқилобий бир зарб билан эгаллашига, ер юзида қизил инқилоб ғалаба қилишига қатъий ишонган, ўтмишни нуқул қора бўёқларда кўриб, келажакни оппоқ бахт кучоғида тасаввур этиб, бутун борлиги, жону жаҳонини ўртага қўйиб унга интилувчи шахс сифатида қўринади... Шу ўринда фикрларнинг изчил баёнидан сал илгарилаб айтиш мумкинки, Ҳамид Олимжоннинг лирик қаҳрамони кейинча, улғайғач ҳам қарашларидаги бу қирралар ўзини кўрсатиб туради...

Мана, ўспирин шоирнинг юқорида саналган шеърларидан баъзи парчалар:

Юлдуз каби осмонларда учарсан,  
Йўқсил элининг қўриқчиси бўларсан.  
Сўнмас умид, порлоқ тилак йўлида,  
Душманингни туви билан йиқарсан.

«Комсомоллар»

Биз ким эдик, ким бўлдик!  
Хўрликлардан қутулдик.  
«Биз ким?»

Ҳам борамиз, ҳозирланиб енгамиз,  
Тилагимиз, коммунизм қурамыз.

«Ҳозирланамиз»

Бизлар сенинг йўлингдан  
То ўлгунча чиқмаймиз.  
Сенинг эркил нуригдан  
Роҳатда биз яшаймиз.

«Шодлик кун»

Еш лирик қаҳрамон янгиланиш, яратиш ишқи билан ёнади. У — қизиққон, салгина шубҳа, гумон унга бегона, у бу туйғуларни ўз душмани деб билади. «Тонгдаги гудокдан олдиқ илҳомлар» деб ёзар экан, ўз тенгдошлари номидан ҳайкиради:

Биз олов, ўт каби кураш севамыз,  
Янги турмуш, улуғ жаҳон қурамыз.

«Янги турмушга»

Ана шу куриш жараёнида у кечаги куннинг ҳамма кўришларини нигилистларча инкор этади. Ҳатто поэзияда асрлар давомида мақталиб келинган инсон гўзаллиги ва баркамоллигини ҳам тан олмайди:

Ипақдек сочларни,  
Қайрилма қошларни,  
Тасбеҳдек ёшларни  
Мақташлар битгандир,—

дейди у «Зафар достони» шеърида. Ва бу жиҳатдан ўзига тенгдош — «янги типдаги шоирлар»га жўровоз бўлади...

Лирик қаҳрамоннинг нигилистик нуқтан-назарини инсон кадр-қиммати, моҳиятининг сўнгги бекати — қабру қабристонларга ҳам шафқат қилмайди. Мана, нима дейди у «Деҳқон» шеърида:

Гулистон бўлур  
Мозористонлар.  
Экинзор бўлур  
У қабристонлар.  
Оқ олтин бўлиб,  
Пахтамыз пишар.  
Бизга жилмайиб,  
Ғунчасин очар.

Бу лирик қаҳрамон янги куннинг ҳар бир қадамини сўраб-суриштиришларсиз зўр қувонч билан кутиб олади, уни энг буюк, энг сўнгги ҳақиқат тарзида қабул қилади, Ягона давлат сиёсатини бадий сўз воситасида тараннум этиб, ўқувчилар қулоғига қуяди.

20-йилларнинг иккинчи ярмида жумҳуриятимизда араб ёзувини лотин ёзуви билан алмаштириш тадбири ўтказилади. Ҳамид Олимжон бу тадбирни қўллаб-қувватлаб, «Лотин келар» шеърини ёзади. Шеърнинг лирик қаҳрамони — ёш, кучга тўлган, янгилик деб куйиб-ёнган, эскиликни кўрарга тоқатсиздир. Шу боис у дейди:

«Араб» кетармиш доғларга тўлиб,  
«Араб» кетармиш қонга бўялиб,  
Мулалар қочармиш қўрқиб, уялиб,  
«Лотин» келармиш жавлонлар қилиб.  
Рухоний-мулалар энди ўлармиш,  
«Араб» уларга кафан бўлармиш.

Араб ёзувига аёвсиз, лотин ёзувига муҳаббат билан қаровчи лирик қаҳрамон тилидан шундай ҳукм чиқарган шоир орадан бор-йўғи 14 йил ўтгач, 1940 йилда Ўзбекистон ССЖ Олий Совети сессиясида ўзбек тилининг янги алифбоси ҳақида нутқ сўзлаб дейди: «...рус алифбосини қабул қилиш масаласи ҳозир олдимизда катта бир тарихий зарурият бўлиб туради. Биз ўз тарихий тараққиётимизни яна ҳам тезлаштиришмоқчи хоҳлаймиз ва ҳозир рус алифбоси асосидаги янги ўзбек алифбосини қабул қилиш масаласини узил-кесил ҳал қилмоғимиз лозим».

Ҳамид Олимжоншунослик ёш шоир лирикаси бош қаҳрамонининг янгиликка ошуфталигини таъкидлар экан, бу ошуфталиқнинг бир қадар чекланганлиги ва баъзи салбий хусусиятлари ҳақида ҳам гапирса, яхши бўларди...

Ҳамид Олимжоннинг 20-йиллар иккинчи ярми ва 30-йиллар бошидаги лирикасининг қаҳрамони табииатидаги ўта жангловарлик, ўз йўлининг тўғрилигига ҳеч шубҳа-гумонсиз ишоншлик, инқилоб бахш этган кўтаринкилик каби хусусиятлар шеърлари поэтикаси, жумладан, тилида ҳам ўз муҳрини қолдирган. Янги турмушни, Октябрни, янги кун учун қурашувчиларни «Баҳодир», «вулқон», «лава», «чақмоқ», «олов», «ёруғлик», «гул», «лола», «лочин», «ой», «юлдуз», «чечак» каби; ўтмиш, кечаги кун ва унинг тарафдорларини «туни», «зиндон», «зулмат», «тубанлик», «алам», «ҳасрат», «алвасти», «иблисон», «бойқуш» каби сўз-образлар орқали поэтикалаштиришнинг тенденция сифатида кўриниши ҳам фикримизнинг исботидир. Айниқса, «қизил» сўзи бу давр лирик қаҳрамонининг тилида қайта-қайта жаранглайди:

СССР — шонли бир қизил денгиз...  
Уфқда бир қизил қуёш күлди...

«Қизил денгиз»

Қизил Масков — инқилобнинг каъбаси...  
Шу қизил ўлкани мангу сақлармиз...

«Октябр ўлкасига»

Сен тонгда, қизил тонгда шафақсан.

«Шу куннинг қизига»

Қизил рубоб тиллари  
Дилга нашъа кўндирди.

«М. Горькийни ўқиркан»

Кел, муаррих, кел, эй қизил шоир...

«Кел»

Ғижиллар кичик эшик,  
Чиқар қизил кашшоф қиз...  
Букун байроқлар яна  
Қизил карвон кутади.

«Ўзбекистон»

Эҳтимол келажак — шонли тарихнинг  
Қизил қанотини кўра олмасмиз.

«Икки томчи қон»

Эй дунёнинг белларига қизил боғлаган...  
Русияга қизил байроқ ҳов осганингдай.

«Мудоффа кунларида»

Йўлда катта довон бор ҳали,  
Қизил соҳилларни  
Маҳкам тутайлик.

«Бахтлар водийси» ва ҳ. к. з.

Шоирнинг дастлабки шеърлари матнида бу каби сўзларнинг ғоят кўп учраши лирик қаҳрамон орзу ва интилишларини аниқ ифодалаб турибди.

Иброҳим Ғафуров ўзининг «Мунис ҳол ва шарпа» номли мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 18 май) таъкидлаганидек, «1934 йилгача Ҳамид Олимжонда янги турмушдан олинган ранг-баранг таассуротлар ёшлиқнинг романтик эҳтиросларига қўшилиб кетади. У шўро ўқув даргоҳларида миясига синдирилган ғояларга шеър либоси кийдиради». Чиндан ҳам шоирнинг 30-йилларнинг ўрталаригача ёзилган шеърларида қалбдан кўра бўғиз кўпроқ иштирок эта-

ди, нозик инсоний ҳис-кечинмалардан кўра синфий кураш ғояси билан заҳарланган бакириқ-чакириқлар салмоқлироқ ўринни эгаллайди. Ҳамид Олимжон ва унга сафдош шоирлар ижодиди бу даврда Шарқ шеърлатига хос нафосат ўринни кўполлик, лирик оҳангдорлик ўринни қофияланган сиёсий дағдаға олади. Электрфикация... Индустриализация... Коллективлаштириш... Қулоқларни синф сифатида тугатиш... Улкан сиёсат ана шу тадбирлар билан банд бўлган бир даврда суяги қотмаган ёш пролетар шоирлари «замонасозлик» деган юқумли дардга тез чалиндилар. Ҳамид Олимжон ҳам бундан мустасно эмас.

Ягона сиёсат ҳукмронлиги шароитида эркин фикрловчиларга эмас, ижрочиларга, сўзсиз итоат этувчиларга эҳтиёж туғилади. Бу сиёсатга шоирлар эмас, маддоҳлар кўпроқ керак эди. Ҳамид Олимжонлар авлоди ана шу сиёсатнинг қурбони бўлди...

\* \* \*

20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошида мамлакатда социализмнинг ленинча концепцияларидан чекиниш ҳоллари тобора кўпроқ намоён бўла бошлади. Социализм мустаҳкамлана боргани сари синфий курашнинг кучайиши, ички душманларнинг бош кўтариши ҳақидаги қараш ана шундай чекинишларнинг бири бўлди. Бу шахсга сиғиниш ва ялпи қатагонга ўтишнинг дастлабки босқини эди. Уша давр адабиёти, жумладан, бу адабиётнинг навқирон вакили Ҳамид Олимжон лирикасида ҳам «душман излаш», «зараркунандаларни фош этиш» кайфиятини ифодаловчи шеърлар пайдо бўлди. «Улка сафарбар», «Мудофаа кунларида», «Биз энгдик», «Кадр», «Улим ёвга», «Сергак» шеърлари ана шу руҳда ёзилгандир.

Мана, «Кадр» шеърдан олинган бир парча:

**Кеча сотқин профессор,**

**Дорилфунун минбаридан лекция қилган,  
Синфларга тўлиб юзлаб, минглаб студент,  
Зўр қўшиндай ўсаётган минглаган кадр,  
Диққатини миҳдай қоқиб тинглаган шун!**  
**Кеча душман Наркомпрос бўлмаларида,  
Хонин, сотқин юмушларга сигналлар урган  
Қизил стол тепасида кўлни кўтариб,  
Қора тилак меҳробиди фотиҳа қурган.  
Қурилажак зарур, янги гигант заводнинг  
Фундаментин содда, чирик, бўш қилиб қўйган.  
Кеча унда социал ўлка қальасининг  
кўмир қониди**

**Олчоқ техник,  
оқ инженер**

**Машиналар, моторларни бузиб ташлаган.  
Кеча бизнинг мактабларда бир тўда душман,  
Тоза, ўсгич новдаларни буза бошлаган.**

Дейarli, ҳамма соҳаларда «илдиз отган» душманларни тезроқ топиб, «фош этиш» планини бажариш, 30-йиллардаги социал-иктисодий тангликнинг асосий айбдорлари қилиб кўрсатиш учун «душман» образини яратишда бадий сўз санъати катта имкониятлар берарди. Бу зарарли ғоянинг муаллифлари бунини яхши тушунардилар. Бу руҳдаги асарлар қўллаб-қувватлангани шубҳасиздир. Биз Ҳамид Олимжон лирикасининг қахрамони ҳақида гапирганда, унинг кифасидаги даврнинг бу машъум изини ҳам аниқ кўришимиз шарт.

Сарвар Азимов Ҳамид Олимжоннинг 1951 йилда нашр этилган танланган асарларига ёзган сўзбошида шундай деб қайд этади: «Ҳ. Олимжон сталинча биринчи беш йиллик томонидан кун тартибига қўйилган барча муҳим масалаларга ўз овозини қўшган. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун унинг «Улим ёвга» тўпламига кирган «Улим ёвга», «Биз энгдик», «Тайёр трактор», «Улка сафарбар», «Кадр», «Мудофаа кунларида», «Сергак» каби шеърларини эслатишнинг ўзидек кифоя». Аммо кизиги шундаки, 1957—1960 йилларда С. Азимовнинг ўзи таҳрир қилиб (!) чиқарган Ҳамид Олимжоннинг 3 томлик танланган асарларидан «Улим ёвга», «Сергак» шеърлари ўрин олмай қолади. Бу шеърларни ўзбек ўқувчиси

ўшандан буён ўқиган эмас. 1970-1972 йилларда нашр этилган 5 томликда ҳам, яқинда нашр этилган 10 томлик «Мукаммал асарлар тўплами»да ҳам бу шеърлар учрамайди. Ҳолбуки, сўнги 10 томлик нашр ижодкор меросини тўла қамраб олиши шарт эди.

Ҳўш, бу асарлар нега чоп этилмапти? Чунки уларда 30-йилларнинг Ягона давлат сиёсати ўз изини қолдирганди, 50-йилларнинг иккинчи ярмидаги сиёсат эса у билан сиғиша олмади. Бу асарларда халқ душмани сифатида қатагон қилинган, кейинчалик оқланган баъзи маданият вакилларининг исму шарифлари учрайди, ГПУ кўкларга кўтариб макталади:

**Бир тарих чиқариб мағрур бир овоз,**

**Сўзлайди хужжатлар тиллари билан:**

**«Ботулар, Олтойлар,**

**Бўлароқ бир тан,**

**Шўрога қарши бир ташкилот тузган...»**

**Билсинки ҳар душман, ҳар Ромиз, Боту,**

**Товонининг тағидаги пойдевор қулаб,**

**Синфликдан битаётган ҳар ваҳший тикан**

**Диктатура душманининг энг раҳимсиз қотили.**

**Уч ҳарфа ҳар душманга титроқ берган**

**Г. П. У!!!**

**Ҳокимият қиличини қилларидан олган бу!**

**— Улим ёвга!**

**Бу — синфинг, Партиянинг,**

**Бу — тарихнинг йўли бу!**

\* \* \*

30-йилларнинг ўрталарига келиб Ҳамид Олимжон лирикасида муаяян ўзгаришлар юз кўрсата бошлайди. И. Ғафуров юқориде эслатилган мақоласида бунини тўғри қайд этади, шоирнинг «яланғоч сиёсий декларациялар билан хўшлашганини» айтади. Аммо Ҳамид Олимжон Ягона давлат сиёсатига садоқат билан хизмат қилишдан воз кечолмади. Демакки, унинг бу давр ижодидидаги ўзгаришлар, асосан, асарларининг шаклига тааллуқлидир. Унинг шеърларида табиий бир қуйма оҳангдорлик пайдо бўлди, халқ оғзаки ижодининг таъсири тобора кучлироқ тарзда кўрина борди... Аммо, барибир, шоир ўзини жисман тутқун бўлган муҳитдан руҳан узилиб кетолмади.

Фақат адабиётнинг абадий мавзулари — муҳаббат ва табиат гўзаллигига бағишланган «соф» шеърларидагина унинг истеъдоди уфқлари бутун улғуворлиги билан очилади. Шоир бундай шеърларида эркин нафас олаётгани, туйғуларини ҳеч бир ийманмай, ўткинчи бўёқлар-ла бўймай тўкиб ташлаётгани, ўзини эркин сезаётгани, толиқтирувчи, сиёсатлашган назмдан сал узоқлашиб тин олаётгани билинади. Афсус, бундай шеърлар сермахсул ижодкор асарлари орасида айтарли кўп эмас...

30-йилларнинг ўрталарида Сталин томонидан мамлакатда ўрнатилган улкан қатагон машинани яна ҳаракатга келди. Бу машинанинг ўткир тиглари энг аввал эркин, ҳур фикрловчи бошлар устида ялтиради. Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам етук давлат арбоблари, талантли маданият, санъат ва фан намояндалари бу машинанинг қурбонлари бўлдилар. Давр шундай эдики, эътиборсиз айтилган бир оғиз сўз, эътиборсиз ташланган битта қадам одам тақдирини ҳал этиши мумкин эди. Шундай муҳит юзага келдики, одам биров тугул ўзига ҳам ишонмай қўйди. А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У. Носир сингари адабиётимизнинг йирик намояндалари тақдирини ҳаммининг дилига ваҳм солди. Қора Ботулар Ҳамид Олимжонини ҳам четлаб ўтмади. 1937 йил 2 ноябрда Уйғун, Ойдин, Шоқир Сулаймонлар билан биргалликда Ҳамид Олимжон ҳам бўҳтонга учраб, Езувчилар уюшмасидан чиқарилади.

Ана шундай ялпи ишонсизлик, демакки, ялпи бахтсизлик, фожиа шароитида Ҳамид Олимжоннинг лирик қахрамони ўта қайсарлик билан қайта-қайта бахт ва шодлик ҳақида куйлайди: «Толем шулким», «Улка», «Урн гуллаганда», «Дарё тиник, осмон беғубор», «Бахтимиз тарихига», «Розимасман бир ёш томса кўзимдан», «Бахт тўғрисида», «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» ва ҳ. к. з. Бу шеърларда, адабиётшунослигимиз тўғри қайд этганидек, бахт фалсафаси бадий талқин этилган. Шу билан бирга улардаги «Йўлдан озганларга ҳеч бир бўлмадим мен қайғудош», «Билсинларким, йўлдо-

шим бўлмас, Кўзда ёши билан кулганлар», «Айбим йўқдир, гул водийларда Бадбинларни хушлай олмасам», «Мен билан, душманим кимлар, Сергак бўлиб боқдим йўлимга» каби мисраларда кимлар назарда тутилаётганини ҳис этиш ҳам мушкул эмас.

Қисқаси, давр ва қаҳрамон муносабатлари фониди олиб қаралганда, Ҳамид Олимжоннинг бу давр лирикасидаги бахт ва шодлик мавзудидаги шеърлари сал ғамгинроқ таассурот қолдиради. Масаланинг бу киррасини ёритиш эса Ҳамид Олимжон ижодини тўғри тушунишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ялли бахтсизлик шароитида ҳадеб бахтини, шодлигини пеш қилавериш бахтсизлигини бир кўриниши, ўзига хос қалқон эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Урта мактабдаёқ ўзбек ўқувчиси қулоғига Ҳамид Олимжоннинг «Мен бир қора тунда туғилдим, Туғилдим шу он бўғилдим» мисралари қуйилади. Аммо синчков ўқувчи бундай мисралаи шеърни Ҳамид Олимжоннинг сўнгги йиллардаги тўпламларидан, ҳатто мукаммал асарлар тўпламидан ҳам тополмай ҳайрон бўлиши табиий. Нега бундай? Ахир, бу парчадан Ягона давлат сиёсатининг ҳиди шундоққина уфуриб турибди-ку! Яъни унда қора ўтмиш манзараси «ажойиб» тарзда чизилган-ку, ахир! Шу орқали бугунги бахтиёр кун, эртанги фаровон келажак улуғланади-ку, ахир! Унда нега бу шеър шоир тўпламларида учрамайди? Гап шундаки, бу мисралар шоирнинг 1937 йилда И. В. Сталинга бағишлаб ёзган «Башар қуёшига» балладасидан олинган. Бу асар ҳақида С. Азимов юқорида эслатилган мақоласида шундай дейди: «Ҳамид Олимжон 1937 йилда ўзбек санъати ўнқуллиги иштирокчилари билан Москвага боради. Декада иштирокчиларини шу йилнинг 31 майида Кремлда ҳукумат аъзолари қабул қилади. Шахсан ўртоқ В. М. Молотовнинг ўзи, бошқалар қаторида, Ҳамид Олимжонга ҳам ҳукумат мукофотини топширади. У Кремлдан қайтган, ўзининг «Башар қуёшига» номли машҳур асарини яратади».

Аммо негадир кейинчалик шоир асарлари таҳрир этилиб, тўпламлари нашр этилаётганда ана шу «машҳур асар»ни тўпламга киритиш «унутилади».

**Мен бир қора тунда туғилдим,  
Туғилдим шу он бўғилдим.  
Мен туғилиб кўз очган дунё  
Хароб эди, бузғун, бенаво;  
Вайронда нзилларди ел,  
Меига қондош, жондош бўлган эл,  
Гадо эди, қашшоқ эди, хор,  
Қалби тўла нафрат, алам, зор...—**

мисралари билан бошланувчи бу балладада

**Инсонликка бўлиб бир қуёш,  
Суюклимиз, сен кўтардинг бош!  
Асрларча инграган жаҳон,  
Ахир келиб сенда топди жон.  
Гадоларга сен бердинг ҳаёт,  
Номсизларга ўзинг қўйдинг от...  
Сен тарихнинг томирида қон,  
Сен оламнинг танидаги жон,  
Толемиз, истиқболимиз,  
Жон қушимиз ва ололимиз,  
Суюклимиз, бўл доим омон,—**

каби мисралар ҳам борки, уларни бугунги ўқувчи эшитса, Ҳамид Олимжоннинг биз кўрмоқчи бўлган, одамларга кўрсатмоқчи бўлган қиёфасига дарз кетиши мумкин, деб ўйлаган бўлишса керак. Худди шундай истиҳоло 1937 йилда ёзилган «Сосо» балладасини кейинчалик «Она» деб номлашга олиб келган. Ундаги Сталинга нисбат берилган «Жаҳондан жаҳонлар туғдирар бир кун», «Сосо узокларга олиб кетди бош, Сосо бахт бергувчи, Сосодир қуёш» мисралари буткул олиб ташланганини, «Жаҳон бахти бўлган шу буюк одам» мисраси «Бахт учун курашган шу буюк одам» қабилида таҳрир этилганини изоҳлаб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди.

Бугина эмас. 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун адабиётимизда бўлгани сингари Ҳамид Олимжон ижодида ҳам барча ўзгаришларни Сталин номи билан боғлаб, уни

кўкларга кўтариб мақташ кўзга ташланади. Мавзу қандайлигидан қатъи назар шеърда Сталиннинг номи зикр этилмоғи шарт. Давр шуни талаб этарди, давр ҳақиқати шундай эди. Аммо Ҳамид Олимжоннинг 1957—1960 йилларда нашр этилган уч томлигидан бошлаб «Сталин» сўзи бир юмалаб «Ленин», «партия», «ишчилар», «халқ», «Москва» сўзлари билан алмашади, ҳатто «Мукаммал асарлар тўплами»да берилган изоҳларда шеър матни 30—40-йиллардаги, Ҳамид Олимжон тириклигида чиққан тўпламлар асосида тайёрлангани айtilади-ю, аслида унга таҳрирдан чиққан 1957—1960 йиллар наши асос бўлиб хизмат қилади. «Кремль чироғи қаршисида» шеърдаги (1951 йил) «Улуғ Сталиннинг кўзидаги нур» сатри 1979 йилда «Улуғ пойтахтимнинг кўзидаги нур», деб ўзгартирилади. «Қозоғистон» шеърдаги «Олатовнинг бошида порлар Сталиннинг бахт қуёши» мисралари 1979 йилда «Олатовнинг бошида порлар Давримизнинг бахт қуёшига айланади. 1957 йилги нашрда бу шеърнинг сўнгги банди умуман тушириб қолдирилган. 1979 йилга келиб эса у баъзи тузатишлар билан берилади, яъни «Йиллар турсин, йилларча турсин Бошимизда Сталин омон» мисрасидаги «Сталин» сўзи «партия»га ўз ўрнини бўшатиб беради.

Бу жиҳатдан «Чирчиқ бўйларида» шеърдаги «Кўшиқ одамларни Ленинга элтган, Кўшиқ Сталинни ахтарган йиллар» мисралари анча бахтли чиқиб қолишди. Қандайдир сабаблар билан у 1957, 1970 йилги нашрларда беаёв таҳрирдан омон қолди. Аммо 1979 йилги нашрга келиб бу «қулоқсиз» мисраларнинг ҳам таноби тортилганини кўраимиз:

**Кўшиқ одамларни Ленинга элтган,  
Кўшиқ дохийимизни ахтарган йиллар.**

«Икки қизнинг ҳикояси» номли поэма тақдири эса янада аянчли. Унда Чирчиқ бўйига чиққан икки қиз бир-бирига дарё ҳаётдан ҳикоя айтиб беради. Биринчи қиз дарёни бўғишга жазм этган афсонавий йигит ҳақида гапирса, иккинчи қиз одамлар ҳаёти гўзал бўлсин учун барчани дарёга банд солишга йўллаган Сталин ҳақида ҳикоя қилади. Таҳрирдан сўнг Сталин ўрнини... Ленин эгаллайди. Ва шундай фаройиб ҳолат юзага келадики, гўё Чирчиққа банд солинган 30-йилларда В. И. Ленин ҳали тирiku бутун ишларга бош-қош бўлиб турган экан.

Энг оддий ахлоқ талабига кўра ҳам ижодкорнинг асаридан унинг руҳсатисиз бирор сўзини ўзгартиришга ҳеч кимнинг, у ким бўлишидан қатъи назар, ҳаққи йўқ. Бунга уринишларни Ҳамид Олимжоннинг ўзи ҳам, С. Азимов ҳам кескин қоралашган. С. Азимовнинг «Ҳамид Олимжон» номли монографияси (Тошкент, «Фан», 1955)дан олинган куйидаги парча ҳам буни исботлайди: «Шарқ» шеъри биринчи марта «Маориф ва ўқитувчи» (1928 йил, № 12) журналида босилди, босилганда ҳам «Катта ўзгартишлар» (!) билан. Хўш, бу «Катта ўзгартишлар» нимадан иборат? Булар шундан иборатки, биринчидан, журнал редакциясига ва чет эл империалистларининг кўпаги бўлган редакторга шеърнинг сарлавҳаси «ёқмайди». Улар шеърни икки қисмга ажратиш, унга «Эски Шарқ» ва «Янги Шарқ» деган сарлавҳачаларни «қўшишни» лозим топадилар ва «осонгина» шеърнинг Улуғ Октябр социалистик революциясига қадарги «мискин, ҳазин» манзарани тасвирлаган мисраларини... Совет Шарқи қисмига «кўчирадилар». Бунинг устига, шеърнинг Совет Шарқига доир мисралар орасига «Пок қўйингда (Шарқнинг — С. А.) ҳар шайтон кезади» каби контрреволюцион сатрларни ҳам ўзларидан «қўшиб» қўядилар. Шундан кейингина, қабиҳ найранглр билан шеърнинг жанговор ғоявий мазмунини пачоқлаб бўлганларидан сўнггина уни эълон қилдилар». С. Азимов бундай ўзгартиришларга Ҳамид Олимжоннинг ўзи ҳам қарши курашганлигини айтади. Аммо, афсуски, ана шу сабоқ ҳам Ҳамид Олимжон ижодини ўзгарувчан замонага мослаб қайта таҳрир этишдан сақлаб қололмади.

Сўнгги йилларда «қайта қуриш» деган «янги давр» бошлангани билан, шу пайтгача ўтган ҳамма «янги даврларда бўлгани каби, кўп маънавий бойликларимизни, жумладан, Ҳамид Олимжон ижодини ҳам замонага ҳамнафас қилиб қайта

таҳлил этиш бошланди. Агар бундай таҳлил адабий фактларнинг ҳолисона талқини орқали кечса, бир нави; агар бундай ҳолислик етишмас-ю, унинг ўрнини бизнинг орзу-истакларимиз эгалласа, Ҳақиқатга етиш йўли янада чигаллашади, ҳолос.

Ҳамид Олимжон ижодини янгича талқин этишга уринишни адабиётшунос Ҳ. Абсамиевнинг «Кўзида ёш билан бахтни куйлаган» номли мақоласида кўришимиз мумкин («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 19 октябр). Унда шоир ижодидаги қатор хусусиятларнинг давр мураккабликлари билан изоҳланиши тўғри қайд этилган. Бироқ мақолада «Хайрлашув» шеърига мурожаат этилиб, шундай қатъий ҳулоса чиқариладики, унга қўшилиш кийин: «Унинг 1934 йили ёзган «Хайрлашув» шеърисида фақат севган ёри билан хайрлашиш эмас, балки ўтган даври ва ижоди билан видолашаётганига ҳам ишора бор».

«Хайрлашув» шеърини яна бир бор қўлга оламиз.

**Узинг сўйла, шу қора кўзлар  
Унутарми шу учрашишни!  
Шунча ўсиб ништар киприклар  
Кўрганмикини шу гўзал тушини!**

Ана шундай ҳамидона — латиф сўроқлар билан бошланувчи шеър маъшуқа қаршисидаги ошиқ ички оламининг — умид ва умидсизлик, ҳайрат ва шубҳа, қатъият ва иккинчилишларга тўла дунёнинг ўзига хос таржимониغا айланган. Унда чин дилдан сева туриб айрилишнинг гўзал сурати чизилган. Агар биз бу айрилиш тасвирини механик тарзда шоирнинг «ўтган даври ва ижоди»га нисбат бергудек бўлсак, бир қатор ҳақли саволлар туғилади: хўш, шоир улар билан нега хайрлашмоқда? Ахир, у шунгача Ягона давлат сиёсатининг оташин тарғиботчиси бўлиб келди-ку! Бундан сўнг ҳам шундай бўлиб қолмоқчи-ку!.. Агар чиндан ҳам «ўтган даври ва ижоди» билан видолашган бўлса, унда Катта сиёсатга дастёрлик қилган кейинги шеърларини қандай изоҳлаш керак?..

Худди шунингдек, Ҳамид Олимжон 30-йилларда атрофида бўлаётган шаклан улугвор, моҳиятан тубан ишларни тўла англаб олди, улардан норозилигини тўғридан-тўғри эмас, балки рамз ва символик ифода усуллари ёрдамида, қора ўтмишнинг аччиқ ҳаёт лавҳаларини чизиш орқали акс эттирди, деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Шоир ижодидан сал-пал хабардор зийрак ўқувчи бу ҳулоса заминиди ҳам замонасозлик илминчи ястаниб ётганини илғаши кийин эмас.

Ҳамид Олимжон шеърларида ўтмиш лавҳалари ҳамидона бугуннинг афзаллигини, мавжуд тузум «жаҳонда энг илғор, энг демократик, энг ҳаётий тузум эканлигини» (Ўзбек совет адабиёти», 10-синфлар учун дарслик, 12-бет. Курсив бизники — И. Ҳ.) бўрттириб тасвирлашга хизмат қилган. Қолаверса, бу Ҳамид Олимжонга сафдош ижодкорлар энг кўп қўллаган, суйган адабий усуллардан саналади. Оқ ранг ёнига қора ранг қўйилса, биринчисининг оқлиги, иккинчисининг қоралиги бўртиб кўзга ташланади. Ҳамид Олимжон ўз шеърларида ўтмишга мурожаат этаркан, ана шу жўн мантиқдан келиб чиқади. Фарғонанинг янги тузум шарофати билан гуллаб-яшнаганини таъкидлар экан, бир пас водий ўтмишига мурожаат қилади:

**Эй, Фарғона!  
Эй, бўйинига  
қора тўрва  
осган жонлардан,  
Эй, ҳар кўни  
Гадейликка  
тортган онлардан,  
Эй, танларни  
шилб ётган  
ҳаром қонлардан  
Бир йўласи озод бўлган азамат ўлка!**

Еки «пахта планини тўлатиш тўйларига» бағишлаб ёзилган «Маҳорат» шеърисида доҳий Сталин ва «Политотдел номли карвонбошилар» етакчилигида озод ва олий меҳнат нашидасини суратган «қиличдай йигитлар, лочиндай қизлар» мадҳ этилади, кўкларга кўтариб мақталади. Аммо шоирга бу камдек туюлади ва у сигналга усулга — кечаги кунни бугунга муқофаси қилишга ўтади ҳамда шундай манзарани чизади:

**Бизнинг бобо,  
Бизнинг уруғ,  
Қавм-қариндош,  
Бизнинг авлодимиз янчилиб ўтган.  
Уларнинг бошлари чумчуқ бошидай  
Шартта узилганда  
сўрмаган ҳеч ким:  
Муштумзўр оёғи остида  
Улар — қул,  
Кафангадо,  
ўлимга маҳкум.  
Уларни латтадай,  
Поладай,  
Молдай  
Қўлдан-қўлга сотганлар бирдай.  
Биз мажбур бўлганмиз  
очлик,  
ўлимга!**

Ўз ҳаммаслак сафдошларидан фарқли ўлароқ шоир бу шеърисида халқнинг икки томонлама зулм остида эзилиб келётганлигини ҳам уқтиради. «Ҳосил-чи? Шилиниб олинган биздан Икки қат зулмининг қамчиси билан... Жазо отрядининг товонларидан Бизнинг пешонанинг қонлари томган» каби мисралар шундан далолат беради.

Тамом. Ҳамид Олимжоннинг ўтмиш манзараларини беришдан мақсади шу нуқтада тўхтади. Бу ва бошқа шеърларида шоир нарига ўтишни — ўтмиш ва бугун ўртасида тенглик аломати қўйишни, биз ҳар қанча истамайлик, ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ва ўтмишнинг қисқа, эпизодик тасвирларидан сўнг шоша-пиша «бахтли замона» мадҳига ўтиб, ўтган кунларни лаънатлайди. Жумладан, «Маҳорат» шеърисида юқоридаги тасвирдан сўнг қуйидаги мисралар келади: «Фақирлик, Қашшоқлик, Муҳтожлик, Хорлик, Бу сифат энг улуғ сафар йўлида Емрилиш йўлини кечган карвонга Ортик мансуб эмас! Бу ўтилган из! Бу орқада қолган бир манзил!»

Ҳа, Ҳамид Олимжон ўтмиш манзараларидан фақат бугуннинг афзаллигини ифодалаш учунгина фойдаланган. Уни бошқача талқин этиш эса ҳақиқатга зиддир. Бундай талқин Ҳамид Олимжон асарларини ўткнчи давр талабларидан келиб чиқиб, яна бир бор таҳрир этишга, яъни унинг асарларидаги ўтмиш қораланган қисмларнигина нашр этишга олиб келмасайди. Ким нима деса, десин, аммо биз бундай қилишга қодирмиз. Бундай таҳрирларга кўникканмиз ҳам, уни одатий ҳолдай қабул қиламиз. Ҳатто адабий танқид бундай таҳрирга руҳлантиргандек ҳам бўлади. Жумладан, О. Шарафидиновдай таниқли адабиётшунос ҳам Ҳамид Олимжоннинг илмий мақоалари ҳақида фикр юритиб шундай деган эди: «Тўғри, бу мақоаларда ўша даврнинг адабий ҳодисалари, айрим ёзувчилар ёхуд баъзи бир асарлар керагидан ортик даражада кескин, баъзан эса, бир томонлама баҳоланган. Эҳтимол, ўша бир томонламаликларни тузатиш жонздор» (О. Шарафидинов. Ҳаёт билан ҳамнафас. Тошкент, 1983, 24-бет).

Ҳамид Олимжоннинг лирик қаҳрамони ҳақидаги фикрларимизга қайтадиган бўлсак, у шеъримизда кўрйна бошлагандан ҳукмрон сиёсатга қаттиқ ишонди ва унга беминнат хизмат қилди. Унда танланган йўлнинг тўғрилигига ҳеч бир шубҳа бўлган эмас. Ҳатто ички бир ҳадик, ваҳима кўринганда ҳам («Ҳол» шеърисида бўлгани каби) лирик қаҳрамон уни ўзидан тез узоқлаштиради ва ялли бахтсизлик нола-ларини бахтиёрлик қўшиқлари билан кўмиб ташламоқчи бўлади. Буни кўра-била туриб тан олмаслик Ҳамид Олимжон лирикасининг моҳиятини бузишдир. Агар шундай йўл тутилса, шоирнинг қаҳрамони замон эврилишларига қараб қиёфасини ўзгартиришга уринган субутсиз кишига айланиб қолади.

Бу фикрларни билдиришдан мақсад Ҳамид Олимжоннинг адабиётимиз, халқимиз олдидаги хизматларини йўққа чиқариш эмас, балки унга бўлган нотўғри муносабатимизни тузатишга ундашдир. Зеро, биз адабиётимиз тарихини бу ёрқин истеъдод соҳибисиз тасаввур этолмаймиз. Унинг бахшиёна дostonлари ҳали минг-минглаб мурғак онглр эшигини

кенг дунё томон очади; ҳали минг-минглаб ошиқлар ўз дил изҳорларини унинг серҳарорат мисралари орқали ифода-лашади; ҳали минг-минглаб дилларга Ватан муҳаббати, Замин ҳарорати унинг ёниқ, жанговар шеърлари орқали кўчади.

Аммо бу ҳеч кимга унинг асарларини истаганча таҳрир этиб, зўрма-зўраки талқин қилиш ҳуқуқини бермайди. Ҳамид Олимжондай шоир бизнинг таҳрирларимизга, ёлгон-яшиқ талқинларимизга муҳтож эмас. У ўз даврининг фарзанди эди, бутун фазилати, қусурлари билан ўз даврининг шоири бўлиб қолиши керак. «Жануб кечасида», «Ҳаёлимда бўлдинг узун кун», «Кеча. Саҳро», «Ҳолбуки, тун», «Соғинганда», «Бутун олам бир оппоқ сийна», «На бўлғай бир нафас мен ҳам...» каби замонасозликдан йироқ ўнлаб асарларининг ҳар бири унга адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олиб беради. Бизнинг у ёки бу шеър Ҳамид Олимжон ҳақидаги қарашларни ўзгартириб юборади, деган ўйда уларни таҳрир қи-

лишимиз, ҳатто баъзан яшириб қўйишимиз, замона тўнини кийгизишга уринишимиз ортиқча. Уқувчини ёлгонлар кўмагида эзгуликка йўллаб бўлмайди. Ҳақиқат эса ўжар бўлади, уни замона йўриғи-ю, битта-иккита одамнинг орзу-истакларига мослаб турламаслик, тусламаслик керак. Шундан келиб чиққан ҳолда кейинги нашрларда Ҳамид Олимжон асарларининг асл матнини тўла тиклаш зарур. Шундан сўнггина унинг асарларининг янги талқини ҳақида гап бўлиши мумкин...

Аристотелдан қолган шундай ҳикматли бир гап бор: «Афлотун — менинг қимматли дўстим, лекин ҳақиқат ундан қимматлироқдир». Дунёнинг ўзи каби қадимий ана шу ҳақиқатни қанча тезроқ англаб, унга амал қилсак, ўз виждонимиз олдида ҳам, келажак китобхонлар қаршисида ҳам юзимиз ёруғ бўлади. Бу бизнинг ёш — баҳор умрида ҳазон бўлган Ҳамид Олимжоннинг порлоқ хотираси олдидаги энг катта қарзимиздир.

## Тил сандиғи



Фарғона вилоятидаги Рапқон қишлоқ шеваси:

**Алак** — бўзматонинг тури

**Банна** — келинга қилинадиган сарполар

**Гунгура** — қийшиқ (чорсу) четларидаги махсус эгрин гул тури (ипак билан ишланади)

**Дулта** — 1. ювш. 2. думалоқ. 3. калта

**Йик** — ип ўраладиган махсус асбоб

**Какра** — ўт тури, сапсар гулли бўлади, безгакни даволаш учун ишлатилади.

**Ковармоғор** — тепаликларда ўсадиган ёввойи ўсимлик

**Лавис** — қанд тури, қандолатчилар қиёмга ун қўшиб тайёрлайдилар, юмшоқ бўлади

**Миянжи** — келинни ЗАГСга олиб борилганда бериладиган совға

**Сиқма** — 1) вазелин тури; 2) хамир овқат тури

**Чипта** — 1. билет. 2. қоп тури, жундан тўқилади

**Чучимия** — ўсимлик тури

**Қалами** — материал (бўз тури)

**Қеғға** — қамиш тури, қовунни боғлаб осиб қўйишда ишлатилади.

**Ермат Тожиев,**

**ТошДД доценти**

**Напращ** — кийимлар солиб қўйиладиган ёғоч сандиқ

**Ойнахолта** — деворга осиладиган сўзананинг бир тури

**Ситра** — рўмолчанинг чиройли чиқиши учун четиға тақиб қўйиладиган тақинчоқ

**Одарғи** — гиламни яхши тўқиш учун ишлатиладиган асбоб

**Ҳаллажи** — пахтанинг чигитини ажратиб олишда ишлатиладиган қурилма

**Қирқлиқ** — қўйларнинг юнгини қирқадаган асбоб

**Қиршов** — қапаёғочларнинг бошини бириктириб турадиган ип

**Булул** — тоғдан оқиб келаётган сувларнинг жилғалар ҳосил қилиши

**Тулуб** — қўйнинг қоринидан қилиниб, ичига гўшт ва бошқа нарсалар солиб қўйиладиган идиш

**Канак** — тандирга ўт ёқилганда тез ёнишга ёрдам берадиган тешик

**Ушлан** — тоғларда ўсадиган ўсимлик бўлиб, ундан ишқор олинади

**Тосмоқ** — қозон ағанаб кетмаслиги учун қўйиладиган, ёғочдан қилинган айлана

**Чипта** — капанинг оғзига тўсиладиган, қамишдан қилинган ёпқич

**Чий** — қамишдан қилиниб, капанинг атрофига ўраладиган панжара

**Қуёнтовуқ** — ўсимлик тури

**Чумалай** — адирда ўсадиган ўсимлик

**Кўчмак** — болалар ўйини, чуқурча қилиб, тош билан ўйналади

**Гунди** — қорамолларни боқиш учун хамирдан қилинган озуқа.

**Жўлли Мирзаев,**

**Сурхондарё вилояти, Олтинсой ноҳияси, Корсаган қишлоғи**

Сурхондарё вилояти Ангор ноҳиясидаги Қорасув қишлоғида яшовчи пошхўрти, зарбоғи, вандоби, хатаки уруғларининг шеваларига хос айрим сўзлар:

**Бугмаки** — шамоллаш касаллигини даволашда қўлланадиган тоғ гиёҳи

**Гудус** — бахил, зиқна одам

**Санжап** — сийрак

**Тиржиқ** — инжиқ киши

**Тебал** — пешонасида қашқаси (оқ) бор қўй

**Тапчан** — ёғочдан ясалган катта каравот

**Тиктак** — товони баланд туфли

**Пори** — гўнг (маҳаллий ўғит)

**Чалма** — мол тезагининг бир жойда босилиб қолгани

**Фанак** — пилла қурти чиқиндиси

**Ширдон** — сомон аралаштирилган лой.

**Тўпловчи: Нарзуллажон Улуғов**

Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳиясидаги Наймансарой қишлоғи шевасида учрайдиган айрим сўзлар:

**Жеғда** — астарсиз устки кийим. «Кунлар исиб қолди, чопон ўрнига жеғда кийсак ҳам бўлади».

**Каллак** — қоп. «Энди каллак билан ун олиш йўқ, беш килодан берамиз».

**Капач** — момолар киядиган бош кийим. «Бошимдаги капачимни ҳам бера қолай, ювиб берсин».

**Кашшиқ** — сомон ташийдиган махсус қоп. «Яна икки кашшиқ сомон олиб келсам, сомонхона тўларди».

**Жинжак** — янтоқнинг бир тури. «Қишга озроқ жинжак ўриш керак, эчкилар еб ётади».

**Качал** — оёқлари бир-биринга ишқаланиб юрадиган одам ёки ҳайвон. «Нима качалмисан, оёқларингни тўғри боссангчи».

**Кўмиртка** — тиниб-тинчимайдиган, куюнчак одам. «У кўмиртка — на ёзда тинади, на қишда».

**Чалағай** — эси паст. «У чалағайга гапирма, барибир фойдаси йўқ».

**Ғинди** — пакана. «У ғинди чиранмаса бўларди, барибир, бўйи етмайди».

**Абдурахмат Норқобиллов,**  
**ТошДД талабаси**



Хуршид Дўстмуҳаммад

## Сўрок



14

Одамзоднинг лойи қаноатсизлик тупроғидан қорилган... \*Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло зуваламизни маромига етказиб пишитиб улгурмай тоқатсизлик қилганмиз — уни шоширганмиз, андақ сабр-қаноатга қақирган яратувчимизнинг қудратига лоақал шукрона айтишни унутиб, «Қолганини ўзим эплайман!», деганмизу парвардигорнинг муборак устахонасини ҳовлиқиб тарк этганмиз. Бу ёруғ дунёнинг жамики заҳматларини ўз қудратимиз, ақлу фаросатимиз ила бартараф этадигандек... Бизнинг имконият хорижимизда заррача малоллигу малолат қолмагандек... Оқилу донишлиқда ҳеч бир кўмакка муҳтожлигимиз йўқдек...

Сув ва тупроғимиз баркамол мурувват мўъжизасидан баҳрамандлигидан, аъзойи баданимиз муборак кўз нурига чўмилганлигидан танимиз соғ, кўзимиз очиқ экан, биз уддасидан чиқолмайдиган бирор мушкулот дунёда йўқдек туюлади. Ана шунда... омаднинг равон кўчасида елиб бораётган оёғимизга нўхотдек тош ботса... енгимиз тирноқча миҳга илинса... ногаҳон зул-

мат оғушида ёлғизлансак ожиз қалбимиз бирор мададкор истаб қолади...

Қиз оила қурганида бир чеккаси англабми-англамай умрлик ҳамроҳ, суянчиқ топганига шукроналар ўқийди, унинг умр йўлдоши — йигит кимнингдир мадад-рағбатида оила қуради... Ҳадемай у нафақат хотинининг, насиб этса жажжи фарзандининг суянчиғига айланади... Турмушнинг машаққатли дамларида эрни кимдир қўлайди, зеро у ҳам кимгадир ишонади — Шабнам Бозорга, Бозор Аминвойга, Аминвой Давлатовга, Давлатов Раҳматовга, Раҳматов аллакимга, аллаким яна аллақайёқдаги аллакимларга ишонгандек ишонади... Бу ишонч меҳр-оқибат кўринишида давом этаверади... «Одам одам билан тирик», «Одам тафтини одам олади» деганларидек... «Бирорта суянчиғинг бўлмаса бу дунёда кун кўролмайсан», дея арзон ҳикматлар тўқилади, сўнг...

Сенинг кифтингга тушадиган турмуш ташвишларию тақдир мушкулотларига елка тутишадиганларинг бисёрлигида ошиғинг олчи — дўппинг яримта... қўлинг чўзган жойингга етадигандек эрка-тантиқ бўлиб юрасан. Яқин-йироқдаги суянчиқларинг боис дунёни-да сув босишидан чўчимайсан гўё!.. Ажойиб кунлар адоқсиздек туюлган кезлар иттифоқо осмондаги ойни тусайди кўнгли — шундай орзуинг ижобатига яна суянчиғинг — ўзи, ўзи бўлмаса унинг суянчиғи, суянчиғининг суянчиғи — ҳамма суянчиқлар бир бўлиб Оймўманинг этагидан ип солиб, оёғинг остига тортиб туширадигандек туюлади гўё!.. Ва новзанбиллоқким, ана шундай яйдоқ хаёллар қанотида оёқ ер искамай юрганда ногаҳон бир арзимас нимадир юз беради... Айтишга-да, ёзишга-да арзимас бу ҳодиса, масалан, ўзга сайёралик бир тоифа жондор Ерга кўниш ҳавосини олиб, сенга рўпара келади — саволларга тутади... Гўдакларга хос сўнгсиз ва бир хил, жўн ва арзимас туюлган саволлар кунбўйи бош қўтармай ароқхўрлик қилгандай ҳолатга солади сени... кунинг шундай саволларга қоладик, уларга ҳеч қандай қудратли суянчиқларинг жавоб беролмайди, балки саволларга фақат ва фақат ўзинг, танҳо ўзинг жавоб беришингга тўғри келади ва ё тавбалар бўлсинким, ё алҳазар... энг оддий саволларга жавобинг йўқлигини ёхуд энг оддий саволлар олдида гангиб қолаётганингни англайсан... кўнглинг беҳузур бўлади, кўз олдинга хира парда тортилади... Ер гўё чоққина курсию баногоҳ биров уни остиндан тортиб олгандай чайқалиб кетасан — еру осмон, тош йўлу йўл ёқасида қорайиб саф тортган тут дарахтлари чаппароста бўлиб, чирпирак бўлиб айланади... қопқонга тушган сичқондек умуртқанг аралаш қовурғаларинг қарсиллаб синида, оғзингдан куюқ қон аралаш жонинг чиқиб кетади... жон таслим қилганингни англаб тақдирга тан бериб улгурмасингдан оёғингда эмас, бошингда турганингни пайқагандек бўласан — мияннга пахта, майдонининг муштдек-муштдек кесаклари ботади, калланг зирқирайди, суяқларинг симиллайди — оёққа турмоққа, ўнглиниб олмоққа чандон уринасан — чангакка айланиб тут танасига чирмашган панжаларингни бўшатишдан қўрқасан, ажал ваҳима-си исканжасида қоласан... ичинг ағдарилиб бўғзингга тиқилади, тиқилаверади... Калланг «поқ» этиб икки паллага ажра дейди, мажолсизликдан, иложсизликдан хасга тармашган жонингни тақдир ихтиёрига топширасан, ана шунда зувалангда комиллик томизғиси борлиги асқотади — сени оёққа қўйиш учун бутун борлиқ чир айланади, «хайрият!» дея дилинг равшан тортади, қаддинги фоз тутишга чиранасан, мувозанат сақлашингда асқотган дарахтни қўйиб юборгинг келади... бандайи ғофилсан-да — еру осмон азбаройи бу шаккокликка тоқат қилломайди — боягидан кўра қаттиқроқ чириллаб айланади — оёғинг қаерда-бошинг қаерда — фарқига

Охири. Бошланиши ўтган сонда.

етмай қоласан... яккаю ёлғиз ишонганинг — суюнган суюнғанинг тут дарахтига ғайришуурий бир ёввойи шиддат-ла ёпишасан — тирноғинг, бармоғинг, кафтинг, қўлу билагинг ачишиб зирқирайди... Ишонган суюнқиқларингнинг бари-барчаси икки чақалик нафи қолмайди, уларни унутасан, одамга — Инсонга эмас, энди жонинг кўзингга кўринган чоқда дарахт эмас, хасу хазонга-да, бир бўлак кесакка-да тармашасан... тавалло қиласан, тавбалар қиласан... Оёғинг остидаги Еру заминни курсидек юлқиб олган кўринмас куч-қудрат пойида топинишга ошиқасан, шошқин жавоблар топишга уринасан, надоматлар бўлсинким, шошганда жавоблар эмас, бир оғиз лаббай топилмайди... Одам атонинг қодуру кабир яратгучимиз устахонасидаги тоқатсизлиги эвазига ҳар бандайи зот ўз азоб-уқубатлари билан шу қабилда товон тўлайди... бу чирпирак оламнинг тиним билмас чархитқитиб ташламаслиги учун тавбангга таянасан... ғойибдан саволлар ёғилиди: кимсан?... раббинг ким? имонинг?... инсофинг? караминг? кароматинг?... Саволлар манглайингга бамисоли гурзидек зарб билан, устма-уст тушади, ҳар сафар ихрайсан, инграйсан, саволларга муносиб жавоблар топишга уринасан, «одам умр бўйи саволларга жавоб тайёрламоғи керак»... «ҳар ким ўзига берилган саволга ёлғиз ўзи жавоб қилғусидир»... «умринг мобайнидаги амалинг — жавобингдир»... Хотирингда жонланган бу ҳикматларга амал излайсан... дарахт — сен жон нисор қилиб турган тут дарахти қаттиқ силқинади... шира боғлаб кирт юмилган қабоқларингни йиртиб очмоқчи, дарахтни тутиб турган, қопқора қонга беланган қўлларингга, дарахтнинг сендан-да мўйсафидроқ, сендан-да донишроқ бужур танасига қарамоқчи бўласан — қараб улгурмайсан — дарахт тупроғу заминдан кўпорилиб чиқа бошлайди!.. Дарахтни шохларидан тутиб-кўтариб кетаётган қудрат эгасини аланглаб кўрмоқ истайсан... уринишларингни элас-элас англаб идрок эта бошлаган замонинг чалажон жасадингни дарахтга ташлайсан... дарахтга канадек ёпишасан... дарахт эса сендан қочади — қўлларингдан сирғалиб чиқиб кета бошлайди!.. Билагинг, тирсақларинг қонга беланади, жон талвасасида тишлаб олгансан чоғи — лабингдан тирқираб қон отилади — сен қонга парво қилмайсан — жаҳаннамга қулаётган одам оёғи шикастланишидан чўчимайди! — дам безабон шилимшиқ қуртдек, дам кўрқоқликдан яралган сичқондек дарахтга тармашасан, дарахт эса чангалингдан, кучоғингдан сирғалиб чиқиб ҳавога кўтарилади, сўнги умид-илинжда унинг илдизига тармашмоқчи бўласан. Шунда... шунда... ақл бовар қилмас ҳолатга дуч келасан — сен ишонган, танҳо ишончинг суюнғанинг — тут илдизсиз эди!.. Шу чоққа доғур илдизсиз дарахтга суюнғанингни, илдизсиз танага ихлос қўйганингни англаб етасан... нафсониятинг, иззат-нафсинг ўртанади... Эмган сунинг хом эканидан, йўқ, ҳеч бир инсон боласи онасининг сўгини пишириб ичмаган! — хом сут эмганингни унутганингдан, ер юзида ўзингни комил ва қодир жондор санаб юрганингдан, қўлларинг истаган юлдузга етгудек кибрланганингдан, вақти етиб арзимас бир кемтиклик олдида хушингни йўқотишинг ҳеч гап эмаслигини — ожиз, нотавон банд эканингни лоақал ўйлаб кўрмаганингдан ададсиз афсуснадоматлар чекасан... Сим-сим қоронғида ёлғиз ташлаб кетишганига фаҳм-фаросатинг етмай катта тош йўл қолиб ўзингни ўйдим-чуқур, паст-баланд пахтазорга урганингдан лолу ҳайрон боравурасан... оёғинг ости қора булутлар қоплаган осмон янглиғ зулматга бурканган — «йилт» этган шуъла кўринмайди, лоақал манглайингни «тақ» этиб урарга арзирли девор тополмайсан... баҳоли қудрат умргузаронлик қилган болалик, ўсмирлик сўқмоқларини кўмсайсан, мушфиқ волиданг, умр йўл-

дошинг бирлан қўлни қўлга бериб борадиган — ҳам уқубатли, ҳам ҳузурбахш фақирона сўқмоққа қайтишни кўмсайсан... Йўқ ердаги таҳликалар гирдобиға фарқ бўлаётганинг — ўзингни шу йўлга гирифтор қилганинг аламидан бошингга муштлайсан... шу пайт зулмат чулған зимистон осмон қаъридан учар баркашнинг ажабтовур, лекин жонга ғулув солувчи гувири эшитилиб қолишидан чўчиб бирон паноҳ истаб жуфтакни ростлаш пайига тушасан... Бошпана топиб улгурмасингдан — Аминвой айтаверади: «ернинг остига кириб бўлсаям кўздан йўқол!» дейиш осон!.. рўпарангда хушқомат ёхуд дароз келгинди пайдо бўлиши ҳеч гап эмаслигини тасаввур қилиб юрагинг орқангга тортади, ажал таъқибдан халос бўлмоқчидек иланг-биланг йўл соласан... уйингга етиб олишни, дарвозадан кирибоқ уни гумогурс тамбалашни, сўнг кўрпа-тўшакни кўтариб хотининг билан этакдаги онангнинг уйига кириб олишни — у ердаги эшик-деразаларни тақа-тақ зичлаб, қалин пардаларни тушириб... жон сақлаш, аनावилар келиб қақиргудай бўлса миқ этмай ётаверишни дилингга тугасан — шу мўлжалда югурасан югургилайсан, қоқиласан-суқиласан... эмаклайсан-судраласан... чақалоқнинг бошидек-бошидек кесаклар орасидан паноҳ истайсан, ўрмалайсан... кесаклар ва ғўза қаторлари орасидан эмаклаб чиқаётиб бетларинг, кафтинг, тирсақларинг, тиззаларинг шилинади... Инсон таъқибдан жон сақламоқ таҳликасида орқа-олдига қарамай қочаётган йиртқиқдек кўзларинг қонталаш, тилинг осилган — ҳарс-ҳарс нафас оласан... қаддингни ростламоққа уринасан — белингга оғриқ туриб инграб ортингдан базўр судралади... сўнги дақиқада худо сенга раво кўрган тинч, осуда йўлга қайтиш илинжида узр сўраётгандек, тазарру қилаётгандек инграйсан-инграйсан — тавбалар бўлсинки, инграшларинг қопқонга тушган сичқоннинг сўнги бор чиийлашига ўхшаб кетади, — ўзинг буни сезмайсан, негаки вужудинг, вужудинггина эмас, бутун ёруғ дунё кўрқувга лиммо-лим тўлган, бинобарин қулоғинг, шўуринг зимистон оғушидаги сарҳадсиз далани тутган юрак дупури остида том битган бўлади, Бозор!..

15

Хайрият, Бозор уйига эсон-омон етиб келди. У шунчалик тез юрдик, оёғидаги этикнинг оғирлигини ҳам, ўстидаги пахтали камзулнинг бесўнақайлигини ҳам, йўлнинг зимзиё қоронғилигини ҳам пайқамади. Фақат деворнинг нураган жойидан «лип» этиб ошиб ҳовлига тушди-да бориб дарвозанинг танбасини ушлаб кўздан кечираётганида қўллари қалт-қалт титраётганини, аъзойи бадани жиққа терга ботганини, бирдан музлаб совқатаётганини сезди. Фақат буни ўйлаб ўтирадиган фурсат эмаслигини яхши билганидан этигини дўпирлатмасликка уриниб, айвон ёқасига борди — ҳа, Аминвой гуппи қолдириб кетган жойдан уйига кела-келгунича этигини дўпирлатмаслик учун панжаларини чангақ қилиб йўл босган — шундан пайтаваси йиғилиб кетган шекил, иккала оёғининг юзи жазиллаб ачишаётганиди — айвон чироғини шошиб ўчирди — «ахир, ёп-ёруғ уй тўппа-тўғри нишон-ку уларга... кўради, адашмай-нетмай топиб келавуради», деб кўнглидан ўтказди у — уйга кирди, этигини ичкарига ечиб чироқни ёқмай қоронғида пайпаслаиб тахмондан кўрпа олаётганида ташқаридан оёқ шарпаси келди. Бозор иккала қўлини билагига кўрпа орасига суққан қўйи шамдек қотди — бошини даст буриб ортига қаради, «Эшикни қулфламаман!» деди аламдан лабини тишлаб. Шу пайт ҳовли томондан «Бозор ака!» деб қақирди хавотирли овоз-

да Шабнам. Чақирдию айвоннинг чироғини ёқди. Ухлаб ётгану бирдан кўзи қамашиб кетгандек:

— Ёқма, ўчир! — деб жонҳолатда ичкаридан ўшқирди Бозор.

— Вой, нега-а? — Шабнам шундай деб уйга шошиб кирди-ю қоронғида оёқ остидаги этикка чувалашиб ётган пайтавага қоқилиб юзтубан йиқилаёзди.

Бозор бунга эътибор қилмади. Аксинча, шивирлаб дўк урди:

— Уйқусираясанми?! Учир, дедим!

— Қаттасиз? — деди Шабнам йиғламсираб, чироқ тугмаси томон бораётди, — Энам ўчирманглар деганлар-ку... Яруғ бўб туриши керак...

Энаси шундай деган, тўғри, ҳатто Бозор билан Шабнамнинг ёдидан кўтарилганда атайлаб неча марта айвоннинг чироғини ёқиб кетган, қишлоқда чироқ ўчгудай бўлса зудлик билан лампа-шишаларнинг барини ёқиб қўйган.

Қоронғига кўзи кўниккан Шабнам эрининг тахмонга қапишиб турганини кўрдию кулиб юборай деди. Ва бирдан ваҳимага тушиб, тез-тез юриб келиб эрига ёпишди.

— Нима қиялсиз? Нима бор этта? — деб сўради. Сўрадию жавобини кутмай ҳайқириб юборди: — Ву-уй!.. Нима, чўмилдингизми?! Вой, ўлай-й!.. Қатта мунча терладийз!

Шабнам талвасага тушгудай шошқалоқлашиб эрининг дам сочини, дам елкалари, кўксини, юз-кўзларини пайпаслаб чиқди. Бу орада хавотири хийла ариган Бозор ўзининг аҳволи нақадар аянчли-кулгили эканини фаҳмлаб ҳушини жамлашга уринса-да, кўнглидаги асл муддаони яширолмади.

— Кўрпа олаётгандим... — деди у қуруққина қилиб. — Оббориб онаминг уйида ётмоқчиман...

— Вой!.. Сизга нима бўлди, Бозор ака? Уйлаб гапирясизми?

Шабнам эрининг мақсади жиддийлигини ҳам, унинг ҳазиллашаётган-ҳазиллашмаётганини ҳам фарқлай олмади.

Бозор тахмондан нари кетди. Хотинининг: «Ювиниб олмайсизми?» деганига, «Бугун кўп ишламадик» деб жавобни қисқа қилди-да, Шабнамга, «Айвоннинг чироғини ўчир, ҳозир тонг отади», деди ғудраниб.

Шабнам айвоннинг чироғини ўчириб қайтди. Қайтиб уйга кирдию ўқчиб юборди — инқиллаб-синқиллаб ёнбошига энкайганча пайтавани этикка тикиб айвонга чиқарди. Ётоқ бўлмасига кириб олган Бозор ичкаридан: «Чироқни ёқма, эшикни ёп», деб кўрсатма берди. Шабнам эрининг амрига сўзсиз бўйсунди. Одатда Бозор бу тахлит кеч қайтганида ортиқча гапирмас, хотинини пўрсиллаб шишган беллари, лабларидан ўпич олиб унинг дўмпайган қорнини силаб «ўғилча»сини эркалар, сўнг чарчаб ўзини ўринга ташлардию донг қотарди. Шабнам эрини сира бугунгидай аҳволда кўрмаган эди — унинг шундайига ҳам қуш уйқуб ўчган, эри ишдан қайтганига — қайнонасининг ёнидан туриб жойига келиб бемалол ётганига енгил тортиш ўрнига хавотири орта бораётганига тушунолмаётган, негадир чироқни ёққиси, эрининг ранг-рўйига разм солиб қарагиси, гап нимада эканини билгиси келаверди.

— Эшикни зичладингми? — сўради Бозор Шабнам ётоқ бўлмасига кирган заҳоти, — Деразапардани торт!..

Шабнам ётса, турса, юрса ҳаёли бир нарса билан банд — омон-эсон енгиллашиш, ҳаёлига шундан бўлак ҳеч нарса сиғмас, ҳатто ой-қуни яқинлашгани сайин яхши ниятлар билан жажжи-жажжи кўйлакчалар, ширин-ширин қалпоқчалар тикаётган бўлса, энди юрагига ўшалар ҳам сиғмаётган, ўзинигина эмас, ота-онаси, қайнонаси, эрини қийнаб юборган гумонасининг туғил-

маётганига дарди дунёси зимзиё тундек қоронғи эди. Мана, энди, шу топда эрининг пўписи аралаш зардасига эътибор қилдию, «Эрим тагин келгиндиларнинг қўлига тушган!» деган гап ҳаёлидан яшиндек ловуллаб ўтиб, қаттиқ кўрқиб кетди.

— Овозингиз ғалати чиқяпти-я! — деди у хавотирланиб. Бозор жавоб бермади. Шабнам шошилиб қаравот қирғоғига ўтирди-да, эрининг елкасини, қўлларини пайпаслади, силаб-сийпади — Бозор безгак ҳуружи тутган хастадек ғужанак бўлиб ётар — қўли, елкаси ҳамон илимаган эди. «Совуққотдингизми?» — Шабнамнинг товуши қалтираб эшитилди, «Бунча кеч қолдийз?» сўради у ялинчоқ овозда, сўнг, кўрпани эрининг елкасига довур тортиди. Шунда...

— Вой, ўлмасам! — деб ҳайқириб юборди Шабнам ва аввал бир, кейинидан икки қўллаб эрининг бошини, чаккаларини пайпаслай кетди. Қўрқишни ҳам, тааж-жубланишни ҳам билмай гапирди: — Бошингизга нима қилди?!.. Вой, тавба!.. Бошингиз-чи, Бозор ака, кичкина боланиқидай бўлиб қолибди!.. Ўзингиз сезмадингизми?!

Бозор қалтирайверди. Хотинининг гапидан ортиқ ажабланмади ҳам.

— Майли, — деди у титроғини босишга чирианиб, — Овозим ингичкалаша ҳам, бошим кичрайса ҳам майли, ўзим... ўзимиз жон сақлайлик, Шабнам... ўх, белим!.. Белим узилиб кетай деди-ей, Шабнам!.. Нимадир қисиб қолганга ўхшаяпти. Қарагин...

Шабнам эрининг елкасини, белини силаб-сийпашга тушди, «Секин, астароқ!» деб ғингшиди Бозор.

— Қаттайдийз, Бозор ака? Пуф-э!.. Сичқоннинг иниди биқиниб ётганмидингиз, нима бало!.. Ё биров қувдим, а? — Шабнам эрининг оҳ-воҳини охиригача эшитмай сўрашга тушди. «А, айтинг, айтинг!»лаб турди-турди-да, ўпкаси тўлиб пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Йиғлама! — жеркиб шивирлади Бозор. — Жим! Секи-ин!..

Шабнам лабини қонатгудай тишлади.

— Нима бўлди ўзи? Нега айтмаяпсиз? — йиғи аралаш ўпкаси тўлиб сўрайверди у. — Аҳволингизни кўриб кўриб кетяпман. Яширманг, айтинг, Бозор ака...

— Ёт, ётгин... Секинроқ гапир... — деди Бозор ўрнидан туриб ўтириб. Сўнг, Шабнам чироқни ёқмоқчи бўлиб шайланганини кўрди-да, сирни очишга қарор қилди:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди у ўзини босиқ тутишга уриниб. Ва хотинининг диққатини жалб қилмоқчидек бир зум сукут сақлади-да, давом этди: — Кўп жойга тушаётганмиш-ку, анавилар... — қоп-қоронғи, жимжит уйда овоз чиқариб юбормаслик учун оғзини бармоқлари билан беркитиб ўтирган Шабнамнинг пишиллаб нафас олиши эшитилиб турарди. Бозор гапирди: — Кўкдалага тушибди, Бедапояга тушибди...

Келгиндилар дарё ўзанига уя қурибди деган гапга ўзи ишонмагани учун буни хотинига айтмади.

— Тушиб нима қилаётганмиш? — савол қотди Шабнам.

Бозор ҳеч бир мазмун англатмайдиган тарзда «Ҳимм» деди-қўйди.

— Сизга бошқа йўлиқмадимми?

Бозор бош чайқади.

— Нега унда... Унда нега бошингиз, товушингиз ўзгариб қоляпти?.. Белингиз...

— Жим! — шипшиди Бозор. — Сўраб енгяпти улар. Сўрагани сўраган!.. Сўроққа тутганнинг ўзида бир ёқлик бўляпти одамлар. — Шундай дедию бирдан тутақиб кетди. — Сўраса, нима? Сўраса сўрайверсин! Сўроққа тутаверсин! Сен жавобингни беравер! Сендан нима кетди!.. Нима, жавоб беришдан кўрқасанми? Жавобинг йўқми?. Жавобни қалаштириб ташла! Уюб таш-

ла! Шундай жавоб бергинки, савол тополмай ўлсин, кетсин, йўқолсин, келган жойига!..

Шабнам инграб биқинини чангаллади, оғриқ қаттиқ чангак солди шекилли, ўрнидан ирғиб турди, нафас учун ҳаво етмагандек, дераза яқинига бориб пардага қўл чўздию изига қайтди — эшик томон юрди. Уйнинг ўртасига келиб тўхтади. Нафас ростлаб турди-турди-да:

— Қайгадир кўниб ўрнашиб олганмиш-ку, — деди инграмоқдан нари бўлиб.

Бозор зийрак тортди, авзойи бежолашди.

— Қаттан эшитдинг? — сўради у хотинининг афтига қарамай. — Сенга рўпара келдимиз улар?!.

Шабнам қоронғи уйнинг ўртасида турган жойидан ўзини қараवотга — эрининг ёнига ташлади. Ташладию ўпкасини босолмай йиғлаб юборди. Бозор ўзининг таҳликада ўтирганини унутиб хотинини юпантиришга тушди.

— Нима дедингиз, Бозор ака? Менга нега рўпара келади уларингиз?!. Мен нима ёмонлик қилдим уларга?!. Мени сўроққа тутса ўлиб қоламан, Бозор ака...

Бозор ўйга толса учар келгиндиларга қарши чора топадигандек, ўзигина эмас, бутун оиласи, уёқда заводдагиларнинг тинчини ўғирлаган, бутун-бутун қишлоқларни таҳликаю саросимага солаётган қўрқувнинг давосини топадигандек жим бўлиб қолди. Унинг мияси ишламаётган — нимани ўйлашни ҳам билмаётган эди. Нотайин хаёллар измида қанча ўтирди — эслоллади, ниҳоят, Шабнамнинг: «Ҳамма гапиряпти... Одамларни обкетиб қолаётганмиш», деганини эшитди. Энди яширишнинг ҳожати йўқ эди. Кўнглига туккан-тулмаган гапларини пешма-пеш тўка кетди:

— Опкетса, зиён-заҳмат етказмай қайтариб жойига қўйиб кетаяти, — деди Шабнамга тасалли бериш учун латифа айтаётгандай ҳиринглаб. — Обкетиб бошига урадимиз... Қўрқувдан юраги ёрилаётганларни даволаб юбораётганмиш...

Бозор ўйламай айтган гапидан севиниб кетди. «Шундай бўлсачи?! Шабнамга ёрдам берар!» деган ўйда қоронғи уйнинг шифти йилт этиб ёришганини кўрди — кўнгли ёришиб кулгиси қистади, хотинининг дардига даво топгандек севинди, севинчининг боисини хотинига ошкор қилмоққа лаб жуфтлади, «Суюнчини чўз, хотин, мушкулнинг осон кўчадиган бўлди. Ушалардан маслаҳат сўрайман!» деб гап бошламоққа оғиз жуфтладию ичида ҳали босилиб улгурмаган бояги жазава қайта бош кўтарди:

— Биз нега қўрқамиз?.. Биров «отинг нима?» деб сўраса ўтақаси ёриладиганлар қўрқсин улардан!.. Қочарга жой тополмайдиганлар... Талвасага тушиб телба бўлиб қоладиганлар... Ўзини осиб қўядиганлар... Биз нимадан қўрқамиз?.. Қўрқадиган гуноҳимиз йўқ, Шабнам. Йўқ!.. Бизни обкетиб қомайди, биз... мени бошқа безовта қимайди, жоним!.. Бизни... Биз оддий бир камбағал одамлармиз, Шабнам!.. Соғ бўлсак... эсон-омон қутулиб олсанг, бас, бошқа нарса керакмас, Шабнам!.. Сўроқдан қўрқадиганлар бошқалар, жоним. Биз...

Шабнам эрини базўр гапдан тўхтатди:

— Бозор ака! Бозор ака! — деди у устма-уст нафаси бўғзига тиқилиб. — Ўзингиз айтдингиз-ку, Бозор...

— Нимани?!.

— Улар фақат тунда келади, дегандингиз.

— Одамлар қаттиқроқ талвасага тушсин деб атай тунда келади... Хўп, нима демоқчисан? Айт айтадиганингни! Айтган бўлсам, нима?! Қўрқяпти деб ўйлаясанми?! Қўрқяпманми?!.

— Тонг отай деб қолди, тонг отяпти, Бозор ака, — деб эрини чалғитишга уринди Шабнам ва дераза пардасининг бир чеккасини кўтарди. — Ана, қаранг.

Энди кемайди улар.

Бозор кўз қирини ташлаб ҳали тонг бўзармаганини кўрди. Кўрса-да, хотини оғироёқ бошига ўзига далда бўлаётганини пайқади, пайқадию эс-ҳушини йиғиштириб олмоғи зарурлигини фаҳмлади. Сўнг гўё эсон-омон тонг отса қайтиб қоронғи тушмайдигандек, анавилар қайтиб келмайдигандек ич-ичидан қувонди. Қувончининг зўридан ўрнидан туриб хотинини кўчди, эркалади, уни юпантира кетди. Шу чоқ!.. Нимадир қаттиқ шарақлади, гуриллади, йўқ, гувиллади чоғи!.. Бозор дабдурустан англаб улгурмай шовқин яқинлашаверди, шиддат билан яқинлашди!.. Бозор бир кафти хотинининг сочларида, унга бўзрайган кўйи шамдек қотди-қолди... Шовқин кучайди — «Шу сафар обкетайди!» деган ўй миясини тилиб ўтди Бозорнинг. Бу шум ўйдан у товонига найза кирган одамдек ирғиб тушди. «Нима?!.. Ким?!..» деб шивирлаб сўради Шабнам, Бозор хотинининг шивирини эшитмади — унинг қўллари асабий титрай бошлади, зум ўтмай титроқ тўхтади... Бозор мажолсизланиб, кичрайиб, жони оғзидан чиқиб кетаётган хаста одамдек шилқ этиб ўринга ўтириб қолди. Шабнам тик турган кўйи эрининг боши-елкаси аралаш кўчди. Бозор кўзларини чирт юмганча пешонасини хотинининг қорнига босиб тин олди. Шабнамнинг юраги тез, безовта ураётгани эшитилди, туйқус хотинининг қорнида нимадир ағдар-тўнтар бўлгандек гулдиреди, нимадир асабий типирчилади — Бозор чўчиб пешонасини хотинининг қорнидан узди — бошини тиззалари орасига солиштирганича ҳамон кўзини очмай Шабнамнинг қўлларини чангаллади. Шу пайт чамаси кўшни хонадон рўпарасида мошин тўхтагани эшитилди. «Хайрият! — Енгил нафас олди Бозор. — Қўшникига кедди...» Кўнглидан ўтган бу гапни сўнг овоз чиқариб тақрорлади, «Қўшникига... юк мошин...» деди Шабнам ҳам ўзини, ҳам эрини тинчлантириш мақсадида. Эр-хотин хотиржам тортиб улгурмаган ҳам эдиларки, мошин тўхтаган томондан кимдир оғир кирза этигини дўпиллатиб юғуриб кела бошлади, яқинлашдию Бозорнинг деразасини шошилич чертди — тақиллатмади, чақирмади ҳам — чертди-ю, тўхтамай этигини дўпиллатганича ҳалослаб юғуриб ўтди...

Бозор бир қарорга келолмай боши қотди: юғуриб ташқарига чиқсамки ёки чақиршларини кутиб ётсамки?.. Деразани чертди-ку, шу чақиргани-да!.. У ҳолда чақирувчи нега юғуриб узоқлашди?..

Қаёққа кетди?.. Ким ўзи?..

Бозор бўйинини чўзиб қулоғини динг қилди, кўрпа остига кириб кетди, манглайи тиззасига теккудай ғужанак бўлиб олди — шундай ўраниб-чирманиб ётса ташқаридаги чақирқини эшитмайдигандай эди. Шунда беҳосдан билагини дўмбоқ нарсага тегиб турганини сездию бирдан ҳушини йиғди. У ғайришуурий бир ҳаракатлар билан Шабнамнинг қорнини силамоққа уринаётган — бу билан гўё хотинини, туғилажак ўғлини тинчлантираётгандек эди!..

Аслида эса Бозор куч-қувватга тўлган гавдасини ҳис қилмаётган, гўё ёш боладек, онасининг бағрида ором олаётган митти гўдакчалардек хотинининг пинжиги суқилиб ётган эди. У шу аҳволда бошини кўтармай ғужанак бўлиб ётаверишга рози эса-да, тўсатдан очикдан-очик юраксизлик қилаётганига фаҳми етди, ўша замони: «Сен ётавур, тинч ёт, мен чиқай», деди оғзи қуриганидан калта-култа, узуқ-юлуқ гапириб. Шабнам вазвасага тушган эрининг қўлларини кўйиб юбормай, «Ёта туринг, чақирмади-ку», деб шивирлади хавотирда.

— Бутун кишлоқ телба бўб қолли, ўзи! — Бозор хотинининг сўзига қулоқ солмай ўрнидан дик этиб турди-да, кийинишга тушди. У Шабнамни тинчлаштириш учун атайин овозига зўр берди: — Осмондаги баркашга адоий тамом бўлли!.. Юраксизлар!..

Ҳозиргина ўзининг қай аҳволда ётганини унутган Бозор шундай дедию, гўё хотинининг назарида дов-юррак эркакка айланди. Шу пайт аллақайси кўшнининг ити саҳар сукунатини бузиб безовта вовуллади, унга бошқа итлар жўр бўлди. Дарвозани кимдир итарди. Бозор, «Сен ётавур, Шабнам, кўп юрмай ётгин, мен ҳозир, билай-чи», деб тоқчага терилган чойнаклар орасида дандон сопли пичоқни қини билан олди-да, эшикка йўналганда дераза ортидан келувчининг шипшигани эшитилди:

— Бозор...Бо...зор... — деди кўлага жон таслим қилаётган одамдек заиф овозда.

Бозор овоз эгасини танимади, танимаса-да, ҳам норо-зи, ҳам хавотир, ҳам хавотирнинг зўридан каравотда ўтирганича бир қўлини биқинига тираб ёнбошига суяниб қолган Шабнамни тинчлантормоқчи бўлган оҳангда:

— Ҳозир, чиқяпман!.. — деди баралла.

У дарвозани очиб чиққан заҳоти кўчадан гўнғир-гўнғир овоз эшитилди, Шабнам қулоқ солиб улгурмай овозлар тинди. Шабнам деразанинг олдидан узоқлашиб алпанг-талпанглаб эшикка йўналди, йўналдию эрининг изидан чиқиш-чиқмаслигини билолмай турганда «чиқ» этиб айвон ёришиб кетди.

— Шабнам!.. Бозор!..

Шабнам қайнонасининг овозини таниб айвонга чиқди. Чиққан замони Бозор кўчадан қайтиб кирди.

— Ҳа!.. Тинчликми?! Ким?! — Чучук момонинг кўзлари олайиб кетганди. Шабнам ҳам қайнонасининг хавотирига «ҳисса» қўшиб зрига жавдиради.

— Нарзиқул амакнинг ўғли, — деди Бозор овозига атайин вазмин тус бериб. — Ваҳима кўтарманглар... Тинчгина ётинглар... Мен бориб қайтай...

— Х-худойим-эй!..

— Эҳтиёт бўлинг!..

Бозор аёлларнинг бири олиб бири қўйиб зорланишига қулоқ солиб-солмай йўл-йўлакай пахтали камзулини кийиб кўчага чиққанида мошин томонда Нарзиқул амакнинг ўғли кўринмади. У ён-верига аланглади, энди «Ҳой!» деб овоз бермоқчи эди, пахтазорга туташ дўнглик томондан:

— Бозор...бери кел, — деган садо чалинди қулоғига.

Бозор овоз келган томонга борди.

— Утир — деди амакнинг ўғли худди овозини биров эшитиб қоладигандек шипшиб. — Чўк туш!..

Бозор унинг айтганини қилди.

— Учар махлуқлар изимга тушди, — деди у овози қалтираб, — кетимда пойлаб юрибди...

Шундагина Бозор боя чиққанида чақирувчининг, «Учар баркашчилар отамди тутиб олиб қийнабди. Тез юринг, отам сизди сўраб қўймаяпти» деганини фаҳмлаб етди. Боя эшитгану, дуруст уқмаган — «ҳозир» деганча ичкаридагиларни тинчланттириш учун шошиб уйига кириб кетган эди.

— Исмингиз ким, ака? — савол қотди тўсатдан Бозор қад ростлаб.

— Утирр, тез! — деди қўрққанидан овозини пича кўтариб амакнинг ўғли ҳамон дўнглик биқинига қапишган жойидан жилмай.

— Исмингизни айтинг, ака? — сўради Бозор пинагини бузмай.

— Р...рраҳимқул...

— Раҳимбой ака, юринг, мошинга ўтиринг, гап бор. Раҳимқул қулоғига ишонмай кўрқа-писа қад ростлади,

индамай кетиб бораётган Бозорга эргашди.

— Қанақа одамсизлар-ей! — гапнинг дангалига кўчиб жеркиди Бозор мошинга минишгач. — Отангиз кекса, ҳар қалай, содда одам. Сиз мунча қўрқмасангиз?

— Қўрқмаган одам қоллими, Бозор?.. Пахта хонавайрон қилли ҳаммани!

— Пахтада гуноҳ йўқ! Гуноҳ — ўзларингда!.. — Бозор тутақиб шундай дедию Раҳимқулнинг кўзи олайиб пахтаси йўнаб кетаёзганини кўриб тилини юмшатди: — Гуноҳ — одамларнинг ўзида...ҳаммамизда...

— Менинг гуноҳим нима, Бозор? Мен кимга ёмонлик қилдим?!

— Сиз ёмонлик қилдингиз деёпманми мен?

— Унда нега ҳаммамиз деёпсан?.. Мен ҳам шу ҳамманинг бириманми?!.

— Ёмонлик қилмаган бўлсангиз мунча қўрқасиз, Раҳимбой ака?!. Уғри эмассиз, бузуқи эмассиз, муттаҳам эмассиз — тўғрими?! Диёнатли одамсиз? Шундайми?..

— Раҳимқул Бозорнинг ўзига тикилиб турган кўзларига тик боқолмай тарракдек қотди. Бозор шафқатсиз савол ёдирди: — Айтинг, Раҳимқул ака, қайси гапим тўғрироқ: диёнатли инсонмисиз, ёки аввалги айтганларим... Гапиринг, нега индамайсиз?!

Раҳимқул гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфлади-ю, гўлдираб нафаси ичига тушди. Гуноҳкор боладек кўзлари жовдир-жовдир қилиб тикилиб тураверди. Ниҳоят, бирдан:

— Уйламаганман, ўллай агар, ўйламаганман! — деб юборди. — Ахир...ахир орқамдан келли, Бозор! Измаиз... Теппадан пойлади!.. Уллай-а, Бозор!..

Раҳимқул йиғламсиради, Бозор унинг йиғламсираган овозини эшитиб «отасиникига ўхшар экан» деб кўнглидан ўтказди. Унинг аҳволини кўриб қаҳри бир оз юмшайди.

— Хўп, келса-чи, келса, нимадан қўрқасиз, Раҳимбой ака?... Жонингизни олмаса...

— Тутиб олса-чи?..

Бозор фикрини уқдира олмаслигига кўзи етиб ҳафсаси пир бўлди.

— Ҳайданг мошинни, Раҳимбой ака! Кетдик! — деди унга далда бериб.

Раҳимқул калитни уясига суқолмай анча уринди, шаб-кўр одамдай энгашиб тимирскиланди. Унинг қўли қалтираётганди... Буни сезган Бозор калитни унинг қўлидан олиб жойига суқди. Шундан сўнг Раҳимқул икки-уч уринди ҳамки, мошин «қфф-қфф» — ладую ўт олмади. Ут олмагани сайин Раҳимқул аланг-жаланг қилар, дамодам бежоланиб рўпарасидаги, ёнидаги ойнадан осмонга кўз ташлаб қўяр ва худди Бозор бирон ёққа қочиб кетадигандек шошиб ёнига қарар, Бозорнинг хотиржамлигини кўриб тинчланар эди. Ниҳоят, у мўлтайиб Бозорга ёлборди:

— Ке, ўзинг ҳайда, Бозор, қўлим қалтираб кетяпти.

Бозор гап-сўзсиз тушди-да, мошинни айланиб ўтди. Утгач:

— Сурилинг, — деди Раҳимбойга ва унга сездирмай тонги юлдузлар чарақлаб турган осмонни бир қур кўздан кечирди, ён чўнтагидаги пичоқни ушлаб қўйди. Сўнг, рулга ўтириб мошинни ўт олдиришга чоғланди. Бир-икки уриндиямки, мошин, бояги-бояги «қфф-қфф» дан нарига ўтмади. Шундан сўнггина Бозор ҳамроҳидан беркитмай-нетмай осмоннинг тўрт буржига ўбдон аланглади. Уйда — хотинининг ёнида ётган жойида талвасага тушганининг боисини тушунмай ҳайрон бўлди, қилган қилиқларидан энди ажаблана бошлади.

— Ҳа, Бозор? — сўради нафасини ютиб ғужанак бўлиб ўтирган Раҳимбой.

— Бежавотир, Раҳимбой ака, — деди Бозор моторни

ўт олиришга уриниб, — Ҳзи... Аслида!.. Ҳа!..Ҳа!.. Кетди-и!..

Юк мошин силтаниб кўзғалдию бир маромда юриб кетди. Бозор билан Раҳимқул энгил тортиб «хайрият!» дегандек бир-бирларига қараб қўйдилар.

— Ҳайда, Бозор, тезроқ ҳайда! — қисталанг қила бошлади бир оздан кейин Раҳимқул.

Катта йўлга чиқишгач, тезликни оширган Бозор боя бошлаган гапини давом эттирди:

— Ҳзи, аслида, — деди Раҳимқулга бирров кўз қирини ташлаб. — Улар истаса мошинни ўт олмайдиган қип қўяди... Кейин-чи, ака!.. Улар сиз минан қувламачоқ ўйнаб ўтирмайди: истаган заҳоти тўхтатади-да, сўроққа тутади.

— Нимани сўрайди?

Бозор кулимсиради, ҳиринглади, кулди, телбаларча совуқдан-совуқ хахолади ва Раҳимқулнинг саволини эшитмагандай:

— Сиз эса дўнглик панасига биқиниб олибсиз!.. Хоҳласа-чи, ака... хоҳласа ерга кирсангиз — қулоғингиздан, осмонга чиқсангиз — оёғингиздан тортиб олади улар!..

— Уларнинг ўзи осмонда-ку!

— Э, ўлманг! — деди Бозор Раҳимқулнинг кифтига шапатайлаб. — Бизнинг мақол уларга тўғри келмас экан. Булардан-чи, ака... фақат ерга кириб қутулиш мумкин. Ҳшандаям, омонатни топшириб лаҳадга кирасиз — қутуласиз! Унгача... лаҳадга тушгунга қадар жавобингиз тайёр бўлсин, ҳа, ака, жавоб чоғида бийронлик қутқаради!..

— Тўғри айтасан, Бозор, — деди Раҳимқул унинг бемаврид ҳазилига эътибор қилмай. — Отамди уйдек фарамнинг остидан тортиб чиқорибди!

— Сичқоннинг ини минг тилло бўлибди-да, — Бозор кулмоқчи эдию бирдан жиддий тортиди — бели симиллаб оғриди, овози ёқимсиз чийиллади: — Қаерда, қандай фарам?!.

— Фермада! Фермадан ўтиб келаётганида!..

— Қандоқ қийнабди?

— Емон қийнаган, Бозор...нуқул алаҳлаёпти!..

— Қийналганидан эмас, — Бозор Раҳимқулнинг гапини чўрт кесди. — Отангиз кўрққан!..

— Кўрқанидан шунчалик азоб чекмасди, Бозор.

— Кўрқишдан оғирроқ азоб йўқ, ака! Каллангни сапчадек узиб ташласа қутуласан-кетасан, лекин «каллангни оламан» деб судраб-чўзиб юргани ёмон!..

— «Улганим яхши» деёптилар, отам, — деди йўғламираб Раҳимқул.

Бозорнинг қўллари мажолсизланиб рул чамбарагини базўр тутиб қолди. Беихтиёр ҳурпайди, бошини елкалари орасига тортиди.

— Ваҳима... — деди у пичирлаб, — Ваҳима...

— Нима? — сўради Раҳимқул.

Бозор жавоб бермади. Мошин Нарзиқул амакининг дарвозасига яқин келиб тўхтади, суҳбат узилди. Бозор ўтни ўчиргач ҳам мошиндан ташқарига чиқмади — бошини елкалари паноҳидан чиқариб, ойна томон оғдириб, қулоғини динг қилди. Шу алфоз бир муддат тек ўтиргач, «қарс» этиб эшикни очдию пастга эниб ёзиллаганича ўзини йўлакка урди. У Раҳимқул етовида ҳовлидан ўтаётганида тонг бўзара бошлаган эди...

Бозор даҳлизга етмай ичкаридан «Ана, келли, келишди» деган овозларни эшитди. Уйга кириши билан сим каравотда бошини кўрпага буркаб ётган Нарзиқул амаки ўрнидан туриб ўтирди ва:

— Бозор, ини-имм! — дедию ҳиқиллаб йўғлаб юборди.

Бозор амакининг қўллари ни силади, кифтига қоқиб юпантиришга уринди, нимадир дейиш мажбуриятини сезса-да, сўз тополмади ва хонани тутган сичқон исидан бурнини жийириб, хаёлига келганини айтиб юборди:

— Сув беринглар!..

— Сув бердик... Сиз юпантинг, бобойни!

Бозор тепасида дўриллаган товуш эгасининг авзойи чатоқлигини пайқаб бошини кўтарди. «Амакининг тўнғичи бўлса керак, — хаёлидан кечди Бозорнинг. — Менга нега тўнғиллаёпти? Нима, мен...»

Нарзиқул амаки ингради — Бозор амакини юпантирадиган сўз тополмай ўйга толди. «Амаки нимадан бунчалик кўрқади?.. Бор-йўғи юкчи бўлса... Раҳматовдек суянчиғи қараб турмас... Келгиндиларга биринчи рўпара бўлгандаёқ бўлари бўлди амакининг!.. Кейин Бозор айтди, «Директорга айтиб кундузги ишга ўтиб олмайсизми?» деди. Амак кулди — Бозор энди фаҳмласа, ўша топди амак одамсимон махлуқларнинг ташрифини ҳам унутиб, сўнг, «Сен нимани билардинг, бола» деган оҳангда қандайдир ўзига ярашмаган, димоғдорлик билан мийғиғада кулган эди. «Ҳа?» — сўради Бозор, ҳайрон бўлиб. «Э, бўлак юмушлар кўп, ука», деди амаки тағдор термилиб. Бозор ортиқ суриштирмади, суриштирмасида, орадан пича фурсат ўтказиб амакининг ўзи гап бошлади: «Бола-чақа деб юрибмиз-да, шетларда тунни минан, ука... Бари жонга тегди, аслида...»

Нима жонга тегди, амакининг кўнглида қандай ташвишлар тугун бўлиб ётибди — Бозор учун қоронғилигича қолди...

— Ферма ёнидан кетаётувдим...

Бозор дабдурустан амакининг хаста товушда бошлаган гапини англамади.

— Лаббай? — сўради у бўйинини чўзиб.

— Гапираверманг, ўша фермани! — ўшқирди тўнғич ўғил.

— Гапираверсинлар... гапираверинг, амак... — жуда вазмин; босиқ оҳангда деди Бозор бояги зардаси учун тўнғич ўғилдан аламини олмоқчидек. — Оғзингизга келганини айтаверинг, ичингизда қолмасин... Енгил тортасиз, амак, гапираверинг...

Нарзиқул амаки ётган жойида кўзғалди.

— Кўзғалманг, ётган кўйи айтинг... Кулиб-кулиб айтинг-да, амак!..

— Одам ўлай деёптию, кулинг дейди-я! — тўсатдан ўшқира кетди тўнғич ўғил Бозорга: — Мазах қилмоқчисииз бизларни?!.

Бозор отадаги кўрқув тўнғич ўғилни васвасага солиб қўйганини сезди. У отасининг шу аҳволга тушганидан эмас, балки ўзининг ташвишидан қаттиқ кўрқаётганини Бозор сезди. Ҳзини босиб, «Ҳа, гапир, зардаларинг бўлса тўкавер» деган маънода тўнғич ўғилнинг башарасига бамайлихотир назар ташлади.

— Ҳша келгиндиларингга қўшиб уруғингни қуритаман!!!

— Ҳчирр!..Оғзингни юм!

Бозор тўнғич ўғилнинг жон талвасасида гапираётганини пайқади, унга жавоб қайтариш нияти йўқ эди-ю, амакининг баттар таҳликага тушиб сапчиб туриб кетганидан шошиб қолиб ўшқира кетди:

— Кўрқаётган экансиз, чиқинг, уйдан!Боринг!

— Мен кўрқяпманми?!.

— Кўрқяпсиз!..

— Нимадан кўрқаман?!. Кўрқадиган жойим борми?!.

— Чиқ, уйдан чи-иқ... — ингранди Нарзиқул амаки. Раҳимқул акасининг тирсагидан олиб уни ташқарига тортиди.

— Билсанг, айт! — ҳамон Бозорга ҳамла қилишдан тўхтамади тўнғич ўғил.

Бозор ўрнидан туриб кетган, каравотдан оёғини осилтириб ҳолсиз ўтирган амакининг елкасига кафтини босганича укасининг етовида эшикдан чиқаётган тўнғич ўғилдан кўзини узмади. Ака-ука остонадан ўтиб эшик ёпилаётганида тилининг учига қадалиб қолган гапини айтди:

— Кўрқадиган жойингизнинг ҳисоб-китобини ўзингиз қилинг!.. Мен қаёқдан билай сиз нимадан кўрқинганини?!

— Бунинг ваҳимаси ортиқча! Жондорга рўпара келган ману, юраги адо бўлган — у.

— Мен янаги ҳафта бўладиган тўйнинг ташвишидаман!.. — Тўнғиллади ташқаридан тўнғич ўғил.

Бозор дағдағага қулоқ солмади, амакини, қолаверса ўзини тинчлантириш ниятида гапни учар келгиндиларга бурди:

— Кўйинг, бу ташвишларни амак, анавиларни учратганингиздан эшитайлик.

Нарзиқул амаки эътирозсиз боя бошлаган ҳикоясини давом эттирди:

— Сен қайтавермагач, пахта ҳам сийраклашди... Пахта адо бўлди, буёғи, киш... Сўнг, кетдим... Ҳаво булут, осмоннинг дами қисяпти деб ўйладим — чиқиб уйга қайтавердим... Ферма ёнидан ўтаётувдим... Қаттан пайдо бўлди — ақлим ҳайрон десанг!.. «Фир-фир» қилдию беш қадам рўпарамда!.. Узимми ғарамди остига урдим!.. Белимга довр кириб кетдим!.. Нафас олмай ётавердим!.. Уша — пахта ғарамига тушган дароз бўйлиси — худди ўзи! «Пайқамасин-да, ишқилиб!» деб юрагим отилиб кетай деб ётибман... Ферманинг итларини ер ютганми — биронтасининг дами чикмайди! — Вовуллаб келса қочармиди, баркашига миниб!.. Бозор ука-а, шундай деб ўйлаб ётибману мунда-ай қарасам, устимдаги хас-хашакка кўшиб биров суғуриб оляпти!.. Иккала биқимнимда қандайдир қўл! Қарасам! Икки оёғимда тик турибман, рўпарамда — дароз жондоринг!..

— Нимани сўради? — луқма ташлади Бозор, амакининг ҳикоя қилишидан тоқатсизланиб.

— «Яхшилаб ўйладингми?» деди.

— Нимани? — Бозор шундай сўрадию ғарам тепасига ташриф чоғида келгиндилар баркашига томон кўтарилаётиб «Яхшилаб ўйлабоқ... Яхшилаб ўйлабоқ» деганини эслади.

— Кейин, «Маошни қаердан олдинг?» деди. Сўрайверди.

— Нима жавоб қиллингиз?

— Айтдим, Бозор... Йўқ, дарров айтмадим. «Раҳматовдан сўранглар» дедим, «Директор у-ку» дедим!.. Тўғримасми, иним, ўзинг айт, завўдда ишини мен қайдан билай?.. Қора юкчи бўлсам... Ана, Раҳматовдан сўрасин, Давлатовди сўроқ қисин!.. Гуппининг дўқи ортиқча!.. Раҳматов акаям ўшанинг чизифидан чиқмайди!.. Оқсоқолди мен қайдан билай!.. Уни кўрмаган-нетмаган...

— Оқсоқолни сўрадимми?

— Сўради. «Оқсоқол завўдга неча марта кеган?» деди. «Кўрмаганман» дедим. «Ёрдамчилариминан кеганми?» деди. «Билмайман» дедим. Сўрайверди — билмайман деб тек туравердим. Жўнаб қолай десам оёғим йўқдек! Шол бўб қоллимми деб кўрқдим, Бозор! Чини, иним, сўроқ қилаётганда оёқни мадорсизлантириб кўяркан!.. Бир чоқ, кўрқитишга тушди — тишим шақиллаб, қўл-оёғимдан мадор кетиб турган жойимда йиқилдим.

— Урдими?! — чўчиб сўради Бозор.

— Урмади, Бозор, ургандан баттар қилли: «Оқсоқолга бўйсунасанми?» деди. «Бўйсунаман» дедим. Ким бўйсунмайди у кишига. Бозор! Раҳматовдек директорнинг капалаги учиб кетадию у кишининг номини эшитса — бизга йўл бўлсин, Бозор!..

Бозор Опанинг телефонда Оқсоқол билан эмас, унинг ёрдамчиси билан неча қизариб-неча бўзариб, дудуқланиб гаплашганини эслади. Амаки дам тоғдан, дам боғдан келиб вайсайверди. Бозор «қисқа қилинг» демоққа лаб жуфтладию, айтмади, «Ҳар қалай, гапиргани сайин энгли тортяпти», деб мулоҳазаланди. Амаки гапирарверди:

— «Оқсоқолни кўрганмисан?» деб сўради. «Йўқ» дедим. «Маошни ким беради?» деб сўради. «Давлатов беради — кассада оламиз» дедим. «Фақат кассада оласиларми?» деб сўради. Жавоб бермасимдан яна сўради — «Давлатов Аминвойга ким бўлади?» деди. «Бўлаши» дедим. Сўнг тагин Оқсоқолга бурди сўроқди: «Оқсоқол завўдга кеганми?» деди. Сўрайверди, сўрайверди. Жонимда жон қомади, Бозор!.. Улган боболаримни, момоларимни кўрсатди, кўзимга, ука!.. Кейин... Сўнг... «Кўрганман, Оқсоқол кеган, кўп кеган, завўдга», дедим...

— Кўрмагансиз-ку, Оқсоқол кеганини? — биринчи бор унинг раъйини қайириб савол қотди Бозор.

— Уша топда жонимни оларди, Бозор!.. Кўрмаганман, десам, болаларим етим қоларди, иним!.. Ажалим ўшаларнинг қўлида бўб қолли, ука!..

Бозорнинг боши қотди. Келгинди махлуқлар ўзидан ҳам Оқсоқолнинг сўраганини эслади. Тагин дуч келса, сўрайверса, сўроққа тутаверса — Бозор нима дейди? Оқсоқолни кўрган-нетган бўлмаса! Қандоқ қилиб «кўрганман» дейди?.. Оқсоқолнинг, лоақал сурат-пуратини кўрмаган... Нарзиқул амаки ҳар қалай Раҳматовни, Давлатову Аминвойни яхши билади, Бозорвой эса Аминвой билан салом-алиги демаса... бир ҳадди сиғиб «чиқмаган жондан умид» қабилида ёрдам сўраган, омад қулиб, гуппи ёрдамани дариғ тутмаган, холос!..

— Сўнг, мени кўтариб олли, Бозор! Нарвонига тармашиб юқорига олиб чиқди. Бояги... хотинларга ўхшаш хипча беллиги бор-ку, ўша, боласини кўтаргандек қўлтиқлаб оли!.. Баркашига олиб кирди. Оғзим ланг очилди, Бозор!.. Қарасам, баркаш учяпти! «Ўлдим!.. Энди болаларим ўлигимниям тополмайди!» деб ўйлай дейман, қани, ўйласам!.. Сира кўрқмадим. «Уйингга тушасанми?» деб сўради хипча бел жондор. «Тушаман», дедим. «Мени тинч кўйинглар. Ун икки болам бор, раҳминглар келсин, муслмонман», деб ялиниб-ёлвордим. «Топишим уйимдан ортмайди, худо ҳаққи босиб қўйган мол-давлатим йўқ. Беш кундан кейин уйимда тўй — ўғил уйлаяпман», дедим.

— Жавоб бердимми?

— Жавоб қайда! — Нарзиқул амаки шундай деб атайин Бозорни синамоқчидек жим туриб қолди. Пича фурсат ўтказиб, сўнг гапирди: — Сени сўради.

— Мени?!.

— Сени!.. «Аминвойга ким бўлади?» деди. «Оқсоқолни кўрганми?» деди. «Йўқ», дедим. Сўради — «Йўқ» дедим. «Топиши қандай?» деди. «Камбағал, етимча», дедим. «Нега завўдга ўтди ишга?» деб сўради. «Билмадим», дедим. Кейин... кўрқитди. Баркашнинг эшиги очилди-да, мени ташлаб юбормоқчи бўлли! Нақ, абжаф бўлардим, Бозор!.. Ҳовлининг ўртасига тушиб ер минан текис бўлардим!.. — Нарзиқул амаки боядан бери йиғламай қўйганини эслагандек бурнини торта-торта пиқиллади. Упкаси тўлиб, овози баттар бўғилди: — Сен эҳтиётингни қил, Бозор!.. Айтдим, ўлиб қомай, осмондан ташлаб юбормасин, деган хавотирда айтдим: «Бо-

зор Оқсоқолни кўрган. Бирга кўрганмиз», дедим. «Бозорнинг топишини Аминвойдан сўранглар», дедим... Бундай қарасам ҳовлимда — молхонанинг ёнида ётибман!.. Қандоқ тушдим, уларга нега шундай дедим, қандоқ тилим борди — ўлай агар билсам, Бозор?! Энди нима қиламиз, иним?!.. Ким деган одам бўлишим?..

## 18.

Бозор мийғида кулимсиради, бехосдан овоз чиқариб ҳиринглади, ҳайрон бўлиб кулди, нега кулаётганини билмай ажабланиб кулди, Нарзиқул амакининг тентак-башаралигидан истеҳзоли кулди, амакининг учар баркаш ичида қай аҳволда ўтирганини тасаввур қилиб, одамсимон махлуқларга ялиниб-ёлборганларини, ялтоқланганларини кўз ўнгига келтириб қиқирлаб кулди... дарғазаб бўлиб кулди, тишларининг орасидан тупук сачратиб, жиғибийронлигидан тилини тишлаб олгудай бўлиб кулди, Нарзиқул амак қовун туширганидан хабар топган Аминвой гуппи қай аҳволга тушажагини тахминлаб... дами ичига тушиб кулди, Давлатовнинг айикниқидай жасади кичрайиб, кўзлари бежоланишини эслаб, ваҳиманинг зўридан шайтонлашини эслаб кўрқувга тўлиб-тошиб кулди... Номсиз махлуқлар учар баркашга миндириб олгудай бўлса, сўроққа тутса — Бозор жавоб қайтармаса, улар ҳоли-жонига қўймай сўрайверса... Бозор оёғини тираб тураверса (ҳеч вақони билмаса нима деб жавоб қилади ахир!), баркаш гувиллабми-гувилламай ҳовлисининг тепасига бориб тўхта-са, «айт» деса — айтмаса, «айтмасанг, ташлаб юбораверайликми?» деса, «қўлингдан келса, ташлаб юборавер!» деб тураверса Бозор, «Хотинчангнинг оёғи остига тушиб мажақ-мажағинг чиқиб кетса ҳам майлими?» деса, Бозор без бўлиб тураверса, уни кўл-оёғидан кўтариб баркашнинг очик эшигига судраб келишса, энди туртиб юборишмоқчи бўлганда, «Тўхтаглар! Қонхўрлар!.. Келгиндилар!.. Одамхўрлар!.. Иблислар!..» ва яна алланимабалолар деб сўкса, шовқин кўтарса, жон аччиғида вавасасага тушиб совуқдан-совуқ махлуқларга ташланиб муштлаб-дўппослаб хумордан чиқмоқча чоғланса, лекин ҳарчанд даф солмасин, дўппослаш уёқда турсин қўлини кўтаролмаса, махлуқларнинг афтига лоақал тик қаролмай мажолсизланиб, ҳолдан кетиб... ҳўнграб юборса, ялинса-ёлборса, ахир, Шабнам оғир-оёқ, ўзи туғолмаяпти — хотини шўрликнинг юрагида юрак қолмади! — уч терак бўйи тепалиқдан чалпақдек бўлиб ерга тушган Бозорнинг оёқ-қўллари тўрт томонга тарвақайлаб отилиб кетса, мияси мажақланиб кўзлари косасидан ситилиб чиқса... шундайига ҳам адои тамом бўлиб юрган Шабнамнинг юраги ёрилса... уйдан югуриб чиққан онаси ўғлининг жасадини танимай ўзини келинининг жонсиз танаси устига ташлаб уввос солса, қон қақшаб фарёд кўтарса — қўни-қўшнилардан биронтаси «Нима гап?» деб чиқмаса — кейинги пайтда Бозорнинг уйдагиларга ким рўпара келса қочадиган, сўрашмай ўтадиган одат чиқарди-ку! Ой-кўни етиб ўтган шўрлик Шабнамнинг жонига оро кирадиган бирорта диёнатли мўмин топилмаяптию! — сўнг бурда-бурда бўлиб титилиб ётган ўғлининг жасадини таниб қолган онасининг ўша жойда эси оғиб қолса... кўнглида тўфон кўтараётган ноён ваҳмга бас келолмай уқубат ва аянч билан кулди Бозор... озор чекиб, уқубатли кулди... кўз ўнги қоронғилашиб кулди... телбаларча кулди... ҳали дунёга келмаган ўғли фироқида қон йиғлаб кулди... хайр-хўшини насия қилиб кула-кула чиқди амакининг

уйидан, кула-кула излади Аминвойни, кулиб-йиғлаб, йиғлаб-кулиб айтди Аминвойга бор гапни... Аминвой шарақлаб кулди, бехосдан кулди... ҳайрон бўлиб, кўзлари олайиб, итлиги тутиб ижирғаниб, иржайиб кулди... — «Учир!» деди туйқус!.. «Турқинг қурсин!» деди, «Сўтак! Даюслар!» деди, «Латтачайнар!» деди, сўкинди, бўралатиб сўқди... Кимларнидир остин-устун қилиб онасини ишлади... Бозор ҳушини йиғавермади, ниҳоят, қулоқ-чаккаси шарақлаб кетди — чайқалиб бориб бошини деворга урди — кўзидан ўт чақнади — ҳушини йиғди, чаккаларини чангаллаганича деворга ҳолсиз суянди...

— Очиб кўйибдим, куласан, ит! — деб кекирдаги йиртилгудай бақирришга тушди гуппи. — Сенларни қаттигга олган мен аҳмоқ! Мен Одам қиламан дедим!.. Сенлар сотасанлар!.. Сендақа хотинчалиш дўстлардан душман афзал! Душман!..

Аминвой ғазабдан тушмай Бозорни хотинчалишдан олиб хотинчалишга солаётиб бирдан овози ўзгарди. Бозорнинг назарида гуппи йиғламсирагандай бўлди. Боядан бери ичи қизиб, боши қизиб гап тўплаётган эди — бир бошласа гуппининг оғзини очирмай қўйгудай эди, тўсатдан унинг ўзи юмшади. Бозор бунини кутмаганди. Унинг назарида, бу яқин-атрофда Аминвой акасидек қудратли, Аминвой гуппидек дасти дароз инсон йўқдек эди. Аминвой гуппи истаса Раҳматовни ҳам, Давлатовни ҳам «қуйруғи»га чўп суқилган хўрозқанддек ўйнатишини Бозор яхши биларди. Аминвой ҳатто ўша қишлоққа танда қўйган одамсимон келгиндилар билан ҳам тил топишиши, улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас деб ўйлар эди... Шундай тахминлар билан кўнглининг овлоқ бир чеккасини хотиржам қилиб юрган Бозор олдида, мана, Аминвой йиғламсираб туртибди бурнини тортиб...

— Бетингни арт, юр, — буюрди сиқиқ овозда Аминвой. Бозор унинг айтганини қилди — бетини артди, энгил-бошини тузатди, кўчага чиқмай ҳовлида ҳозир бўлган «Жигули»нинг ёнига гуппининг изидан эрғашиб борди. Гуппи «Жигули»нинг орқа эшигини очиб «кир» деди, Бозорнинг назарида, Аминвой акаси уни лаҳадга тикиб юбораётгандек сесканди — юраги орқага тортиди, кирди, кетидан Аминвой кириб ёнига ўтирди. «Хайрият, ўзиям чиқди» деб кўнгли таскин топди Бозорнинг ва ён-орқа ойналари махсус қоронғилаштирилган «Жигули»нинг ичида ҳайронлигини яширолмай аланглайверди.

«Жигули» на рўпарасидан, на ён-веридан ўтаётган мошинларга парво қилмай елиб, узоқ юрди. Аминвой тилини ютиб юборган одамдек чурқ этмади, Бозор ҳам журъат қилиб оғиз очмади. Тоғ этагига яқинлашганларида мошин икки-уч бурилдию мутлақо нотаниш йўлга тушди. Бозор трактор ҳайдаганида яқин-атрофда ўзи билмайдиган йўлу кўча қолмаган деб ўйларди. Афсуски, ҳаммаси аксинча — Бозорбой билмайдиган йўллар, у бош суқиб кўрмаган кўчалар ҳали жуда-жуда кўп эди...

«Жигули» бир ёни бош кўтариб тепасига қаралса дўппи тушиб кетадиган даражада қиялик, иккинчи ёни тубсиз сойлик йўлдан елдек учиб бораётиб тўсатдан тўхтади, тўхтагани замони Аминвой ҳе йўқ-бе йўқ мошиндан тушиб эшикни қарсиллатиб ёпдию сойлик томон шаҳдам юриб кетди. Бозор ҳайрон бўлиб улгурмай «Жигули» кўзғалиб йўлга тушди.

— Қаерга келдик? — журъатсизланиб сўради Бозор. Ҳайдовчи индамади.

Бозор рўпарадаги ойнадан атрофни кузатиб кетаверди. Биронта йўловчи мошин учрамас, одамнинг қораси



кўринмас, фақат тобора ҳаво мулойимлашиб бораётгани сизди Бозор.

— Тоққа қор тушибдими?— савол қотди у беихтиёр. «Жигули» бир маромда кетаверди. Орага бояги-бояги жимлик чўқди. Икки-уч бурилишдан сўнг йўлнинг қоқ ўртасида кўндаланг турган катта оқ эшак кўринди. «Жигули»нинг юриши секинлашмади. Бозор трактор ҳайдаган кезларда бундай ҳолатларга кўп дуч келган эмасми — беихтиёр эшакнинг қай томонидан ўтиш маъқулроқ эканини мўлжаллади — «ўнг томон кенгроқ» деб чамалади, чамаладию «Жигули» тезликни заррача пасайтирмай ўзини чап томонга урганини кўриб кўзини чирт юмиб олди — назарида мошининг чап қаноти туртиб чиққан харсанг тошга ёки ўнг қаноти эшакнинг қуйруғига тарақлаб уриладигандек эди, йўк, мошин бир чайқалдию йўлнинг ўртасига тушиб олди.

— Ҳеч зог йўқ жойда эшакка бало борми?!— деб юборди Бозор азбаройи чўчиганидан.

Ҳайдовчи индамади, «Жигули» йўлидан қолмади. Бозор қаёққа, не мақсад-муддаода бу қадар елиб кетаётганини билолмай тинмай таажжубланар, саволлари тўнқадек ўтирган ҳайдовчига қор қилмаётганига баттар ёғинаётган эди. У ҳайдовчининг пешонасига теккудек турган шапалоқдек кўзгуга қаради — афтидан дурустгина одам, ўзи тенги, эҳтимол бир-икки кўйлакни ортиқроқ тўзғитган бўлса бордир. Манглайининг ўнг чеккасида қиялаб тушган чуқур чандиқ изи демаса, хушруйгина, мулоим йигит кўринади. Бозор уни қаерда кўрганини эсламоқчи бўлди. Тунов кўни уни заводдан чақиртириб гуппининг ёнига эргаштириб борган ҳайдовчига мутлақо ўхшамади. Униси — ёши катта, қўнғиз мўйлабли эди. Униси ҳам чуққ этиб оғиз очмагани бора-боргунича... Аминвой тайинлаган бўлса керак-да... Бўлмаса одам-ку, шунча юриб ичи қизиб кетмаганини-чи?!.

Шу пайт «Жигули» дарё устига қурилган омонат кўприқдан ўта бошлади. Кўприк, кўприкка кўшилиб «Жигули» қаттиқ лопиллади.

— Қайси дарё бу, биродар?— сўради Бозор хаёл аралаш ва саволига жавоб кутмай ён-верига аланглади.

Хийла узун кўприқдан эсон-омон ўтиб олган «Жигули» яна тезликни оширди. «Қаёққа шошаётганини ўзи билармикан?» деб ўйлади Бозор. Бу йигит ҳам Аминвойга орқа қилган кўринади, ўшанинг хизматидаги йигитга ўхшайди... Нимасига кеккаяди?.. Мен еб у қуруқ қолгандай!.. Ёки гунг-соқовмикан?..

Бозор илкис хаёлига келган фикрдан ўнғайсизланди, боядан бери шўрлик ҳайдовчидан ноўрин ранжиб келаётганидан, ичиди уни тўнқадан олиб тўнқага, сўқимдан олиб сўқимга солганидан хижолат чекди, шапалоқдек кўзгудан ҳайдовчини қайта кузата бошлади. Шу пайт тоғ томонда қандайдир қуш қичқирдими-сайради ми — ҳайдовчи чўчи бошини бурди — сайраган қушни тополмади чоғи, бошини сараклатди.

Бозор тахмини хато эканига иқрор бўлди. «Гунг бўлса қушнинг сайрашини эшитадим!» деб кўнглидан ўтказди. Беихтиёр сўради:

— Ғалати сайрар экан-а?..

Бозор лоақал шу саволи жавобсиз қолмайдигандек эди, йўк, бу умиди ҳам пучга чиқди. Пучга чиқибгина қолмай, Бозорнинг тамом ҳафсаласи пир бўлди. «Ғап-лашмасанг — ундан нарига!» деди-да, момиқ бахмал филофли суянчиққа яслиниб кўзини юмди — бели зирқ-зирқ қилиб симиллаётганини, қандайдир темир қайши белини тобора қаттиқроқ қисаётгандек, қаршилиқ кўрсатмай ўтираверса ҳали-замон умуртқаси қарсиллаб синадигандек туюлди — оҳиста ўриндиқнинг бир томонига сурилди, бироқ оғриқ аримади, «манави тўнка бир оғиз гапирса ҳам энгил тортар эдим!» — лекин шофёр

учун Бозор йўқдек эди гўё... «Кўзим юмилиб боряпти... Хушимни йўқотмаяпманми?.. Ёки туниминан мижжа қоқмаганимнинг касрими?..»

Бозор на ухлаётганини, на ҳушидан айрилаётганини, на оғриқнинг боисини, на-да қаёққа елдек учиб бораётганини англаган — фаҳми инон-ихтиёридан ҳоли, асов қулундек тутқич бермаётган эди... Узи талвасага тушгани етмагандай ҳомиладор хотинининг пинжига кириб олди-я!.. Уша ётишидан қайнотаси хабар топса борми! «Қизимни сизга ишонамиз, ўғлим», деб кетган қайнониси билса-чи!.. Ониси нима дейди?.. «Эркак кишининг ўлгани яхши, улим! Ким айтади, сени ота бўлади деб!» Нақ кўзини очирмай жавраб ташлайди онаси... Раҳматли отаси ҳаёт бўлсаю, яккаю ёлғиз ишонган тоғи — ўғли қаёқдаги нотайин — ножинс келгиндилардан қочиб-хуриб оғироёқ хотинининг путига биқиниб жон сақлаганини эшитса!.. У-ў, бундай исноддан кўра ўша учар махлуқларнинг қўлида нима-нимта бўб кетгани афзалроқ!.. Бозор бурнини жийирди — димоғига ўрнашиб қолган сичқон иси кўнглини ағдарди... кеча тунда, ўрнида ётган жойида ҳам бирдан димоғига шу қўланса ис урилган эди — хотини ҳам уч-тўрт қайта ўқчиди...

«Жигули» қаттиқ ғийқиллаб тўхтади, Бозор сапчиб кўзини очди, беихтиёр қўйнидаги пичоққа қўл суқди: — Нима гап?!— деб юборди ҳовлиқиб.

«Жигули» бояги-бояги шитоб билан олға интилди. Ҳаёллари тўзғиб кетган Бозор, юрагининг аллақаерларини уқубатларга солиб ўртаётган ўй-хотирага берилгиси келди — пичоққа узатилган кафтини чап кўксига босиб шиддат билан ураётган юрагини тинчлантиришга уринди.

«Отаси, онаси, қайнона-қайнотаси билмаса — хотини кўрди-ку, ахволини... ўзи гувоҳ бўлдию ўзининг нималарга қодирлигига! Узининг, Шабнамгинасининг олдида ким деган одам энди ўзи?! Вақти келиб хотини ўғлига айтиб берса-чи!.. «Сенга ҳомиладор вақтимда шундай-шундай бўлган... Босимизга кў-ўп кулфатлар тушган... Учар баркашда келадиган одамсимон махлуқлар қишлоғимиздагиларнинг барини бир чеккадан сўроққа тутган... Сўроқни аввалбош отангдан бошлаган... Бир кун отанг эсхонаси чиқиб кўрпанинг остига кириб кетган... Сен қорнимда эдинг... отанг қорнимни силаб-сийпаб сал ўзига келган, юрак ютиб кўрпа остидан чиққан... Шунда биров деразамни чертган, кейин отанг икки-уч кун дом-дараксиз кетган, деса... Икки кун... Қайтиб келгунича хавотирдан ўладиган бўлганман, деса... Отанг келганда «Қаттайдийз?» деб сўрасан жавоб қилмаган деса... Қатга бордим дейман? Кетавурдим, кетавурдим, шофир айтмади, қаёққа оборганини дейдими?! Тантакми ўзи бу? Қаёққа бораётганини биладими?.. Дунёнинг чеккасига етиб қолдик-ку?! Нақ анави келгиндиларнинг қўлига тушармиди, манави тўнка! Гапирганминан нафи кўринмаяпти. Ахир...»

— Аминвой ака кутиб қолгандир?— сўраб юборди Бозор тоқатсизланиб таваккалига.

Ҳайдовчи индамади.

— Эшитяписизми?— сўради Бозор.

Ҳайдовчи индамади.

— Мошин тош-пошга урилмагунича ҳайдайверасизми?

Ҳайдовчи жим.

— Э, қанақа одамсиз-ей? Қулоқми бу, ёки?!.

Ҳайдовчи қалқиб кетди. «Жигули» чайқалди. Бозор ғазабдан бўғриқди.

— Ёки учар келгиндиларга рўпага қим қўяйми? — деди сўккандан баттар бўғилиб. У ҳайдовчининг елкасидан тутиб силтамоқ учун қўл чўзганди ҳам элдик, мошин шовқинсиз-Бесиз тўхтади. Бозор атрофга аланг-

лаб қаерга келишганини фахмлаб-чамалаб улгурмай «Жигули»нинг эшиги очилиб Аминвой гуппининг тунд башараси кўринди.

19.

Ҳаво очиқ бўлса-да, қуёш кўринмас, дим, дарахт япроқлари қилт этмас — қишлоқ томон елиб бораётган «Жигули»да ўтирган учала одамнинг дарди дунёсию чехраси ҳам шу дамдаги ҳавонинг диққинафаслигидан кўпда фарқланмас — ҳар қалай Бозорга шундай туюлаётган эди.

— Шофирга нима дединг? — сўради Аминвой «Жигули» тўхтаб, ундан тушганлари заҳоти.

— Нима дебман? — қарши савол қотди тўнглик билан Бозор, пинагини бузмай.

Аминвой аканинг йўл бўйи тундлашиб келган башарасига ним табассум югурди. У кулдими, кулганга ўхшадими — димоғи чоғ одамдек овоз чиқариб деди:

— Уладиган қибсан-ку, ҳар балони сўрайвериб?

Шундагина Бозор ҳайдовчини суҳбатга тортмоққа беҳуда уринганларини эслади.

— Келгинди дўстларингдан ўргандингми сўроққа тутишни, Бозор? — чиройи очилиб кулди Аминвой.

Бозор унинг кулгисига зимдан эътибор қилди — кулгига жўр бўлмоқчи эдию, гуппининг кулгиси остида қандайдир шумният пинҳонлигини сезди. Сездю сир бой бермади.

Аминвой Бозорни ҳовуридан тушираётган эди. «Шофирга қўшиб юборди, шофири уни пичоқсиз сўйди, сўймади, нимталади!.. Товага солиб ўтда тоблади, мана, энди буниси унинг бошидан сув пуркаятти... Пуркайди, пуркайди-да, сўнг...» Аминвой яна нималарга қодирлиги ёки бўлмаса кейинги пайтларда ўзини ҳар қадамда қандайин кўргуликлар кутаётганини олдиндан билишга уриниш Бозор учун битмас-туганмас уқубатлар келтираётган эди. «Келгинди дўстларинг» эмиш!.. Давлатов «анавиларинг» деганди, Нарзиқул амаки, «Сенинг касофатинг» деди, Амин гуппи эса... буларнинг тили бир!..

— Энди бундай, Бозорбой, — деди туйқус Аминвой Бозорнинг хаёлини бузиб. Сўнг унга синовчан бўзрайиб қараб турди-да, нигоҳини «тутиб» олгач уни қўлдан чиқармасликка уриниб сўради: — Чарчадинг-а?..

Бозор жавоб бермади.

— Ранг кўр — ҳол сўр бўлиб турибсан-ку, тан ола-вур, ука.

Бозор гуппининг муддаога кўчишини кутаётган эди. Гуппи ҳам сезгандек, муддаони юзага чиқара бошлади. Ва тўсатдан чўрт кесди:

— Гап шундай: Нарзиқулнинг мазаси йўқ. Ҳозир уни касалхонага обкетишди. Дўхтирларга тайинланган... — Аминвой шундай деб Бозордан кўзини олиб қочди, қўлини узун, қора чарм камзулининг чўнтақларига суқди. Сўнг гапининг давомини айтди: — Агар бери қайтавермаса... Қайтмаса керак... сен ёнига бориб ётсан...

Бозор юриб бораётган жойида тўхтади. Аминвой ундан уч кадам илгарилиб тўхтади ва аста орқасига ўгирилди. Гуппининг нигоҳидан бирон мазмун-муддаони англаш иложсиз эди. Бозор бирдан мадорсизланган оёқларини сургаб Аминвойга тенглашди. Фудранди:

— Мен нима қиламан, ака?..

— Мўлтайма! — тўсатдан дўқ ура кетди Аминвой. — Ҳамма бало ўзингдан бошланди. Нарзиқул қовун туширди. Уқдингми?! Қовун!!. Тағин «нима қиламан» дейсан!.. — Гуппининг овози бирдан мулойимлашди: —

Борасан, ётасан — дам оласан... Нарзиқулнинг дамини олдирасан... Қулоғига қуясан... Қулоғига кўрғошин эри-тиб қуйиш керак энди!.. — Аминвой ёмон сўкинди. — Кейин... кейингисини кейин айтаман... Изма-из етиб бораман... Боришимни айта кўрма!..

Бозор қулоғи том битган одамдек миясида нимадир гувиллай бошлади. Мулоҳаза юриштишга чоғи келмай қолди. Шу аҳволда эсига келган саволдан севиниб кетди:

— Оқсоқолга айтдингларми, у кишини сўраганини? — деди Аминвойга сирдош одамдек ялтоқланиб.

— Оқсоқолнинг ўзи келадиган бўлди... — Аминвой беихтиёр шундай деди-ю, тилини тишлади. Сирни очиб қўйганидан аттанглаб қизариб кетди. Бозорга тескари ўгирилди. Хатосини тузатмоқчи бўлди шекилли, тайсаллаб туриб атайин салмоқланди: — Келиши номаълум... Гуллаб-юрмагин ҳали...

Бу хабардан Бозорнинг ичида чироқ ёқилгандай бўлса-да, у енгил тортганини яширди:

— Йўғ-э, нима деб гуллаيمان, — деди-қўйди.

Пиёда, ёлғиз кета-кетгунича шунга ўйлади. Тўғри-да, «Қишлоққа Оқсоқол келармиш» деб кимга айтади, зарил кебдими айтиб! Е айтса осмон узилиб ерга тушади-ми!.. Еки Оқсоқол деганлари пахтақайнарликларнинг кўзига кўринишдан кўрқадими? Кўрқса, унинг оқсоқолиги қатта қолади? Раҳматов, Давлатов, Аминвойдек казо-казолар соясига қуллуқ қиладиган зоти олий Пахтақайнарга ҳуфия келиб кетмаса керак ҳойнаҳой?.. Учар махлуқлар сўраб-суриштираётгани қулоғига етганмикан Оқсоқолнинг? Борди-ю, шундан дарак топиб келаётган бўлса-чи!.. У ҳолда Бозорни йўқлаб қолишар ҳойнаҳой?.. Нима, чақиршса, бор гапни яширмай-нетмай айтади: сизни сўради, дейди!.. Тағин, Оқсоқол келганда Бозор жаноблари касалхонада ётса — буёғи неча пулдан тушади? Касалхонадан рухсат беришмаса... йў-ўқ, Оқсоқол истаса касалхона туғул, қамоқхонадан ҳам чиқаришсади уни. Фақат амакининг аҳволи чатоқлашгани чакки бўбди-да!.. Шўрлик, юраги одош бўлган. Баркашига обчиқиб кетибди-я, баччағарлар!.. «Кўрқмадим» дейди амаки тағин, «Аланглаб томоша қиллим» деди. Кейин «Ҳовлингга ташлаб юборайликми?» деб кўрқитишган. Ёвузлар!.. Келгиндиларни «ёвуз» деса ўзига ҳамқишлоқ манави одамлар-чи?! Келгиндилар одамсимон махлуқ бўлса, булар — одам-ку! Қаёқларга обормади улар?! Нега оборди, муддаоси нима, уни «Жигули»да айлантариб келгунича Аминвой қаёққа кириб чиқди, шофери одамми ё сўқимга боқилган танамми? Ким ўзи улар?! Тағин «шофирни ўладиган қипсан» дейди! Нарди борса, Бозор ул-булни сўради, суриштирди, холос — шофер жавоб бермади, гунгсоқов бўлиб ўтираверди. Бозорнинг хуноби чиқди — сўрайверди-сўрайверди... Ҳа-а-а, сўраш, тинимсиз қистовга олиб деворга тираб савол ёғдириш қандай бўларкан?! Усал бўб қолганмиш! Усал ҳам гапми? Тағин Бозор дўқ ургани йўқ, унинг гирибонидан бўғиб, қон чиқмайдиган жойига тепиб-нетгани йўқ, айтмайдиган сирларини хамирдан қил суғургандек тортиб чиқаргани ҳам йўқ — онда-сонда битта-яримта савол қотди, холос. Келгиндиларнинг қўлига тушмабди — сўроқнинг азобини чекмабди, ўша сўқим шофер! Шоферинг у ёқда турсин, Аминвойнинг ўзи ҳам булбулигўё бўлиб кетади уларнинг қўлига тушса!.. Манави пастқам, хилват қавакларга қочиб дўқ уриш осон, сўтакдан олиб сўтакка солиш, «валдирама, алжирама!» деб дағдаға қилиш осон! Сўроққа тутилсанг — биласан унинг азобини!.. Сўтак эмиш!.. Бозорнинг уч-тўрт саволига айиқдай шоферинг ўсал бўлаёзганида, тағин Нарзиқул ўлиб қомабдию! Нарди борса — мазаси йўқ экан. «Дўхтир-

ларга тайинланган» деди. Нима деб тайинланади? Дўхтир ўзи қарайвурди, даволайди-да, иши шу бўлгач? Ёки?.. Ёки? Бошқа нимани тайинлаш мумкин дўхтирларга?.. Тўхта-тўхта!.. Нега шундай деб туриб гуппи кўзини олиб қочди? Киссасига суқаётган кўли титрадимми? Ёки?.. Кўлига титроқ турганини яширмоқчи бўлдимми?.. «Агар бери қайтмаса» эмиш!.. «Қайтмаса керак» деб фотиҳасини ўқиб қўяпти ҳам! Фотиҳасини... фотиҳа эмас, жанозасини... Жанозасини?!

Бозор таққа тўхтади — мияси қотиб ўнг-сўлига, орқалдига аланглади — кун чошгоҳдан оққан, вақт Бозорнинг ўй-хаёлларини писанд этмай ўтиб борар, қанча вақт ўтмасин, Бозор ҳеч вақонинг урдасидан чиқолмаётган — Ер — ўша-ўша қаттиқ, осмон эса ўша-ўша йироқ — Бозор замин у фалак ораллиғида яшаш учун ўзига берилган фурсати ғаниматда жиндек ҳаловат тополмаётган, энди топай-топай деганда янги-янги мушкулотлар уни исканжасига олаётган, мана, айна чоқда Нарзиқулнинг тақдири ўзига келиб тақалаётганига тушунолмаётган гаранг эди... Дарвоқе, амакининг қулоғига қўрғошин қўйилади, сўнг жанозаси ўқиладиган жойда Бозорга нима бор?.. «Сен ёнига бориб ётасан» деди... Ёнига?.. Нега Бозор Нарзиқулнинг ёнига бориб ётиши керак?.. Нарзиқулнинг бери қайтмаслиги муқаррар эмиш... бундан чиқди, амакининг тақдири бирёқлик бўлаётганида Бозор унинг ёнида бўлиши шарт эмиш... бунини Аминвой ҳал қилар эмиш. Нега?! Аминвой ким ўзи?! Бозор келгинди махлуқларнинг сўроғидан қочгани жой тополмаётган бўлса, бундан Бозор қолиб Аминвой ва Давлатовлар юрак олдирган бўлса, Нарзиқул адойи тамом бўлган эса, бутун қишлоқ аҳли тахликаю вавасасага тушган бўлса, нима, Бозорнинг тақдирини, босадиган қадамини Аминвой белгилаб бериши керакми?! Узига бериладиган саволлар жавобини ҳар ким ўзи эпласа, бас, гуппи тугул, ундан каттароғи ҳам қўллаб-қўлтиқлашига зорикмайди. Ахир Бозорнинг сўроқдан қўрқадиган жойи йўқ! Унинг учун онаси тинч бўлса, хотини эсон-омон кўзи ёриб қўчқордек ўғил туғиб берса — одатдагидек қириб-қиртишлаб, тармашиб-эрмашиб рўзгорини тебратиб турса, бас, бошқа орзу-ҳаваси йўқ Бозорнинг!.. Фақат, банда-да, нима қилса ҳам, кўнгли бир суст кетиб қарз-парздан бир йўла қутулиб олай деганди, шу ўйда Аминвойга маслаҳат солганди, холло!.. Нима, Аминвой пахта заводга юкчи қилиб ишга жойлаштиргани эвазига истаган кўйига солаверадими Бозорни?! Истаган жойига обораверади, истаганича мошинда сарсонини чиқаради, истаган ерида сиқува олиб, сўкиб-ҳақоратлаб, ерга уриб, иззат-нафсига тугуриб оёқости қилаверадими? Шундайми?! Аминвой сўроқдан қўрқса Бозорда нима гуноҳ? Ҳар кимнинг жавоби ўзида — биров биров учун жавоб бермайди, ахир!.. Нарзиқул амаки сўроқдан бир ҳолатга тушган бўлса, унинг ёнида Бозор қўриқчилик қилишга маҳкум эмас-ку!.. Ёнида эмас, эҳтимол, унинг ўрнида ётишига тўғри келар?! (Бозор ўзининг шу кашфиётидан кўзи мошдек очилди!) Амаки эмас, Бозорнинг аҳволи бери қайтмай нари кетиб қолар?! Бозорга ҳушёрроқ қараш вазифаси ҳам топширилиб қолар ҳойнаҳой, дўхтирларга!.. Бугун амакининг аҳволи оғирлашади, бунини Бозор ўз кўзиминан кўради, эртага келгинди махлуқлар Бозорни сўроққа тутуди, гапирмаганига қўймайди, улар, ўзи истаган гапни маъқуллаб олади-да, бундан дарак топган Аминвой бояги кимсасиз жойга боради, боради-да, аллакимга учрашиб, Бозорни касалхонада даволашни гаплашиб чиқади, ўша ерда туриб дўхтирларга махсус тайинлайди — «Бозор алоҳида парвариш қилинсин» деб амр қилади. Дўхтирлар амри фармонни айтилганидан аълороқ қилиб ўринлатишади, кейин,

Бозорбой, қарабсизки, онаизорию хотинини, бўғзигача галваю машмашаларга ботган бу ёруғ дунёга келишни истамай оёқ тираб туриб олган ўғилчасини зор қақшатиб, қон йиғлатиб ке-етади-қолади. Шундайми... Шуми, ерлик одамсимон махлуқларнинг марҳамати?!  
20

Бозор йўл юрса ҳам мўл юрди, қадам ташлаши тобора оғирлашаётганига қарамай кетаверди. Тор кўчаларига етай деганида ёнига трактор келиб тўхтади. Бозор эски таниш ҳамкасбини кўриб севинди — илдам юриб кабинага чиқди. Трактор тариллаб силкина-силкина жойидан қўзғалди. Бозор тўсатдан барча чарчоқларни, барча ташвишларни унутиб тракторни, унинг тор, аммо лекин файзли (айниқса, шу топда!) кабинасини қўмсади, танишига ҳаваси келди, афсусларини яширмай чуқур уф тортди.

— Ҳа-а, кўринмайсан? — сўради таниши унинг рангрўйига кўз югуртириб. — Нима, улфатларингга қўшилиб Кўкдаланинг ортига ўтиб кетганмисан?

Бозор «улфатлар», «Кўкдаланинг орти» деган луқмалар замиридаги кинояни тушунди. Улганининг кунидан жилмайди.

— Ишларинг дурустми? Заводда иш каттами, дейман?

Собиқ ҳамкасби билибми-билмайми Бозорнинг нақ гирибонидан олган эди!.. Бозор унинг саволига жавоб берадиган аҳволда эмасди, шу боис қочирқиқа яраша гапнинг пўсткалласини айтди-қўйди!

— Кўкдаланинг ортига ҳеч ким ўзича ўтиб кетолмайди, жўра, у ерга обкетиб қолади, обкети-иб!..

Унинг бақириб гапиришидан чўчидими ёки Бозорнинг авзойи жойида эмаслигидан бирон хатар туйди-ми, тор кўчанинг бошига етгунча тракторчи қайтиб оғиз очмади. Тор кўчага етгач, тракторни тўхтатдию ўтни ўчирди.

— Буёғи нима бўлади, жўра? — Бозор танишининг жавдираб умидвор қарашидан таъсирланиб унинг гапига қулоқ солди. Таниши астойдил куюнчанлик билан давом этди: — Бутун қишлоқ, қўшни қишлоқларгача ҳаловатини йўқотди-ку. Одамлар, нима бўлади, энди?..

Бозор мушкул жумбоқ ечимини топишга киришган одамдек оғир ўйга толди.

— Ҳамма балони сендан кўраётганлар ҳам бор... Одамлар...

— Одамларни қўя тур, — унинг гапини чўрт кесди Бозор. Ҳозир у яна янги хабарлар эшитадиган, эшитса-да, уларни ҳазм қиладиган аҳволда эмас, балки гапини мухтасар қилиб уйига етиб боришни, уйдагиларни тинчлантиришни кўзлаётган эди. — Узинг ҳаловатингни йўқотмадингми, ишқилиб?..

Бозор танишига синовчан разм солди. Тракторчи мазмунсиз тиржайди, бунини ўзича тушунган Бозор яна савол қотди:

— Бировдан тилинг қисқиклик жойинг борми? Тиржайганидан лаб-лунжини йиғиштириб улгурмаган тракторчи бу саволни эшитиб афти қийшайиб кетди. «Кўрқди» деган ўй кечди Бозорнинг хаёлидан.

— Сўроқлайвериб, жа, ҳоли-жонингга қўймас экан-да, ўзиям, анавлиларинг!.. Аслида, нимадан қўрқаман?.. Сўраса сўрар...

— Яша! Шундан маъқул гап йўқ оламда! — чўрт кесди Бозор танишини ортиқ гапиртирмай. — Узингдан хотиржам бўлсанг, ўзгадан қўрқмайсан! Осмондан эмас, ундан тепароқдан кемайдими анавилар!

Бозор тор кўчадан уйига ета-етгунича гоҳ шу гапни айта олганидан севинса, гоҳ ҳатто шу таниши ҳам мах-

луқларни «анавиларинг» деб унга нисбат берганига дили ғашланди. Шундай тинч, хотиржам ишни ташлаб заводга ўтганига яна ўзини койиди. Заводда ишим жа дуруст, жўра. Жуда!.. — кесатди у тишларининг орасидан тупук сачратиб. — Иш катта бўлгандаям уёқ-буёғи йўқ!..

У бутун умр кўрган-кечирганларини тўплаган тақдирда бир бўғчага жо бўладигандек, кейинги икки-уч ой асносидаги машмашалар эса қолган умрига татигудай борлигини эзиб-эзфилаётган — жонига азоблар бераётган эди...

Унинг назарида, уйи узоқлашиб кетгандай, йўли сира унмаётгандай, шу алфозда яна узоқ юриши зарурдай — лекин қандай бўлмасин, у бу йўлни босиб ўтишга аҳд қилган — фикр-ёди уйига соғ-омон етиб олиш, онасининг, хотинининг ёнида нафас ростлаш, уларни тинчлантириш, юпантириш, сўнг... сўнгра... одатдагидек қош қорайиши билан ишига жўнайдимми ёки Аминвойнинг йўриғига юриб хотинининг гулдор халтасига чойнак-пиёлани солиб касалхонага йўл оладими — Бозор ҳали буёғини ўйлаб кўрмаганди...

У дарвозадан ўтиб ҳовлига кирди, ҳаммаёқ жимжит. Айвон янгигина супирилганини кўриб кўнгли хийла тинчланди, сўнг қаёққа юрарини билмай турди-да, пахтали камзулини ечиб айвон устунидagi михга илди. Айвон лабига омонатгина ўтирди. Узунасига тушган катта ҳовлига бу йил ҳеч вақо эколмади, тўй деди — тўй ўтди, кейин пича дам олай деди — дам олди, куёв-тўраллик суруридан маст бўлиб саркаш хаёллар қанотида уйига тикка кириб-тикка чиқиб юрганида тўй асасаларининг акс садоси янглиғ бўйнидаги қарзларни чўтлади, уларни эгаларига қайтариш ҳисобини чамалади, чамаладию капалаги учди, тик қомати дол бўлди-қўйди — энди ўйлаб қараса ўша капалагига қўшилиб бошидаги ҳуши учиб кетган дамларда беғуноҳдан беғуноҳ Шабнамгинаси кўзига бало-қазодек кўринганди — Бозор шайтоннинг найрангига учмади — «уйла-ниш баҳонасида қарзга ботаётган битта менманми!» деб ўзига тасалли берди, кўз очиб кўрган жуфти ҳалоллига нисбатан туғила бошлаган шайтоний ўй-хаёлларини қувиб солди — боши ёрилгудай ўйга толган пайтларида ҳам ҳеч кимга ёрилмаганди! — иттифоқо Аминвойга ёрилди: икки айтмади, бир айтди, холос: Аминвой кўп ялинтиради деб кутганди, йўқ, иккинчи сафар йўлиққанида мушуқли осон бўлди — тракторини топшириб заводда ишлаб бошлади...

Хулласи калом, Бозор қайтиб ҳовлидаги юмушларга фурсат тополмади Сўнгги марта режаларини чамалаганида, терим тугасин деб яна пайсалга солди, мана, далада пахта одош бўлай деди ҳамки, машмашалар кун сайин ўзидан урчиб, ўзидан кўпайиб ётибди...

— Ҳа, дайди!

Бозор беҳосдан сапчиб турганидан ўзини тутолмай ҳовли ўртасига бориб қолди, беихтиёр осмонга, томларга аланглади. Ҳовлида юрган товуқлар ҳуркиб қаққлаб қочди, патлари чўгдек қизил хўроз қайдандир етиб келиб товуқларни муҳофазасига олиб гердайганча ер тепиниб қуқуқлади. Шабнамнинг шарақлаб кулиши ҳовлини жаранглатиб юборди.

— Секинроқ чақирмайсанми! Хаёлминан ўтиргандим!.. — деди қути ўчиб Бозор хотинидан астойдил норозилаб.

Шу пайт этакдаги уй остонасида Чучук момо кўринди. — Ҳа, келдингми, улим? — сўради онаси остонадан туриб улгурмай. — Қайга йўқоллинглар?

Бозор онаси билан хотини не боисдан ундан хавотирланишмаганига ажабланди. Унинг хаёлида туғилган саволга хотини жавоб берди:

— Бир йигит айтиб кетмаганида йўлга тикилавуриб ўлардиқ.

— Қандай йигит? — бирдан қизиқиб сўради Бозор. — Танидингми?

— Башарасини кўрмадим... Дарвоза ортидан сўйлашдим. Новча, ориқ йигит... «Бир юмуш билан қўшни қилдоққа кетяпмиз», деди... Қарасам, «Жигули»га минди-да, кетди...

— Ёнида ким бор эди?

— Ёнида... ҳеч ким йўқ, мошиннинг ичи кўринмади.

— Завудларинг тинчми? — сўради ҳовли ўртасига келиб Бозорни саросар кўздан кечирган Чучук момо. Бозор онасига анграйди, «Ҳа, нега бунақа қараяпсиз?», демоқчи эди, хотини ундан илгарироқ гина аралаш савол қотди:

— Салдан кейин ишга кетарсиз?

Бозор хотинига жавоб бермади — у салдан кейин ишга борадимми, касалхонага равона бўладими ёки бўлак кутилмаган юмушлар чиқадими — унинг кўнгли шундан безовта эди! — ўзига ҳам қоронғи эди.

— Мен ётай, пича ётай! — деди у хотинидан нигоҳини олиб қочиб. Шундай деб этакдаги уй томон юрди. Буни кўрган Шабнам ҳайрон бўлди.

— Ётсангиз, уйга киригиз... — деди қайнонасининг олдида ўнғайсизланиб.

Бозор бош чайқади, лабини қимтиб изига қайтди.

— Давлатобди кўрдингми? — сўради Чучук момо айвонга етган ўғлидан.

Бозор шиддат билан орқасига ўгирилди, қаттиқ хавотир ва сўнгсиз бир ҳадикда онасига ўқрайди — эрининг авзойини кўрган Шабнамнинг кўзлари қинидан чиқиб кетгудай олайди.

— Ҳа-а? — деди бунга эътибор қилмай Чучук момо.

Бозор сакраб ҳовлига тушди, гурс-гурс юриб бориб онасидан икки қадам берди тўхтади.

— Намунча қистовга олаверасилар?! Нима, мендан бошқа ташвишларинг йўқми?! Заводнинг тинчлиги, Давлатовнинг ҳаловати менинг қўлимдами?! Ҳаммасига мен жавобгарманми?!

Бозорнинг бўғилиб ғазабини сочишини кўрган Чучук момо «хай-хай»лаб ўғлини тинчлантирмаққа уринди-ю, овози чиқмади, эрининг қайнонасига зарда қилишини сира кўрмаган Шабнам худди бақириб юборишдан кўрққандек қўлларини мушт қилиб оғзига босди — эрининг олдида бордию тек туриб қолди.

Бозор онасига айтишга сўз тополмади чоғи, хотинига ўшқирди: — Йўқол! Бор!..

У шарт-шурт юриб айвонга борди, бир лаҳза ўй ўйлаб турди-да, яна этигини гурсиллатиб изига қайтди — ҳамон ҳушидан айрилгудай бўлиб турган онаси ва кўзлари жиққа ёшга тўлган хотинининг орасидан ўтиб, этакдаги уйга кириб кетди.

21

— Мен — йўқман!.. — тўнғиллади Бозор ичкаридан.

Шабнам эрининг тунги васвасаси давом этаётганини сезди, қайнонасига илтижо ва ўтинч билан қаради, қайнонаси эса атрофларини ажин босган қисик кўзларини келинига умидвор тикиб турарди.

Бозор Шабнамни чақирди. Чучук момо келинига «киригиз» деди-да, ўзи нари кетди. Шабнам қайнонасининг уйи остонасидан ўтдию, тўхтади — «Эна, сизни чақир-яптилар» деди хавотирли, лекин юмшоқ товушда.

Чучук момо ўғлининг ечинмай-нетмай устига кўрпача ташлаб ётганини кўриб нимадир демоқчи бўлди-ю, бемор тепасига келгандек ўғлига индамайгина термилди.

— Сен ҳам, — деди Бозор бошини кўтармай пойгак-да қолган хотинига қарата.

— Ким сўраб келса ҳам — мен уйда йўқман!..

Қайнона-келин ҳанг-манг бўлиб қолишди.

— Тушундингларми?.. — сўради Бозор бошини ёстиқдан у узиб тирсагига таянаётиб. — Аминвойми, Давлатовми — бари бир, йўқман!.. Анув... махлуқларга ҳам...

Чучук момо ўғлининг гапини дабдурустдан англамади, келини тўсатдан оғзини юмиб пиқиллаб йиғлаб юборганини кўргач, «Вой, шўри-им!» деганча ув тортиди.

— Увламанг!.. Жиминг, она! — жеркиди Бозор.

— Нима, келадиганми уларинг? — сўради онаси бурнини тортиб.

— Сен нега пиқиллайсан? — ўшқирди Бозор жавоб ўрнига хотинига ўдағайлаб. — Узингни ўйласанг-чи, сен!..

— Бунга нега бақирасан?! Узинг ўчир овозингни!.. — Чучук момо ўрнидан туриб кетди, келинининг елкасига қоқиб ўтди-да, дераза ёнига бориб уни очиб юборди, очдию ўша заҳоти лангиллаб очилган иккала тавақани қайтиб ёпди. Қайтиб ўғлининг тепасига келиб чўнкайди ва ҳозир ўғлига зарда қилганига афсуслангандек ўта мулойимлик ва меҳрибонлик билан гапирди: — Қандоқ қилиб ўзини ўйлайди бу шўрлик, болам?! Ётиб тинчимайди, туриб тинчимайди — осонми бунга, Бозор?! Ундан кўра, мана, пахта ҳам одош бўлли, «терим тугасин, болани кесиб оламиз» деган духтурларга бор. Бу ташвиш турганда сеники ортиқча, улим...

Шабнам даҳшат аралаш хўрлиги келса-да, овоз чиқармади, кўйлагининг енгини қайириб кўзларига босди.

— Бозор, очиқ айт. Бизга айтмасанг кимга айтасан, жон болам? Қаёққа бординг, ким келмоқчи уйимизга? Айт, болам.

— Бежавотир, она, — деди ниҳоят тилга кириб Бозор. — Узим... иш юзасидан бордик. Аминвой акаминан... ишлари жонга тегди, она, чарчадим. Пича дам олай... сўраб келганларга «йўқ» денглар, шу...

— Нега учар махлуқларди айтяпсан?

Бозор кулди.

— Э, қанақасизлар ўзи! Ушалар келган тақдирдаям уйғотманлар, аллақатга кетган деб жавоб қилинлар, деган мақсадда айтдим. Йўқман, тушундингларми, йўқман! Тамом!

— Нафасинг қурсин-э! — Чучук момо шундай деб сапчиб қаддини ростлади. — Оғзинга қараб гапир: нега йўқ бўлар экансан?! Э, ишларинг қурибгина кетсин-а!.. Ҳе, онсони чиқсина, ҳаммасини!..

Бозор онасининг жиғибийрон бўлаётгани ўзига дахлсиздек кўрпачага бурканди. Шабнам эрининг бу тахлит ётиши унинг тунги талвасасининг давоми эканини тушунди — қарийб эшитилмайдиган қилиб пичирлади:

— Майли, бир оз ётсинлар... тунда яхши ухламагандилар...

Бироқ Бозорнинг уйқуси келмади. Урнидан турмади, кўзини очмади ҳам — ўйлади, беқарор ўйлар билан олишиб ётди... Раҳматов кўрққанини сездирмаяпти... Давлатовнинг бўлари бўлди — «иккови бир гўр, бирига «пишт» деса иккови адо бўлади» кулди Бозор — Аминвой сир бой бермаяптию илло алланималарнинг пайида ғимирлаб қолганини яширолмамаяпти. Тулки!.. Тулки эмас — қашқир!.. — Бозор сапчиб кўзини очди, қўлини ёстиқ остига суқди — қалтираётган бармоқлари пичоқни пайпаслаб пича тин олди у — у тахмоннинг ёнида пайдо бўлган мушукни кўриб назарида ўзи сичқону ҳозир мушукнинг чанғалига тушадигандек безовталанди, юрагининг бежо дукурлашини базўр босиб амаллаб тили

калимага келди. «Пишт!..» дедию кигизни муштлади, мушук ўзини эшикка урди... Бозор кўзини қаттиқроқ юмди. «Фаол ўзини осибдими?..» Бозор нафас олмай ётаверди — юраги безовта дукурлай бошлади — шу топда юраги урмаса ҳам рози эди Бозор — начора!.. Кўзини очмай жавоб қилди: «Хабарим йўқ». «Тоққа қайси мошинда борган экан? Аминвойникидами?» — «Билмадим». «Ким билан борибди бўлмаса?» — «Эшитмадим». «Раҳматовнинг отани ўқи йўқмиди Фаолни?» Бозор кўрпачага бурканди. «Раҳматов ёқтирмас эдими?» — такрорланди савол. Бозорнинг оёғи силтанди — у асабийлашаётган эди. «Нима?.. Итдан ёмон кўради?.. Раҳматов, Давлатов... Аминвой ҳамми?.. Итдан ёмон кўради — шундайми?.. Шундайми?.. Шундайми?..» Хона жимжит бўлиб қолди. Бозор кўнглидан ўтаётган гапларни тепасидан биров сўзма-сўз такрорлаётганини, бу овоз хипча белли келгиндининг овозига ўхшабини аниқ эшитди — ичида мутлақо ўйламасликка уринди — шубҳасини тасдиқлагандек ташқарида нимадир гувиллади, сўнг гувир садоси оҳиста узоқлашди, бирдан шовқини йўқолди... Жимжит, «тик» этган садо йўқ, юрак қурмағур дукурляпти, холос. «Йўқман, йўқман-ку...» Топиб келди-я!.. Қийнамади, қистовга омади, мени қистовга омайди... Фаол, Фаолга нима бўлди? Қачон? Нимадир қаттиқ шитирлади. Бозор жон ҳолатда ёстиқ остига қўл югуртирди, кўзи олайиб қинидан чиқиб кетгудай очилди; тахмондаги сандиқ ёнидаги ғижим қоғоз уюми орасига тушиб қолган сичқон «бандилик»дан чиқишга уриниб талпинарди. Бозорни дув тер босди... Ортиқ ётолмади — бошини тиззаларига солинтирганча боши қотиб ўтириб қолди: тушунтирмаман... мени тинч қўйинглар, мен Раҳматовди ҳам, Давлатовди ҳам танайман... Аминвойдан бир марта илтимос қилганман, бир марта холос... Бошқа ҳеч гап бўлмаган, худо ҳаққи, тушунинглар!.. Абдуфаол таги-туғи йўқ одам аслида, сурати бор холос, заводда одам зоти борки, уни бир чақага олмайди — туйқус хўроз ҳовлини бошига кўтариб қичқирди!.. — чўчиганидан Бозор ўринга қапишди, қўллари мушт бўлиб тугилди... Узини осганидан бежабарман, тоққа ким билан, қайси мошинда борганини ҳам эшитмадим... Қари онам бўлса, хотиним ҳомиладор, эрта-индин кўзи ёрийди, барака топгурлар, туғилмаган болани ҳурмати, мени тинч қўйинглар... Тушунинглар, махлуқ бўлсанглар ҳам одамбашарасизлар-ку! Суратларинг одамга ўхшайди-ку, тушунсанглар-чи!..

22

«Аввал завўдга борай, амак келмаса сўнг касалхонага ўтаман... Боришга борарман, лекин амакига қўл теккизмайман. Гуппи қаёққа бошлаяпти мени?! Ярамас!..»

Бозор ҳеч бир ўйини одоғига етказа олмаётган эди. Ахир, гуппи ишора қилган нарсага, ҳали касалхонага бориб берадиган топишириғига Бозор қодир эмас экан, нега кунбўйи Нарзиқулни асраб қолишни ўйламади?! Ҳозироқ боради у касалхонага... йўқ, йўлакай амакинигига киради. Касалхонага обкетишган бўлса, у ҳолда етиб боролмаса-чи;.. Гуппи дўхтирларга тайинлаган, дўхтирлар Бозорни кутмай... Агар боя — Аминвойнинг ёнидан қайта-ёқтиб Нарзиқулнинг уйига борганида, Раҳимбойни чақиртириб, «Отангиз касалхонага бормасин, иложини топсанглар бирон қариндошларникига жўна-тиб юборинглар», деб тайинласа олам гулистон эди!..

— Раҳимбой акани чақиринг, — деди Бозор

дарвозахонада ёшгина жувоннинг қораси кўринган заҳоти.

— Отамди обкетишди... — деди ўзини панага тортиб, энги билан оғзини тўсиб жувон.

— Қаёққа?! — сўради Бозор йўлакка отилиб киргундек шиддат билан.

— Касалхонага... Тузук эдилар... дўхтирлар қўймади...

Бозор бошқа сўз қотмади, у қандай қилиб бўлмасин, ҳозироқ касалхонага етиб бориши шарт эди. У катта йўлга чиқиши билан йўловчи мошинни тўхтатди:

— Касалхонага!.. Шошилинч!

Ҳайдовчи бош чайқади.

— Кечиксам чатоқ бўлади, тоға, илтимос!

— Утказмаяпти, биродар, — елкасини қисди ҳайдовчи.

— Нега ўтказмайди?

— Одам ўғирланибди!..

Мошин жўнади, Бозор йўл чеккасида турган жойида тахтадек қотди-қолди. У шу алфоз қанча вақт турди — билмади, бир пайт ёнига келиб тўхтаган мошин ҳайдовчиси «Қаёққа, биродар?» деганини эшитдию шошиб, саволга жавоб бермай-нетмай ўзини мошинга урди.

— Касалхонага ҳайданг. Тез!

Мошин тезлигини оширди.

— Йўлни тўсганмиш, эшиттиёмизми? — сўради Бозор. Ҳайдовчи елкасини қисди.

Катта йўлнинг касалхонага бурилиш жойида чиндан ҳам мелиса мошинлари кўринди. Олатаёқ тутганлардан бири Бозор ўтирган «Москвич»га тўғри йўлни кўрсатди.

— Ким ўғирланибди? Қаердан? — сўради сабрсизланиб ва вазиятдан фойдаланиб Бозор.

Мелиса жавоб қилмади.

— Нариги йўлдан юрайлик-чи, — деди Бозор ҳайдовчини шошириб.

Ҳайдовчи сўзсиз унинг амрига бўйсунди. Бироқ касалхонага бориладиган бошқа йўл ҳам тўсилган эди. Бозор мелисаларга нималарнидир тушунтириб ўтиш учун рухсат сўради, ҳарчанд ҳоли-жонига қўймасин мелисалардан жавоб тегмади. Ниҳоят, унинг қўярда-қўймай, «Касалхонадан бемор ўғирландими?» деган саволига мелисалардан бири тоқат қилолмади шекилли:

— Касалхона тинч... — ёнидаги йўлдан, — деди.

«Демак, Нарзиқул амакини эмас, — деб бирдан энгил тортди Бозор. — Хайрият, бошқа одам ўғирланган. Кимни, ким ўғирлаган?.. Пахтақайнар Пахтақайнар бўлиб одам туғул мол ўғирланганини биров эшитмаган... Қандай овода, ажойиб қишлоқ эди-я!.. Одамлар-чи?...» На Бозор, На Бозорларнинг оиласи бировдан ёмонлик кўрмаган — унинг назарига Пахтақайнардан чакки-чукки одам йўқ эди... Ёшлигидан ҳеч кимсага очиқ айтмаса-да, «уйлансам, болаларим кўпайса, отам-онам невараларини бағирларига босиб ўтирса... отам билан онам сингари кексайганда ҳам аҳил-тотув яшасак хотиним билан...» деган ниятларни ўзича бот-бот ўйлар эди — отаси кутилмаганда раҳматли бўлиб кетдию Бозорнинг бири бирдан ширин орзу-ўйларига қирон келди. Куйди, ўртанди, дунё кўзига тору қоронғу кўринди — тағинам онаси пухта экан — отасининг йили ўтар-ўтмас Бозорни уйла-

ди — Бозор ўзи мўлжалини олгандек хушсурат, одобу фаросатда ягона қиз насиб этиб турмуши шира боғлади!.. Ҳаёт юз чандон, минг чандон гўзаллашди — Бозор толиқиш нелигин билмай кунбўйи трактор ҳайдар, ишда, кўчада, уйда — қаерда бўлмасин одамлар билан ўйнаб-кулиб, суюб-севиб муомала қилар, беғам-беташиш — етти иқлимда ундан бахтиёрроқ инсон боласи йўқ эди!..

Шабнамнинг бўйида бўлганида-чи!.. Э-эхх!!.. Кеч эди — Бозор уйга ҳийла ҳаяллаб қайтган — хотини келтирган макарон шўрвани хўриллатиб-ютоқиб, нон бўктириб-бўктириб косаси билан кўтарди — онаси «яхши ётинлар» деб этакдаги уйга кетди — Шабнам даҳанини муштига қўйганича хонтахта чеккасида эридан кўз узмай ўтирди. Бозорнинг эсида — Шабнам пушти ранг, ҳарир кўйлақда эди, бошида ялтироқ дурра... «Тагин овқат опкелай» — деди у Бозор косани бўшатгач. «Йўқ, — деди Бозор, — чой ичаман». «Пешинда кутдим-кутдим... овқат тайёр эди — келмадингиз» ўпкеланди Шабнам. «Келолмадим, Шабнам, узоққа кетгандим», — деди Бозор бир нарсадан қуруқ қолаётгандек чойни шошалоқлашиб ичаётиб. — Эртага тушликка келаман; Шабнам». — «Эртадан далага чиқаман, чопиққа... Опа чақиртирибди». Бозор хотинининг ишга чақиритиладиган хабардор эди. «Чопиққа чиқдим деб кечгача кетмонни кўтариб юраверма, ўзингга қара», деди Бозор меҳрибонлик қилиб. Дедию бирдан, ҳа-ҳа, беихтиёр хотинига синчков термилди — Шабнамнинг оппоқ юзи тиник, қош-кўзлари ҳар қачонгидан қоп-қора, сулув... бамисоли рўпарасида суратда чизилган қиз жонлангану Бозор билан суҳбат қуриб ўтиргандек!.. «Нега қараяпсиз?» деб кулимсиради Шабнам. «Шабнам...» деди Бозор лаб-лунжини сочиққа артиб ҳамон хотинидан кўз ўзмай. «Ҳа, кўрмаганмисиз мени?» деди кулиб Шабнам, «Шабнам!..» деди Бозор хотинининг чиройига суқланиб, «Унақа қараманг...» деди Шабнам, шундайин бир навозиш билан! Бозор азбаройи энтикиб кетди. «Шабнам!..»дан бўлак сўз тилига келмади яна. «Айтайми?» — деди Бозорнинг жонига чўғ қалаб Шабнам. «Айт, Шабнам, нима бўлса ҳам айт!» деди Бозор хотинининг жамолига тўймай. Шабнам «дик!» этиб турдию уйга кириб кетди. Бозор Шабнамни худди биринчи марта кўраётгандек ичи таталади. Сабри етмай ирғиб турдию хотинига эргашди. Уй остонасидан ўтиши билан Шабнам унинг бўйнига осилди. Бозор Шабнамнинг белидан қучди. «Секин!..» деди Шабнам жуда сирли оҳангда. «Нега?» — сўради Бозор ҳайрон бўлиб. «Ёш боламисиз!» — кулди Шабнам. «Нега ундай деяпсан. Айтсанг-чи, нима бўлди?» қўярда-қўймай сўради Бозор. «Айтсам, нима оберапис?...» — Шабнам ўзига ярашган равиш билан юзини эрининг юзига босди — Бозор адоий тамом бўлди: боши айланиб, ҳушини йўқотгудай кўз олди қоронғилашди — инсон фарзандига насиб этмаган бахтга мушарраф бўлаётгандай ададсиз масрурликдан маст эди... Шабнамнинг таниш, ҳушни ўғирловчи ҳиди унинг ҳушини қайта жойига келтирди, Бозор эса сархушликдан чиқишни истамас, аксинча, маст бўлиб хотинини бағрига босгиси, уни тўйиб-энтикиб эркалагиси, ўпиб-қучгиси келаётган эди... мана, энди ундай сархушликлар қаерда! — энди нималари биландир ўша ҳолатнинг айнан такроридек туюлган ҳолатдан аксинча ҳушини сира йиғиб ололмапти, ҳарчанд уринмасин, на бораётган жойини, на кўнглига тук-

кан мақсадини идрок қилолмаяпти... «Хоҳлаганингни оберман, жоним», — деди ўшанда хотинини бағридан чиқармай, «қўғирчоқдек ясатиб-ясантириб қўяман, жоним», — деб эркалади, «Сен менга ўғил ҳадя этасан-у, мен сендан жонимни аяйманми, Шабнам» деди... Дедию, эртасига, йўғ-э, аниқ эсида — қоқ ярим кечаси, ним қоронғи ўйда уйғониб кетди — қайтиб миждуа қоқмади. — Шабнам толиққан, шу боис ширин тушлар оғушида ухлаётган, Бозор эса уйланганидан буён энди биринчи марта ўй ўйга, хаёл хаёлга уланиб қарз-ҳаволани чўтга солаётган эди!.. Эҳ, хом сут эмган экан, Бозор бола!.. Бўғзигача қарзга ботиб ётибдию, хотинчасини қўғирчоқдек ясатиб қўймоқ, унинг чиройига чирой қўшмоқ ва кейин жамолига суқланиб ўтирмоқ умидида ял-ял тақинчоқлар обермоқчи!.. Ола-а!..

Шу-шу тинчи йўқолди. Ҳафта ўйлади, ой ўйлади — на ўзи тинди, на тракторини тиндирди — шундай қилса пулнинг остида қолиб кетадигандек эди! — аммо-лекин қўлига тушган ақчаси қарзга тўлаш тугул, кундалик рўзғордан ортмади... У ўйини ўйлағунича бу ёқда Шабнам кўйлакчалар, қалпоқчалар тикишга киришди, қайнонаси танда қўйди, онаси келинини пуф-пуфлаб уни ёлғиз қолдирмайдиган одат чиқарди... Ана шундагина Бозор бу аҳволда осмондан кўмак тушмаслигига иқрор бўлди — «пахта заводида ишловчиларнинг топиши зўр!» деган гапни дилига тугдию чиқмаган жондан умид қабилида Аминвойга йўлиқди...

— Касалхонага бордингми? — салом-аликни насия қилиб сўради Раҳматов.

— Утказмади, — деди Бозор ўзининг бегуноҳлигига ишончи комиллигидан бамайлихотир.

— Утказмади?.. Ким ўтказмайди?! — Овозини дағаллаштирди Раҳматов.

— Йўлни мелисалар тўсибди... Иккала йўлдан бордим — бўлмади. — Бозор шундай деб туриб тўсатдан онасининг уйида ётгандаги эшитганлари ёдига тушди. Тушдию, ранги ўчиб директорга қаради: — Абдуфаол ака қаердалар?..

— Нима қиласан Фаолни? — энсаси қотди Раҳматовнинг.

— Эшитмадингизми?

— Нимани?! — деди Раҳматов Бозорнинг авзойидан хунук воқеа юз берганини сезиб.

Бозор энди лаб жуфтлаган ҳам эдики, завод дарвозасидан ўқдек кириб келган «Жигули» нам асфальт майдончада сирғалиб бориб тўхтади. Эшик ланг очилиб ичидан Давлатов отилиб чиқди. Ва мошин тезлигига монанд шиддат билан юриб келди-да, Раҳматов билан Бозорнинг олдига етиб келишга мажоли етмайдигандек тиззалари букилиб, қалтираб тўхтади, ўпкаси тўлиб:

— Бўлам!.. Аминвой бўлам йўқ!.. — деб ёш боладек бўзлаб юборди.

23

Раҳматов бехосдан орқасига тисарилиб кетди. «Нима...Н...мм!» деб гўлдиради-ю, гапини англаб бўлмади. Ранги доқадек оқарган Бозор турган жойидан қимир этмай Давлатовдан кўз узолмай қолди. Бош ҳисобчининг эса рагида ранг йўқ, жағи тушиб, қалин, сергўшт лаби осилиб қолган, бор қувватини шум хабарни айтишга сарфлаб адо қилгандек бошқа бир сўз деёлмай йиқилиб тушгудай ҳолсиз-мадорсиз турарди.

— Аниқми?..

Давлатов директорнинг афтига қаролмай «ҳа» деган маънода бош ирғади.

— Уйдаими?..

Давлатов бош чайқади, сўнг «Йўлда...» деб баттар мунғайди.

Раҳматов чўзиб уф тортиди. Ва:

— Кўчада юриб бўмай қолли, уларнинг дастидан, — деди бўшашиб.

— Баркашга миндириб кетиб сўроқ қилаётганмиш... — Бозор Давлатовдек одамнинг асл қиёфасини ҳў-ў бирда, оқшом қоронғусида пахта ғарами ортида кўрган бўлса-да, уни ҳозиргидек ожиз, ҳозиргидек нотавон аҳволда учратиш эҳтимолини тасаввурига сиғдира олмасди. Шу боис у нимадир деб гапга қўшилмоқчи, бирдек аянчли аҳволда қолган, зигирдек сўянчиқ-тасаллига зорманда икки ҳирсдай одамга далда бермоқчи эди, бош ҳисобчи шипшиди: — Кўкдалада одам зотини қўймабди... Бедапояннинг ярмини сўроққа тутибди...

— Навбат бизга етибди-да, — илова қилди Раҳматов, — Кўч-кўрону бола-чақанинг баҳридан ўтиб бош олиб қочамизми энди?

— Қочамизми?.. — такрорлади Давлатов.

— Қаёққа қочасиз?

Раҳматов ёнларида Бозор турганини унутган эканми, туйқус сапчиб тушди. Бозорга «ялт» этиб кўзини чақчайтириб қаради-да, пичинг қилди:

— Нима, жон сақламай даряга бориб сўроқ берайинми?

— Берсангиз, берибсиз-да, безиён бўл...

Бозор гапини тугатолмади — Давлатов йўғон, этли қўлларини ҳаволатиб бир зум мўлжални олди-да, ўлжасига ҳамла қилган бургутдек панжаларини букиб Бозорнинг бўғзига чанг солди.

— Қанжиқ! — деди бақириб. — Касофат!.. Сўроқ қиладию безиён бўладими?! Тергов безиён бўладими, латта?!. Одамларнинг уйини куйдирди-ку, келгиндиларинг, палакат!.. Сендан бошланди бари! Сендан!.. Тиррақи! Йўқол!.. Даб бўл, кўзимдан, ўлдириб қўймасимдан! Йўқол, деяпман!..

Бозор бўғзини халос этиш учун қаттиқ силтанди — Давлатов бутун оғирлигини Бозорга солиб турганидан мункиб кетди-ю, йиқилмади. У рўпарасида турган, ўзининг ярмича келмайдиган болани мижиғлаб ташлағудай ваҳоҳат билан қад ростлади, Бозор томон икки одим қўйдию, «Шу чақди мени, шу» деганча нажот истаб ҳаммон серрайиб қотиб турган Раҳматовга ўгирилди.

Шу бир оғиз сўз неча йиллардан буён Раҳматов билан Давлатовни чирмаб боғлаган сирдошлик-ҳамтовоқлик ришталарини «чирт» этиб узди-қўйди. Шу топда Раҳматовнинг оёғи ерга тегмаётгандек эди, у юрсам йиқилман деган хаёлда тек турмоқчи эди, боши оғирлашиб бутун жасадини орқага торта бошлади. У Давлатов ҳам Бозор сингари келгиндилар сўроғига йўлиққанини, Аминвой билан Абдуфаолнинг иши ишқаллашганини, энди навбат ўзига етганини шу сонияларда тўсатдан, лекин жуда аниқ-рашан фаҳмлади. Бироқ Раҳматов айна шундай мушкул вазиятлардан осон халос бўлиш бобидаги устомонлиги билан ҳам Раҳматов эди!..

— Э-э, қалови топилмайдиган иш бор эканми дунёда, — деди у ичидан зил кетиб турганини хаспўш-лаш учун зўраки кулиб. — Сизга тикилган ўша келгиндилар билан шундайан тил топишамизки ҳали; токи ер юзида Пахтақайнар деган қишлоқ борлигини унутиб юборсин ўшалар!..

— Аминвой бўлам-чи?..

Раҳматов гўлдиради, қути ўчди, лекин шу заҳоти гап топди:

— Оқсоқол кеб кетсин, йўлини қиламиз, топамиз йўлини...

— Йўли битта! — Раҳматов гапи оғизда қолиб орага суқилган Бозорнинг оғзига анграйди. Давлатов ҳам бирдан умид учқунлари чарақлагандек ҳозиргина ўзи бўғиб ўлдирмоқчи бўлган «бола»га умидвор мўлтиради. Бозор бир нафас жим туриб иккала суҳбатдошининг бардошини ўтда «тоблади»-да, сўнг давом этди: — Йўли ҳар ким ўзини ўзи сўроққа тутиш!.. Нима, келгинди жондорлар сўраётганини ўзимиз сўролмаимизми? Сўраб-сўраб жавобимизни пишитиб қўёлмаймизми?!



Директор билан бош ҳисобчи лом-мим демай қотиб тураверишди. Ниҳоят Давлатов гўлдиради:

— Аминвой-чи?..

— Аминвой ака ўзи учун ўзи жавоб топади. Сиз...

— Узини бир нима қип қўяди у...

— Жавобни ўзидан топишга кўниккан одам ўз жонига қасд қилмайди. Сиз ўзингизни йўланг.

— Аминвой нима бўлади? Бошқалар-чи?..

— Сиз ўзингизни йўланг, — Бозор Давлатовнинг ғайришуурий алфозда такрорлаётган гапига беихтиёр жавоб қайтараётиб Раҳматовнинг беўхшов қийшайиб кетаётган афт-башарасига разм солди. Директор дам нафаси қисаётган одамдек бўғзини чангаллар, дам мувозанатини йўқотган дорбоздек қўлларини икки ёнга ёйиб юборар, дам устига тоғ қулаётган ва унга чап бермоқчидек бошини елкалари орасига тортиб букчайиб олар...бу аҳволни кўрган Бозорнинг шуури «ярқ» этиб ёнган шуъладан илкис ёришдию ўша нур кўзларини чарақлатиб юборди — у дабдурустан руҳида қандайин ўзгартиш юз бераётганини идрок қилолмай гарангсиз турди, кўзини юмиб-очди, бошини силкиди ва...шундай енгил тортдики!.. Бозор уқпарга айлангану ҳавога кўтарилиб шамоллар қанотида учи-иб кетгиси, учиб бориб ўз ҳовлисига қўнгиси ва «Она!.. Шабнам! Топдим, келинлар, топдим» деб қувончдан ёрилиб кетмаслиги учун онаси ва хотинидан уялмай-нетмай ўйинга тушгиси келди.

— Баркашга миниб бўлсам, майл эди! — деди у кўзлари севинчдан порлаб.

— Нима?! — деди Давлатов унинг гапига тушунмай ҳарсиллаб.

— Майли эди!.. Майли!.. Кетаман, ҳозироқ этиб бораман!..

Бозор шундай деб ўзидан кўз узмай турган одамларни унутиб дарвоза томон юрди. Давлатов лапанглаб Раҳматовнинг ёнига борди.

— Тўхтатинг! Тўхтатсангиз-чи, савдойини! — деб директорнинг қўлидан тутиб силтади.

Раҳматов «Жим!.. Секин! Ҳозироқ чақираман!» деган маънода бош ҳисобчини тинчлантирди, сўнг Бозорни чақирмоқчи бўлди — оғзини очди-юмди, очди-юмди, лекин овози чиқмади...

24

«Топдим, Шабнам, суюнчини беравур, жоним, — деди Бозор севинчдан терисига сиғмай, — буёғи бежавотир, ҳаммаси яхшиликка кўчади. Худо хоҳласа эсон-омон қутуласан — ўғил туғиб берасан, ўғил! Хотиржам яшаймиз, фақат-чи, Шабнам, анави ваъда қилган нарсаларимни оберишга шоширмай турасан, хўпми, жоним?.. Обераман, завўддан кетмайман, Нарзиқул амак кетса кетавурсин, мен ҳеч кимдан, ҳеч нимадан кўрқадиған жойим йўқ, жоним — қаерда ишласам ҳам бари бир — айтганларимни обераман, шундай ясантирайки, ўғилчамизни елкамга миндириб, сен — ёнимда, Пахтақайнарнинг кўчаларидан ўтганимизда-чи, Шабнам, кўрганлар «оҳ» демаса отимни бошқа қўяман!.. Онам ҳам қариган чоғларида бошлари осмонга етади... Фақат-чи, Шабнам, менга қара, нега йиғлаясан, вой, жиннивой-ей, шу йиғлайдиған гапми, яхшиликкаям йиғлайдими, одам?! — Ушанда кўрасан — огоҳлантирмай-нетмай Жийдабулоққа борамиз, шундоқ эшиқдан кириб борсак-чи, онанг танитай қоладилар, отанг бўлса...» — «Нимани топганингизни айтмайсизми, Бозор ака!».. «Одамлар-чи, ҳаммачи... ўзидан кўрқадиған бўб қоган... Узим кимман, қандоқ ишлар қип юрибман дунёда, гуноҳим борми-йўқми, дуруст одамманми ёки туриш-турмушим Худою



бандасига малолми, биров туйқус сўраб қолса, қисди-бастига олиб сўроққа тутиб қолса ўтакам ёрилмайди — чўчимай-нетмай жавоб қайтара оламанми — йўқ, буларни ўйламайди. Уйлашга қўрқади. Уйлашга қўрқадиганлар бўлиб қолганмиз, Шабнам. Уйловдан қўрққан одамнинг юраги чумчуқ пир этса адо бўлади. Қўрқоқлигидан ўзининг қуёнораклигини яшириш пайдида ўзгача ташвишни тортаётган қилиб кўрсатади ўзини... Узгачарнинг ташвиши ортига яширинади. Тушуняпсанми, Шабнам, ўзининг ғалваларидан қочади-да, паноҳни ўзгачанинг ташвишу ғалваларидан излайди!.. Давлатов худди шундай қилли ҳозир — ўзи қочарга жой тополмаяптию бўласини суриштиргани-суриштирган!.. Ўзининг бошига келаётган балони ўйласа юраги ёрилади, Раҳматовга ўхшаб!.. Давлатовнинг аҳволини — довдираётганини кўриб директор ўзини ўйлади-ю, телба бўлиб қолаёзди — тилдан қолли, банги девонадек типирчилади, майли, нима бўлгандаям, ўзини билгани яхши-да, тўсатдан келгиндиларга рўпара келса — жавоб тайёр бўлса юраги ёрилмайди, қанча савол бўлса — жавобни дўндиравади. Яхши-да!.. Ўзига яхши!.. Келгиндилар сўроққа тутгунча жавобга ҳозир бўлса ўзига осон эмасми?!» — «Нимани топдим деб қувонаяпсиз, Бозор ака, ўшани айтинг!..» «Айтаман... лекин сен мени бошқача тушунмагин, Шабнам, мен учар келгиндилар, ўша одамсимон махлуқлар келиб ҳамқишлоқларимизни истаганича сўроққа тутавурсин, бизни истаган кўйга солавурсин демоқчимасман, балки учар баркашда келадими — бошқа ёқдан пайдо бўладими — кимлигидан қатъи назар сўроққа тутгундай бўлса жавобга тайёр бўлайлик, шундай жавоблар қилайлик, терговчилар сену бизни саволга тутганига уялсин, номусларга қолсин!» — «Нега чўчиб тушяпсиз, Бозор ака?» «Тушуняпсанми, Шабнам?! Нимага қувонаётганимни айтаман, жоним, сенга айтмасам кимга ҳам айтардим!.. Мана, сен, гуноҳнинг борми? Сира гуноҳ иш қилганмисан?.. Майли, болалигингдами, кейинми?.. Мисол учун отангни ё онангни беҳурмат қилганмисан, одамларни алдаганмисан, бирон нарса ўғирлаганмисан? Еки...?» — «Жиннимисиз?! Ўзингиз нега қалтираяпсиз?» — «Нега қўрқяпсан, Шабнам, ота-онанг норозими, сендан? Еки, алдоқчимисан?.. Қўлинг эгримас — биламан, бошқа гуноҳнинг йўқ. Шундайми? Айт, Шабнам, нега нафасинг ичингга тушиб кетди?.. Нима, сира ўйламаганмисан шуларни?.. Ҳа-а, ана шуни топдим, жоним! Машмашая ғалванинг боши шунда — ўзимизни сўроқ қилишга одатланмаганимизда!.. Завўднинг казо-казолари ҳам, Нарзиқул амак ҳам, қўшни қишлоқдагилар ҳам — ҳеч ким ўзини шу қабилда тергамаган. Тушундингми, Шабнам? Амин-войдек қашқир ҳам — қашқир эмас, — тулки, тулки эмас — қари бўри ҳам хаёлига келтирмаган... Мени савол-жавобга тутадиган одам онасидан туғилмаган деб юраверган, Амिनвойдақа калондимоғлар!.. Ия! Тўхта!.. Соат неча бўлди?.. Худо урай дебдию!.. Мен кетдим! Идорага бораману қайтаман. Икки оғиз гапим бор — айтаману қайтаман. Эшитяпсанми, жоним, бораману қайтаман изимга... Ҳаммаси яхшиликка кўчади!..

Шабнам яшиндек отилиб чиқиб кетаётган эрининг изидан «ҳай-ҳай»лаганича қолди. Унинг мясиши шишиб кетган — тинмай гувиллар, оғзи қуриб ташналикдан баттар ҳолсизланган, эрининг бу қадар эзмалигини биринчи бор кўраётган, унинг айтганларини ўйлай деса — ақли етмаётган эди.

Орадан қанча фурсат ўтди — номаълум, Шабнам бир кўнгли этакдаги уйга боргиси, ҳеч нарсани ўйламай, онасидан-да меҳрибонроқ қайнонасининг ёнига кириб ётгиси келди, бир кўнгли эрини кутишни ихтиёр қилди — аллақанча вақт бир қарорга келолмай ўтирганда

ташқаридан оёқ товуши эшитилди — Бозор худди бир-ров ташқарилагану, узилиб қолган гапини давом эттираётгандай — бояги оҳангда куйиб-ёниб жавраганича қайтиб кириб келди: — Айтдим-ку, каттадан-кичик — бари юрак олдириб бўлган. Шуни Оқсоқолга тайинламоқчи эдим — идорага бордим. Котиба ўламан саттор ичкарига йўлатмайман деб туриб олди. «Кирай, бир чеккада ўтираман, мажлисга халал бермайман», дедим. «Йўқ, рухсат йўқ», деди. Кирмоқчи эдим — бир барзанги пайдо бўлди — «Чиқ», деди ўқрайиб. Ичкари — жим, фақат кимдир ғўнғиллапти. Қулоқ солдим — гапини англамадим. Сўнг, «хўп» кирмасам кирмабман-да, деб турдим-да, котиба билан барзангининг кўзини шамғалат қип туриб ўзимни эшикка урдим. Очдиму ичкарига кирдим — ҳеч зоғ йўқ!.. Чап томонда эшик бор экан — овоз ўшоқдан эшитилди — югурдим — Оқсоқолни бирров кўрсам бас, айтадиганимни шартта-шартта бетига айтардим, «Ўзингиз сўроқдан қўрқмайсизми?» дер эдиму чиқардим-кетардим — эшикни очдим — яна ҳеч зоғ йўқ! Жимжит!.. «Айтсангиз-чи, нега қалтирайдиган бўб қолдингиз, Бозор ака?!.. Бояги ғўнғиллаган товуш энди ҳайҳотдай хона томондан эшитилди — қайтдим — қарсақ чалинди — ғўнғиллаш давом этди — ҳайрон бўлиб тургандим кимдир қўлимни орқамга қайирди, қарасам — бояги барзанги «Қимсан!» деди. — «Вой, шўрим!» «Кимлигингни ўзингдан сўраганмисан, биродар?» дедим пинагимни бузмай ўдагайлаб — барзанги бақа бўб қолди — қўлимни бўшатди, «ўзим чиқаман» дедим, «Оқсоқолингга айт, Раҳматовга, Опага, Раисга ҳам, муовинларига ҳам етказ — биронтаси ўзининг кимлигини билармикан ё умри бошқаларга амри фармон минан ўтавадими? Ўзлари сўроққа тутилса қочишга жой ахтариб қолишмайдами ишқилиб? — Шуни махсус сўра, қулоғингда бўлсин, хўпми?» дедим — чиқдим-жўнадим, Шабнам». — «Майли, кеч бўли, ётақолинг, Бозор ака. Қолганини эрта айтарсиз, жоним, Бозор ака». «Йўқ, бугун, ҳозир гаплъ-я! Сен ўйладингни, ўзингни тергадингни, Шабнам? Нега қалтираяпсан?» — «Вой, ўзингиз қалтираяпсиз-ку...» «Ахир, мен бир ой, йўқ — икки ой, йўқ — уч ойдан бўён ўзимни тергайпман... саволларга кўмилиб кетдим Шабнам. Саволларга кўмилиганим сайин бошқача бўлиб қоляпман — қўрқмайдиган одам бўб қоляпман, тушуняпсанми қўрқмаяпман!.. Тасаввур қигин — ичимдаги ваҳиманинг барини қувиб соляяман, сўнг қўрқмайдиган одамга айланаман, қўрқув не эканини унутаман-да, одамга айланаман, одамга!..» — «Бозор ака, юрагимни ёрманг, тинч ётинг, ёта қолинг!..» «Гапимни бўлма, Шабнам, ичимни бўшатиб олай — ана ўшанда бутун Пахтақайнарда биринчи қўрқмайдиган одам деб овоза бўламан, яна мишмиш бошланади, яна саволлару сўроқларга тутиламан — «Қандоқ қилиб қўрқмайдиган бўб қолдингиз, Бозорбой?» дея қисди-басдига оладиган бўлишади. Газитга чиқаради, радиёда гапиртиради. Қўшни қишлоқлардан сўраб-суриштириб кела...» — «Бозор ака! Вой, ўлмасам!..» «Фақат-чи, Шабнам, сен ҳам сира қўрқмагин, одамга айлансанг, ў-ў, жонимиз қарарди-я! Осмондан тушадими-ердан чиқадими — сўроқчи зотидан чўчимайсан, негаки, жавобинг тайин бўлади. Тинчиймиз, сен тинчлансанг анави тинчланади, ана ўшанда у эсон-омон туғилади! Пахтақайнарда қўрқувни билмайдиган яна бир одам туғилади! Қўрқмайдиган одамларимиз кўпаяди. Фақат йиғлама — менинг юрагимни ўртама, Шабнам, кўзингни арт. Ке, ўзим, артай, Шабнам. Сен эсон-омон қутулсанг бутун қишлоқ тинчийди, жоним. Хўпми, Шабнам, шундай қилайлик, жоним...»

# Ватан юрагидаги сувайдо

Давоми. Бошланishi 26-бетда.

Дукчи эшон бошчилигидаги халк кўзғолонини бостирилишида жасорат кўрсатган 15 та ўрис сипохи ва аскарлари империянинг орден, медаллари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бу ўрнида бир кўрсаткичга эътибор беринг, кўзғолончилар 23 та ўрис аскарини сўйган, 24 тасига тан жароҳати етказган. Бунга жавобан кўзғолончилардан 362 киши отиб ўлдирилди, 6 киши дорга осилди, 12 киши отилди, 351 киши турли муддат билан камалди, 15 киши оиласи билан Сибирга сургун қилинди. Шахар ва кишлоқлар 3 кун тўпга тутилиб, меҳнаткаш халк уйи хонавайрон этилди.

Ўрта Осиёдан чиққан Абумуслим, Фойк Турк, Амир Темур, Бобур сингари улкан саркардалар босқинчи, золим сифатида баҳоланади жами тарихий рисола ва тадқиқотларда. Золимлик бобида улардан қолишмайдиган Иван Грозний, Борис Годунов, Екатерина, Николай каби ўрис подшоларини эса одил, доно қилиб таърифлаймиз.

Тарихдан маълумки, таркок Русийё устидан узоқ йиллар ҳукмронлик қилиб келган мўғул-тотор империясининг белини сиқдирган Амир Темурнинг халоскорлик хизмати бебаҳодир. Олтин Ўрта холигининг зулмидан қутилган ўрис князликлари Иван Грозний раҳбарлигида бирлаштирилди. Козон (1552), Астрахон (1556) холиқларини босиб олган Иван Грозний тезда Волга кирокларини бутунлай ишғол қилиб, 40 кунлик камалдан сўнг Козон шаҳрини эгаллайди ва унинг атрофида муким тоторлар, бошқирларни қиличдан ўтказиб, ихтиёрдан серҳосил ерларини тортиб олиб, мусулмон динидаги бу халқларни зўрлик билан насроний динига кирита бошлади. **Тотор ва бошқирларнинг Кремл майдонига кириши, Волга яқинида яшаши ман қилинган, имон даргоҳи — мачитлар бузиб ташланиб, уларнинг маълум қисми ўрис черковларию ибодатхоналарига айлантирилган ёхуд мослаштирилганди. Ноинсоний ваҳшийликлар қилиб, Волга бўйидаги, Фарбий Сибирдаги ўилаб халқларни кирдириб юборган Иван Грознийнинг жаллодлиги тарихи шаънига мадҳиялар ўқилди, ўқилмоқда.** У ҳақда бадий асарлар, тарихий ва соляномавий бадий фильмлар, опера, балетлар яратилган. Волгабўйи халқларини бўйсундирган Иван Грозний кўп ўтмасдан Сибир ерларини забт этишга киришди. Атаман Ермак бошлик казаклар Сибирдаги Кўчум холигини тугатиб, Фарбий Сибир ерларини босиб олди. Сибирияда тарихан муким 30 дан ортиқ ўрис бўлмаган маҳаллий халқларнинг мулкни тортиб олиш, ўзларини қириб ташлаш айнан шу асрда бошланади. Истилонинг қора булутлари Қозоғистон ва Ўрта Осиё осмонида қуюқлаша бошлади. Василий Пезарков, Тимофей Хабаров бошчилигидаги илк экспедициялар, Амур ўлкаси ва Тинч океани кирокларига қадар чиқиш билан яқунланди. Шарқий Сибир, Чукотка, Камчатка, Сахалин босиб олинган, маҳаллий халқлар ўрис мустамлақасининг чанғалида қолдилар. Уларнинг ов манзиллари, бўғи боқиладиган ўтлоқлари тортиб олинди, ўзлари қириб ташланди

ва ёхуд яшаш учун ноқулай бўлган узоқ шимол тайгаларига, боткокзорларга ҳайдаб юборилди. **Босиб олинган ерларни мангу мустамлақага айлантириш ва ўрис аскарни тиги етган юртларни Русийё деб аташ миллий анъанасининг яратувчиси Иван Грознийдир.** Унинг ўзи эса таркок ўрис ерларини бирлаштирган буюк подшо деб кўкларга кўтариб макталди. Москва, Ленинграднинг ўнларча музейларида ўрис князларию подшоларининг, уларнинг аждоду авлодларининг тутган буюмлари, кийимлари табаррук ашё сифатида ардоқланмоқда, бўзиб ташланган ёки эскирган соборлари миллионлаб сўм пул сарф қилиниб таъмирланмоқда, бойитилмоқда, тўлдирилмоқда. Бу хайрли ишлар насроний динининг қабул қилинишига минг йил тўлиши муносабати билан Русийёда бошланиб кетган оммавий тантаналардан сўнг янада авжига чиқди.

Бизда эса маҳаллий югурдақларнинг «зукколиги» сабабли юртнинг асл эгаларининг Ватан ўтмишини ўрганиши миллатчиликка олиб келади, деган маъшум «ақида» асосида барча маданий ёдгорликлар, меъморчилик обидалари бузиб ташланди, йўқ қилиш ҳамон давом этмоқда. Ярим вайрона тарихий обидалар таъмирлашга муҳтож, қаровсиз ҳолда, маблағ топилмайдди. Ўрта Осиёдан чиққан буюк тарихий сиймолар ҳақида эса тўла бўлмаган, оёқости қилинган кўлёмза манбалардан бўлак ҳеч нарса сақланган эмас, аксарияти йўқотилган, Москва олиб кетилган, қолганлари ҳам «тасодифан» ёниб кетмоқда ёхуд ўғирланган, топилмастан келмоқда.

Машхур ёзувчи ва олим Абдурауф Фитрат тарихий обидаларга, ўтмиш меросга, нотўғри, нигилистик муносабат ҳақида «Сайёҳи хиндий» (1912 й.) асарида ёзган эди: «**Оврўполиклар ўзларидан келажак учун ёдгорлик қолдирадилар, ҳар қанч яхшилик учун бир сарой қурадилар, мусулмонлар эса келажак авлод-аждодаларини унутмаслиги учун ёдгорлик қолсин деган аъмолини эсга ҳам олмайдилар. Ҳатто ўз салафларимиз ва буюк одамларимиз қолдирган ёдгорликларни вайрона ва харобага айлантирамиз.**»

Қозоғистон ва Ўрта Осиё ўлкаларига қилич яланғочлаб, замбарак судраб келган Перовский, Куропаткин, Черняев, Кауфман, Скобелев каби чор Русийсининг босқинчи генераллари жиндек бўлса ҳам виждон олдида ҳисоб бердиларми? Асло! Улар ўзгалар ерига ҳўжайин бўлишни шараф деб билдилар. Мустақил Хиндистоннинг улуғ фарзанди Жавоҳарлал Неру «**Хиндистоннинг кашф этилиши**» номли асарида Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳ ҳақида шуларни ёзган эди: «**Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севади, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлди.**» Агар биз босқинчи генераллардан Черняев, Романовский, Кауфман, Скобелев ва бошқаларни худди Бобурдек ўзга юртларни босиб олган ҳукмдорлар сифатида баҳоласак, ўрта осиелик бирорта сиймонинг чор генералларига нисбатан ижобий баҳо бермаганлигини, аксинча, зобитлардан нафратланганликларини кўрамиз. Маърифатпарвар зиёлилар, тарихчи олимлар, айрим ўрис тарихчилари ҳам Ўрта Осиёни харбий йўл билан, зўрлик билан, қон билан босиб олиш компаниясини мустамлақачилик деб қораладилар. Ўрис мустамлақачилари худди Мирзо Бобурдек ўзгалар юртини босиб олиб, бутун бойлигини талон-тарож қилиш, халқнинг қонини зуликдек сўриш ишини *хатолик*, юзи *қаролик* эмас, айни муддао, *амалга ошган асрий ниятлар рўёби* деб билдилар. Чор ҳокимиятининг очкўз амалдорлари маҳаллий бойлар билан тил бириктириб, меҳнаткаш халқ оммасини ҳадисиз эздилар, унинг иқтисодий ва маданий ўсишига ғов солдилар.

*Экологик олимларнинг узоқ муддатли кузатишларидан чиқарган илмий ҳулосалари билан таништираман сиз азиз муштарийларни: табиий мувозанат узоқ ўтмишда ҳам, ўтган асрда ҳам, шиддаткор асрда ҳам сиёсий ва иқтисодий қарам иқлим мамлакатларининг худудидан бошлаб бузила борган. Инглизларнинг қўй юнги ва ёйишга ишитаҳаси Австралияни еб қўйишига салгина қолди ҳолос, дея киноя қилади олимлар. Русийнинг пахта, олтин, қумуш ва ош тузига бўлган эҳтиёжи истилонинг асоси бўлди.*

Ўрус Туркистони генерал-губернатори фон Кауфманнинг императорга ёзган мактубларининг бирини истило Ўрта Осиё халқларининг маданиятини, ижтимоий тараққиётини уч юз йилча орқага суриб юборганлиги тўғрисида мактаниб ёзган.

Шубҳасиз, инкилобдан аввал мачит, мактаб, мадрасаларда ўқишлар чегараланган, араб, форс, тожик ва туркий халқлар тилларида битилган ноёб қўлёзмалар чор маъмурияти томонидан олиб кетилган, инкилобдан кейин И. Сталиннинг киргизиб бериши даврида эса маърифатлилар билан бирга эски китоблар ҳам йўқ қилинганди. Омон қолган бой кутубхоналар, Шаркшунослик ва Қўлёзмалар олийгоҳларининг хазинасида чанг босиб ётибди. Уларни кенг ўрганмоқ, зарурларини чоп этиш мавриди етди. Эл ҳақиқатини ўз кўзи билан ўқиб кўрсинчи, Ўрта Осиё ҳақиқатда ҳам қўшиб олинганми ёхуд босиб олинган — зўраки мавҳумот тугунини қалбан ўзлари ечган бўлардилар.

Биринчи жаҳон урушида енгилиб, катта моддий ва ҳарбий зарар кўрган чоризм фронт ва фронт орти мудофаа ишлари, ҳарбий алоқа бўлимлари, кўприklar, темир йўллари таъмирлаш ва барча қурилиш ишларини бажариш учун маҳаллий халқларни мажбурий хизматга чақиради. Туркистон аҳолисидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклар мардикорликка олиниши ҳақида фармон чиқарилди. Фарғона вилояти 50 минг, Самарқанд 30 минг, Тошкент ва Сирдарё 87 минг, Еттисув 60 минг, Закаспий 15 минг одам бериши айtilган эди. Шу муносабат билан Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларида чоризм зулмига кўзголонлар алағалиниб кетди.

Адолатли ва доно тарихчи Ф. Хўжаевнинг «1916 йилги кўзголоннинг тарихий аҳамияти» мақоласида келтирилган фактларни қайта эслаш зарурдек туюлди. Чор ҳукумати ва буржуазия кўзголончилари у ёқда турсин, ҳатто кўзголон кўтармаган уезд ва туманлардаги тинч аҳолига нисбатан ҳам қандай ҳаракат қилганликларининг ёркин манзарасини тасвирлаб берувчи баъзи ҳужжатлар кўрсатиб ўтилади уларда. 1916 йил 6 августда Жиззах жазо гуруҳининг бошлиғи кўзголонга қўшилган чорвадор ва ғаллакорларнинг уй-жойини ёндириб, йўқ қилиш тўғрисида ўзига қарашли қўшинларнинг барча турларига, командирларига буйруқ юборган. Бундан сўнг куросиз эркакларини ҳамаси эмас, хотин-қизлар ва болаларни ҳам отиб ўлдирган подшоҳнинг содиқ малайлари гуруҳ штабига бирин-кетин маълумотлар юборишган: «Маълум қиламанки, бизнинг гуруҳимиз Пешагар қишлоғини деярли тамомла ёндириб ташлади. Кучтол ва Чамбилда бир неча уй-жой қолди ҳолос». (*Рота командири.*) «Бугун мен Жиззахнинг эски шаҳаридан 1607 нафар эркак, 2224 нафар аёл ва 1705 нафар туб жой халқ болаларини кўчиртириб юборганлигини маълум қиламан» (*қолонна бошлиғи полковник Чижиков*).

«Қоратош, Ота-Янчи, Янги қишлоқ, Сафарота, Саримсоқ қишлоқларига ўт қўйилганлигини маълум қиламан» (*жазо гуруҳининг бошлиғи, ясовул ёрдамчиси Ершов*). «Сартлардан 856 эркак, 1140 аёл, 1107 бола тўпланди. Уларни Қили қишлоғига жўнатмоқчиман. Бу сартларнинг бирортасида нону ғалла йўқ. Улар кўчириб юборилганда очдан ўлишлари тайин» (*буни ҳам полковник Чижиков ёзган*).

«Катта шайқаларга дуч келинмади. Тоғларда беш кишидан ўн кишигача бўлган кичикроқ гўдалар топилди, улар отиб ташланди, мол-мулк ёндирилиб юборилди (*полковник Вархатовнинг юборган маълумотномасидан*). Чор ҳукумати 1916 йилги кўзголонни нисди кўрилмаган шафқатсизлик билан бостирди. Мана шу шафқатсизликлар натижасида хонавайрон қилинган ва қўйдирилган қишлоқлардан юз минг киши қочиб кетди, эл очликдан, сувсизликдан ўлиб кетди. Чор ҳукумати кўзголон кўтарганлардан мана шундай шафқатсиз равишда ўч олиш билан ўлқани узок йиллар «тинчлитини», уни чор Русийёсига қарам, мустамлака ҳолида сақлаб қолишга умид қилган эди»<sup>8</sup>.

Тарих фани Ўрта Осиё давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳужжақўрсингагина ўргатиляпти. Ҳозирги ёшларимизнинг Ўрта Осиё халқлари тарихи, аждодларимизнинг бунёдкорлик анъаналарини билмаслигининг сабабларини қандай изохлаш мумкин? Яхшиямки, ҳаёт дарслиғи адабиёт ва санъат баёнда собитқадам ва шиддаткорлиги билан одамларимиз қалбиди шуур учқунини алағалатиб келмоқда.

Турғунлик йилларида турмуш воқеалиги ва тарихий ҳақиқатлар замирида яратилган ёзувчи П. Кодировнинг «Юлдузли туилар», «Авлодлар довони», М. Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» романлари асосида танқид қилинди. Ёзувчининг гоёвий йўналиши сиёсий ҳатолликда айблангач, «Ўлмас қоялар» романи нашр эттирилмади. Холбуки, романда Русийё империяси-

нинг Қозоғистон ва Ўрта Осиё ерларидаги мустамлакачилик сиёсати бадиий образлар орқали ҳаққоний тасвирланган эди. Бу қайта қуриш, ошқоралик ва демократиянинг улдуғ самарасидир, албатта.

Чор Русийёсининг конхўр генераллари Куропаткин, Скобелев, Кауфман, Черняев каби истилочилар Туркистон дийрини вайрон қилиб, тинч меҳнат жабҳасидаги халқ оммасини зулмга гирифтор қилдилар. Чор чиновниклари, босқинчи генераллар зулмга қарши меҳнатқаш халқ кўзголонлари бўлиб турди. Чор чиновниклари ва маҳаллий бой, амалдор зулмидан сабр қосалари тўлган халқ ўзи тўқиган «Салом айтинг», «Поездининг жилдирган», «Николай қонжаллоб» каби қўшиқларда босқинчи эҳтимолларнинг кирдиқорлари фош этилди. Масалан, Андижонда халқ орасида босқинчиларга қарши бир қўшиқ шундай янраган эди:

Ҳар тарафга чим босиб,  
Хўп бўлди маҳкам Андижон,  
На йнгитлар бор экан,  
Милтиққа тутди қўймайин,  
Ўлдириб жандармини,  
Ҳайдаб чиқарди Андижон.  
Орзуқул аблаҳ яна  
Хилват билан йўл бошлади  
Култепага опчиқиб,  
Тўпни қўйди ҳар тараф  
Хўп бўлди вайрона Андижон!

Чор Русийёси жаллодларининг тўп, замбарак зарбидан, милтиқ ва қилич ҳамласидан Қозоғистон ва Ўрта Осиё халқларининг қонлари дарё бўлиб оққан эди.

Шўро тарихчи олим Ю. А. Соколовнинг «Ташкент, ташкентцы и Россия» (Т. 1965 г.) номли ажойиб китоби бор. Бу китобда кўрсатилишича, ўн қуниқ қонли курашлар натижасида Тошкент шаҳри химоячиларидан 12 минг киши ўлган, кўплаб ярадор бўлган ўрислардан эса бор-йўғи 25 киши ўлиб, 117 киши ярадор бўлган. Ана шундан кейин шаҳар қозикалони Ҳакимхўжа бошлиқ ўн кишидан иборат вакиллар Русийё империясининг генерали Черняев билан мажбуран битим-аҳднома тузиб, Тошкент шаҳрининг ўн икки дарвозасининг ўн икки олтин қалитини топширадилар.

Кўринадикки, замонасоз тарихчиларимиз ёзганларидек, Ўрта Осиё Русийёга ихтиёрий қўшилган ёки қўшиб олинган эмас, балки қучсизликдан зўравонларга, босқинчиларга мажбуран таслим бўлганлар. «Ҳақиқат қучда» деб билган чор империяси шу ҳолатда Ўрта Осиёни забт этди. Бирок минг афсус-надоматлар бўлсинки, бир қатор тарихчи олимларимиз «Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий қўшилган» ва «қўшиб олинган» деган силки ибора билан ҳақиқатдан йироқ, мантисиз, ғирт ёлғон гапларни ёзиб келдилар. Бу олимларнинг иши хозирда ўзбек тилига давлат мақоми берилган бир пайтда ўз қадриятини, ўз тилини унутган, ўз илдиғига ўзи болта ураётган айрим олимларнинг «давлат мақоми ўзбек тилига эмас, ўрис тилига берилсин», деган бўғиқ, нохуш овозини эслатади. Бундайларни биз манқуртлар деб атаймиз. Юқорида айтилганидек Тошкент шаҳрининг босиб олиш тафсилотини тарихчи Мухаммад Солих Тошкандий «Тошкентнинг янги тарихи» китобида шундай ёзади: Тошкентнинг нуфузли кишиларининг Сибирга жўнатилиш воқеасидан кўриб кетган шаҳар бошлиқлари, қози қалонлари, жумладан, Ҳакимхўжа қози қалон генерал Черняев айтган аҳдномаи безаш ва тузишни Абдусаттор Қорабош ўғлига топширди. Аҳднома тайёр бўлгандан сўнг унга шаҳар қатталари ва савдоқорлари қўл қўйиб муҳр босадилар ва генерал Черняевга топширадилар. Генерал Черняев 1865 йил 17 июнда Тошкентнинг Шайхонтахур, Бешёғоч, Чорсу ва бошқа халқ гавжум яшайдиган даҳалари, бозор расталарига тўп-замбараклар ўрнатиб, дарҳол Тошкент шаҳри таслим бўлмаса, шаҳарни вайрон қилиб, халқни қонга ботириш дағ-дағасини қилади... Шаҳар бошлиқларини тезроқ ўз томонига жалб этиш мақсадида генерал Черняев шаҳар қози қалони Ҳакимхўжа уйига меҳмонга бориб, айёрлик билан унинг қўксига Оқ пошшонинг олтин медалини тақади. Генерал Тошкент шаҳри аҳолисига ўзини «халқпарвар», «адолатпарвар» кўрсатиб, извошда Регистон ва бозор расталарида айланиб, камбағаллар, дарвеш, гадолар орасига тангалар сочади, уларга совғасаломлар ҳада этади. Жангда ўлганларни қўмишга рухсат

<sup>8</sup> Ф. Хўжаев. Танланган асарлар. III том. Т. 1980 йил.

беради, ярадорларга, беморларга тиббий ёрдам кўрсатади. Асирларни, қочоқларни озод қилади, мактабда ўқишни давом эттиришга фармон беради» (39-61-саҳифалар). Генерал Черняев Тошкентни босиб олгандан кейин қўлга киритилган барча бойликлар билан шаҳарнинг ўн икки дарвозасининг ўн иккита олтин қалитини Оқ пошшо хазратларига ҳадя этади. Черняев ўз босқинчилик сиёсатини яшириш ва ливхон тутиш учун ахдномани Абусаид ва Ҳадихўжа номли савдогарлар қўлига бериб, катта совға-саломлар билан бирга Петербургда, ўрис подшоҳига олиб бориб топширишни буюрган. Бундан мақсад Русия ўрта Осиёни босиб олганлигини яшириб, жаҳон афкор оммаси фикрини чалғитган, тўғрисида, алдаган. Русия ҳукмдорлари қозилар, савдогарларни кўрkitиб, «ўрта Осиёнинг Русияга қўшилиши» тўғрисидаги ёлгон ахдномага қўл қўйдириб, муҳр босганлар. Улар ҳоким, савдогарларни кўкларга кўтариб, ахдномани матбуотда эълон қилганлар. Хорижий мамлакатлар, жумладан, Истамбулдаги ўрис элчихонаси орқали ахдномани кўпайтириб, Туркиянинг шаҳар бозорлари, дўкон-расталарига ёпиштириб қўйганлар. Аслида эса Русия ўрта Осиёни тўп-замбарак гумбири, қилич, найза зарби билан босиб олганлиги афкор оммага равшан эди. Бу воқеани улуғ Усмонли турклари салтанатига ўзга туркий халқларнинг мулкларини бўйсундирилишини писанда қилишдек шовинистик бир тадбирдир, дея шарҳлаш мумкин.

ўрта Осиё чоризм томонидан босиб олинган, Русиядан турли тоифадаги чиновниклар — муттахамлар, қаллоб, порахўрлар, юлғичлар, бетайин, ярамас нусхалар ўрта Осиёга чигирткадек ёпириладилар. Бу ерда пахта «касаллигига» мубтало бўлган мустамлакачи фабрикантлар, давлатманд савдогарнинг талончилиги ҳам авжга чиқди. Масалан: 1884 йилда 300 десятина ерга пахта экилган бўлса, 1889 йилга келиб 44550 десятина ерга пахта экилди. Агар 1888 йилда 873000 пуд пахта етиштирилган бўлса, 5 йилдан кейин эса ўлкада 3588025 пуд пахта етиштирилди. Шундай қилиб, монополистик экин ҳисобланган пахта етиштириш йилдан-йилга кўпайиб борди, 1914 йилга келиб, факат ўрис тўқимачилик саноати учун ўрта Осиёдан 269 миллион сўмлик пахта толаси олиб чиқиб кетилди. («История народов Узбекистана». Т., 1947, т. 2, стр. 272 русс. изд.) Биргина Қўқон хонлигидан 1862 йилда жами 160 миң пуд пахта Русияга олиб кетилган бўлса, 1867 йилга келиб эса 274 миң пуд пахта олиб кетилди, дейилади М. А. Терентьевнинг «Россия и Англия» (СПб, 1876, 51-саҳифа) китобида. Демак, пахта яққа-ҳокимлиги учун кураш 100 йилларча аввал бошланган экан. У ҳозир ҳам давом этмокда.

Генерал-губернатор, округ кўмондони Кауфман кўзғолонлар ҳақида шуларни ёзган эди: «Биз хон билан эмас, балки халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади. Урислар ҳали ўрта Осиёда бундай узок ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар». 1892 йилги Тошкентдаги «Вабо исёни», 1898 йилги Андижондаги Дукчи эшон, Пўлатхон кўзғолони ана шулар жумласидан бўлиб, бу кўзғолонлар чоризмининг ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатига жуда катта зарба берди, уни иқтисодий, сиёсий жиҳатдан қаттиқ заифлаштирди.

Маҳаллий саноат, халқ хўжалиги, чорвачилик, ўсиб борган сари меҳнаткаш халқнинг иккиёклама эзилиши янада кучайди. Ўтмишда қолоқ халқларнинг ўсиб бораётган озодлик ҳаракати, мустакилликка бўлган интилишдан чўчиётган миллий буржуазия, маҳаллий ҳукмдорлар ўрис буржуазияси ва чор чиновниклари билан иттифоқ яшашга, бирини иккинчисини ҳимоя қилишга киришдилар. Ўрис императори Александр II — Русия подшолигига тобе бўлган Бухоро ҳукмдорлари амир Саид Музаффархонга (1860—1885) генерал-адютант, Хива хони Муҳаммад Раҳимхонга (1865—1910) генерал-майор ҳарбий унволарини берди. Ўрта Осиё хонликларининг амалдорлари, бой-савдогарларнинг авлодлари Петербург ва Москва каби шаҳарларда ўрис дворянларининг фарзандлари билан бирга савдо-сотик ҳамда ҳарбий билим юртларида таълим олдилар. Русия императорларининг «сахийликлари» туфайли Бухоро амирининг кейинги авлодлари Абдулахдон (1885—1910) генерал-полковник бўлди; сўнги амир Саид Олимхон Русияда ҳарбий таҳсил кўрди ва генерал-лейтенант унвоинга эга бўлган эди. Ўтмишда бой бойга боқар, сув сойга оқар қабилда иш кўрилиб, халқлар турмаси ҳисобланган чор Русияси халқларини ҳам, мустамлака Туркистон меҳнаткашларини ҳам инқилобга қадар шафқатсиз эзиб келди.

## ЎРТА ОСИЁНИНГ ЗАБИ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ТАРИХИЙ- СОЛНОМАВИЙ МАЪЛУМОТ

Давоми. Бошланиши 26-бетда.



1843 йил. Чўлдаги доимий ғалаёнлар сабабли Орск қалъасидан икки отряд юборилди: қўшин старшинаси Лобов (1 замбарак ва 2 юзлик) ва полковник Бозанов (1 рота, 1 юзлик, 1 замбарак). Исёнчи Султон Кенисар қўлга олинди ва қатл қилинди.

1844 йил. Ҳарбий ҳаракат бўлмади.

1845 йил. Тўғрай дарёси қирғоғида Оренбург истеҳкоми тикланди. Ирғиз дарёси бўйида Урал истеҳкоми барпо этилди. Ново-Александровск истеҳкоми Манғишлоқ яриморлига қўчирилди ва унга Ново-Петровск номи берилди. (1857 йилда Александровск деб ўзгартирилди).

1846 йил. Мунажжим Ломон ва капитан Шульц илмий текшириш экспедицияси Орол денгизи ҳамда Сирдарё ҳавзасига етиб келди.

1847 йил. Генерал Обручев отряди (4 рота, 3 юзлик, 4 замбарак) томонидан Орол денгизининг шимоли-шарқий қирғоғи босиб олинди ва Раим (ҳозирги Казалинск) истеҳкоми қурилди.

Ҳимоя қўлайлиги учун чўл 54 оралиққа бўлинди.

Низоли масалаларни ҳал қилиш учун қирғизлар қурултойи ташкил қилинди. Сирдарё ҳаваси босиб олинishi оқибатида хиваликлар ва қўқонликларнинг доимий қаршилиги бўлиб турди. (Қўшинлар тўқнашувига сабаблар кўнайди.)

Хиваликлар ва қўқонликларнинг бир неча ҳужумлари — мулкимиз ҳимоясини мустаҳкамлаш учун отрядларимизнинг жануб томон кўчишига сабаб бўлди. 23 августда полковник Ерофеев (2 замбарак билан қуролланган 200 казак асқар) хиваликларни тор-мор қилиб, Жон Хўжа қалъасини эгаллади. «Николай» ва «Константин» кичик кемаларидан иборат Орол флотилияси ташкил этилди.

1848 йили Хиванинг Хўжа Ниёз қалъаси забт этилиб, бузиб ташланди.

1849 йил. Ҳарбий ҳаракатлар бўлмади.

1850 йил. Копалск отрядининг (50 пиеда, 175 казак, 2 замбарак) Или дарёсининг нариги қирғоғига кечувини таъминлаш, истеҳком қуриш, Қўқон хонлигининг Тўйчибек қалъасини рекогносцировка қилиш учун ҳаракати бошланди.

Майор Энгман отрядининг Раим қўрғонидан чиқиб (1 рота, 1 юзлик, 1 замбарак) қўқонликлар тўдасини тор-мор этиши, Қўшқўрғон истеҳкомининг олинishi.

1851 йил. Сибир казак қўшини полковниги Карбашев отряди (5 рота, 5 юзлик, 6 от қўшилган замбарак, 1 та ракета станог) Или дарёсидан ўтиб, Қўқон хонлигининг Тўйчибек қалъасини олди ва вайрон қилди.

Майор Энгман отряди (75 Урол казаклари, 22 отлик ўқчи, 1 тоғ-замбарак) Оқча Булоқ яқинида Қўқон беги Ёқуббек қўшинини тор-мор қилди.

1852 йил. Аяжуз (Сергипол) истеҳкомидан Хитой шахри Чуғучакка отряд (1 юзлик) юборилди ва Фарбий Сибир казакларининг 2 юзлиги жойлашиши учун жой белгиланди.

Полковник Бларамберг отряди (1, 1/2 рота, 2 юзлик, 5 замбарак) Қўқон хонлигининг Оқмачит қалъасига томон ҳаракатидан сўнг Кумушқўрғон, Чимқўрғон, Қўшқўрғон истеҳкомлари вайрон қилинди.

1858 йил. Сибир томондан ҳарбий ҳаракат бўлмади. Граф Перовский отряди (4, 1/2 рота, 12, 1/2 юзлик ва 36 замбарак ёрдамида) ҳужум қилиб Оқмачит қалъасини қамал билан олди.

Оқмачитга «Перовский форти» номи берилди. Оролда 1, 2, 3 ва «Перовский форти» истеҳкомларидан Сирдарё йўналиши ташкил этилди.

Капитан Шкуп 18 декабрда қўқонликлар Форт-Перовскийга ҳужум қилганда азаматлик намунасини кўрсатди.

1854 йил. Верный истеҳком қурилди (аввалиги номи Олма Ота), Или водийси эгалланди. Заилийск бўлими тузилди.

1855 йил. Тоғли ёввойи қирғизларни қўқонликлардан ҳимоя қилиш учун Врнийдан Пишпекка 1 та юзлик ракета мосламаси билан қуроллантириб юборилди.

#### Император Александр II подшолиги даври.

1856 йил. Полковник Хорментовский отряди (1 рота, 1 юзлик, 1 ракета станог) томонидан кизаевликлар ва тоғлик қирғизларнинг катта ўрдасига қирувчи тоғли уруги бўйсундирилди.

Сирдарё сафарбар отряди бошлиғи генерал-майор Фон-Фитингоф (320 пиеда, 300 казак, 3 замбарак, 2 ракета станог) томонидан Хўжа-Ниёз истеҳкоми эгалланди.

1857 йил. 26-февралда генерал Фон-Фитингоф отряди (200 пиеда, 300 казак, 2 замбарак) хиваликларни тор-мор қилди ва оғмачилик қилган қирғизларни жазолади.

1858 йил. Илиорти ўлкаси отряди бошлиғи подполковник Перемшелский бошлиқ қўшин (1 рота, 2 юзлик, 2 отлик арт.) Катта ўрда қирғизларини бўйсундирди ҳамда 5000 кишилик Тошкент ва Қўқон отрядларини Чу дарёси водийсига суриб ташлади.

1859 йил. Илиорти ўлкаси отряди бошлиғи (2, 1/2 рота, 2 юзлик, 1 взвод отлик арт, 4 ракета мосламаси, 2 тоғ замбарак) Чу водийсининг юқори қисмини, Қўқоннинг Тўқмоқ ва Пишпек қалъаларини рекогносцировка қилди.

Янгидарё (Кўкандарё) рекогносцировкаси. Полковник Дандевилон Каспий денгизи шарқий қирғоғини рекогносцировка қилди ва денгиздан Хивага борадиган йўлни ўранди. Полковник Игнатев элчилар Хива ва Бухорога, Валихоннов бошлиқ элчилар эса Қашқарга борди. Бошқаруви Ички Ишлар Вазирлишига топшириш.

1860 йил. Полковник Циммерман отряди (6 рота, 600 казак, 200 қирғиз, 12 отир замбарак, 4 ракета мосламаси, 8 та мортир) томонидан қўқонликларнинг 5 минг аскарлик қўшини бизнинг иезгарларимизга бостириб қирғанда яқсон қилинди. Тўқмоқ ва Пишпек қалъалари бўлиб ташланди. Илиорти ўлкаси Алатов округи деб ўзгартирилди. 21 октябрда подполковник Колпаковский отряди 3 рота, 2 юзлик, 6 замбарак, 2 ракета мосламаси Қоракўзтоғ дарёси бўйидаги Узуноғочда 20 минг кишилик қўқонликлар қўшинини яқсон қилди.

1861 йил. Сибир казаклари қўшини ясовули Бузаков отряди (20 казак, 24 отлик ўқчи, 2 ракета мосламаси) томонидан тоғли қирғизлар (Сарабош уруги) бўйсундирилди ва Катта ўрдага бостириб қирган қўқонликлар тор-мор этилди.

23 сентябрда генерал-лейтенант Дебу (1000 паст унвоиллар, 9 замбарак, 3 ракета мосламаси) отряди томонидан Қўқон хонлигининг Янгиқўрғон қалъаси олинди ва вайрон қилинди.

1862 йил. Полковник Колпаковский отряди (4 рота, 2 юзлик, 4 замбарак) томонидан 14 апрелдан 15 майгача Чуорти ўлкаси рекогносцировка қилинди ва Қўқон хонлигининг Марки қалъаси олинди. 24 октябрда 8 рота, 2 юзлик, 8 замбаракдан иборат отряд ёрдамида Қўқон хонлигининг Пишпек қалъаси қайта олинди.

20 январда генерал-лейтенант Дебу отряди (550 пиеда, 300 казак, 10 замбарак) томонидан Қўқон хонлигининг Динқўрғон қалъаси олинди.

1863 йил. Бош штаб капитани Проценко (2 рота, 1 юзлик, 2 та тоғ замбараги) Олтин Умол довоини эгаллаш учун юборилди.

17 июнда хитойликлар билан отишма бўлди ва Бархудзир олинди.

18 июнда хитойликлар Қўшбурунда мағлубиятга учрадилар. 22 июнда Икечайтда хитойликлар билан жанг бўлди.

1864 йил. Полковник Черняев отряди (8-чи Фарбий Сибир баталёнининг 5-ротаси, Фарбий Сибир баталёни 3-, 5-ўқчи роталари, 9-Фарбий Сибир баталёнининг 4-ротаси, Сибир казаклар артиллериясининг 1-взводи, пиеда тоғ батареяси ва 1-Сибир казаклар полки билан) 4-июнда Қўқоннинг Авлиёта қалъасини ҳужум билан олди.

18 июндан 1 июлгача подполковник Лерхенинг зарбдор отряди (2 рота, 1/2 юзлик, 2 тоғ замбараги, 1 та ракета мосламаси) Қорабура қорли довоиндан ошиб Чирчиқ водийсига ўтди. Қўқонликларнинг тарқоқ қўшини қириб ташланди ва қорақирғизлар бўйсундирилди.

4 июлда Қўқон хонлигининг Чиноз қалъаси эгалланди. 7-10 июл оралиғида отрядлар Авлиётадан Ес-кечув сари силжиди.

11 июлда шиддатли ҳужум билан Манкент эгалланди. 13—15-июл кунлари Қўшдўрмон томон жанглари билан юриш давом эттирилди.

16 июлда полковник Лерхенинг зарбдор отряди (3 рота, 1 ўқчи отлик рота, 2 отлик тўп-замбараклар) қўқонликларга қарши жанг қилди ва Сибир отрядини Уренбург отрядлари билан бирлаштириш учун Оқбулоққа юборилди.

12 июнда полковник Веревский отряди (4, 1/2 рота, 2 юзлик, 10 замбарак, 6 мортира, 2 ракета мосламаси) билан Туркистон шахрини олди. 10—14 июл кунлари капитан Майер отряди (2 рота, 1 юзлик, 3 замбарак, 1 ракета мосламаси) Чимкентга қараб юрди.

14—15 июлда Оқбулоқда 10 минг қўқонлик билан жанг бўлди.

16 июл. Сибир ва Уренбург отрядлари қўшилди.

17 июлда Бирлашган отрядларнинг полковник Лерхе бошчилигида жанг билан Қўшдўрмондаги генерал Черняев асосий отряди томон юриши бошланди. Сибир ва Уренбург отрядлари қўшилганидан кейин эгалланган чўлга «Янги илгор Қўқон «йўналиши» деб ном берилди.

#### Бирлашган отрядларнинг ҳаракати.

22 июл. Чимкент қалъаси рекогносцировка қилинди ва 25 минг аскарлик Қўқон қўшинлари билан жанг бўлди.

14 сентябр. Чимкент қалъасига иккинчи юриш: Туркистондан генерал Черняев отряди (3 рота 4-Уренбург йўналишидан, Урал-Уренбург баталёнларининг 1, 2-взволлари, 2 замбарак, 1, 1/2 юзлик, Урол ва Уренбург казаклари).

Авлиётадан полковник Лерхе (3-Фарбий Сибир баталёнидан, 2 рота, ёрдамчи ўқчи баталёнининг 4 ротаси, казак-

лари артиллериясининг 1 взводи, пидёда тоғ артиллериясининг 1 взводи, 1 рота отлик ўқчилар) олиб борилди.

19 сентябр. Отрядлар қўшилди. Кўқонликлар билан тўқнашув Сайрамнинг олинши билан тугади.

22 сентябр. Чимкент қалъаси олинди.

Янги Кўқон йўналиши ташкил этилди.

4—6-декабр. Иқон остонасида 10 минг кўқонлик билан тўқнашув бўлди.

1865 йил. 29 апрел. Генерал Черняев отряди (8-Гарбий Сибир баталёнининг 2 ротаси, ёрдамчи ўқчи баталёнининг 4 ротаси, Гарбий Сибир баталёнининг 1 ротаси, 4-Уренбург баталёнининг 2 ротаси, 2-Уренбург сафарбар баталёни, Сибир пидёда дивизиони ва отлик артиллерияси, Сирдарё қалъасининг ҳаракатдаги артиллерияси, 1, 1/2 ўрал казаклари юзлиги, ракетачилар командаси) томонидан Кўқон хонлигининг Ниёзбек қалъаси олинди.

9 май. Саритенада кўқонлик Олимқулихон билан жанг бўлди.

18 май. Кўқон хонлигининг Чиноз қалъаси олинди.

15—17 июн. Тошкент шаҳри штурм билан забт этилди.

Туркистон вилояти ташкил этилди.

12—15 сентябр. Полковник Пистолкорс отряди (қўшма ўқчи баталёнининг 4 ротаси, 6-Уренбург баталёнининг ўқчи ротаси, Сибир казаклар артиллерияси дивизиони ва 1 казак юзлиги) томонидан Чирчиқ орти ўлкаси ва Келувчи қалъаси олинди.

1866 йил. Тошкентнинг ишғол қилиниши бухороликлар билан тўқнашувга сабаб бўлди. Бухороликлар Хўжандни босиб олди. Улар Тошкентга даввоар эди. Ўрис элчилари Бухорога юборилди. Черняев отрядининг Бухоро мулкларига қишки экспедициясида (Уренбург ўқчи баталёнидан 4 рота, 6-баталёндан 2 рота, 7-баталёндан 2 рота, 3-Уренбург баталёнидан 4 рота, ўроликлардан 3 юзлик, 3/2 юзлик) Уренбург казаклари, 1-батарея, енисилқулар батареянинг 1-взводи, 1-отлик тоғ батареяси, Уренбург сапёрлар ротаси ва 147-Самара полкининг ўқчилар ротаси қатнашди.

12 январ. Сирдарёни кечиб ўтиш бошланди.

12—19 январ. Жиззах шаҳрига қараб юриш давом эттирилди.

Чиноз қалъаси қурилди. Генерал Черняев ортга қайтди. Отряд қўмондонлигини генерал Романовский қабул қилди.

8 май. Генерал Романовскийнинг Эржар томон юриши Бухоро қўшинининг мағлубияти ва истеҳкомлаштирилган Урданинг қўлга киритилиши билан тугади.

24 май. Хўжанд штурм билан олинди.

2 октябр. Уратена истеҳкоми олинди.

18 октябр. Жиззах қалъаси олинди.

1867 йил. 27 май. Полковник Абрамов отряди томонидан (Уренбург ўқчи баталёнининг 2 ротаси, Уренбург казаклар батареясининг 1-взводи, Уренбург казакларининг 2 юзлиги ва 4 ракета мосламаси) Янгиқўрғон истеҳкоми олинди.

14 июл. Император Олий ҳўзратлари томонидан Туркистон ҳарбий округи таъсис этилди.

1868 йил. Туркистон ғарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-адъютанти фон Кауфман отрядининг (3-Туркистон баталёнининг 3 ротаси, 4-баталёнининг 3 ротаси, 5-баталёнининг 4 ротаси, 6-баталёнининг 4 ротаси, 9-баталёнининг 4 ротаси, сапёрларнинг 1, 1/2 ротаси, 10 замбарак, 500 казак) ҳаракати бошланди.

1 май. Самарқандни эгаллаш учун жанг шаҳар остонасидаги Чўпонота тепалигининг забт этилиши билан якунланди.

2 май. Самарқанд шаҳри эгалланди.

18 май. Каттақўрғон шаҳри олинди.

2 июн. Бухороликлар Зирабулоқ остонасида мағлубиятга учради.

2—8 июн. Майор Штемпл отряди Самарқандни қаҳрамонларча ҳимоя қилди.

8 июн. Рус отряди Самарқандга етиб келди. Исёнчилар жазоланди.

28 июн. Зарафшон округи ташкил этилди. Амир таслим бўлди. Сулҳ тузилди. Отряд Тошкентга қайтди. Амирнинг ўғли Катта Тўранинг отасидан норозилиги кучайди. Бизнинг қўшинлар бу ишга аралашди. Генерал Абрамов отряди (6 рота, 8 тўп-замбарак, 2 юзлик ракета батареяси) Қаршини олди ва уни Бухоро амирига қайтарди. Бухоро билан чегара белгиланди.

1869 йил. Ғарбий Хитойда дўнганлар исён кўтарди. Хитой-

ликлар ёрдам сўради. Қалмоқ хутуктойи Чоған Кечан томонидан чегараларимиз бузилди. Чегараларимиздаги қирғизлар орасида тартибсизликлар ва тугёнлар содир бўлди. Генерал-майор Колпаковский отрядининг Ғарбий Хитой мулкдаги Қарши ҳаракати (3 рота, 3 юзлик, 4 замбарак) бўлиб ўтди.

7 август. Кизайликлар билан таранчиликлар мағлубиятга учради ва Сайрамнор кўли бўйидаги Коптагай эгалланди.

16 октябр. Бархўдизр остонасида жанг бўлди. Мовора ва Хорғосо эгалланди. Каспий бўйларида ҳаракат: Красноводск ҳавзасининг Генерал Столетов отряди томонидан эгалланиши (5 рота, 1, 1/2 юзлик, 16 замбарак) Михайловский ва Муллақора истеҳкомларининг тикланиши билан якунланди.

1870 йил. Генерал-майор Абрамов отрядининг (6 рота, 2 юзлик, отлик батарея ва ракета дивизиони) Зарафшон дарёсининг юқори оқимида экспедицияси амалга оширилди.

25 июн. Генерал Абрамовнинг Исқандарқўл томон ва подполковник Деннатнинг Матчо бўйлаб ҳаракати давом эттирилди.

Кўил калон яқинидаги Кўштут довоида шаҳрисабзликлар билан жанг бўлди.

13 август. Шаҳрисабз қамал қилинди ва забт этилди.

14 август. Китоб қалъасига ҳужум қилинди ва у олинди. Мўғиён, Фороб бекликлари олинди ва Зарафшон округига қўшилди. Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари-Бухоро (амирлик)га берилди.

Каспий бўйидаги ҳаракатдан сўнг Оқтепа ва Уйил истеҳкомлари қурилди. Манғишлоқ приставлиги Кавказ ноийблиги билан бирлаштирилди.

15—20 октябр. Такаликлар Михайловск истеҳкомига таширф буюрди.

30 ноябр. Генерал-майор Столетов отрядининг (3 рота, 2 юзлик, 3 тўп-замбарак) Қизиларватга юриши давом эттирилди.

Штабс ротмистр Скобелев томонидан Тошарватқалъадан Сарикамишгача, яъни Хива чегараларигача рекогносцировка ўтказилди.

1871 йил. Ғарбий Хитойда генерал Колпаковский отрядининг (10 рота, 1, 1/2 батарея, 6 юзлик) таранчиликларга қарши ҳаракати бошланди.

7 май. Мозор шаҳри ва қалъаси олинди.

18 июн. Чин Чаходзи остонасида таранчиликлар мағлубиятга учради ва бу қалъа ҳам олинди.

19 июн. Суйдун қалъаси эгалланди.

22 июн. Ғулжа шаҳри олинди.

1873 йил. Хива хонлигининг Сирдарё чап қирғоғига даввогарлиги маълум бўлди.

Уренбург бошқармасида қирғизлар орасида тартибсизлик. Хон баённомаси. Ўрис почта станцияларига ҳужумлар. Хива хонлиги бирёқлама тузатиш ҳақида қарор. Туркистон, Уренбург ва Манғишлоқ орқали баравар ҳаракат қилиш ҳақида қарор. Отрядларнинг Хивага умумий юриши:

1. Туркистон отряди. Генерал Кауфман. (22 рота, 18 тўп, 18 юзлик).

2. Уренбург отряди. Генерал Веревкин (15 рота, 8 тўп, 6 юзлик).

3. Манғишлоқ отряди. Полковник Ломакин (12 рота, 8 тўп, 8 юзлик).

4. Орол флотилияси: «Самарқанд», «Перовский» кемалари ва 3 баржа.)

Бош қўмондонлик генерал-адъютант фон Кауфманга топширилди.

10, 11 май. Тунги отишмалар бўлиб ўтди. Учоқ яқинида хиваликлар мағлубиятга учради.

18 май. Туркистонликлар Амударёдан кечиб ўтди.

23 май. Хазорасп қалъаси олинди.

29 май. Хонлик пойтахти Хива эгалланди. Генерал Головоцевнинг отряди ёвмитларга ва туркманларга қарши ҳаракати давом эттирди.

13 июн. Чандир қишлоғи ёнида ёвмитлар мағлубиятга учради.

15 июл. Кўкчук вайроналари яқинида туркманлар мағлубиятга учради. Хива билан тинчлик-сулҳ шартномаси тузилди. Петр Александровка истеҳкомини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди.

Амударё бўлими ташкил этилди.

1875 йил. Кўқон хонлигида ички кўзғалишлар бўлиб турди. Худоёрхон Хўжандга қочди. Кўқонликлар ўрдаларга босқин

уюштирдилар ва 9 августда Хўжандга ҳужум қилдилар. Генерал адъютант фон Кауфман отрядининг (16 рота, 20 тўп, 8 юзлик) Қўқон хонлигига қарши юриши бошланди.

22 август. Қўқонликлар Маҳрам истеҳкомни яқинида мағлубиятга учрадилар.

29 август. Қўқон шаҳри эгалланди.

8 сентябр. Марғилон шаҳри эгалланди.

Генерал Скобелевнинг отряди (6 юзлик, 2 рота аравадарда, 4 отлик, тўпчи ва ракетачи батарея) Мингбулоқ ва Уш атрофида душманни излаб юрди. Андижон депутацияси тобеълик истагини билдирдилар.

30 сентябр. Андижонда қўзғолон кўтарилди. Г. М. Троицкийнинг Андижонга Ҳарбий ҳаракати (5 рота, 86 сапёр, 3, 1/2 юзлик, 8 тўп, 4 ракета станогни) бошланди.

1 октябр. Андижон олинди.

17 октябр. Наманган вилояти Русийёга қўшилди. Хонликнинг Норин дарёси ўнг қирғоғидаги шимолий қисмини бошқарув генерал Скобелевга топширилди.

Қўқон хонлигида аввалги ҳокимиятни тиклашга уриниш ва тартибсизликлар содир бўлди. Насриддинхон Хўжандга қочди. Қўқон қўшини Курама уездига чекинди.

24 октябр. Генерал Скобелев Наманган ва Чуст шаҳридан ғалаба билан (3 рота, 1, 1/2 юзлик, 4 орудия-тўп билан) қайтди. Наманганда қўзғолон бўлди.

27 октябр. Скобелев зудлик билан ортга қайтди.

Наманган шаҳри бомбардимон қилиш эвазига ишғол қилинди.

11 ноябр. Генерал Скобелевнинг Норин дарёсининг чап қирғоғи томон ҳаракати (4 рота, 4, 1/2 юзлик, 4 ракета станогни) бошланди. Валихон Тўра бошлиқ қипчоқлар мағлубиятга учради. «Чуст иши» ниҳоясига етказилди.

29 ноябр ва 2 декабр. Генерал Скобелевнинг Норин дарёси чап қирғоғига тафтиш юришлари (1 рота, 1 отлик рота, 3, 1/2 юзлик, 2 тўп, 2 ракета мосламаси) муваффақиятли амалга оширилди.

1876 йил. Қўқонликларга қарши ҳарбий ҳаракат давом эттирилди. Генерал Скобелев отряди (2880 киши)нинг Андижонга томон юриши бошланди.

8 январ. Андижон қайта олинди.

Партизанлар (Мужоҳидлар — М. Х.) ҳаракати авж олди.

18 январ. Асака яқинидаги тўқнашув. Генерал-майор Скобелев отряди (2 рота, 1 юзлик, 4 тўп, 6 ракета мосламаси билан) Абдураҳмон Офтобачи бошлиқ қўқонликларни мағлубиятга учратди.

27 январ. Учқўрғон жанги: ротмистр Меллер — Закомелский отряди (2, 1/2 рота, 6, 1/2 юзлик, 5 тўп, 6 ракета мосламаси) Ўдлатхон тўдасини тор-мор қилди.

28 феврал. Генерал Скобелев отряди (10 рота, 7, 1/2 юзлик, 10 тўп, 2 ракета станогни) Қўқонни ишғол қилди.

19 феврал. Қўқон хонлиги Фарғона вилояти номи билан

Русийёга қўшиб олинди. Уш ва Гулчиға полковник Аминов отрядининг (1 юзлик, 1 ракета батареяси), генерал Скобелев отрядининг (3 рота, 1 юзлик) Олойга юриши бошланди. Янги Ариқ ёнида жанг бўлди. Қора қирғизлар мағлубиятга учради. Чегара ҳақида келишиб олиш учун генерал Куропаткин Қашқарга элчи юборди.

1878 йил. Генерал Столетовнинг Афғонистонга элчилиги: Англияга қарши юриш учун тайёргарлик бошланди.

1879 йил. Генерал Ломакиннинг (16, 1/2 батарея, 20 юзлик, эскадрон, 20 тўп, 12 ракета станогни) Оҳал Текин текислигига экспедицияси бошланди.

28 август. Денгилтепага ҳужум муваффақиятсиз тугади ва чекинишга тўғри келди.

1880 йил. Гулжа районида Хитой билан урушга тайёргарлик кўрилди.

Туркманларга қарши юришга тайёргарлик кучайтирилди. 30 ноябр. Тўғонботир қалъаси (Самур истеҳкоми) олинди.

15 декабр. Самур истеҳкомига полковник Куропаткин бошлиқ Туркистон отряди (510 пийда, 318 казак, 2 тоғ тўпи, 2 ракета станогни) етиб келди. Генерал Скобелевнинг отряди ҳаммаси бўлиб 45 рота, 11 эскадрон ва юзлик, 74 тўп, 11 ракета мосламасидан иборат бўлиб, ўрислар 8000га яқин, такаликлар эса 40 минглик қўшинга эга эди.

1881 йил. 12 январ. Кўктепа қамалдан сўнг ялпи ҳужум билан олинди.

28 январ. Ашхобод (отряд: 15, 1/2 рота, 6 эскадрон ва юзлик, 12 тўп, ва ракета-станогни) жангсиз эгалланди.

12 феврал. Петербург шартномасига кўра Гулжа ноҳияси Хитойга қайтарилди.

#### Император Александр III ҳукмронлиги даври.

1884 йил. 31 январ. Марв туркманлари фуқароликка қабул қилинди.

1885 йил. Кушка дарёси бўйида афғонлар билан чегара масаласида можаро бўлиб ўтди.

18 март. Генерал-майор Комаров отряди (8 рота, 4 юзлик, 4 тўп) Тошкўприқда афғонларни мағлубиятга учратди. Улар инглизлар қўл остида эди.

Кушка олинди ва Русийё мулкига айлантирилди.

1892 йил. Полковник Ионов отряди Помирни (1 батарея, 3 юзлик, 4 тўп) бўйсундирди.

1894 йил. Афғонлар билан чегара можароси бўлиб ўтди.

#### Император Николай II ҳукмронлиги даври.

1895 йил. Ангелия вакиллари иштирокидаги махсус комиссия Русийё билан Афғонистоннинг Помирдаги чегараларини белгилаб берди.



**«Молодость»**  
ежемесячный  
литературно-художественный  
общественно-политический журнал  
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Н. АКРОМОВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳих: М. ТУРСУНОВА

Манзилмиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси, 60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Мақоланавислик, адабий танқид ва санъат  
бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Таҳририят ҳажми 12 босма табақдан ортиқ  
роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма  
табақча бўлган асарлар муаллифларга  
қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра  
амалга оширилган таржима асарлар қўлёзма-  
синигина қабул қилади.  
Ойбитикдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 23.05.91 й. да туширилди.  
Босишга 2.07.91 й. да рухсат берилди.  
Офсет босма. 1-офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,00 босма табақ.  
Шартли босма табақ — 8,4.  
Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,1  
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.  
147512 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 5436.  
Баҳоси обуначиларга 80 тийин.  
Сотувда 1 сўм.

Узбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Камал»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси. Узбекистон  
Компартияси Марказий Қўмитаси на-  
шриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси.

© «Ёшлик» № 7. 1991.

## НАСР

Аббос САИД. Тўлашбек. Қисса . . . . . 8  
Хуршид ДУСТМУҲАММАД. Сўроқ. Қисса-  
нинг охири . . . . . 57

## НАЗМ

Саъдулла ҲАКИМ . . . . . 6  
Қўчқор НОРҚОБИЛ . . . . . 25  
Абдуқаюм ЙЎЛДОШ . . . . . 32  
Абдурахмон ЖУРАЕВ . . . . . 49

## НИГОҲ

Муҳаббатнома . . . . . 33  
Иван БУНИН. Хотиралар . . . . . 34  
Оила сирлари. Қайдасан, Мавжу-  
да? . . . . . 41  
Бахтиёр ХОЛХУЖАЕВ . . . . . 44  
Абдул ЖАЛИЛ. Шеърлар . . . . . 46  
Денов ТОШАНОВ. Ҳийла. Ҳаж-  
вия . . . . . 48

## МАҚОЛАНАВИСЛИК

Низомиддин МАҲМУДОВ. Она тилим —  
дилдаги дардим маним . . . . . 2  
Мажид ҲАСАНИЙ. Ватан юрагидаги  
сувайдо . . . . . 26,74  
Урта Осиёнинг забт этилиши ҳақидаги та-  
рихий-солномавий маълумот . . . 26,76

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Илҳом ҲАСАН. Ҳақиқат турланмайди, тус-  
ланмайди . . . . . 50  
ТИЛ САНДИҒИ . . . . . 56